# Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў

ISSN 2181-7138

*№ 2/1 2021 жыл*

*Илимий-методикалық журнал*

**Редактор:**
*А. Тилегенов*

**Редколлегия ағзалары:**
Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Өсербай ӘЛЕЎОВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Батырбек КАИПБЕРГЕНОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Сарсен КАЗАХБАЕВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

**Шөлкемлестириўшилер:**
***Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў Министрлиги, ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы***

**Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жанындағы Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының 25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен 2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды №01-044-санлы гуўалық берилген.**
**Мәнзил: Нөкис қаласы,**
**Ерназар Алакөз көшеси №54**
**Тел.: 224-23-00**
**e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,**
**mugallim-pednauk@umail.uz**
**www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

***Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлыўматларға автор жуўапкер.***

# МАЗМУНЫ

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ


**Усаров Ж.Э., Расулов А.Н.** Иқтисодиёт билимини такомиллаштиришининг назарий асослари ... 4
**Усаров Ж.Э., Бобоходжаева Л.** Аралаш таълим шаклини кластер ёндашувлар асосида такомиллаштиришнинг ўзига жиҳатлари ... 10
**Тошов М.Ж.** Умумтаълим мактабларида маънавий ва маърифий тарбия ишларини мониторинг қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ... 13
**Эшнаев Н.Ж.** Суицид ва унинг ижтимоий-психологик омиллари ... 20
**Абдалова С.Р.** Таълим сифати: муаммолар, фикр ва мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар ... 24
**Тўрақулов Б.Н., Бахтиёров Р.М.** Мутахассисларни тайёрлашда касбий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари ... 29
**Рахманова М.Қ., Миржалилова Б. Б.** Касб таълими талабаларининг педагогик интеграция асосида ижтимоий мослаштириш омиллари ... 33
**Мусурманов Р.** Мактаб ва ота-оналар ҳамкорлиги дарс интизомига нисбатан ўқувчиларнинг ижобий муносабатлари гаровидир ... 38
**Мирзаева С.Р.** Талаба валеологик онгининг психологик ҳимоя механизмлари билан детерминантлашуви ... 42
**Мирзарахимова Г.** Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълимнинг ўрни ... 47
**Исламова М. Ш.** Касбий дунёқарашни шакллантириш асослари ... 50
**Жуманова Ф.У.** Бўлажак ўқитувчи – бўлажак тарбиячи ҳамдир ... 54
**Asadullaeva M. A.** Inklyuziv ta'limda musiqa terapiya ... 57
**Усаров Ж.Э., Абдусаматова Ш.С.** Талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияларни шакллантириш ... 60
**Abduxamidov S. M.** San'at asarlari vositasida badiiy-estetik tafakkurini rivojlantirishning art-terapiya usullari ... 64
**Ernazarova G.O.** Ta'lim muassasasining innovatsion faoliyatini joriy etish xususiyatlari ... 66
**Элмурзаева Н.Х.** Педагогические требования к организации образовательного процесса в специализированных государственных образовательных учреждениях ... 69
**Тошов М.Дж.** Развитие здоровьесберегающей компетенции специалистов профессионального образования ... 75
**Элмурзаева Н.Х., Суяров А.М.** Самообразование личности в процессе профессиональной подготовки студента ... 77


## ТИЛ ҲӘМ ӘДЕБИЯТ


**Эгамбердиева Ф.** Эссе жанридаги материалларда тил ва услуб масалалари ... 83
**Egamberdiyeva F.O.** Matn yaratish usullari ... 87
**Бурханов А.А., Абдужалилова М.М.** Лексические особенности просторечия русского языка ... 92


## МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ


**Қаюмов Ж. С.** Шашмақомга бахшида умр ... 96
**Юнусов О. Ғ.** Ўзбек ашулачилигига мос маҳаллий ва ижрочилик миллий услублар ... 99
**Лутфуллаев А.Қ.** Ёшлар тарбияси ва мусиқа санъати ... 103
**Юнусов О.Ғ.** Бўлажак мусиқа ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда Вокал фанининг аҳамияти ... 106
**Xalilova M. M., Isoqova G. A.** Musiqa madaniyati darslarida musiqa savodi faoliyati ... 108

## БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

**Қурбонова М.** Мустақил ишларни ташкил этиш асосида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган методлар ........ 112
**Sayfullayeva I.Q.** Nutqida kamchiligi bo'lgan bolalar nutqini rivojlantirishda art-texnologiyalarning o'rni ........ 116
**Raxmonov A.R.** Boshlang'ich sinf o'quvchilarini ijtimoiy pedagogik moslashuvchanligida ota-onalarning rolini oshirish masalasi ........ 119
**Абдужалилова Ш.** Бошланғич синф ўқувчиларини янги мафкуравий тарбиялаш омиллари ........ 122
**Йўлдошев О.А.** Бошланғич синфларда техноген цивилизациядан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари ........ 125
**Abduxamidov S.M.** Bolalar uchun art-terapiya usullarining imkoniyatlari ........ 129

## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУЎХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

**O'tayev A. Yo.**Talabalar siyosiy madaniyatini takomillantirish omillari ........ 132
**Qodirov I.D.** Tarix fanini o'qitish samaradorligini oshirishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish ........ 136
**O'tayev A.Y.** Alisher Navoiyning siyosiy qarashlari ........ 140
**Mahkamova Sh. R.** Insoniyat evolyutsiyasida musiqa san'atining tutgan o'rni ........ 144
**Юнусов О. Ғ.** Опера хонандалик санъатининг ривожланиш тарихидан ........ 148
**Равшанов Ж.Ф.** Формирование некоторых ключевых компетенций на уроках истории ........ 156



# ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

## ИҚТИСОДИЁТ БИЛИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

***Усаров Ж.Э.***

*Чирчиқ давлат педагогика институти “Педагогика” факультети декани, педагогика фанлари доктори*

***Расулов А.Н.***

*Чирчиқ давлат педагогика институти “Педагогика ва менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** иқтисодиёт тармоқлари, инновацион жараёнлар, молиялаштириш, интеграция, миллий иқтисодиёт, жаҳон иқтисодиёти, новаторлик, халқаро иқтисодий муносабат, жаҳон хўжалиги, инвестиция, капитал, ишлаб чиқариш, рақобат,цивилизация, индустриал, ЯИМ,ЯММ, модернизация, иқтисодий самарадорлик, мулк, хусусий мулк, давлат мулки.

**Ключевые слова:** секторы экономики, инновационные процессы, финансирование, интеграция, национальная экономика, мировая экономика, инновации, международные экономические отношения, мировая экономика, инвестиции, капитал, производство, конкуренция, цивилизация, промышленность, ВВП, ВВП, модернизация, экономическая эффективность, собственность, частная собственность, государственная собственность.

**Key words:** sectors of the economy, innovation processes, financing, integration, national economy, world economy, innovation, international economic relations, world economy, investment, capital, production, competition, civilization, industrial, GDP, GNP, modernization, economic efficiency, property, private property, state property.

Бугунги кунда давр талаби иқтисодиётнинг тармоқлари жамият тараққиётининг асосий босқичларидан бири шу маънода айтганда она ватанга содиқ ва садоқатли ёшларни тарбиялаш. Бутун бир Ўзбекистон ҳалқининг зиёли қатламининг онгу тафаккурида жўш уриб турган асосий муаммолардан биридир. Муҳтарам президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек иқтисодиётни ва маънавиятни билмасдан туриб биз ўлкан мақсадларга эриша олмаймиз деб куни кеча таъкидлаб ўтди. Шу маънодан олиб айтганда давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлашда иқтисодиётни тармоқлар кесимида кенгайтириш ва таълим тарбия жараёнини тубдан кучайтириш масаласини ўринли деб ҳисоблаймиз.

Жумладан янги таҳрирда қабул қилинган таълим тўғрисидаги қонунда белгиланган тартиб тамоилларга асосланган ҳолда иқтисодиёт билим асослари фанини

ўқитишда замонавий таълим бериш кластерини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда сўнгги йилларда олиб борилаётган ислоҳотлар орқали илм ва фан ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3416-сонли қарори билан мамлакатимизда инновацион жараёнларни бошқариш, молиялаштириш ва мувофиқлаштиришнинг янги бошқарув шакли ташкил этилди ҳамда вазирлик ҳузурида "Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси" тузилди. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августдаги "Илмий ва инновацион фаолиятни интеграциялаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ-3899-сон қарори билан вазирлик ҳузурида "Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамғармаси" ташкил этилди. Мазкур жамғармалар иқтисодиётнинг реал секторига бевосита жорий этилаётган инновацион ишланмаларни молиялаштириш ва рағбатиришни масаласида амалга оширилаётган ислоҳатларни бевосита тарихий ривожланиш босқичлари билан бевосита боғлиқ. Шу жумладан жаҳон иқтисодиётига кенг ва тор маъноларда таъриф бериш мумкин.

Кенг маънода жаҳон иқтисодиёти - бу миллий иқтисодиётлар йиғиндиси сифатидаги тизим ҳисобланса, тор маънода - бу миллий иқтисодиётнинг ташқи дунёга товарлар, хизматлар ва иқтисодий ресурслар етказиб берувчи қисмларинигина қамраб олувчи тизимдир. Жаҳон иқтисодиётига берилган тор маънодаги таъриф иқтисодий назариядаги сотиладиган маҳсулотлар ва омиллар тушунчасига мое келади. Амалиётда кенг маънодаги таъриф кўпроқ қўлланилганлиги боис ҳам кейинги матнларда ушбу тушунчадан фойдаланамиз. Шу билан бирга сотиладиган маҳсулотлар ва омилларга асосланган хўжалик алоқалари юзлаб миллий хўжаликларни "жаҳон иқтисоди ёш" деб, аталадиган бир тизимга бирлаштиришини эътиборга олиш лозим. Шунинг сабабдан ҳам жаҳон иқгисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар ўзаро боғликдир Жаҳон хўжалигининг вужудга келишидаги биринчи босқич XV-XVI асрларни ўз ичига олади.

халқаро меҳнат бозорида байналмилаллашув жараёнининг чуқурлашуви - 1870-1913 йиллар давомида Европани 36 млн. киши тарк этди ва уларнинг 23 қисми АҚШга кўчиб ўтди. Осиё ҳудудида эса хитой ва ҳинд эмигрантларининг сони Европа эмигрантларидан ҳам ошиб кетди;

халқаро кагаггаллар оқимининг кўпайишн - 1914 йилга келиб узок, муддатли хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 44 млрд. долларга етди ва ушбу жараёнда Буюк Британия, Франция ва Германия фаол иштирок этди. Халқаро капиталлар ҳаракатида умуман расмий чекловлар бўлмаган. Шунингдек қимматбаҳо қоғозлар бозорининг байналмилаллашуви хам юқори даражага етди. 1913 йилда Лондон фонд бозорларида сотилаётган қимматбаҳо қоғозларда хорижий қимматбаҳо коғозлар улуши 59% ни, Францияда эса ушбу кўрсаткич 1908 йилда ёқ 53% ни ташкил этди;

тўғридан-тўғри хорижий инвесгициялар таъсирида халқаро ишлаб чиқаришнинг ўсиши - 1914 йилга келиб тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар халқаро капитал ҳаракатининг асосини ташкил қилди. Бу даврда Буюк Британия тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг асосий экспортёри ҳисобланган. Жами тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 45% и Буюк Британия хиссасига, 20% и эса АҚШ хиссасига тўғри келган. Асосий импортёрлар АҚШ, Лотин Америкасининг ривожланаётган мамлакатлари, Хитой ва Европанинг ривожланган мамлакатлари ҳисобланди. 1914

йилга келиб тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг асосий оқими ривожланган мамлакатларга йўналтирилган эди.

Жаҳон хўжалигининг бу даври капитал ишлаб чиқариш соҳасида саноати ривожланган мамлакатларнинг ўзаро алоқалари ва мустамлакалари билан бўладиган иқтисодий муносабатлари, халқаро иқтисодий муносабатлар мажмуасини ташкил эта бошлади. Жаҳон хўжалигининг ривожланишдаги учинчи босқич 1 ва II жаҳон урушлари даврини ўз ичига олади. Ушбу давр жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг 1920 йилдан кейинги жадал ривожланишига қарамай халқаро молия тизимининг юқори даражада беқарорлиги, индустриал мамлакатлардан узоқ, муддатли капиталларнинг чиқиб кетиши билан ажралиб туради. Жаҳон иқтисодиётининг ривожланишидаги тўртинчи босқич иқтисодий ҳамкорлик ва меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида бирлаши тамойилларининг кучайиши; ташқи савдо сиёсатини эркинлаштириш; илмий-техник тараққиётнинг жадал ривожланиши; мустамлакачилик тизимининг парчаланиши.

1. Дунё мамлакатлари хўжалик ҳаётининг байналминаллаши жараёнининг чуқурлашуви. Жаҳон хўжалиги ривожланишининг дастлабки босқичларида товар ишлаб чиқариш устуворлик қилган бўлса, ҳозирги даврда жаҳон хўжалик алоқаларига биргина миллий ишлаб чиқариш натижаларигина жалб этилмасдан, ишлаб чиқариш омиллари ҳам жалб этилмокда. Замонавий жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперациялашувини интенсив ривожлантириш, технологияларни халқаро айирбошлаш, халқаро капитал ва ишчи кучи миграцияси жараёнлари такомиллашмокда.

2. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг эркинлашуви. Ушбу ҳолат миллий иқтисодиётнинг ташқи дунё учун очиқлигини билдиради.

Халқаро товарлар савдосида божхона божларини пасайтириш, хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун қулай инвестиция муҳитини яратиш, давлат ташки миграция сиёсатини янада эркинлаштириш каби устувор йўналишлар амалга оширилмокда.

3. Ҳудудий иқтисодий интеграциянинг кучайиши - миллий хўжаликларнинг халқаро меҳнат тақсимотига асосланган ҳолда иқтисодий жиҳатдан бирлашиш жараёнидир. Шуни таъкидлаш керакки, жаҳон иқгисодиётидаги худудий интеграция жараёнларнинг халқаро иқтисодий муносабатларга таъсири зиддиятлидир. Ушбу жараён, бир томондан,

худудий интеграция бирлашмалари фаолиятига ижобий таъсир этса, иккинчи томондан, учинчи дунё мамлакатлари билан бўладиган иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига тўсқинлиқ қилади. Натижада жаҳон хўжалигида регионлашиш, яъни минтақалашиш жараёни вужудга келди.

4. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг трансмиллийлашиши. XIX аср охири XX аср бошларида вужудга келган трансмиллийлашиш жараёни алоҳида мамлакатларга ёки бир неча мамлакатларга тегишли халқаро компаниялар фаолияти билан боғлиқ халқаро ишлаб чиқаришни юзага келтирди.

5. Жаҳон хўжалик алоқаларини давлатлараро тартибга солиш тизимининг барпо этилиши ва иқтисодий қоидаларнинг бир хиллашуви. Замонавий жаҳон иқтисодиётидаги тартиб-қоидалар халқаро валюта-кредит, савдо, ҳисоб-китоб муносабатларинигина қамраб олмай, балки халқаро айирбошлашда асосий битим бўлиб хизмат қилади. Дунё миқёсида ХВФ, Жаҳон банки, ЖСТнинг аҳамияти жуда катта.

6. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви. Ушбу жараён, бир томондан, жаҳон хўжалигининг юқорида қайд этиб ўтилган ривожланиш тамойилларини микдорий

жиҳатдан мужассамлаштирса, иккинчи томондан, жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган замонавий ривожланиш тамойилларини акс эттиради:

- дунёдаги барча мамлакатларни жаҳондаги хўжалик жараёнларига жалб этиш;
- ишчи кучи, технология, капитал, товарлар ва хизматларнинг глобал бозорларини барпо этиш;
- жаҳон хўжалик алоқаларининг (транспорт, ахборот, банк, алоқа ва бошқалар) глобал инфратузилмасини яратиш;
- мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш жараёнларида ялпи ички талабларга қараганда ташқи талабларнинг устунлиги
- миллий ҳукумат иқтисодий функцияларининг кўпроқ халкаро иқтисодий ташкилотларга вакиллигини топшириш;
- иқтисодий ривожланишнинг энг мақбул шакли, мамлакатларнинг тан олишича, бозор хўжалиги принципларидир;
- халқаро иқтисодий алоқалар билан хўжалик ҳаётининг қоидаларини универ саллаштиришни (ҳар томонлама) мукаммаллаштириш;
- халқаро рақобат ва халҳаро ҳамкорликнинг глобал хусусиятга эга
- эканлиш;
- жуда катта ишлаб чиқариш кучларига асосланган халқаро ишлаб чиқаришни юзага келтириш. У. Ростоу етукликка қараб ҳаракатланиш даврини (индустриал жамият) техник тараққиётнинг узоқ давом этадиган босқичи сифатида тавсифлайди: урбанизация жараёни чуқурлашади, малакали меҳнат улуши ошади, саноатдаги раҳбарлик малакали бошқарувчи менежерлар қўлида тўпланади. Бешинчи босқичда (юқори оммавий истеъмол) таклифдан талабга, ишлаб яиқаришдан товар ва хизматларни оммавий истеъмол этишга қараб силжиш рўй беради. У.Росггоу “Сиёсат ва ўсиш босқичлари” (1971) асарида иқтисодий ўсишнинг олтинчи босқичини ҳам кўрсатади.

Унга мувофиқ инсоннинг маънавий ривожланиши биринчи ўринга кўйилади ва ушбу босқич ҳаёт сифатига эришиш босқичи, деб аталади. Ягона индустриал ва янги индустриал жамият назариялари. Ягона индустриал жамият назарияси француз социологи Р.Арон номи билан боғлиқ бўлиб, турли мамлакатларда индустриаллашиш жараёни улар учун ягона индустриал жамиятнинг шаклланишига олиб келади, деган фикрга асосланади. Ушбу назарияга мувофиқ техник тараққиёт нафақат иктисодий қонунларнинг амалда қўлланилишини, балки қонунларнинг моҳиятини ҳам модификациялайди: мулкчиликнинг етакчилик роли бекор қилинади, иқтисодий ҳокимият йирик корпорациялар қўлига ўтади, давлатнинг ёрдами билан бойлик ва камбағаллик ўртасидаги фарқ йўқотилади.

Янги индустриал жамият назарияси америкалик иқтисодчи Дж. Гэлбрейт томонидан яратилган. БМТ ўз ҳужжатлари ва нашрларида Жаҳон банки ҳамда бошқа турли мезонларга асосланадиган таснифлардан кенг фойдаланади. БМТ дунё мамлакатларини уч гуруҳга - ривожлаланган мамлакатларга ажратади.

Биринчи гуруҳга Европанинг барча мамлакатлари, Шимолий Америка, Австралия, Янги Зеландия ва Япония киради. иккинчи гуруҳга Африка, Осиёнинг (Япониядан ташқари) барча мамлакатлари, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси ҳудуди мамлакатлари ҳамда Меланезия, Микронезия ва Полинезия киради.

БМТБош Ассамблеяси томонидан ривожланаётган мамлакатлар гуруҳи ичида

қолоқ мамлакатлар гуруҳи алоҳида ажратиб кўрсатилади. Дунё мамлакатларининг инсон тараққнёти даражаси бўйича БМТ Тараққиёт Дастури ҳар йили Инсон тараққиёш тўғрисида маъруза нашр этади ва унда дунё мамлакатлари ЮНЕСКО-нинг Статистика института томонидан махсус ишлаб чикдпган Инсон тараққиёти индекси асосида гуруҳларга ажратилади. Ушбу таснифга мувофиқ мамлакатлар инсон салоҳиятининг ривожланиш даражасига кўра юқори, ўрта ва паст кўрсатшчга зга мамлакатларга бўлинган. 2009 йилдан бошлаб эса мамлакатлар инсон салоҳиятининг ривожланиш даражасига кўра жуда юқори (42 та мамлакат), юқори (43 та мамлакат), ўрта (42 та мамлакат) ва паст (42 та мамлакат) кўрсаткичга эга мамлакатларга бўлинади ва ривожланишнинг бир неча тури шаклланган. Табиийки, ҳар бир миллий иқтисодиёт макро иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларига эга. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш модели тушунчасининг ягона таърифи йўқ. Иқтисодчилар унинг турли хил таърифларидан фойдаланишади, масалан, мамлакат модели, миллий модель, иктисодий модель ва ҳ.к. Мамлакатнинг иқтисодий модели тушунчаси иқтисодий ўсишнинг асосий ва барқарор макро иқтисодий кўрсаткичлари биланбоғлиқ. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини акс эттирувчи мураккаб кўрсаткичлар тизими ва улар ўртасидаги боғлиқлик миллий хўжаликнинг бир бутунлигини ифода этиб, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш моделини ташкил этади. Мамлакатларнинг тегишли иқтисодий ривожланиш моделини танлашлари куйидаги омилларга боғлиқ:

1. Мамлакатнинг географик ўрни. Аксарият мамлакатлар географик жойлашувига қараб иктисодий ривожланиш йўлини белгилаб олишган.

Масалан, Япония иқтисодиётининг экспортга йўналтирилганлиги мамлакатнинг қулай географик жойлашуви билан изоҳланади. Шу билан бирқаторда мамлакатда бой табиий ресурс захираларининг мавжуд эмаслиги туфайли асосий эътибор ички иқтисодий салоҳиятни оширишга қаратилган. Япония қаторига Хитой, Сингапур, Жанубий Корея, Тайвань, Вьетнам каби мамлакатларни киритиш мумкин.

2. Миллий маданият, анъаналар, дин, ҳаёт тарзи билан боғлиқ хусусиятлар. Одатда, Ғарб билан Шарқ қарашлари, фикрлари бир-бирига зид ёки қисман тўғри келмаслиги мумкин. Аслида бу кўринмас ҳолат бўлиб кўринсада, баъзи мамлакатлар учун миллий маданият ва анъаналар иқтисодий ривожланишда муҳим аҳамият касб этади.

3. Тарихий омиллар. Жаҳоннинг аксарият ривожланаётган мамлакатлари 1960 йилларда мустамлака тизимидан холос бўлиб, мустақил иқтисодий ривожланиш йўлига ўтдилар. Собиқ мустамлака мамлакатлар ва мустамлакачи мамлакатлар ўртасидаги тарихий шаклланган иқтисодий боғлиқ бу мамлакатларнинг тегишли иқтисодий ривожланиш моделини танлашларига бевосита таъсир кўрсатган. 4. Миллий менталитет. Ҳар бир миллатга хос миллий менталитетнинг шаклланганлиги дунё мамлакатлари иқтисодий ривожланиш моделлари хусусиятларини белгилаб беради.5.Ижтимоий-иқтисодий омиллар ва ҳ.к. Юқорида келтирилган омилларни ҳар бир мамлакат ўз имконият ва хоҳишлари асосида танлайди. Иқтисодий моделларнинг асосий мақсади мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш бўлиб, бир моделни иккинчи моделдан фарқлантирувчи элементлар ва боғлиқликлар мавжуд иқтисодиётнинг барқарқарор ривожланиши учун кенг кўламли ишларни амалга ошириш масаласида мухтарам Ўзбекистон республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг сайи ҳаракатлари билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳатлар натижали ва самарали марраларни амалга оширилишида асос бўлиб қўланиладиган 2020-йил 29-декабрда мурожаатномага тўлиқ акс этганлигини кўрсатиб ўтиш ўринлидир.2021

йил номида белгиланган соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қуйидаги кенг кўламли ишларни амалга оширишимиз лозим. Биринчидан, бола дунёга келганидан бошлаб, унда айнан мактабгача бўлган ёшда ақлий фаоллик ошади, ахлоқий-эстетик ва жисмоний хислатлар шаклланади. Шу боис ҳам келгуси йилларда мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги стратегик мақсадимиз – боғча ёшидаги ҳар бир болани ушбу таълим йўналиши билан тўлиқ қамраб олиш учун зарур шароитларни яратишдан иборат.Келгуси йил якуни билан мактабгача таълим қамровини 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказишимиз керак. Бу ишларга бюджетдан 600 миллиард сўм субсидия бериш ҳисобидан қўшимча равишда 2 мингта нодавлат боғча ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилади.Шунингдек, 2021 йилда мактабга тайёрлашнинг бепул тизими билан 560 минг нафар 6 ёшли болалар ёки уларнинг 82 фоизи қамраб олинади. Узоқ қишлоқларда мактабгача таълимнинг муқобил шакллари янада кенгайтирилади. Бунда ЮНИСЕФ ҳамда Жаҳон банки билан ҳамкорликда имконияти чекланган болалар учун мактабгача таълимни уйда бериш модели ҳам йўлга қўйилади.Иккинчидан, мактаб таълимини тубдан яхшилаш ва унинг сифатини ошириш, муаллимларга муносиб шароит яратиш борасидаги ислоҳотлар жадал давом эттирилади. Келгуси йили 30 та янги мактаб қуриш, 320 та мактабни таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2 триллион сўм ажратилади.Соҳада ягона “электрон таълим” тизимини жорий этишга келгуси 2 йилда 250 миллиард сўм йўналтирилади. Таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, аввало, ўқув дастурлари, ўқитувчи ва домлалар учун методик қўлланмаларни илғор халқаро мезонларга мослаштириш лозим.Таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уларга сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш зарур. Бунинг учун четка ҳудудларда сўнгги 4 йилда иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларига бозор механизмларини жорий этиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Эндиги вазифа – чуқур таркибий ислоҳотлар орқали узоқ муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратишдан иборат. Келгуси йил 1 мартдан бошлаб аҳолининг минимал истеъмол ҳаражатлари миқдори эълон қилинади. Шу мақсадда келгуси йили маҳаллаларда аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш бўйича мингдан зиёд марказлар ташкил этилади. Бунда касб-ҳунарга ўқитилган ҳар бир шахс учун ўқув марказларига 1 миллион сўмгача субсидия берилиб, бунинг учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади. Ўқув курсларини тамомлаб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларга асбоб-ускуна харид қилиш учун 7 миллион сўмгача субсидиялар берилади. Шунингдек, ҳар бир туманнинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, деҳқончилик билан шуғулланадиган оилаларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратилади. Эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлашга Бандликка кўмаклашиш ҳамда Жамоат ишлари жамғармаларидан 500 миллиард сўм йўналтирилади.

## Адабиётлар:

1. In M.Lewis& J.M. Haviland (Eds.). Handbook of emotions (2nd ed.). – N.Y.: Guilford, 2000. – P. 504 – 520

2. А.Ўлмасов, А.Ваҳобов - «Иқтисодиёт назарияси» дарслик, Т. «Шарқ» 2006 йил.

3. Н.Бекнозов - «Иқтисодиёт назарияси» дарслик, ТДЮИ,2005 й.

4. Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Рофуров - «Иқтисодиёт назарияси» Т. «Фан ва технология» 2005 йил.

5. Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Рофуров - «Иқтисодиёт назарияси» Барча йўналишдаги бакалавриат талабалари учун. Маъруза матнлари. Т. 2007 йил.

6. Абдуллаев. Бозор иқтисодиёти асослари. Тошкент, “Меҳнат”,1997

РЕЗЮМЕ

Мақола иқтисодиёт билим асослари методикаси тушунчасига изоҳ берилган. Шунингдек, ушбу методикани такоминлаштириш орқали мактаб ўқувчиларининг таълимни ўзлаштиришига шарт-шароитлари масалалари муҳокама этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье разъясняется концепция методологии баз знаний экономики. Обсуждались также вопросы условий получения школьниками образования путем совершенствования данной методики.

SUMMARY

The article explains the concept of the methodology of knowledge bases of economics. The issues of conditions for school students to master education through the improvement of this methodology were also discussed.

# АРАЛАШ ТАЪЛИМ ШАКЛИНИ КЛАСТЕР ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ЖИҲАТЛАРИ

***Усаров Ж.Э.***

*п.ф.д.,ТВЧДПИ ўқитувчиси*

***Бобоходжаева Л.***

*п.ф.д.,доц.,ТВЧДПИ тадқиқотчиси*

**Таянч сўзлар:** таълим, масофавий таълим, касбий сифатлар, битирувчи талаблари, уйғунлашган таълим.

**Ключевые слов:** образование, дистанционное обучение, профессиональные качества, требования к выпускникам, комбинированное образование.

**Key words:** education, distance learning, professional qualities, graduate requirements, combined education.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларида давлат таълим стандартлари - давлат томонидан таълимнинг мазмуни ва сифатига нисбатан белгиланадиган талаблар мажмуи сифатида;давлат таълим талаблари эса - таълимнинг тузилмасига, мазмунига ва уни амалга ошириш шарт-шароитларига, шунингдек таълим олувчиларнинг жисмоний, шахсий, интеллектуал, илмий ҳамда касбий сифатларига қўйиладиган мажбурий талабларни белгилаб беради.Демак, умумий ўрта ва олий таълим муассасалари битирувчиларига қўйилган талаблар илмий ҳамда касбий сифатларига қўйилаётган талаблар билан фарқланади, дейиш мумкин. Лекин, “инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олиши”таълим соҳасидаги асосий принциплардан бири ҳисобланади ва бу принцип барча таълим олувчилар учун бирдай алоқадор. Шунингдек, мазкур қарорда шахснинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш юзасидан таълим ташкилотларида инновацион фаолиятни қўллаб-кувватлаш ва ўқув дастурларини инновацион технологияларни қўллаган ҳолда амалга ошириш кўрсатиб ўтилган[1]. Инновацион технологиялар сифатида бугунги глобаллашув даврида инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ўқув фаолияти давомида тобора кўпроқ ахборот- коммуникация технологиялари намён бўлмоқда. Бу жараён айниқса пандемия шароитида таълим тизимида янада муҳимроқ аҳмият касб этмоқда, сабаби таълим - бу ахборот-коммуникация технологиялари сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган соҳалардан ҳисобланади. Бу эса, таълим олишга ўрганиш сифатини ошириш учун янгилик ва янги ёндашувларга эҳтиёж борлигини билдиради.Анъанавий таълим тизими, ўқитиш методикалари юзасидан етарлича тадқиқотлар олиб борилган ҳамда улар муттасил равишда, жамият тараққиётига уйғун ҳолда ривожла-

ниб бормоқда. Масофавий таълим жараёни эса, Республикамизда оммавийлашмаган, қисман қўлланилиб келинган бўлиб, унинг жорий этилиш механизми борасида амалга ошириладиган ишлар талайгина. Масофавий таълим жараёнининг муҳим омиллардан бири ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб, унда таълим олувчиларга исталган жойда ва исталган вақтда билим олишлари учун турли усул ва технологиялардан фойдаланиш имконияти яратилади. Бу айни пайтда ҳудудларгаахборот узатишдаги қийинчиликлар, интернет тармоғининг талаб даражасида эмаслиги ҳам бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Дастлаб масофадан ўқитиш телевизор, радио, видео ленталар, хатлар ва СД-РОМлардан фойдаланган ҳолда олиб борилган бўлса, кейинчалик масофавий таълимнинг янги - электрон қурилмалардан фойдаланиш модели юзага келди. Кларк ва Майерларнинг фикрига кўра, электрон таълим бу интернет ёки шунчаки компютер ёрдамида амалга ошириладиган ўқув фаолиятидир[4]. Аммо электрон таълимнинг бошқа «ресурслар ва хизматларга осонроқ кириш шунингдек, масофадан туриб алмашиш ва ҳамкорлик орқали таълим сифатини ошириш учун янги мултимедиа технологиялари ва интернетдан фойдаланишдир», деган таърифлар ҳам мавжуд.

Электрон таълим ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар учун қулай ўқув муҳитини яратиши билан бирга унинг маълум камчиликлари ҳам мавжуд. Масалан, электрон таълим тизимларида самарали ижтимоийлашув жараёнини таъминлаш етарлича қийинчилик туғдиради. Электрон таълимдан фарқли ўлароқ, машғулотларни анъанавий, юзма-юз тарзда олиб бориш ҳали ҳам ўқувчилар учун кулай ижтимоийлашув муҳитини яратиш учун энг яхши модел ҳисобланади. Электрон таълимнинг заиф томонлари анъанавий таълим тизимларининг афзалликларини ўз ичига оладиган янада самарали таълим ёндашувлари:таълим истеъмолчиларининг маълумотлар базаси имкониятларини ошириш, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилишининг оммалашуви,ўқитишнинг замонавийлашуви каби жиҳатлар тадқиқ қилина бошлади. Мазкур таълим тадқиқотларида кўплаб инновацион услублар ва ёндашувлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилган. Буларга Блум - фикрлаш жараёнлари иерархияси, Келлернинг индивидуллаштирилган таълим тизими назарияларини қўллаш, Гагненинг восита ва фикрлаш қобилиятларининг иерархик тузилиши ҳақидаги, Мерриллнинг компонентларни хариталаш назарияси, Кларк ва Геринниг мултимедиа ўқитишнинг асосий тамойилларини мисол тариқасида келтириш мукин.

Шундай қилиб, анъанавий ва масофавий таълим шаклларининг интеграцияси доирасида илғор технологиялар асносида қўллаб-кувватланадиган, самарали ва қулай ўқитиш усуллари ёки услубларини топиш керак бўлади. Шу ўринда анъанавий ва масофавий таълим шаклларини «аралаш» таълим шакли ёки «уйғунлашган» таълим шакли сифатида аташ ўринли бўларди. Бир қатор адабиётларда аралаш таълимнинг методлари ва технологияларининг ҳар хил турларини ўз ичига олган ёндашув эканлиги,аралаш таълим модели турли хил ёндашувларга эга бўлган икки ёки ундан ортиқ технологияларни ўз ичига олиши мумкинлиги, аммо бугунги кунда бу асосан анъанавий ва масофавий машғулотлар комбинацияси билан боғлиқлиги хусусида фикр юритилган.

Уйғунлашган ёндашув ўқувчилар онлайн таълим технологияларидан фойдаланишлари ва ўқитувчилар ёки бошқа ўқувчилар билан ўзаро алоқада бўлишлари учун самарали ўқув муҳитини таъминлашга, талабаларнинг билим даражасини ошириши ва ўқитиш вақтини оптималлаштиришга олиб келади.Аралаш таълимҳамкорликнинг дастурий таъминоти, веб-га асосланган турли хил етказиб бериш усулларини бирлаштирган ечим сифатида намоён бўлади.Ўқитишнинг турли услублари ва

технологияларининг комбинациясидан фойдаланган ҳолда, аралаш таълим талабаларнинг илмий компетентлигини таъминлаш баробарида:

Таълимнинг уйғунлашган шакли умумий таълим харажатларини камайтириши;

Турли хил таълим технологияларидан фойдаланиш талабалар эътиборини курс мавзусига кўпроқ жалб қилиши;

Маъруза, семинар, амалий машғулотлар ва бошқа таълим усулларининг комбинациясидан фойдаланган ҳолда, ўқувчилар истаган жойларидан ўзлари истаган вақтда билим олиш каби бир қатор қулайликларга эга бўлишади. Шунингдек, интерфаол тадбирлар, яъни барча ўқувчилар бир вақтнинг ўзида иштирок этадиган синхрон ўқув фаолиятини, таълим олувчининг индивидуал, ўз темпида ва мустақил равишда амалга ошириладиган ўқув тажрибаси, ҳамкорликда талабалар бошқалар билан алоқаси(электрон почта, форум ва онлайн суҳбат), уларнинг билимини баҳолаш, ўқув материалларини сақлаш ва узатишни яхшилаш каби жиҳатларини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Аралаш таълимнинг яна бир муҳим жиҳати бу- ҳодиса ва жараёнларнинг жонли, синхронлаштирилган шаклидир. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги жонли алоқани ҳеч қандай технология ўрнини боса олмайди ва Жон Келлер назариясига кўра[5], жонли воқелик талабалар ўқув мотиви моделида тўртта элементга эътибор қаратади: диққат, долзарблик, ишонч ва қониқиш.

Диққат. Талабанинг диққатини тортиш учун турли хил техник восита ва усуллардан фойдаланилади ва бу талабанинг ўқув жараёнига жалб қилишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Чунки, ўрганишни уларнинг ўзига хос ҳолатларига мос келади, деб ҳисобласалар, диққат ва эътиборни жамлайдилар.

Долзарблик. Мавзунинг долзарблигини кўрсатиш учун виртуал ўқитувчи ўқувчиларга масалага доир ҳаётий маълумотлардан қандай фойдаланиши мумкинлиги ҳақида мисоллар ёки ўхшашликлардан фойдаланиши зарур бўлади.

Ишонч. Ўқувчилар фаол бўлишлари учун улар ўқув материалини ўзлаштира олиши ва қобилиятларига ишонишлари керак. Ўқувчиларда ўзига бўлган ишончни ошириш учун тажрибали виртуал ўқитувчи мавзу бўйича талаблар, зарурий компетенцияларни аниқлаб, ўқувчиларга янги кўникмаларини амалда қўллаш учун етарлича вақт беради. Бунда талабалар фаоллиги уларнинг натижалари ва ўқув тажрибаларидан мамнун бўлишларига боғлиқ эканлигини ҳамда улар олган билим, кўникма,малака ва компетенцияларини қўллаш мумкин бўлган амалий топшириқлар тақдим этилиши мумкин.

Шу ўринда ҳам анъанавий ҳам масофавий ҳам уйғунлашган таълим шакли учун яна бир муҳим жиҳатни таъкидлаб штиш жоиз, бу таълимнинг назарий қисмидир. Бугун дунё таълими амалий устуворлик бериш тамойилига таянмоқда. Амалиётга йўналтириш деганда таълим назариясидан вос кечишни тушунмаслик керак, Назариясиз амалиёт йўқ, амалиёт ҳеч қачон муаллақ ҳолда ривожланмайди. Бу тамойилнибиринчи босқич талабаларнинг онг остига жойланиши керак. Улар қачонки назарий тушунчалар ва амалий кўникмаларнимувофиқлаштириш кўникмасига яъни, мустақил таълим олиш компетенциясига эга бўлсаларгина таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг мақсадлари кесишади. Бу мақсадга эришиш учун таълимнинг қандай шаклда амалга оширилишида фарқ деярли бўлмайди ва бу аралаш таълим шаклининг кафолати ҳисобланади.

Уйғунлашган таълим шаклида мустақил таълим алоҳида устуворлик касб этади. Ганнинг назариясига кўра, талаба мураккаб (ақлий ёки моторик) кўникмаларни эгаллаш учун уни ташкил этувчи барча бошланғич кўникмаларни бажариши керак. Масалан, мултимедиа принципига кўра, матнга графикалар қўшиш, матнни графикалар ёнига қўйиш, товуш билан графикани тушунтириш ўрганиши керак бўлади. Айниқса тала-

балар билан конструктив ҳамкорлик ўзаро ижтимоий алоқалари орқали янги тушунча ва билимларни ривожлантиради. Бундан ташқари, «дедукция талабаларга улкан фойда келтиради, чунки гуруҳ мазмунли ўрганиш ва муаммоларни ечишни ёлғиз ўзи қила оладиган даражадан яхшироқ бериши мумкин», деб таъкидлайди.

Уйғунлашган таълимнинг муҳим таркибий қисмларидан бири бу-баҳолашдир. Бенжамин Блум назарияси (1956)га кўра, когнитив таълим даражаси: билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш ва синтез билан белгиланади[2]. Шунингдек, аралаш таълимнинг сўнги омили сифатида қўллаб-қувватловчи (видеолар, мақолалар, электрон китоблар, блоглар, форумлар) ва бир-бирини тўлдирувчи материалларни келтириш мумкин. Бунда талабаларда ўрганилаётган контекстни тушуниши, материални тўғри танлаш ҳамда ахборот билан ишлаш компетенциясини шакллантириш керак бўлади.

Ҳозирги кунда таълимнинг кўплаб назариялари мавжуд ва уларнинг ҳеч бирини таълимнинг барча муаммоларини тубдан ҳал қиладиган, муҳим деб қабул қилиниши мумкин эмас. Аралаш ўрганиш, эҳтимол жамиятдаги ўзгаришлар, технологик тараққиёт ва таълимнинг глобал манзарасини ҳисобга олган ҳолда, таълим беришнинг барча ёндашувлардан устунлик қилиши ва сақланиб қолиши мумкин бўлган усуллардан биридир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги Қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон).

2. Bloom, B. S. (ed.) (1956). Taxonomy of Educational Objectives: The Classification of Educational Goals. Handbook I: Cognitive Domain. New York: Longmans, Green.

3. Brown, B. L. (1998). Distance Education and Web-Based Training. ERIC Clearinghouse on Adult, Career, and Vocational Education, Center on Education and Training for Employment, The Ohio State University. Retrieved from http://ericacve.org/mp_brown_02.asp Clark, R. C. (2002, August).

4. The New ISD: Applying Cognitive Strategies to Instructional Design. ISPI Performance Improvement Journal, 41(7). Retrieved from http://www.clarktraining.com/CogStrat.pdf.

5. Keller, J. M. (1987). Development and use of the ARCS Model of instructional design. Journal of Instructional Development, 10(3), 2-10.

РЕЗЮМЕ

Мақолада таълим муассасалари битирувчиларига, касбий сифатларига қўйилаётган талаблар, уларнинг бутун ҳаёти давомида таълим олишининг асосий принциплари шунингдек, шахснинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш юзасидан аралаш таълим фаолиятни қўллаб-қувватлаш юзасидан фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются требования к выпускникам образовательных учреждений, их профессиональные качества, основные принципы их непрерывного обучения, а также поддержка смешанной образовательной деятельности для обеспечения права на образование.

SUMMARY

The article discusses the requirements for graduates of educational institutions, their professional qualities, the basic principles of their lifelong learning, as well as the support of mixed educational activities to ensure the right to education.

# УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МАЪНАВИЙ ВА МАЪРИФИЙ ТАРБИЯ ИШЛАРИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

***Тошов М.Ж.***

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** умумтаълим мактабларида, маънавий ва маърифий тарбия ишлар, мониторинг, электрон мониторинг тизими, узлуксиз кузатиб бориш, ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар.

**Ключевые слова:** в общеобразовательных школах, духовно-воспитательная работа, мониторинг, электронная система мониторинга, непрерывный мониторинг, учителя, ученики, родители.

**Key words:** in secondary schools, spiritual and educational work, monitoring, electronic monitoring system, continuous monitoring, teachers, students, parents.

Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этиш шахсни ҳар томонлама тарбиялаш ва камол топтиришнинг устуворлиги таъминлаш имконии беради.

Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари режасининг устувор йўналишлари қуйидагича белгиланган:

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган аҳоли, айниқса ёшлар тарбияси билан боғлиқ вазифаларни самарали амалга ошириш, уларни тинч-осойишта ҳаёт учун энг зарур таянч компетенциялар билан таъминлаш;

- маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш;
- тарбия жараёнида узлуксизлик, узвийлик тамойилларига таянган ҳолда аввало, онанинг ҳомиладорлик даврини тўғри ташкил этиш, гўдаклар ва болаларни маънавий тарбиялаш бўйича асосий йўналишларни белгилаш;
- ёшларда Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби муҳим фазилатларни болаликдан бошлаб босқичма-босқич шакллантириш;
- ҳомиладорлик давридан бошлаб 30 ёшгача давом этадиган узлуксиз маънавий тарбияни амалга оширишда ота-она, тарбиячи, ўқитувчи, узлуксиз таълим муассасалари ва маҳалла жамоатчилигининг ўзаро самарали ҳамкорлиги механизмини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш;
- аҳолининг фарзанд тарбияси бўйича билимларини, педагогик маданиятини ошириш, фуқароларни узлуксиз маънавий тарбиянинг жаҳон тажрибасида синовдан ўтган самарали педагогик технологиялари, усуллари ва амалга ошириш шакллари билан мунтазам таништириб бориш;
- оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатилаётган ғаразли ахборотлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, ёшларни залолатга бошловчи бузғунчи ғояларга қарши соғлом дунёқарашни шакллантириш;
- узлуксиз маънавий тарбияни ташкил этишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва хусусий секторнинг ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиш [1].

Умумтаълим мактабларида маънавий ва маърифий тарбия ишларини электрон мониторинг тизимини жорий мақсадга мувофиқдир. Мониторинг -атроф-муҳит ва жамиятда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларни узлуксиз кузатиб бориш тизими бўлиб, унинг натижалари одамлар ва иқтисодий объектлар хавфсизлигини таъминлаш учун бошқарув қарорларини асослашга хизмат қилади [4]. Мониторинг тизими доирасида объект баҳоланади, назорат қилинади ва объектнинг ҳолати маълум омиллар таъсирига қараб бошқарилади.

Автоматик мониторинг давомида назорат ҳаракатларини белгиловчи ҳодисаларни аниқлаш учун объектнинг ҳолати ва ташқи шароитлари ҳақидаги маълумотлар олинади ва қайта ишланади. Воқеа ҳар қандай юқори сифатли натижа бўлиши мумкин: ўлчамлари рухсат лимитлар чексиз билан бир қисми кўриниши, қисқа туташув, белгиланган қиймати чексиз ҳарорат, бир ускуналар ҳодиса, ва бошқалар. Автоматик бошқариш жараёни икки асосий босқичдан иборат: 1) объект ҳолати ва ташқи шароит ҳақидаги ахборотни идрок қилиш ва уни кейинги қайта ишлаш учун қулай бўлган шаклга ўтказиш; 2) кирувчи ахборотларда бошқарилувчи ҳодиса белгиларини аниқлаш ва у ҳақида сигнал ҳосил қилиш.

Назорат қилинадиган қийматларнинг рухсат этилган чегаралардан четга чиқиши инсон томонидан аниқланганда ёки автоматик бошқариш компьютерга берилганда, ўлчаш конверциясини бажариш керак. Сигнализация қурилмалари энг оддий ҳодисаларни автоматик кузатиш учун ишлатилади.

Автоматик назоратнинг бир қисми сифатида марказий қурилмада мониторинг жараёни параметрлари натижаларини тақдим этган ҳолда марказлаштирилган назоратни ташкил етиш мумкин. Таниқли ва жуда оддий жараённи бошқариш алгоритми билан марказлаштирилган бошқарув назорат қилиш қурилмаси орқали ёпилади ва марказлаштирилган бошқарув тизимини ҳосил қилади. Агар жараён нисбатан секин бўлса ёки назорат қилинадиган жараён мураккаб бўлса ва бошқарилиши керак бўлган қонунлар ҳали шакллантирилмаган бўлса ёки барча ҳал қилувчи омилларнинг ҳисобини автоматлаштириш қийин бўлса-назорат инсон иштирокида амалга оширилади. Инсон иштирокисиз марказлаштирилган бошқарув ҳолатида операторга маълумот тақдим этиш кўрсаткичи ўз қийматини йўқотади ва марказлаштирилган назоратнинг асосий вазифаси назорат қурилмаси учун сигналларни ҳосил қилиш бўлади [4].

Методик нуқтаи назардан дастур мониторингнингмақсади сабабларни аниқламасдан давом этаётган ҳаракатлар таъсирини аниқлаш ёки ўлчашсифатида баҳолаш тартиби кўриб чиқиш мумкин. Баҳолашни интизом сифатида ривожлантиришда тўлқинлар тушунчаси контекстида мониторинг баҳолаш ривожланишининг “учинчи тўлқини”га хос асосий элемент деб қараш мумкин. Мониторинг кўрсаткичлар ва натижаларга асосланган ички тартиб, шунингдек ахборот тўплаш ва ҳисобот бериш воситаси вазифасини бажаради [5].

Агар бирор дастурга олдиндан белгиланган ресурслардан фойдаланиб, чекланган вақт ичида маълум мақсадга эришишга қаратилган фаолият сифатида ёндашадиган бўлсак, дастур ишлаб чиқишнинг муҳим элементи уни амалга ошириш жараёнини режалаштираётганини унутмаслик керак. Дастурни амалга ошириш ресурсларни талаб қилади, уларни материаллар, одамлар, технологиялар ва бошқалар деб тушуниш мумкин. Ҳар бир дастур тўғри ишлаши учун олинган натижаларни кузатиш ва таҳлил қилишни талаб қилади. Дастур мониторинг дастури тараққиёт ва натижаларини кузатиш учун бир вазифадир.

Дастурни баҳолаш ва мониторинг қилиш каби тушунчаларни фарқлаш муҳимдир. Бу тушунчаларнинг моҳияти бир хил-дастурларнинг бориши ва натижаларини кузатиш ва қарор қабул қилувчиларга ахборот беришдир. Шу билан бирга, улар ўртасида ҳам фарқлар мавжуд бўлиб, улар мониторинг ёки баҳолаш орқали жавоб берилиши керак бўлган саволларда. Дастур мониторинги «нарсалар қандай кетмоқда?». Мавжуд вазиятни кузатиш ва долзарб ҳолатни олдинги ишлаб чиқилган режа билан таққослашга асосланади [5].

Мониторинг кўрсаткичлари турларива мониторинг тизимини қуриш элементлари бўйича маънавий ва маърифий тарбия ишларини лойиҳалаштириш мумкин (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал.

**Мониторинг кўрсаткичлари турлари ва мониторинг тизимини қуриш элементлари**

| № | Мониторинг кўрсаткичлари | Мониторинг кўрсаткичлари мазмуни | Мониторинг тизимини қуриш элементлари |
|---|---|---|---|
| 1 | Ресурслар мониторинги | истеъмол қилинадиган ресурслар миқдорини ўлчаш | ресурсдан фойдаланиш |
| 2 | Маҳсулот мониторинги | кўрсатиладиган хизматлар сонини ўлчаш | дастурни амалга ошириш жараёни |
| 3 | Monitoring натижалари | хизмат кўрсатиш дастурини амалга ошириш натижаларини ўлчаш | дастур натижалари |
| 4 | Ишлаш мониторинги | олинган маҳсулотлар ёки олинган натижалар ва сарфланган ресурсларни таққослаш | дастурнинг таъсири |

Касб -ҳунар мактабларида маънавий ва маърифий тарбия ишлари қуйидагича олиб борилади:

- маънавий ва маърифий тарбия ишлари режаси(йўл харитаси)ни ишлаб чиқиш;
- ўқув йили учун ишлаб чиқилган тадбирларнинг бажарилиши бўйича ҳисоботларни қабул қилиш;
- «Беш муҳим ташаббус» доирасида касб-ҳунар мактабларида ташкил этиладиган тўгараклар фаолиятини маънавий тарбиянинг самарали ва таъсирчан машғулот ва тадбирлари билан бойитиш;
- касб-ҳунар мактабларида мактабларида буюк маърифатпарвар сиймолар меросини тарғиб этишга қаратилган «Ўн икки ой - ўн икки аллома» китобхонлик ойликларини ўтказиш;
- аҳоли, педагоглар, жамоатчилик, болалар орасида узлуксиз маънавий тарбия тизими самарадорлигини ўрганиш, баҳолаш ва такомиллаштиришга қаратилган бир йилда икки марта ижтимоий сўровномалар ўтказиш;
- ўқувчиларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат, давлат рамзларига ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган янги ва таъсирчан шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;
- ўғил болаларда мардлик, шижоат, миллий ғурур, қатъият, тадбиркорлик, орият, қиз болаларда ибо, ҳаё, қаноат, меҳнатсеварлик каби маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга қаратилган тренинглар дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- қиз болаларда она Ватанга муҳаббат, миллий ғояга садоқат, меҳнатсеварлик, жонкуярлик, оилапарварлик, ибо, ҳаё, нафосат, дид-фаросат, қаноат, вафодорлик, меҳрибонлик, раҳмдиллик, камтарлик, зийраклик, меҳмондўстлик, болажонлик, муросалилик, орасталик, саранжомлик, хушмуомалалик, пазандалик каби малакаларни шакллантиришга қаратилган тренинглар дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- республикадаги малакали дизайнер ва модельерларни кенг жалб этган ҳолда

болалар, ўсмирлар, ёшлар учун миллий асосдаги замонавий кийимлар тарғиботига бағишланган ҳар фаслда «Янги мавсум либослари» республика кўрик-танлови ва кўргазмасини ташкил этиш;
- болаларда миллий мумтоз ижрога муҳаббат уйғотиш, уларга мос янги ашула ва рақслар яратишни рағбатлантириш учун «Мумтоз садолар», «Куйла ёшлигим», «Беғубор болалик», «Дилхирож» каби республика танловларига ўқувчиларни юбориш;
- ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъи назар барча таълим муассасалари, жумладан, таълим бошқа тилда олиб бориладиган мактабларда давлат тилига ҳурмат, миллий маънавий мерос ва қадриятларга қизиқишни рағбатлантириш учун етарли шарт-шароитлар яратиш, маънавий-маърифий тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотига ўқувчиларнинг маънавий фаоллиги ва ташаббускорлигини ривожлантириш;
- мактабдан ташқари таълим муассасалари, «Баркамол авлод» марказлари таркибидаги тўгараклар фаолиятига ўқувчилар иштирокини таъминлаш;
- ўқувчи ёшларни миллий ҳунармандчилик, замонавий касб-ҳунар сирларини ўрганишга рағбатлантириш, «Устоз - шогирд» анъаналарини тиклаш ҳаракатини амалга ошириш;
- «Ўзбекистон- менинг бахтим, менинг келажагим!» деб номланган 1 босқич ўқувчилари ўртасида иншолар танловини ўтказиш, энг яхши иншо намуналарини чоп этиш ва муаллифларини рағбатлантириш;
- ўқувчилар учун маънавий ибрат тимсоли бўлиб хизмат қиладиган тарихий ва замонавий қаҳрамонлар образлари акс этган театр ва кино асарларида иштирокини таъминлаш, ўқувчиларнинг бадиий адабиёт намуналарини яратиш;
- миллий ўйинлар, спорт мусобақалари мазмунини миллий тарбия руҳи билан бойитиш, унинг миллий ғурур, орият, ҳалоллик, мардлик, ирода каби фазилатлар асосида ўқувчиларни бирлаштириш шаклларини ишлаб чиқиш, миллий ва жамоавий спорт ўйинлари спартакиадаларини ташкил этиш;
- аждодларимизнинг бой маънавий меросини ахлоқий фазилатлар мажмуи бўлган миллий тарбия анъаналари, воситалари, шаклларини ўрганиш мақсадида мамлакатимиз ҳудудларига этнопедагогик экспедицияларни ташкил этиш;
- «Миллий тарбия ва замон» мавзусида ҳар йили бир марта республика илмий-методик конференциясига иштирокчиларни таъминлаш.

умумтаълим мактабларидамаънавий ва маърифий тарбия ишларини электрон мониторинг тизими мотивацион, когнитив, рефлексив-операционал ва натижадорликни баҳолаштаркибий қисмларида админстратор, ўқитувчи, ота-она ва ўқувчи учун ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Мотивацион қисммазмунида электрон дастурнинг мақсади маънавий ва маърифий тарбия ишларини мониторинг қилишдеб белгиланди ва ўз навбатида маънавий ва маърифий тарбия ишлар натижаларигакўрсата олишларига эришишдир.

Когнитив қисм мазмунида маънавий ва маърифий тарбия ишлар ташкилий, таҳлил ва ташхислаш, амалга ошириш ҳамда умумлаштириш ва оммалаштириш босқичларида амалга оширилиши инобатга олинган.

Рефлексив-операционал қисм мазмунида маънавий ва маърифий ишлар дастурлари, шакллари, методлари ва воситаларини ўз ичига олади.

Натижадорликни баҳолаш қисмикасб-ҳунар мактабларидамаънавий ва маърифий тарбия ишларнинг мажмуавий мезони ва кўрсаткичларини ўз ичига олади. Мезон (юнон. kriterion – мулоҳаза учун восита) – баҳолаш амалга оширилиши асосидаги белги, ниманидир аниқлаш ёки таснифлаш; баҳо ўлчови. Мезон, одатда, кўрсаткичлар орқали ифодаланади [3, 6].

Кўрсаткичлар – кузатувчилар қайд қилиши мумкин бўлган натижалар.Кўрсаткич белгилари: диагностик, ишончлилик, мажмуавийлик.

Баҳолаш фаол таълим жараёнини тузатиш ва бошқаришда катта аҳамиятга эга, чунки у таълим мақсадлари билан белгиланади ва ўз навбатида ўқув жараёнини тартибга солувчи вазифасини бажаради[2].Баҳолаш мезонлари - бу маънавий ва маърифий тарбия ишларни бошқаришнинг асосий механизми ҳисобланиб, баҳолашнинг асосий вазифаси - алоқани ўрнатиш, яъни олинган натижаларни кутилган натижалар билан таққослашдан иборатдир. Қайта алоқа, айниқса, кўникмаларни ривожлантиришда жуда муҳим, чунки у сизга бу ёки бошқа ҳаракатлар қанчалик аниқ бажарилганлигини аниқлашга ва керак бўлганда ўқув жараёнига тузатишлар киритишга имкон беради. Қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- баҳолаш битта воқеа эмас, балки давом этадиган жараён;
- баҳолаш тизими ўқувчиларга ўз маънавий ва маърифий тарбиясини турли йўллар билан намойиш этиш имкониятини беради;
- баҳолаш, ақлий қобилият ёки фактларни тўплаш эмас, такомиллаштириш воситаси бўлиб қолади;
- маънавий ва маърифий тарбия ишларга киритилган баҳолаш ўқитувчиларга ўқувчиларининг эҳтиёжлари тўғрисида кўпроқ маълумот олиш ва маънавий ва маърифий тарбия ишлар жараёнини такомиллаштириш учун ўқув жараёнини мослаштириш имконини беради;
- касб-ҳунар мактабларидамаънавий ва маърифий тарбия ишлар даражаларини аниқлаш имконияти яратилди.
- касб-ҳунар мактабларидамаънавий ва маърифий тарбия ишларини электрон мониторинг тизими админстратор, ўқитувчи, ота-она ва ўқувчи учун ишлаб чиқилиши мазкур тизимнинг назорат қилиш имконини беради. «Spiritual and enlightened upbringing» маънавий ва маърифий тарбия ишларини электрон мониторинг тизими - ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар, таълим муассасалари маъмуриятлари ҳамда таълимни бошқариш органлари вакиллари учун ягона электрон таълим муҳитини ишлаб чиқувчидир. Электрон дастур маҳсулоти – таълим муассасалари маънавий ва маърифий тарбия ишларининг электрон ҳужжат айланиш имкониятларини ва таълим жараёнининг барча иштирокчилари ўртасида ижтимоий тармоқ воситаларини бирлаштирадиган автоматлаштирилган таълим ахборот тизими. Фаолиятнинг муҳим йўналишлари:
- маънавий ва маърифий тарбия ишларини модернизация қилиш;
- таълим жараёнида ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) интеграцияси;
- «Ўқитувчи – ўқувчи – ота ёки она» интерактив коммуникациясини ривожлантириш;

- ахборот алмашинишнинг ягона муҳитини жорий этиш;
- мактаб экотизимини яратиш ва хизмат кўрсатиш;
- масофавий таълим учун имкониятларини яратиш (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал.

**«Spiritual and enlightened upbringing» маънавий ва маърифий тарбия ишларини электрон мониторинг тизими намунаси**

| № | Электрон дастур ойналари | Электрон дастур вазифалари |
|---|---|---|
| 1 | "Ўқитувчиларга" ойнаси | таълим муассасаси маънавий ва маърифий тарбия ишларининг харитаси: маъмурият ходимлари, алоқа учун маълумотлар, янгиликлар, ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар, эълонлар, фотогалерея ва форум |
| 2 | "Ота-оналарга" ойнаси | ўқувчининг маънавий ва маърифий тарбия ишларидаги иштироки, турли танловлар, танловларнинг жорий ва якуний ютуқлари кузатиб борилади |
| 3 | "Ўқувчиларга" ойнаси | танловлар жадвали, танлов талаблари, танлов муддати, танлов шарҳлари |
| 4 | "Давлат органларига" ойнаси | "Статистик маълумотларини тўплаш" рукни ишлаб чиқилади ва статистик ҳисоботлар йиғилади |

Хулоса қилиб айтганда, юқорида тавсия этилган«Spiritual and enlightened upbringing» маънавий ва маърифий тарбия ишларини электрон мониторинг тизимининг ишлаб чиқилиши, касб-ҳунар мактабларидақўлланиши, ота-оналар, ўқитувчилар, ўқувчилар иштироки, уларни маънавий ва маърифий тарбия муаммоларига жалб этиш, маънавий ва маърифий тарбия ишларда фаолликларининг ошишига олиб келди.

Маънавий ва маърифий тарбия ишлар соҳасида таълим муассасаси ва педагоглар фаолиятини таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг самарали йўлларини топиш имконини беради. Тарбиявий фаолиятга тегишли бўлган давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ тартибот идоралари, ўқувчиларнинг ўзини ўзи бошқариш тузилмаларини биргаликдаги фаолиятини кўрсатади. Ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари тадбирлардаги иштирокини таъминлаб беради.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги "Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1059-сон қарори.

2. Критерии оценивания для учебных задач. Электронный ресурс: https://sites.google.com/site/uzadacha/kriterii-ocenivania-dla-ucebnyh-zadac. Дата обращения: 01.08.2019.

3. Мамчур А.М. Гуманитаризация высшего образования курсантов вузов. – Саратов: СВИРХБЗ, 2011. – 496 с.

4. Мониторинг. Электрон ресурс: https://ru.wikipedia.org/wiki/Мониторинг. Дата обращения: 05.05.2020.

5. Мониторинг программ. Электрон ресурс: https://ru.wikipedia.org/wiki/Мониторингпрограмм. Дата обращения: 05.05.2020.

6. Полонский В.М. Словарь по образованию и педагогике. – М.: Энциклопедия, 2004. – 512 с.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада умумтаълим мактабларида маънавий ва маърифий тарбия ишларини мониторинг қилиш, мониторингнинг ўзига хос хусусиятлари, электрон мониторинг тизими, мониторинг қисмлари берилган. Электрон мониторинг – маънавий ва маърифий тарбия ишларини узлуксиз кузатиб бориш

тизими бўлиб, унинг натижалари ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналарнинг бошқарув қарорларини асослашга хизмат қилиши тавсия этилган. «Spiritual and enlightened upbringing» маънавий ва маърифий тарбия ишларини электрон мониторинг тизимининг ишлаб чиқилиши, касб-ҳунар мактабларидаа қўлланиши, ота-оналар, ўқитувчилар, ўқувчилар иштироки, уларни маънавий ва маърифий тарбия муаммоларига жалб этиш, маънавий ва маърифий тарбия ишларда фаолликларининг ошиши тўғрисида фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассказывается о мониторинге духовно-воспитательной работы в общеобразовательных школах, особенностях мониторинга, электронной системе мониторинга, частях мониторинга. Электронный мониторинг - это система непрерывного мониторинга духовно-воспитательной работы, результаты которой рекомендуется использовать в качестве основы для управленческих решений учителей, учащихся, родителей. «Spiritual and enlightened upbringing» заключение о развитии электронной системы мониторинга духовно-просветительского образования, применении ее в профессиональных учебных заведениях, участии родителей, учителей, учащихся, вовлечении их в проблемы духовно-просветительского образования, повышении их активности в духовно-воспитательной работе - комментарии отражены.

SUMMARY

The article describes the monitoring of spiritual and educational work in secondary schools, the features of monitoring, the electronic monitoring system, and parts of the monitoring. Electronic monitoring is a system of continuous monitoring of spiritual and educational work, the results of which are recommended to be used as a basis for managerial decisions of teachers, students, and parents. «Spiritual and enlightened upbringing» conclusion on the development of an electronic monitoring system for spiritual and educational education, its application in professional educational institutions, the participation of parents, teachers, students, their involvement in the problems of spiritual and educational education, increasing their activity in spiritual and educational work - comments reflected.

# СУИЦИД ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

***Эшнаев Н.Ж.***

*ТВЧДПИ Психология кафедраси доценти*

**Таянч сўзлар:** суицид, биологик, генетик, ўз-ўзини йўқ қилиш, зиддият, агрессия, космоэнергия, концерватив, ҳис-туйғу, мотивация.

**Ключевые слова:** суицид, биологический, генетический, самоуничтожение, конфликт, агрессия, космоэнергетика, консервативный, эмоциональный, мотивация.

**Keywords:** suicide, biological, genetic, self-destruction, conflict, aggression, cosmoenergy, conservative, emotional, motivation.

Ўз жонига қасд қилиш ҳаракати – бу бутун қутублар, алоҳида мамлакатлар, минтақа ва автономияларнинг таркибий тузималари, этник маданий, тарихий ва иқтисодий хусусиятлари асосида шаклланадиган барқарор қонуниятларга эга бўлган ижтимоий муаммодир.[3]

Кишилик тарихидан маълумки, инсонарни ўзини-ўзи йўқ қилиш билан боғлиқ жараёнларнинг сабаблари мураккаблиги ва кўп қирралиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу якунланган ўз жонига қасд қилишдан ташқари, ўлимга олиб келмайдиган уринишлар, ўз жонига қасд қилиш фикрлари, ниятлари ва режаларини ўз ичига олган умумлаштирилган тушунчадир.[10]Шунингдек, ушбу жараёнларни биологик, генетик ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар кесимида шартли равишда классификация қилиш мумкин.  Аксарият ҳолатларда кенг жамоат олдида ҳақорат қилиш ва шахсиятига тегиш, фавқулодда муаммоларнинг юз бериши, хиёнат ва ўта оғир вазиятга тушиб қолиш инсонларни суицид омилларини юзага келтирувчи сабаб сифатида соҳа мутахассислари томонидан кўрсатилади.

Тадқиқотчи Э.С.Шнейдман бу борада олиб борган тадқиқот натижаларига таяниб,ўз жонига қасд қилувчилар учун умумий бўлган қуйидаги хусусиятларни аниқлайди:

– Биринчидан, ўз жонига қасд қилувчининг биринчи мақсади – бу ечим топиш бўлиб, мавжуд муаммони бартараф этиш омили сифатида қараши;
– иккинчидан, ўз жонига қасд қилишнинг умумий рағбатлантирувчи омили – бу чидаб бўлмайдиган ақлий (руҳий) оғриқ ва ундан қутулишнинг йўли эканлиги;
– учинчидан, ўз жонига қасд қилиш туйғусини келтириб чиқарувчи омиллардан бири –бу ночорлик бўлиб, кучсизлик, умидсизлик ва тушкунлик ҳолатини доимий равишда бошдан кечираётганлиги;
– тўртинчидан, - ўз жонига қасд қилишга нисбатан кенг тарқалган омилларидан бири - бу ички руҳий муносабатлардаги бир-бирига қарама-қарши бўлган икки ҳиссиёт(севги ва нафрат) нинг бир вақтни ўзида муросасиз кескин кураш даври бўлиб, муаммони рационал ҳал этишда тажрибанинг етишмаслиги;
– бешинчидан, ўз жонига қасд қилишда кенг тарқалган ҳаракатларб у– нимадан ёки кимдандаир қочиш ва агрессиянинг ошиб кетганлигидадир. Аксарият инсонлар шу йўл билан муаммони ҳал қилиш ва англамаган ҳолда хаёлан ҳаётини тубдан ўзгартириш манбаси сифатида қарайди ҳамда унга интилади.
– олтинчидан, ўз жонига қасд қилишда кенг тарқалган умумий “қолипи” ёки “андозаси” мавжуд бўлиб – бу ҳаётдаги умумий хулқ-атвор услубига мувофиқ деган психопотологик қарашнинг юз беришидир.[23]

Шунингдек, тадқиқотчи И.В.Конончук ўз жонига қасд қилишнинг учта асосий функциясини ажратиб кўрсатган бўлиб, улар:

– биринчидан, мурожаатнинг ўзига хос тури яъни «ёрдамга чақириш»;
– иккинчидан, муаммони ҳал қилишдан қочиш, «чидаб бўлмас даражада қийин ҳаётий вазиятдан чиқиш»;
– учинчидан, жавоб бериш ҳиссий стрессни бартараф этиш усули сифатидир. [13]

Тадқиқотчи Г.Сейр томонидан олиб брилган илмий-назарий қарашлар Э.Шнейдман назриясига мазмунан яқин бўлиб, ўз жонига қасд қилиш ҳаракатларининг туйғуларини таҳлил қилиб, ўз жонига қасд қилишнинг тўртта асосий сабабини ажратиб кўрсатади:

– биринчидан, яккаланиш (инсонни ҳечким тушунмаслиги, ҳечким қизиқтирмасли ва ҳеч кимни қизиқтирмаслиги);
– иккинчидан, ночорлик (ҳаётни бошқара олмаслигингини ҳис қилиш, ҳамма нарса унга боғлиқ эмаслиги);
– учинчидан, умидсизлик (ўз келажагигини аниқ тасаввур эта олмаслик ва писсимистик кайфиятнинг доимий устунлги);
– тўртинчидан, ҳаётда ўз ўрнини топаолмаслик ҳиссининг мавжудлиги (ўзини ҳурмат қилмаслик, имкониятларига паст баҳо бериш, қобилиятсизлик ҳиссининг мавжудлиги, ўзидан нафратланиш).[2]

Алоҳида таъкидлаш мумкинки бугунги кунда кишилик жамиятида ўз-ўзини йўқ қилиш билан боғлиқ жараён ёш нисбатига кўра анча ёшариб бораётганлигини кўриш мумкин, яъни ўспирин - ёшлар ўртасида кўпайиб бораётганлиги сезилмоқда. Мавзуга доир адабиётларни таҳлил қилиб, биз инсонларниўзжонига қасдқилишиниўрганишда қуйидагича классификациялаш мақсадга мувофиқ деган илмий назарияни илгари сурмиз:

- Шахсийҳаётдагизиддият ва агрессиянинг ортиб бораётганлиги;
- ўз-ўзини жамиятдан изоляциялаш ва ёлғизлик ҳиссининг мавжудлиги;
- реал ҳаётдан узоқлашиши ва вертуал оламга қарамликнинг ортиб бориши;
- юқори эмоционал таъсирчанлик ва уни бошқараолмаслик;
- нутқ ҳамда ҳис - туйғуларнинг интроверт йўналганлиги ва уни ошкор этаолмаслик даражасини ортиб бориши;.
- жамият ва ён –атрофга ностандарт ёндашувнинг мавжудлиги ҳамда намоён этаолмаслик;
- миллий, этиник анъана ва оммавий маданият билан зиддиятларнинг мавжудлиги;
- “Табу” ва ундан чиқиб кетаолмаслик;
- Генетик касалликнинг авлодлараро ҳукм суриши яъни «ўз жонига қасд қилиш генларининг» мавжудлиги;
- концерватив диний эътиқодларнинг мавжудлиги ҳамда утопик қарашларнинг устунлиги;
- инсонга номаълум бўлган космоэнергиянинг мавжудлиги ва таъсири.

Тадқиқотчилар С.В.Бородин ва А.С.Михлин ўз жонига қасд қилишни илмий тадқиқ этиб, унинг асосий сабабларини қуйидагича классификациялайди:

Биринчидан, шахсий ва оилавий:

- оилавий низолар, оилавий инқироз ва ажралиш (ўспиринлар учун - ота-онанинг ажралиши);
- касаллик, яқинларнинг ўлими;
- ёлғизлик, муваффақиясиз севги;
- жинсий қобилиясизлик;
- ҳақорат қилиш, доимий алоқада бўладиган одамлар томонидан таҳқирланиши ва ҳ.к.

Иккинчидан, соғлиқни сақлаш ҳолати:

- руҳий касаллик;
- бадандаги касалликлар;
- хуниклик (деформациялар).

Учинчидан, Ижтимоий хатти-ҳаракат (хулқ-атвор)лар билан боғлиқ можаролар:

- жазо ёки шармандаликдан қўрқиш;
- иш ёки ўқиш билан боғлиқ зиддиятлар;
- моддий ва маиший қийинчиликлар ва ҳакозалар.[2]

Тадқиқотчи Э.Шнейдман томонидан олиб борилган илмий изланиш натижаларига таянган ҳолда, ўз жонига қасд қилиш сабаблари (ўз жонига қасд қилиш тўғрисидаги ёзувда ўзжонига қасд қилиш сабабларини баён қилиш) камдан-кам ҳолларда ўз жонига қасд қилишнинг ҳақиқий омиллари билан мос келади деган фаразни илгари сурган. Тадқиқотчи Э.Шнейдманнинг ушбу илмий фаразларига қўшилмаган ҳолда биз инсонни ўз-ўзини йўқ қилиш мотивациясини замонавий психологик илмий тадқиқот методларига таянган ҳолда объектив ва субъектив муаммоларнинг кесишган нуқтаси доирасида, шунингдек, инсон ҳатти-ҳаракатига боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган омилларни инобатгаолган ҳолда илмий тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлса бугунги кунда кишилик жамиятида суицид билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракат хулқ-атворлари, инсон фаоиятида кризисли психологик ҳолат ҳисобланиб, унинг ёшини борган сари кичиклашиб бораётганлиги барчани ташвишга соладиган ва чуқур ижтимоий психологик тадқиқотларни олиб боришни тақозо этади.

Адабиётлар:

1. Аванесов С.С. Философия суицида. Томск, 1998. 148 с.

2. Алимова М.А. Суицидальное поведение подростков: диагностика, профилактика, коррекция. Барнаул, 2014-100 с.

3. Амбрумова А.Г., Постовалова Л.И. Семейная диагностика и профилактика суицидального поведения // Проблемы профилактики и реабилитации в суицидологии. М., 1984. С. 62-77.

4. Балабанова Л.М. Судебная патопсихология. Донецк: Сталкер, 1998. 432 с.

5. Бердяев Н.А. О самоубийстве: психологический этюд. М.: Изд-во МГУ, 1992. 23 с.

6. Борисов И.В., Любов Е.Б. Диагностика и экзистенциальная психотерапия суицидального поведения [Электронный ресурс] // Медицинская психология в России: электронный научный журнал. 2013.№ 2 (19). URL: http://medpsy.ru (дата обращения: 15.12.2013).

7. Вассерман Д. Напрасная смерть: причины и профилактика самоубийств. М.: Смысл, 2005. 160 с.

8. Войцех В.Ф. Клиническая суицидология. М.: Миклош, 2008. 280 с.

9. Гроллман Э. Суицид: превенция, интервенция, поственция // Современная зарубежная психология. 2013. № 2. С. 79-89.

10. Змановская Е.В. Девиантология (Психология отклоняющегося поведения). М.: Издательский центр «Академия», 2004. 288

11. Ефремов В.С. Основы суицидологии. СПб.: Диалект, 2004. 480 с.

12. Психическое здоровье: новое понимание, новая надежда. Доклад ВОЗ о состоянии здравоохранения в мире. Женева, 2001. 243 с.

13. Кононччук, Н. В. О психологическом смысле суицидов / Н. В. Конончук // Психология экстремальных ситуаций. Хрестоматия / сост. К. Сельченок, А. Тарас. – Минск: АСТ; М.: ООО «Харвест», 2002. – С. 342

14. Роджерс К. Клиент-центрированная психотерапия: теория, современная практика и применение. М.: Эксмо, 2002. 512 с.

15. Сафуанов Ф.С. Психология криминальной агрессии. М.: Смысл, 2003.300 с.

16. Соловьев В.С. Духовные основы жизни. М.: Ламартис, 2009. 28 с.

17. Старшенбаум Г.В. Суицидология и кризисная психотерапия. М.: Когито-центр, 2005. 376 с.

18. Тихоненко В.А., Сафуанов Ф.С. Введение в суицидологию. Медицинская и судебная психология: курс лекций. М.: Генезис, 2004. С. 266-283.

19. Трунов Д.Г. Определение суицида: поиск критериев // Суицидология. 2016. Т. 7. № 1 (22). С. 64-67.

20. Фрейд З. Печаль и меланхолия. / В книге: Суицидология: прошлое и настоящее. М.: Когито-центр, 2013. С. 255-270.

21. Хиллмен Д. Самоубийство и душа. М.: Когито-центр, 2004. 272 с.

22. Хорни К. Наши внутренние конфликты. Конструктивная теория невроза. М.: Академический проект, 2008. 224 с.

23. Шнейдман Э.С. Душа самоубийцы [Текст] / Шнейдман Э. С. ; пер. с англ. О. Ю. Донец ; науч. ред. пер. А. Н. Моховиков. - М. : Смысл, 2001. -315 с.

24. Юнг К.Г. Проблемы души нашего времени. СПб.: Питер, 2017. 336 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада суицидал ҳолатнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари таҳлил этилган бўлиб, муаллиф томонидан ушуб масалага замон нуқтаи-назаридан, янги фактор ҳамда омиллар асосида ёндашиш лозимлиги келтирилган ва ёш пасайиб бораётганлигига эътибор қаратган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются социально-психологические аспекты суицида, автор подчеркивает необходимость подойти к этой проблеме с позиции времени, на основе новых факторов и факторов, обращает внимание на пожилой возраст.

SUMMARY

In the state analyzes social and psychological aspects of suits, the author emphasizes the neobhodymost podoyti k this problem with the position of time, on the basis of new factors and factors, obrashchaet vnimanie na pojiloy vozrast.

# ТАЪЛИМ СИФАТИ: МУАММОЛАР, ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАР, ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

***Абдалова С.Р.***

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат пелагогика институти*

*"Умумий педагогика кафедраси ўқитувчиси" п.ф.н.*

**Таянч сўзлар:** билим, кўникма, малака, педагогик технология, муаммоли ўқитиш, ислоҳот, ижтимоий, иқтисодий, фан-техника, ахборот технологиялар, таълим олувчи, услубий, ихтисослик, мустақиллик, ташаббускорлик, жавобгарлик, тадбиркорлик, танқидий фикрлаш ва бошқалар.

**Ключевые слова:** знания, навыки, уменые, педагогическая технология, проблемное обучение, реформа, социальный, экономический, научно-технический, информационная технология, обучающий, методик, специальность, независимость, инициативность, ответственность, предпреминательство, критическая мыщления и т.д.

**Key words:** knowledge, skills, competencies, pedagogical technology, problem-based learning, reform, social, economic, science and technology, information technology, learner, methodological, specialization, independence, initiative, responsibility, entrepreneurship, critical thinking and more.

Республикамизнинг ҳар томонлама тараққий этиши таълимнинг сифатига, ривожланишига ва мазмунан такомиллашиб боришига боғлиқ. Бугунги кунда таълимнинг сифатини ошириш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга инновацион технологияларнинг жорий этилаётгани таълим сифатини яхшилаб боришни тақозо этмоқда. Президентимизнинг 5 июнь 2018 йилдаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775 қарори бунинг яққол далилидир [1].

Бу қарорда бугунги кунда ОТМларида таълим сифатини оширишга, республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда ушбу муассасаларнинг фаол иштирокини таъминлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолинаётганлигига алоҳида урғу берилган. Улардан бири олий таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёни бугунги кун талабларига жавоб бермаяпганлигидир. Бу ва шунга ўхшаш муаммоларнинг асл сабаблари, бугунки кунда таълим тизимида фаолият кўрсатаётган айрим педагогларимиздаги замонавий билим бериш, педагогик маҳорат, компетентлик; уларнинг ўз фанини ҳаёт, турмуш, ишлаб чиқариш билан боғлаб, фан-техниканинг энг сўнги ютуқларидан, илғор хориж тажрибаларидан, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб таълим олувчиларга етказиш малакасининг; ижтимоий, услубий ва ихтисослик билимдонлигининг; билиш, тушунтира олиш, кузатувчанлик, нутқ, ташкилотчилик, тўғри муомала қила олиш, келажакни кўра билиш каби қобилиятларининг етишмаслигидадир.

Ҳозирги давр ўқув машғулотларини таълим олувчиларни мустақил ва эркин фикрлашга йўналтирадиган ўқитиш технологиялари ва интерфаол усуллларни жорий этиш асосида ташкил этиш, асосий эътиборни уларнинг мустақил таълим олиши билан боғлиқ механизмларни амалга оширишга қаратишни тақозо этмоқда.

Таълим сифатини ошириш, фан ва технологиянинг энг сўнги ютуқларини амалиётга жорий этиш асосида ижодкор, касб-ҳунарли, ижодий ва мустақил фикр юрита оладиган, ташаббускор ва тадбиркор, ўз жавобгарлигини ҳис этадиган ёшларни тайёрлаш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади. Бу ўз навбатида

таълим жараёнида замонавий таълим технологияларидан фойдаланишни тақозо этади. Уларни қўллаш, аввало, педагогик муносабатларни инсонпарварлаштиришни талаб этади. Чунки, уни амалга оширмай туриб қўлланган ҳар қандай технология кутилган натижани бермайди.

Бугун кунда ўқитишнинг анъанавий кўринишидан фарқ қиладиган замонавий технологияларни қўллаш, ўқитиш жараёнини ягона шаклга келтириш ва юқори самарадорликка эришишга имконият яратади. Шу боис ҳам илмий-техника тараққиётининг жадал суръатларда ривожланаётган ҳозирги даврда ўқитишнинг анъанавий техологиялари талаба шахсига йўналтирилган илғор технологиялар билан алмаштирилмоқда. Бундан кўзланган мақсад ҳар томонлама етук, жаҳон стандартлари даражаси талабларига жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлашдир. “Таълим тўғрисида”ги қонун [2] ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” [3]нинг асосий моҳият ва мазмуни ҳам ана шунга қаратилган.

Таълим сифатининг ошиб бориши ўқув машғулоти жараёнида фойдаланилаётган замонавий педагогик технологияларни турли йўналиш ва мақсадларда қўлланилаётганлигига боғлиқ. Педагогик технологиянинг асосий мақсади - пировард натижага эришиш йўлларини кетма-кет аниқлаш, натижада унга эришишдан иборат. Бу технология педагогик лойиҳалаштириш, таълим жараёнини ташкил қилиш ва албатта таълим олувчи ҳамда педагог учун қулай шарт-шароит яратиш орқали ҳамкорликда ишлашдир [4]. Унинг асосийларидан бири, бу шахсга йўналтирилган технологиядир. Мазкур технология таълим олувчи қобилияти ва тажрибасини юзага чиқаришга имкон беради, уни лойиҳалаштиришда уларнинг индивидуал ва ёш хусусиятлари, тайёргарлик даражаси ҳисобга олинади, у таълим олувчи шахсидаги мустақиллик, ташаббускорлик, жавобгарликни ҳис этиш, танқидий фикрлаш каби сифатларини тарбиялайди. Бунда уларнинг ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил ўқиш, ўзлигини намоён этиш, ўз амалий фаолиятида синаб кўриш, янги ғоя ва фикрларни билдириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун эркинлик бериш, таълим олувчининг ижодий, танқидий фикрлашини ривожлантириш учун шароит яратилади [5].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунки кунда технологиялар шунчалик кўпки, улардан фойдаланишда педагогларимиз турли қийинчиликларга учрамоқда ҳамда чалкашликларга йўл қўйишмоқда. Аслида мавжуд барча технологиялар асосида муаммоли вазият ва ҳолатларни ечиш масалалари ётибди. Масалан, айни бир мавзуни талабага етказиш ва сингдиришнинг ўзи бу муаммодир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда энг мақбул технология сифатида муаммоли ўқитиш технологиясидан ўқув машғулотларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Лойиҳалашни, модулларга ажратишни мазкур технология ичида амалга ошириш мумкин. Умуман олганда муаммоли ўқитиш технологияси бугунги кунда битирувчиларимиз учун талаб этилаётган мустақиллик, ижодкорлик, ташаббускорлик ҳамда энг асосийси тадбиркорлик каби сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришда муҳим ҳисобланади.

Мазкур технологиядан ўқув машғулотларини ташкил этишда фойдаланиш яхши натижалар беради. Бунда педагог аввало, муаммоли вазият яратади, муаммоли саволлар, масалалар ва топшириқларни ишлаб чиқади. Таълим олувчилар ўз билим ва тажрибаларига асосланиб муаммоли вазиятни ечиш йўлларини излайди, топади, умумлаштиради ва оқилона хулосаларни чиқаради. Бу уларнинг билимга қизиқишларини ошириш билан бирга, уларда фикрлаш қобилиятини ҳам ривожлантиради.

Ўқув машғулоти мавзусини мазкур технология ёрдамида ўтиш муаммоли тузилган маъруза услуби орқали билим бериш давомида мулоҳаза юритиш, исботлаш,

умумлаштириш, таҳлил қилиш, таълим олувчини фаолроқ қилиш кабилардан фойдаланишни кўзда тутади [6]. Бу технология кўпроқ ижодий фаолият кўникмаларини ривожлантириш мақсадида қўлланади, уларнинг билимни чуқур англашига, мустақил эгаллашига ёрдам беради. Таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ўргатади, ижодкорликни ва қизиқишни ривожлантиради, ўзлаштирилган билимларни пухта бўлишига ёрдам беради ва касбий тайёргарликни мустаҳкамлайди.

Муаммоли ўқитишни самарали амалга оширишда - муаммоли вазият қўйилган мақсадга жавоб бериши, таълим олувчилар учун тушунарли бўлиши, уларни мустақилликка, ижодкорликка, фаолликка, тадбиркорликка, ташаббускорликка ундаши каби шартларни эътиборга олиш лозим. Бунда педагогнинг фаолияти муаммоли вазиятни яратиш, таҳлил асосида таълим олувчиларда мустақил хулосалар чиқариш ва умумлаштиришни ҳосил қилишдан иборат бўлиши керак. Муаммоли вазиятни яратишда педагог таълим олувчиларга машғулот мавзуси билан боғлиқ зиддиятли ҳолатни тушунтириши ва уни ечиш йўлини топишни таклиф килиши, бир масалада турли нуктаи-назарларни баён килиши, ҳал этиш учун етарли бўлмаган, ортиқча маълумотлар бўлган ёки саволнинг қўйилиши нотўғри бўлган масалаларни ечишни таклиф этиши мумкин.

Муаммоли вазиятларни ҳал этишда педагог таълим олувчилар фаолиятини фикр юритишнинг мантиқий операциялари - таққослаш, таҳлил, синтез, классификация, умумлаштириш, тизимлаштириш, индукция, дедукция, абстракциялаш, фикрлаш, конкретлаштиришга йўналтиради. Таълим олувчиларга тайёр маълумотларни бермасдан, уларни ўзларида мавжуд билим ва тажрибаларга таяниш, уларни фаннинг изланиш усуллари билан таништириб бориш ҳамда мустақил фикрлашини талаб этувчи вазифалар ёрдамида ривожлантириш лозим.

Муаммоли ўқитиш мазмуннинг қизиқарлиги жиҳатлари янги мазмун, эски билимга янгича нигоҳ, ҳаёт билан боғланиши, таълим олувчи амалий фаолияти, ҳозирги замон, тарих ва келажак билан боғлиқлигида.

Педагог муаммоли масалаларни ва бутун бир муаммони ҳал этиш учун ахборотни саралайди. Сўнгра, муаммоли вазиятлар ўртасидаги ўзаро алоқани мукаммал ўйлаб кўриб, диққат-эътиборни ана шу алоқаларга алоҳида жалб қилиши зарур. Ушбу машғулотга педагогни тайёрлашнинг навбатдаги босқичи муаммоли вазиятларни шакллантириш учун керак бўлаган кўргазмали қуролларни танлашдан иборат. Сўнгги босқич эса, таълим олувчиларнинг мустақил ишлаши учун муаммоли топшириқ ва саволларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ижодий характердаги топшириқларни бажаришда талаба муаммоли вазиятларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллайди, кўргазмали воситалар тайёрлаш, илмий тавсифдаги изланишларни талаб қиладиган масалаларни ҳал қилиш услублари билан танишади. Бугунги кун таълим олувчидан фаол ҳаракат қилишни, мустақил қарор қабул қилишни, ҳаётнинг ўзгараётган шароитларига тез мослашишни талаб қилади. Бунинг учун, таълим олувчи зарур билимларни мустақил эгаллаш ва амалиётда қўллаш; муаммоларни ечишга қаратилган қарашларни таклиф қилиш, янги муаммоларни аниқлаш ва ечиш; эркин ва мустақил фикрлаш; инновацион ғоялар яратиш қобилиятига эга бўлиш; ўзининг интеллектуал салоҳияти ривожлантириш устида мустақил ишлаш каби кўникма ва малакаларга эга бўлиши лозим. Ушбу сифатларга эга таълим олувчиларни тайёрлашда фақат таълим мазмуни эмас, балки муаммоли ўқитиш технологиялари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, бу жараёнда педагог ҳам, таълим олувчи ҳам ўзининг интеллектуал, жисмоний, маънавий имкониятларини ўқув ва амалий муам-

моларни ечиш учун доим синовдан ўтказади ҳамда зарур сифатларни шакллантиришга олиб келади.

Бугунги кунда таълим олувчи мақсадларини топшириқларга айлантириш машғулотни педагогик технология бўйича лойиҳалашнинг муҳим босқичи бўлиб ҳисобланади. Чунки, мақсадлар топшириқларга муваффақиятли айлантирилгандагина, уларга эришганликни аниқ билиш мумкин бўлади. Талаба мақсадлари ўқув материалининг муҳим тушунчаларини қамраб олиши ва топшириқлар ҳам шунга мувофиқ тузилиши керак. Топшириқлар талабалар аниқ ҳатти-ҳаракатини англатувчи юқоридаги феълларда ифодаланиши даркор. Бунда ўзлаштиришнинг фикрлаш даражаларига мувофиқ бўлган феъллардан кўпроқ фойдаланишга алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки, улар материални юқори интеллектуаллик даражаларида ўзлаштирилишини таъминлайди. Ҳар бир топшириқ фақат бир тушунча ёки қонун-қоидани ўзлаштирилганлигини текшириши ҳамда ихчам, тушунарли тарзда баён қилиниши лозим. Акс ҳолда, бу талаба учун қўшимча қийинчилик туғдиради ва ўқув мотивларини сусайтиради [8].

Топшириқлар оғзаки савол-жавоб, ёзма ва тест шаклларида тузилиши мумкин. Бир мақсадга турли шакллардаги топшириқлар тузиш ҳам самарали бўлади. Чунки, бунда таълим олувчиларнинг муайян топшириқни ўзлаштирганлигига оид билимини холисона баҳолаш имконияти яратилади. Оғзаки савол-жавоб, педагогнинг талабалар билан бевосита мулоқати бўлиб, бунда саволларга берилган жавоблар баҳоланади.

Замонавий таълим технологиясида педагог биринчи навбатда машғулот ўтишдан аниқ мақсад ва натижани белгилаб олади. Анъанавий конспект ёзишдан воз кечади. Унинг ўрнига янги билимлар ва ахборот воситаларига асосланган таянч конспектлари тузади. Унда таълим олувчига етказилиши лозим бўлган билимлар аниқ кўрсатилади, шунингдек, ўзлаштиришдаги самарадорлик эътиборга олинади. Ана шу таянч конспектларга мувофиқ ўтмоқчи бўлган янги ўқув машғулотининг техник лойиҳаси ишлаб чиқилади. Бу ўқитишнинг афзаллиги шундаки, педагог турли усул ва воситалар орқали таълим олувчилар фаолиятини бошқаради, асосий ролни эса таълим олувчилар ўйнайди. Таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш, уларни чинакам ҳаётга тайёрлайди. Мустақил фикрлай олган таълим олувчи ҳаётда ўз ўрнини бемалол топа олади, муаммоларни ўзи еча олади, ҳар қандай вазиятдан чиқишнинг тадбирини туза олади, чунки, мустақил фикрлаш орқали ҳаётга тайёрланади. Таълим олувчининг фикрлаш фаолиятида муаммоли вазиятлар вужудга келади ва уларни объектив равишда изланишга, мантиқий тўғри илмий хулосалар чиқаришга ундайди.

Муаммоли машғулотларда мавзуга оид бериладиган саволлар шундай тузилиши лозимки, таълим олувчи саволга жавоб беришда камчиликларни тўлдирсин, номаълумни аниқласин, ўхшашлик ва фарқини топсин, фикрини ифодаласин. Муаммоли вазиятни ҳосил қилиш тадқиқот, эвристик суҳбатлар, намойиш этиш, муаммоли баён қилиш, репродуктив методлардан фойдаланган ҳолда ташкил этилади. Бу методдан оғзаки ва матбуот сўзлари, кўрсатмали воситалар, амалий ишлар, ёзма ва график ишлар, лаборатория машғулотларида фойдаланилади.

Машғулот лойиҳасини амалга оширишда қуйидаги ишларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим: ўрганилаётган мавзу бўйича мақсад (таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи), вазифалар билан таълим олувчиларни олдиндан таништириш; муаммоли топшириқларни ишлаб чиқиш ва уларни бажариш тартиби билан таништириш; мавзуни тўлик ўзлаштириш бўйча кўрсатмалар ва мезонларини айтиб бериш; таълим олувчилар диққатини янги мавзу мазмунига жалб этиш, уларда мотивация уйғотиш; олинган натижаларга асосланиб хулосалар чиқариш; уларнинг билим,

кўникма, малакаси, ижодий фаолият тажрибаси, муносабатларидаги камчилакларини кўрсатиш; таълим олувчилар ўзлаштиришларини аниқлаш, паст ўзлаштирганларни огоҳлантириш, қўшимча топшириқлар бериш [7].

Олинган ахборотни таҳлил қилиб, зарур холларда келгусидаги харакатларга ўзгартиришлар киритилади ва ниҳоят, қўйилган мақсад ва олинган натижаларнинг мослиги ҳақида хулоса чиқарилади, ҳар қандай мақсадга эришишда вазият бевосита натижаларнинг мослиги ҳақида хулоса чиқарилади. Лекин, таҳлиллар ва кузатишлар мазкур технологиялардан фойдаланишда жуда катта муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Жумладан, педагогларимиз уларнинг мазмун ва моҳиятини, мақсад ва вазифаларни, тамойилларини, қоидаларини, ўқув машғулотига киритиш механизмларини тўғри ҳамда аниқ тушунмасдан туриб улардан фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда [8]. Бу ўз самарасини бермаяпти. Бу борада педагогларимиз ўртасида мунтазам давра суҳбатлари ва семинарларни ташкил этиш ҳамда бу жараёнга республикамизнинг етакчи олим ва профессор-ўқитувчиларини жалб этиш лозим.

Ўқув машғулоти жараёнини лойиҳалашда [9] ўқитиш методларини тўғри танлашга, яъни методларни машғулотнинг вазифалари ва мазмунига мослигига, педагог ва таълим олувчиларнинг имкониятларига мувофиқлигига, топшириқлар кетма-кетлигига, машғулотнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни ва вазифаларни белгилашга, асосий босқичларини тўғри жойлаштиришга, ҳар бир босқич учун ўқитишнинг метод, восита ва технологияларини, кичик гуруҳ ва индивидуал шаклларини ҳамда паст ва юқори ўлаштирувчи таълим олувчилар учун табақалаштирилган машқ ва вазифаларни танлашга алоҳида эътиборни қаратиш лозим.

Шундай қилиб, замонавий таълим талаблари асосида ташкил этилган ўқув машғулоти бу жараён сифати оширади, таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини, ижодий қобилиятларини ривожлантиради ҳамда касбга қизиқишини кучайтиради.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775 қарори. 5 июнь 2018 йил.

2. Ўзбекистан Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. //Баркамол авлод - Ўзбекистан тараққиётининг пойдевори. -Т.: Шарк, 1997 - Б. 64.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. //Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Шарк, 1997 - Б. 64.

4. Тожиев М., ва б.қ.лар. “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” фанининг ўқув машғулотларини лойиҳалаш (Педагогик технология миллий моделининг амалиётга татбиғи)./Ўқув қўлланма. Т.: “TAFAKKUR-BO’STONI”, 2012. -196 б.

5. Якиманская И.С. Технология личностно ориентированного образования в современной школе. - Москва, 2010. - С.98.

6. Аманов Р.Ў, ва б.қ.лар. Ўқув машғулотларида муаммоли таълим технологиларини ташкил этиш ва бошқариш, муаммоли таълим услублари. “Agrar sohani barqaror rivojlantirishda fan, ta’lim va ishlab chiqarish integratsiyasi” mavzusidagi professor-o‘qituvchi va yosh olimlarning I ilmiy-amaliy konferentsiyasi materiallari to‘plami. Toshkent, 2017 yil, 30-31 may.

7. Голиш Л.В. Замонавий таълим технологиялари; мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма Т.: ТАСИС, 2001. - 59 б.

8. Мавлянов А., ва б.қ.лар. “Фанларни ўқитиш бўйича услубий кўрсатма ва тавсиялар”. Услубий тавсиянома. –Т.: Фан ва технология. 2016, 84 б.

9. Мавлянов А.. ва б.қ.лар. “Илғор педагогик технология бўйича ўқув машғулотини лойиҳалаш”. Замонавий таълим. 2016. №2. Б.25-29.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада таълим сифатини оширишдаги муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари, бу борада билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда таклиф ва тавсиялар ҳақида сўз юритилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются проблемы повышения качества образования, пути их преодоления, взгляды и мнения, высказанные по этому поводу, а также предложения и рекомендации.

SUMMARY

This article discusses the problems of improving the quality of education, ways to overcome them, the views and opinions expressed in this regard, as well as suggestions and recommendations.

# МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА КАСБИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

***Тўрақулов Б.Н.***

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти*

*"Психология" кафедраси катта ўқитувчиси*

***Бахтиёров Р.М.***

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти*

*"Психология" кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** ўзаро муносабатлар, педагогик интроспекциялаш, ёш хусусиятлари, заковат, компонент, санъат, нутқ, товушлар, педагогик маҳорат «одам-одам» ёки аниқроғи, субъект-субект муносабатлари.

**Ключевые слова:** взаимодействия, педагогический самоанализ, возрастные характеристики, интеллект, компонент, искусство, речь, звуки, педагогические навыки «человек-человек», точнее, субъект-субъектные отношения.

**Key words:** interactions, pedagogical introspection, age characteristics, intelligence, component, art, speech, sounds, pedagogical skills «man-man», more precisely, subject-subject relations.

Бугунги кун давр талабининг асосий босқичларидан бири махсус касбий тайёргарликнингдавлат ва жамият тараққиётида малакали мутаҳасисларни тайёрлаш масаласи муҳим ҳисобланади.

Шу жумладан мутаҳасисларнинг касбий камолотини ҳисобга олиб айтгандапедагог касби деганда шахсий фазилатлар, касбий фаолият учун восита бўлган компонентларнианглатади.Бу ерда педагогнинг шахсияти унинг бошқа одамлар билан ўзаро муносабатларининг натижасини белгилайди. Шу сабабли, педагогика соҳасидаги талабаларни шакллантириш нафақат ишлаш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни, балки маълум шахсий фазилатларни ҳам ўрганиш энг юқори натижаларга эришишиҳамда бу ўз навбатида келажакдаги касбий фаолиятида юқори натижаларга эришишга ёрдам беради.

Педагогика фан ва амалиётнинг замонавий ривожланиш даврида, юқори даражадаги таълимнинг шаклланишида ушбу босқичи келажакда фаолият юритувчипедагогларининг касбий фазилатлари ҳисобга олинади. Педагогика йўналишидаги талабалар шахсиятининг ўзига хос хусусиятлари (шахсият хусусиятлари, ўз навбатида, ёш хусусиятларига қараб белгиланади) уларнинг жамиятда ижтимоий фойдали фаолиятни амалга оширадиган мутахассис сифатида шаклланишида жуда муҳим аҳамиятга эга, деб таъкидланади. Бундан ташқари, замонавий илмий ва амалий педагогикада педагогларнинг шахсий фазилатлари, айниқса мутахассис сифатида шаклланиш босқичида уларнинг касбий фазилатлари ривожланиши белгилаб қўйилгани алоҳида кўрсатиб ўтилган. Шунинг учун ҳампедагогларнинг шахсини касбий ривожлантириш жара-

ёнида, бошқа одамлар билан мулоқот қилишда ва улар билан муносабатда бўлиш, ўзларини англаш, қандай қийинчиликларга дуч келганлигини билиш ва тан олиш керак. Бўлажак педагог талабаларга касбий шаклланишининг дастлабки босқичида психологик ёрдам кўрсатишни амалга ошириш масаласига алоҳида урғу берилади. Уларга олий таълим муассаларида ўқиш ва таълим тарбия жараёни фаол олиб бориладиган касбий шаклланиш йўлида педагог ҳамроҳ бўлиш керак.

Юқори самарали педагогнинг ҳиссий заковати, авваламбор, эмпатия, коммуникатив бағрикенглик, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, ўзи ва ўзгаларни англаш даражасининг етарлилиги, ўзига ишонч ва компетенция, ўқувчиларнинг ҳис-туйғуларидан хабардор бўлиш, уларни бошқариш, ўзаро шерикларнинг ҳис-туйғуларидан хабардор бўлиш ва уларни тартибга солиш билан белгиланади.

Эмоционал онгнинг юқори даражадаги ривожланишига эга бўлган педагог бу биринчи навбатда, ўзини ҳис қиладиган, ҳиссиёт соҳасини чуқур ўрганиш билан ўз ҳаёти ва касбий йўлини интроспекциялашга мойил.

Педагогика йўналишида таълим олувчи талабалар орасида эмоционал ақлнинг «ҳиссиётларни тушуниш» каби компоненти жуда аниқ эканлиги мақсадга мувофиқ деб таъкидланмоқда. Бу мураккаб касбий босқичлар ва ҳиссиётларни бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиш, ҳиссиётларни таҳлил қилиш ва ҳиссий билимлардан фойдаланиш касбий қобилиятининг ривожланганлигини кўрсатади.

Энг кам аниқланадиган педагогик компонент бу «ҳиссиётларни онгли равишда тартибга солиш», яъни бошқа одамларнинг ҳис-туйғуларини бошқаришдир. Бу ҳиссий ва интеллектуал ривожланиш учун зарур бўлган ҳиссиётларни акс эттирувчи мезон бўлиб, у ижобий ва салбий ҳис-туйғуларга очиқ қолишга, ҳиссиётларни уйғотишга ёки уларнинг маълумотлилиги ёки фойдасига қараб улардан воз кечишга, ҳиссиётларни тан олишга, уларнинг равшанлигини, ўзига хослигини, мақсадга мувофиқлигини аниқлаш, уларни бошқаришга ёрдам беради. Салбий ҳис-туйғуларни тўхтатиш ва ижобий маълумотларни ошириш орқали, уларнинг таркибидаги маълумотларни бузмасдан етказишга ҳаракат қилади.

«Туйғуларни аниқлаш» ва «фикрлашнинг ҳиссий енгиллиги» таркибий қисмлари деярли тенг равишда ифодаланади, бу санъат, нутқ, товушлар, ташқи кўриниш ва хатти-ҳаракатлар орқали бошқа одамларнинг ҳис-туйғуларини аниқлаш орқали ҳиссиётларни жисмоний ҳолати, ҳис-туйғулари ва фикрлари билан аниқлаш қобилиятининг пасайишини англатади. Ушбу педагогик касбий фаолиятда ҳис-туйғуларни ва эҳтиёжларни аниқ ифода этиш педагогик қобилияти, ҳақиқий ва ёлғон ҳиссиётларни фарқлаш, шунингдек, маълум бир ҳиссиётни келтириб чиқариш ва уни кейинчалик бошқариш қобилиятидир.

Мутаҳасиснинг касбий шакилланишидапедагог шахсида эмоционал онгнинг таркибий қисмларини таққосласак, айтишимиз мумкинки, педагогика таълим йўналиши талабаларида юзларнинг ҳиссий баҳоланиши, ҳиссиётларни кечишини тушуниш қобилияти, уларнинг ўзгарувчанлик механизмлари, шунингдек вақт ўтиши билан ҳиссиётлар йўналиши, аралаш ҳиссиётлар ва мураккаб ҳис-туйғуларни ажрата олиш қобилиятига эга. Ўзларининг ҳиссий ҳолатини тартибга солиш қобилиятининг камлиги асосий босқичлардан бири деб айтиш мақсадга мувофиқ саналади.

Мутахассисларни тайёрлашда келажакдаги касбий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари ётади. Педагоглар ва психолог мутахассисларнинг келажакдаги касбий фаолияти биринчи навбатда «одам-одам» ёки аниқроғи, субъект-субъект муносабатлари билан боғлиқ бўлиб, бу муносабатларнинг марказида шахс туради. Касбнинг ўзи одамлар билан самарали ўзаро муносабатда бўлиш учун одамнинг ва бошқа одам-

ларнинг ҳис-туйғуларини тушунишни талаб қилади. Бўлажак мутахассислар касбга йўналтирувчи тренингларда ва ихтисослаштирилган фанларда қатнашиб, ҳиссий ақлларини ривожлантирадилар. Педагог касбини танлаш дастлаб бошқасини (ёки ҳеч бўлмаганда ўзини), шу жумладан ҳиссий тажрибаларини билишга бўлган қизиқиш билан боғлиқ деб тахмин қилинади.

Муҳандислик касби одамга диққатни жалб қилишни англатмайди, касбий фаолиятнинг асоси масаласипредметдир ва ҳатто зарур бўлган шахслараро муносабатлар нафақат ҳиссий ва интеллектуал қобилиятларни, балки техник хусусиятларни ҳам ривожлантиришни талаб қиладиган бундай масала билан воситачилик қилинади. Бироқ, бизнинг профессионал фаолиятимизнинг маҳсулдорлиги бизнинг ҳиссий ҳолатимизга боғлиқ эканлиги ҳақида бир қанча илмий изланишлар бундан мустасно эмас. Ривожланган ҳиссий заковат ҳиссиётларни оқилона бошқаришга имкон беради.

Н.Е. Шеринская ижтимоий гуманитар ва техник йўналишдаги талабалар, бўлажак педагоглар, психологлар ва муҳандислар иштирокида тадқиқот ўтказди.Тадқиқот натижаларига кўра, ҳиссий онг ва бошқа одамларнинг ҳис-туйғуларини англаш, шунингдек, ҳамдардлик нуқтаи назаридан, гуманитар йўналишида таълим олувчи талабалар муҳандислик талабаларидан анча устунлиги назарда тутилган. «Ўз-ўзини мотивация қилиш», «ҳиссиётларни бошқариш» компонентларига кўра, муҳим фарқлар топилмади. Бўлажак педагоглар учун, техник мутахассислик талабаларига қараганда, уларнинг ҳис-туйғулари кўпроқ маълумотга эгалиги билан фарқланишиизоҳланганлиги асос сифатида қабул қилинган (улар ўзлари ҳақида билим манбаи). Тахмин қилиш мумкинки, муҳандислик факултети талабалари ҳис-туйғуларни етказадиган маълумотлардан фойдаланмасликкузатилади.Умуман олганда, педагог мутахассислиги ва техника мутахассислиги касбий фаолиятида ўзига хос босқичларни кузатиш мумкин.

Ўзига «бегона» бўлиб, бошқасига нисбатан ҳамдардлик билан муносабатда бўлиш қийин, шунинг учун уларнинг тушунчаси ва бошқаларнинг ҳиссий ҳолатига таъсири янада ёмонроқ. Бўлажак педагоглар ўзларининг ҳис-туйғуларини яхшироқ назорат қиладилар, аммо сезиларли фарқ бўлмаса-да, ҳиссий мослашувчанликнинг тарқалиш тенденцияси мавжуд: улар ўзига хос бўлган тажрибаларни тезроқ ўрганишади. Касбий педагогик эмоционал онгнинг деярли барча таркибий қисмларида кўпроқ ривожланган, ўз-ўзини мотивация қилиш бундан мустасно, бу ўзларининг ҳис-туйғуларини ўзбошимчалик билан бошқаришдир. Педагоглар орасида ушбу компонентнинг юқори кўрсаткичи сезиларли даражада устун бўлишига қарамай, уларда ўзбошимчалик назорати паст даражада бўлган одамлар етарли. Муҳандислар орасида педагоглардан фарқли ўлароқ, ушбу қобилиятнинг ривожланиш тезлиги кам бўлган субъектлар кам бўлса ҳам, улар паст даражага эга бўлганларга қараганда кичикроқдир. Кўпгина муҳандислик талабалари ҳаракат қилиш керак бўлганда ўзларининг ҳис-туйғуларини бошқаришлари мумкин, яъни бу касбий йўналиш ўзига хос хусусиятларининг намоён бўлишидир.

Умуман олганда, касбий камолот даражасибўлажак педагогларда бўлажак муҳандисларга қараганда ўртачадан юқори. Бироқ, педагоглар ва бўлажак муҳандислар орасида ҳиссий ақлнинг ўртачадан юқори даражаси бўлган одамлар етарли.

Агар ишбилармон одамлар - муҳандислар учун бунга йўл қўйилса, «одам - одам» соҳасида ишлайдиган одамлар учун ҳиссий ақлнинг етарли даражада ривожланиши бу касбнинг талабидир. Шу билан бирга, агар муҳандис ўзининг ижтимоий ривожланишини, мартаба ўсишини режалаштирса, бу кўп жиҳатдан ижтимоий муҳит билан муваффақиятли ўзаро боғлиқдир, унда бу нафақат ривожланган ког-

нитив қобилиятларни, балки етарлича ривожланган ҳиссий интеллектни, айниқса муҳандиснинг касбий субъектлик фаолияти бошланган тақдирда ҳам талаб этилади. Ҳамкасблари, қўл остидаги ходимлар,педагог касбини шакилланишида бошқарув менежмент билан алоқани бойитади. Эҳтимол, ушбу муаммоларни англаш педагогика менежментида янги йўналиш - ҳиссий бошқарувнинг пайдо бўлишини ҳам англатади.

Педагогнинг эмоционал онг босқичининг асоси сифатида касбий ақлий қобилиятнинг хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, таълим тараққиётни белгилайди, тарққиёт эса таълимни белгилайди шу нуқтаи назардан олиб қараганда таълим берувчи педагогнинг касбий ҳусусиятлари мактаб таълимини белгилаш билан бир қаторда келажак авлоднинг таълим олиши масаласидир. Олий таълим профессор ўқитувчилари ва таълим олувчи ёшларнинг давлат таълим стандартларини ўзлаштириш даражасига кенг маънода боғлиқ. Педагогик касбий фаолиятни шакиллантиришда мутаҳассисларнинг етарли даражада таълим тарбия олишга маъсулиятни амалга ошириш эҳтимолдан ҳоли эмас.

Адабиётлар:

1. Шавкат Миромонович Мирзиёев "Биз буюк келажагимизни мард ва олий жаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз" Т., 2018й.
2. Жалолов А. Касб қандай танланади. – Т., 2010.-62-б.
3. Суннатова Р.И., Парпиев У. «Касбга йўналтириш маслаҳатлари: методлар, муаммолар, имкониятлар», Тошкент 2001 йил.
4. Қодиров К.Б. "Касб танлашга тайёргарликнинг психологик жиҳатлари ва касбий ташхис", Тошкент 2001 йил
5. Бобохонов А., Махсумов А. Абдулла Авлонийнинг педагогик фаолияти ва таълим-тарбия тугрисида фикрлари. -Тошкент: Укитувчи, 1966.- 88 б.
6. Абдурахманова Р.Б. Становление профессиональной направленности педагогов и психологов Автореф. дис. ... канд. психол. наук. - Ташкент, 2005.-22 с.
7. Асадов Ю.М. Индивидуально-психологические особенности учителя как факторы развития профессионализма Автореф. дис. ... канд. психол. наук. - Ташкент, 2007.-25 с.
8. Исмогилова Ф.С. профессиональный опыт специалистов и управление им в условиях формирования рыночной экономики. Автореф. дис. ...доктор, психол. наук. - Москва, 2000.-41 с

РЕЗЮМЕ

Мақола мутахассисларни тайёрлашда касбий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари мавзусига бағишланган.Шунингдек, мақола матнида касбий педагогик соҳа мазмуни, мутахассисларни тайёрлашдакасбий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари, шахсга хос касбий тажрибалар, илмий туйғулар табиати, мутахассисликка хос ёш хусусиятлари, ҳиссий заковати, авваламбор, эмпатия, коммуникатив бағрикенглик, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, ўзи ва ўзгаларни англаш даражасининг етарлилиги, касбий билимдонлик каби масалалар ҳам кенг тадқиқ этилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена теме особенностей профессиональной деятельности при подготовке специалистов. Содержание профессионально-педагогического сфера, особенности профессиональной деятельности при подготовке специалистов, личный профессиональный опыт, характер научных чувств, возрастные особенности профессии, эмоциональный интеллект, в первую очередьэмпатия, коммуникативная толерантность, самооценка, самооценка и др. такие вопросы, как уровень осведомленности, профессиональные знания также широко изучаются.

SUMMARY

The article is devoted to the topic of features of professional activity in the preparation of specialists. The content of the professional and pedagogical sphere, features of professional activity in the training of specialists, personal professional experience, the nature of scientific feelings, age characteristics of the profession, emotional intelligence, primarily empathy, communicative tolerance, self-esteem, self-esteem, etc. such issues as the level of awareness, professional knowledge is also widely studied.

# КАСБ ТАЪЛИМИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК ИНТЕГРАЦИЯ АСОСИДА ИЖТИМОИЙ МОСЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

***Рахманова М.Қ.***

*ТВЧДПИ Психология кафедраси п.ф.ф.д. (PhD)*

***Миржалилова Б. Б.***

*ТВЧДПИ магистр*

**Таянч сўзлар:** мослашув, дезадаптация, ижтимоий мослашув, касбий мослашув, ижтимоий мослашув омиллари, модел, фаолият.

**Ключевые слова:** адаптация, дезадаптация, социальная адаптация, профессиональная адаптация, факторы социальной адаптации, модель, деятельность.

**Key words:** adaptation, maladaptation, social adaptation, occupational adaptation, social adaptation factors, model, activity.

Жаҳон ҳамжамиятида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган ҳозирги вақтда келиб чиқаётган муаммоларни ҳал этишда эркин ва мустқаил фикрлайдиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Юқори малакали кадрлар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида кичик мутахассисларни тайёрлаш таълим соҳасининг ажралмас қисми бўлиб, инсон капитали барқарор ва самарали ривожланишини ва умуман Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашнинг муҳим таркибий қисмидир.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, таълим мазмунини бевосита корхоналар, муассасалардаги техника, технология, ишлаб чиқариш муносабатларига ҳамда истиқболли ривожланишга мувофиқ шакллантириш борасида ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Ҳаракатлар стратегияси" ни амалга ошириш жараёнида асосий фаолият турларидан бири таълим сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш, таълим хизматларининг мавжудлиги ва самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёргарлиги жараёнида уларни келгусидаги фаолияти жараёнининг мақсад ва вазифалари, хусусиятлари, шароитлари, касб-ҳунар мутахассисликлари билан таништириш, турли хил касблар тўғрисида маълумотлар, ахборотлар бериш, тўғри касб танлаш ва эгаллашларига шароит яратиш каби турли хил тадбирлар мажмуасини тушунамиз. Шунингдек, касб таълими ўқитувчиларининг касбий фаолият жараёнининг хусусиятлари, касб-ҳунарларнинг пайдо бўлиши ва тарихий ривожланиши тўғрисидаги билимлари, умумий касбий фаолият ва касбий, иш-ҳаракатларининг дастлабки амалий кўникма ва малакаларини эгаллаб боришлари ҳам ана шундай тайёргарликнинг қисмларидан ҳисобланади.

Маълумки, олий таълим муассасаси талабалигига ижтимоий мослаштириш мураккаб, кўп қиррали жараён бўлиб, айнан ижтимоий-касбий мослашув таълим олишнинг учинчи боскичида яққол намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, олий таълим муассасаси талабалигига ижтимоий мослаштириш ўзида иккита муҳим жиҳатни акс эттиради: 1) касб соҳасига муваффақиятли мослашув; ўзи танлаган касбнинг масъулиятини тўлиқ англаш, касб билан боғлиқ назарий билим ва ама-

лий кўникма ва малакаларнинг таркиб топиши; 2) ижтимоий-психологик мослашув: ўз-ўзини англаш, талабанинг жамоа аъзолари билан эркин мулоқот қила олиши, шахслараро интеграциянинг юзага келиши.

Олий таълим муассасаси талабаларининг ижтимоий мослашувига таъсир кўрсатувчи омилларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: ижтимоий, психологик, педагогик.

Касб таълим муассасаси талабаларининг мослашуви ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ўқитишнинг олий таълим тизимига кириб келиши, талабалик мақомига эга бўлиши уларда мослашувчан хулқ-атвор шаклларини таркиб топтиришни талаб қилади. Мазкур жараён узоқ муддат давом этиш тавсифига эга бўлиб, бу таълим олувчи шахсида турли психологик ва физиологик зўриқишларни юзага келтириши мумкин. Натижада талабанинг фаоллиги сустлашади ва талаба нафақат янги хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштира олмайди, балки кундалик ўқув фаолиятини ҳам муваффақиятли амалга ошира олмай қолади.

Ижтимоий омилларга талабанинг ёши унинг оилавий шароити, уни қуршаб турган атроф-муҳит, таълимнинг аввалги босқичида талаба таҳсил олган таълим муассасасидаги ижтимоий-маданий шарт-шароитларни киритиш мумкин. Психологик омиллар ўз ичига ҳам индивидуал-психологик, ҳам ижтимоий-психологик омилларни қамраб олади: ннтеллект, йўналганлик (ориентация), шахсий салоҳият. гурухда ўз ўрнига эгалик. Ижтимоий мослашувга таъсир, кўрсатувчи педагогик омилларга олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг педагогик маданияти, университет ва факультетда ижтимоий-педагогик фаолиятнинг муваффақиятли йўлга қўйилганлиги, фанлар бўйича дидактик ва методик таъминланганлик кабиларни киритиш мумкин.

Муваффақиятли ижтимоий мослашув учун ҳам профессор-ўқитувчи, ҳам талаба томонидан мақбул фаолият йўналиши, яъни биргаликдаги самарали фаолият йўлга қўйилиши талаб этилади. Талаба у ёки бу таълимий мақсадга эришиш йўлларини излаши ва танлай олиши керак. Профессор-ўқитувчидан мазкур ҳолатда фасилитатор (қўллаб-қувватловчи) вазифасини бажариш талаб этилади.

Олий таълим босқичида ижтимоий адаптация жараёни билан бошланиб, олий таълимга нисбатан янгича муносабат, янгича ёндашув ва янгиланган тафаккурни қарор топтиради. Ижтимоий ҳаёт мотивацияси аста-секинлик билан изчил, барқарор ва тизимий характер касб этади. Талабанинг ижтимоий фаоллиги педагогик ва психологик омиллар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Натижада талаба ҳаётида ўзига хос ижтимоий ўзгаришлар қарор топади. Талабанинг ижтимоий фаоллиги олий ўқув юртида яратилган шарт-шароитлар, бозор муносабатларига хос қонуниятлар, халқнинг турмуш тарзи, миллий менталитет ва бошқа иқтисодий-ижтимоий омиллар билан боғлиқ ҳолда амалга ошади.

Талабанинг ижтимоий фаоллигида у томондан эгаллаётган педагогик-психологик билимлар, педагогик амалиёт ва ишлаб чиқариш амалиётлари алоҳида ўрин тутади. Чунки, талабани бўлажак мутахассис сифатида педагогик ва психологик омиллар моҳиятини билиб ва амалга тадбиқ этиб бориши ижтимоий фаолликнинг мазмун ва моҳиятини янада бойишига олиб келади. Болалар оламига кириш, бола қалбига йўл топиш, унда янги билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, талабани эгаллаётган касбига нисбатан масъулият ҳиссини ортиб боришини тобора тушуниб етади. Касбнинг ўзига хос нозик қирраларини амалиёт жараёнида ўрганади. Шу билан бирга ўқувчи, яъни шахс оламига хос муҳитнинг тобора ичига кириб боришга интилгани сари ўқитувчилик касбининг ижтимоий ривожланишидаги ўрнини англай бошлайди.

Талаба шахс сифатида муайян оиланинг, ижтимоий гуруҳ ҳамда жамоанинг аъзоси бўлиб:

1) оила ижтимоий дунёқараш манбаи сифатида фарзандларда миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Чунки ҳар бир оила ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий ишлаб чиқаришда қатнашади. Тарихан меҳнат ва касбга оид анъаналар фарзандларга бериб борилади. Ҳар бир фарзанднинг ота-онаси, бобо-бувилари, яъни етти пуштини билиши орқали халқ ва миллатнинг тарихига оид дахлдорлик эшиги очилади. Бу жараён ўсиб-улғайиб келаётган ўғил ва қизларнинг миллий тарбияси ва дунёқарашига янгича мазмун бағишлайди. Авлодларга хос ворислик, дунёқараш, ҳамфикрлик баркамол авлод тарбиясида таянч устун вазифасини ўтайди

Тадқикот натижалари шуни кўрсатадики, талабалар ижтимоий мослашувининг энг юқори даражасини бир пайтнинг ўзида ҳам муҳитни, ҳам ўз-ўзини ўзгартиришга қаратилган стратегиялар таъминлайди. Натижада ижтимоий мослашувнинг меъёрий натижаси сифатида таълим субъектининг олий таълим муассасасига муваффақиятли мослашуви амалга ошади.

Талабанинг олий таълим муассасасидаги ижтимоий, дидактик ва ахлоқий меъёрларни муваффақиятли ўзлаштирмаслиги натижасида ижтимоий дезадаптация юзага келади. Олий таълим муассасаси талабаларида ижтимоий дезадаптация намоён бўлишининг умумий кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин.

Дезадаптация шакли;

– Фанларни ўз вақтида ўзлаштира олмаслик,ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини бошқаришда муаммоли вазиятларнинг мавжудлиги;
– Олий таълим муассасасидаги ўқитиш суратининг тезлигиини қабул қила олмаслик (ўз-ўзини эркин тута олмаслик,ўз-ўзини намоён эта олмаслик,юқори даражадаги қўрқув ҳиссига эгалик);
– Талабалар жамоаси ва профессор ўқитувчилар билан мулоқотга кириша олмаслик толерантликка оид сифатлар(очиқлик,ҳамдардлик,ҳазилкашлик ва бошқалар)нинг тўлиқ намоён бқлмаслиги.

Сабаблари:

– Ўқув юкламаларининг сезиларли ортиши ва янги фанларни ўзлаштиришнинг қийинлиги,оилада ва таълимнинг аввалги босқичларида комплекс таъсирларнинг жадал амалга оширилмаганлиги,билимларни мустақил ўзлаштириш кўникма ва малакаларининг ривожланмаганлиги;
– Ўқитишнинг изланишга доир ва тадқиқотчиликка доир методлардан унумли фойдаланмаганлик,ўқитишда индивидуал ўзига хосликларнинг ҳисобга олинмаганлиги;
– Курсдошлар билан мулоқотдаги қийинчиликлар ва ўқитувчилар билан мулоқот янги тизимининг шаклланмаганлиги ;

Коррекцион тадбирлар:

– Фанлар бўйича ўқув адабиётларининг тўлиқ таъминланганлигига эришиш, машғулотларга тайёргарлик кўриш учун услубий қўлланма ва тавсияларни ишлаб чиқиш, машғулотларни самарали ташкил этилишига эришиш .
– Ўз-ўзини тарбиялаш ва қайта тарбиялаш методларидан фойдаланиш, ўзининг мавжуд имкониятлари ва қобилиятларини намоён этишга интилишни таркиб топтириш, профессор-ўқитувчиларнинг муносабат услубларини ўрганиш ва таҳлил этиш.
– Ўқитиш жараёнининг талаба индивидуал ўзига хосликлари билан уйгунлигига эришиш, талабаларнинг вақт бюджетини ҳисобга олиш асосида ўқув топшириқларининг мақбул вариантларини танлаб олиш.

Бугунги кунгача талабаларни олий таълим муассасасига ижтимоий мослаштиришга доир яратилган қатор моделлар таҳлилига асосланиб, олий таълим муассасаси талабаларини ижтимоий мослаштириш моделини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Н.М. Эгамбердиева томонидан ишлаб чиқилган мослашув жараёнининг босқичли модели ўз ичига қуйидаги таркибий қисмларни қамраб олган:

1) мувозанатлашиш индивид ва муҳит ўртасида ўзаро қадриятлар тизими

ва хулқ-атвор меъёрларига нисбатан ҳурмат кўринишидаги мувозанатнинг вужудга келиши;

2) сохта адаптация - шароитга ташқи мослашув ва унинг меъёрларига нисбатан салбий муносабат бирлиги;

3) кўникиш - янги муҳитнинг қадриятларини тан олиш ва қабул килиш.

4) Ўхшатиш-индивиднинг психик кайта ориентацияси, аввалги қарашлар.

ориентация, установкалар трансформацияси ,

Мазкур модел шартли кўринишга эга бўлиб, бунда тасвирланган мослашув даврлари бир пайтда амалга ошиши ёки бир-бирининг ўрнини тўлдириши мумкин. Б.Р. Жўраева биринчи курс талабаси шахси ва талаба таҳсил оладиган гуруҳнинг янги ижтимоий маданий муҳитга мослашув жараёнини қуйидаги боскичларга бўлади:

1) бошланғич давр: унда индивид, гуруҳ мавжуд ижтимоий муҳитда ўзларини кандай тутишлари кераклигини билади, аммо янги ижтимоий муҳитнинг қадриятлар тизимини тан олишга ҳали тайёр эмас, шунинг учун улар аввалги қадриятлар тизимини саклаб колишгга ҳаракат килади;

2) кўникиш даври, бунда индивид, гуруҳ. муҳитнинг янги қадриятлар тизими. хулқ-атвор андозаларига ўзаро сабр ва чидам билан муносабатда бўлиши содир бўлади:

3) аккомодация. яъни индивид томонидан мавжуд муҳитга доир қадриятлар тизимининг асосий элементларини тан олиш ва қабул қилиш ва, айни пайтда, гуруҳ, ижтимоий муҳит томонидан шахс айрим қадриятларининг тан олиниши давридир;

4) ассимиляция, яъни индивид, гуруҳ ҳамда муҳит қадриятлар тизимининг ўзаро мувофиқлиги.

Л.М Лузина эса мослашувчан хулк-атворнинг қуйидаги стратегияларини ишлаб чиққан;

1) муҳитдаги мавжуд қадриятлар тизимиии фаол ўзлаштириш;

2) ўз-ўзини ўзгартириш:

3) муҳитдан чиқиб кетиш ва янгисини излаш;

4) муҳит билан алокани узиш ва ўз ички дунёсига ғарқ бўлиш;

5) ўзининг пассив репрезентацияси:

6) муҳитнинг шартларига суст ҳолда кўникиш;

7) ташқи ўзгаришларни суст ҳолда кутиш;

8) ички ўзгаришларни суст ҳолда кутиш.

Н.Г. Исматова касбий мослашув нуқтаи назаридан мослашув мазмунини уч нуқтаи назардан кўриб чиқишни таклиф этади:

1) физиологик: органлар ва тизимларнинг функцияси; эндокрин регуляция;

нерв регуляцияси;

2) ижтимоий-психологик мослашув: янги психологик хулқ-атвор меъёрларининг шаклланиши; қўйилган талаб билан боғлиқликда шахсий сифатларии коррекциялаш; янги ижтимоий муҳитни ўзлаштириш;

3) касбий: меҳнатнинг янги шароитларига; педагоглик касбига; билимлари ва

педагогик маҳоратини доимий такомиллаштириб боришга одатланиш .

Юқоридаги моделларни ўрганиш ва таҳлил зтиш асосида биз педагогика: олий таълим муассасаси ижтимоий мослашувини қуйидаги умумлашган даражасини аниқладик:

1) мутлақ мослашув. Мазкур мослашув босқичи олий таълим муассасаси қадрият ва меъёрларини, мақсад ва вазифаларини тўлиқ кабул қилиш, таълим фаолият қоидаларига бўйсунишга тайёрлик билан изоҳланади;

2) нотўлиқ мослашув. Таълимнинг мақсад ва вазифалари, асосий қоидаларини қабул килмаган ҳолда иккинчи даражали коидаларга бўйсуниши Мослашувнинг бундай тури хатар гуруҳига хос, бу гуруҳга кирувчилар олий таълим муассасасипи тарк этишга тайёр турадиган талабалардир;

3) индивидуализм. Асосий меъёр ва кадриятдарни қабул қилган ҳолда иккинчи даражали қоидаларга бўйсунмаслик билан тавсифланади.

Олий таълим муассасаси талабаларини ижтимоий мослаштириш тўрт босқичли ўзаро таъсир асосида амалга ошади:

1) шахслараро таъсир босқичи. Талабада бу босқичдаги мослашувни муваффақиятли кечиши унинг, энг аввало, академик гуруҳ жамоасидаги анъаналар ва хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштириши билан изоҳланади;

2) жамоавий таъсир босқичи. Бу босқичдаги мослашув факультет, жамоасидаги мавжуд қадриятлар тизими, факультет маъмурияти, ўқитувчи-.профессорлар билан ўзаро мулоқот усулларини қабул қилиш ёки қилмаслик билан боғлиқ;

3) олий таълим муассасаси (ОТМ) билаи ўзаро таъсир босқичи. Бу босқичда талаба олий таълим муассасасига хос қадриятлар. Меъёрларни ўзлаштиради. ўзини таълим муассасаси билан идентификациялаштиради ёки идентификациялаштирмайди;

4) касбий-қадриятли боскич. Бунда талабанинг педагогик қадриятларни ўзлаштириши ва интериоризациялашуви амалга ошади.

Олий таълим муассасаси талабаларининг ижтимоий мослашуви профессор-ўқитувчи, талаба билан биргаликдаги самарали фаолият натижасидир. Талаба у ёки бу таълимий-тарбиявий мақсадга эришиш йўлларини излаб ва танлаб олади, субъектининг олий таълим муассасасига муваффақиятли мослашуви амалга ошади.

Демак, талаба шахс сифатида муайян ижтимоий гуруҳ ва жамоанинг аъзоси, ўз олдига қўйилган мақсади ҳамда вазифасига эришиш йўлида, яъни касб фаолиятини эгаллашга қаратилган таълим-тарбия олувчи, жамиятда ўз ўрни ва мавқега эга бўлган инсон ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, талаба жамият аъзоси сифатида ўз юрти ва мамлакатида содир бўлаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳамда касбий-маданий жараёнларда фаол иштирок этади. Олий ўқув юрти уни эгаллаётган касбий фаолияти ижтимоий ҳаёт ривожига қаратилган моддий ва маънавий ишлаб чиқариш амалиётига тайёрловчи алоҳида саҳна ёки тажриба-синов майдони бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

2. Эгамбердиева Н.М. Ижтимоий педагогика. - Тошкент: Ўзбекисгон миллий кутубхонасн, 2009, - Б. 58,

3. Джураева Б.Р. Формировапие педагогической культури будуших учителей в процессе профессиональной подготооки при изучении дисциллин педагогического цикла: дисс. ...канд. пед. наук. - Ташкент. 2002. - С. 73..

4. Исматона Н.Г. Управление профессиональной адаптацией выпускников педагогических вузов/ Uzluksiz ta’lim - Ташкент.. 2009. - №1, - С. 48-49.

РЕЗЮМЕ

Maqolada oliy o’quv yurtlarining birinchi kurs talabalarining ijtimoiy moslashuvi omillari va bosqichlari ochib berilgan. Shuningdek, muallif oliy o’quv yurtlari talabalarining ijtimoiy moslashuvi faoliyatiga yo’naltirilgan modelni ishlab chiqdi. Kasb ta’limi muassasalari talabalarining moslashuvining o‘ziga xos xususiyatlari, o‘qitishning oliy ta’lim tizimiga kirib kelishi, talabalik maqomiga ega bo‘lishi ularda moslashuvchan xulq-atvor shakllarini tarkib toptirishini talab qiladi.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны факторы и этапы социальной адаптации первокурсников в высшей школе. Также автором разработана модель, ориентированная на деятельность по социальной адаптации студентов вуза. Особенности адаптации студентов учреждений профессионального образования, проникновение преподавания в систему высшего образования, получение статуса студента требуют от них выработки гибких форм поведения.

SUMMARY

The article describes the factors and stages of social adaptation of freshmen in higher education. Also, the author has developed a model focused on the activities of social adaptation of university students. The peculiarities of adaptation of students of vocational education institutions, the penetration of teaching into the higher education system, and obtaining student status require them to develop flexible forms of behavior.

# МАКТАБ ВА ОТА-ОНАЛАР ҲАМКОРЛИГИ ДАРС ИНТИЗОМИГА НИСБАТАН ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОБИЙ МУНОСАБАТЛАРИ ГАРОВИДИР

***Мусурманов Р.***

*п.ф.н., к.и.х.*

**Таянч сўзлар:** узлуксиз таълим тизими, дарс интизомига салбий муносабат, таълимнинг тарбиявий қудрати, ўқитувчи шахси, касбий маҳорат, бола характери, табиати ва дунёқараши, маънавий мезонлар, ота-оналар педагогик саводхонликлари.

**Ключевые слова:** система непрерывного образования, отрицательным отношением к дисциплине на уроке, воспитательный потенциал образования, личность учителя, профессиональное мастерство, характер ребенка, духовные критерии, определяющие сущность и мировоззрение, педагогическая грамотность родителей.

**Key words:** system of continuous education, the negative relation to discipline at a lesson, the educational potential of education, the identity of the teacher, professional skill, character of the child, the spiritual criteria defining essence and outlook, pedagogical literacy of parents.

Биринчи Президентимиз И.А. Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида **“Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси”** деб таъкидлаган эдилар.

Узлуксиз таълим тизимида ўқув жараёни самарадорлигига эришиш ва уни такомиллаштириш таълимнинг тарбиявий қудратини ошириш билан бевосита боғлиқ. Таълимнинг тарбиявий қудрати эса ўқитувчи шахси, унинг касбий маҳорати, ғоявий-ахлоқий фазилатлари, ташкилотчилиги, уддабуронлиги билан узвий алоқадордир.

Шунингдек, миллатнинг ўқимишли бўлиши учун жон куйдирган маърифатпарварларимиздан бири Абдулла Авлоний **“Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”** деб ўз даврида халққа қилган хитоби юқоридани фикрларнинг муштараклигини янада тасдиқлайди.

Дарҳақиқат, таълим ва тарбия жараёнининг бир бутунлигини таъминламасдан туриб ўқувчиларга берилаётган маълумотлар сифатини яхшилаб бўлмайди. Тарбия

берувчи таълим жараёнининг асосий ташкилотчиси бўлган ўқитувчи худди шунинг учун ҳам жамиятни ҳаракатга келтирувчи асосий кучи деб баҳоланиши ҳам бежиз эмас. Ўқитувчининг сўзи билан амалий фаолияти ўртасида мутаносиблик бўлмаса, унда таълимнинг табиявий таъсири борган сари ўтмаслашиб бораверади.

Ҳеч бир инсон дунёга мукаммал бўлиб келмайди. У туғилибоқ бадиий асарлардаги қаҳрамонлардек ботир, паҳлавон, доно ва билимдон бўлиб қолавермайди. У албатта, жамиятда инсонлар қуршовида, она табиат қўйнида, турли-туман воқеа-ҳодисалар ичида, бевосита мулоқотда ҳамда аралашув жараёнида ўсиб-улғаяди, камолга етади.

Шунинг учун ҳам комил инсон ҳақидаги таълимот инсонни ҳар жиҳатдан маънавий-ахлоқий, илмий, эътиқодий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларда энг юксак камолотга етган хислатларини назарда тутади.Бугунги кунда узлуксиз таълим тизими олдида турган энг асосий вазифа таълим-тарбия таъсирчанлиги ва самарадорлигига эришишдан иборатдир.Бунинг учун эса кундалик машғулотларга ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналарни ҳам ҳар томонлама ана шу жараёнларга пухта тайёрлаш керак бўлади.Агар ана шу учта бўғинбир мақсад йўлида бирлашса, ҳар ким ўз вазифаларини аниқ тасаввур этиб, виждонан бажарсагина таълимнинг тарбиявий қудрати ошади.

Синфда ўтирган ҳар бир ўқувчининг ўзи бир олам, улардан кимдир фаол, кимдир ўрта ҳол ва яна кимдир ўқув жараёнига пассивлиги, лоқайдлиги билан ҳаммадан ажралиб туради.

Мулоҳазалардан келиб чиқиб, ўсмир ёшидаги болаларнинг дарс интизомига салбий муносабатлари сабаблари нималардан иборат? Нима учун ўқувчи дарсда ўз вазифа бурчини бажаргиси келмайди? Бунинг иллати қаерда деган саволлар нафақат таълим муассасаси ходимларини, қолаверса, ота-оналар ва кенг жамоатчиликни ҳам ҳамиша ўйлантиради.

Тажрибаларга таяниб, бундай ҳолатни келтириб чиқарувчи асосий сабаблар қуйидагилар бўлиши мумкинлиги олимлар томонидан аниқланган:

- боладаги психо-физиологик ривожланишдаги нуқсонлар;
- боланинг тез-тез касалланиб туриши, яъни касалманд болалар;
- оилада ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги бефарқликлари;
- носоғлом оилавий муҳитда тарбияланаётган болалар;
- боқувчисини йўқотган,айрим кам таъминланган оилаларда тарбияланаётган болалар;
- оиладан безиган, кўча-куйда турли иллатли гуруҳларга қўшилиб қолган болалар;
- тенгдошлари билан ўзаро келиша олмаслик оқибатида яккаланиб қолган болалар;
- ўқитувчиларнинг бола қалбига йўл топа билмасликлари оқибатида мактабдан безиган болалар;
- ўқитувчи касбий маҳоратининг етишмаслиги, қўпол муомила, ўқувчини менсимаслик, унинг хатти-ҳаракатларига нисбатан холисона ёндошмаслик, камситиш, болага нисбатан адолатсизлик, бефарқлик ва ҳ.к. лар бўлиши мумкин.

Ақлий жиҳатдан ривожланмаган, тенгдошларига нисбатан ақли заиф болаларни тушунса бўлар, нега ақлий ва жисмоний жиҳатдан соғлом болалар ҳам машғулотларга рисоладагидек иштирок этмайдилар ёки иштирок этсаларда дарсда берилган билимларни ёмон ўзлаштирадилар, синфдошларининг ўзлаштиришлари учун ҳам халақит берадилар, бу муаммони ҳал қилиш учун кимлар жавобгар?

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оилада шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар пойдевори ҳам илк бор оила шароитида қарор топиши табиийдир. Тарбия оиладан бошланиб, узлуксиз таълим (боғча, мактаб, касб-ҳунар коллежи, академик лицей, олий таълим) муассасаларида ривожлантирилади. Шунинг учун ҳам бола тарбиясида ота-онанинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Оилада фарзанд тарбияси тўғрисида ўтмишда алломаларимиз ўзларининг бебаҳо фикрларини билдиришган, халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади” деган ақида ҳаётда аллақачонлар ўз исботини топган. Шу нуқтаи-назардан дарс интизомига салбий муносабатдаги болаларни қайта тарбиялашда ота-оналарнинг ёрдами ва аралашувисиз муаммони ижобий ҳал қилиш мумкин эмас.

Дарс интизомига салбий муносабат – оила бошлиқларининг фарзандлари фаолиятларини назорат қилмасликлари, улар тақдирларига бефарқликлари, айрим ота-оналарнинг педагогик саводхонликларининг пастлиги (болаларини оилада ўқув жараёнига тайёрлашнинг талаб ва омилларини билмаслик ёки бефарқлик) натижасида содир бўладиган жараён сифатида таърифлаш мумкин.Бундай салбий ҳолатни олдини олиш (профилактика) ёки қайта тарбиялаш (коррекция) учун мактабларда ота-оналар билан ҳамкорликда ишлашнинг мукаммал дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг зарурати кун тартибига қўйилмоғи лозим.

Тавсияларни беришдан олдин ота-оналарга бир нечта саволлар билан мурожаат қилиш орқали уларнинг оилада фарзанд тарбияси, таълим муассасаларида ўқийдиган боласини Давлат таълим стандартлари (ДТС) талаблари асосида қанчалик билим, кўникма ва малака (БКМ) ларни ўзлаштираётганлигини, оддийроқ қилиб айтганда дарс жараёнига нисбатан боланинг жисмоний ва руҳий тайёргарлиги юзасидан муносабатларини аниқлаб олиш мумкин бўлади.

Гап ота-оналарнинг фарзандлари тарбияси ҳақида кетганда бир нарсани ёддан чиқармаслик керакки, бу борада барча ота-оналарнинг тайёргарлик даражалари бир хил эмас. Олий маълумотли ота-она билан ўрта маълумотли ёки ундан ҳам паст даражадаги ота-онанинг бола тарбиясидаги тайёргарликлари тубдан фарқ қилади. Мактаб педагогик жамоасининг асосий вазифаларидан бири ҳам шундаки, турли даражадаги тайёргарликка эга бўлган ота-оналарга, ёлғиз оналар, боқувчисини йўқотган оилалар, носоғлом оилаларда тарбияланаётган болаларнинг тақдирига бефарқ бўлмасдан, ота-оналарнинг маълумотлилик даражаларидан келиб чиқиб, уларга педагогик ва психологик жиҳатдан ёрдам уюштириш, шунингдек, тарбиянинг мураккаблик даражасидан келиб чиқиб ҳам назарий, ҳам амалий ёрдам бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Ота-онадан фарзанди тарбиясидаги нуқсонлардан нолишдан олдин уларнинг тарбия соҳасидаги муҳтожликларини аниқлаш ва амалда кўмак бериш дастурини ишлаб чиқиб, қўллаб-қувватлаш зарур бўлади. Бунинг учун эса ота-оналарда эҳтиёж шаклланган бўлиши, фарзандини бекаму-кўст тарбия топиши ва соғлом бўлиши учун доимий равишда ўзларининг педагогик, психологик ҳамда тиббий маълумотларини ошириб боришлари зарур.

Ўз навбатида ота-оналар қандай қилиб фарзандлари таълими сифатини назорат

қилишларини тасаввур этишларива аниқлаш чораларини кўришларимуҳимлигидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни бажаришлари лозим.

1. Мактабда ўқиётган фарзандининг дарсларга иштироки, ўтилган мавзуларни ўзлаштириш даражаси юзасидан назорат ўрнатиш;

2. Мактабдан ташқари тарбиявий тадбирлар, турли тўгаракларга иштироки, болада эҳтиёжнинг шаклланганликлигининг назорати;

3. Уйда дарс тайёрлаш учун ўқувчига яратилган шароитларларнинг мавжудлиги, дарсликлар, зарурий ўқув қуроллари билан таъминланганлиги, улардан фойдаланишга бўлган эҳтиёжнинг қониқтирилганлиги;

4. Уй вазифаларини бажаришдаги муносабати, ота-оналарнинг амалий ёрдами, маслаҳатлари;

5. Ота-оналар томонидан ўқувчининг ҳафталик ўзлаштиришлари назорати, таҳлили, хулосаси, кейинги ўқув ҳафтаси учун вазифаларни белгилаш;

6. Ота-оналарнинг ўқитувчилар билан яқин ҳамкорлиги, ўқувчидаги ижобий ёки салбий ҳолатларни олдини олиш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар;

7. Боланинг бўш вақти назорати, ундан ижодий ва унумли фойдаланишга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги;

8. Ўқувчида кузатилаётган салбий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида ота-онанинг синф раҳбари, фан ўқитувчилари, мактаб раҳбарлари, мактаб психологи билан яқин ҳамкорлигининг мавжудлиги;

9. Ота-оналарда фарзандлари таълим-тарбияси учун жавобгарлик ҳиссининг мавжудлиги, синф мажлисларида уларнинг доимий иштирок этиши;

10. Ота-оналарнинг фарзандлари таълим-тарбияси юзасидан ўз-ўзини назорат этиш механизмининг мавжудлиги таълим-тарбия сифатини ошириш омили эканлигини ҳис этиш.

Ота-оналар фарзандлари вояга етгунича унинг барча хатти-ҳаракатлари ва тарбияси учун жавобгар эканлиги қонунда белгилаб қўйилганлиги,ота-онани ҳамиша ҳушёрликка чорлаши, ана шу талаблар бажарилганда оиласида ҳамиша хотиржамлик бўлиши, фарзандлари эса жамият учунфойдаси тегадиган инсонлар бўлиб етишишидан қониқиш ҳосил қилади.

Адабиётлар:

1. И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” Тошкент “Маънавият” 2008 й. 62 Б.

2. Рашидов Х.Ф., Мусурманов Р., Алимходжаева С. Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларга нисбатан конструктив таъсир этиш амалиёти Т.: - 2013. Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ нашриётида чоп этилган. 5,25 босма тобоқ.

3. Мусурмонов Р. Узлуксиз таълим тизимида интизомсиз ўқувчиларнинг ота-оналари билан ишлаш // Узлуксиз таълим – Тошкент, 2014. – № 2. - 30-35 бетлар.

РЕЗЮМЕ

Мақолада умумий ўрта таълим мактабларида дарс интизомига нисбатан салбий муносабатдаги ўқувчиларни қайта тарбиялашда ота-оналар ва ўқитувчиларнинг ҳамкорликдаги вазифалари таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье проанализированы задачи родителей и учителей по перевоспитанию учащихся общеобразовательных школ с отрицательным отношением к дисциплине на уроке.

SUMMARY

In article tasks of parents and teachers of re-education of learners with the negative relation to discipline at a lesson are analyzed.

# ТАЛАБА ВАЛЕОЛОГИК ОНГИНИНГ ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯ МЕХАНИЗМЛАРИ БИЛАН ДЕТЕРМИНАНТЛАШУВИ

***Мирзаева С.Р.***

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти "Психология" кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** соғлом турмуш тарзи, талаба, психологик ҳимоя механизмлар: "Сиқиб чиқариш", "Регрессия", "Ўрнини алмаштириш", "Инкор этиш", "Проекция", "Компенсация", "Интеллектуаллаштириш", "Реактив шаклланиш".

**Ключевые слова:** здоровый образ жизни, студент, механизмы психологической защиты: «Сжатие», «Регрессия», «Замена», «Отрицание», «Проекция», «Компенсация», «Интеллектуализация», «Реактивное формирование».

**Key words:** healthy lifestyle, student, psychological defense mechanisms: «Squeeze», «Regression», «Replacement», «Denial», «Projection», «Compensation», «Intellectualization», «Reactive formation».

Шахсдаги мўътадиллик, руҳий соғломлик онгнинг бошқарув имконияти мавжудлигини билдириб, айрим ҳолларда ҳиссиётга берилиши эса унинг ўз вазифасини бажаришдан четлашганлигини намойиш қилади. Турли хусусиятли муносабатлар онг назоратида амалга оширилса, шахс хулқ-атворида, фаолиятида ва муомала жараёнида, ҳеч қандай нуқсонлар, четга оғишлар содир бўлмайди. Шунинг учун шахснинг нисбатан барқарор ва нисбатан ўзгарувчан хусусиятлари инсон хислатларининг яхлитлиги ва ўзаро боғлиқлигидан, таркиб топувчи мураккаб бирликдан иборатдир.

К. Роджерс соғлом одамни - ташқи таъсирлардан мустақил ва ўзига суянган ҳолда, ҳимоя реакцияларидан доимо фойдаланмайдиган, мослашувчан ва очиқ одам деб ҳисоблаган. Оптимал актуаллашадиган, бундай одам ҳаётининг ҳар бир янги дақиқасида тўлиқ яшайди, у ҳаракатчан, ўзгарувчан шароитларга яхши мослашган, бошқаларга нисбатан бағрикенг, ҳиссий ва мулоҳазали [6].К.Юнг эса, стереотиплар ҳужумидан озод ва ўзидаги онгсизлик таркибини ассимиляция қилган одам соғлом бўлишини таъкидлаган. В.Райх нуқтаи назаридан, невротик ва психосоматик касалликлар биологик энергиянинг турғунлиги натижаси сифатида изоҳланади, демак, соғлом ҳолат энергиянинг эркин оқими билан тавсифланади. Аммо инсоннинг онгсиз соҳалари ҳам унинг хислатларига таъсир эҳтимоли юқорилигини таъкидлаш жоиз.

З.Фрейд психологик жиҳатдан соғлом одам - завқ тамойилини воқелик тамойили билан мувофиқлаштиришга қодир, деб ҳисоблаган[2].

Мазкур ҳодисаларнинг психологик табиатини психоаналитик позициясидан туриб тушунтиришга ҳаракат қилган Зигмунд Фрейд онгсизлик деб, ижтимоий нормалар талаби билан низоли ҳолат, қарама—қаршилик туфайли онгга кира олмаган, амалга ошмай қолган майллар қисилиш механизми ёрдами билан бегоналашиб индивид янглиш айтган сўзида, гапда янглишиб кетишида, туш кўришида ва ҳоказоларда акс этишини тушунади. Инсон психикасининг энг чуқур ва аҳамиятли қатлами онгсизликдир (З.Фрейд). Бу онгга қанчалик босим ўтказувчи эмоция ва хотиралар орқали инстинктив қўзғалишларини сақловчи, аммо ушбу англашилмаган материаллар кўпинча инсоннингкундалик фаолиятини белгилайди[1,2]. Бу шахснингсоғлом турмуш тарзига амал қилишнатижасида вужудга келувчи зиддиятли, ташвишли ҳолатларни реал ҳиссий-эмоционал тарзда идрок этиши лозим эди. Аммо, психика структурасини, салбий эмоция ва кечинмаларда кузатилувчи (таъсирланиш, безов-

таланиш ва умидсизлик) фрустрацияга олиб келади. Фрустрация “Мен”ни ҳар хил “чиқариш клапан”лари ёрдамида зўриқишларни олиб ташлашга ундайди. Булар психологик ҳимоя механизмлари дейилади.Психологик ҳимоя механизми биринчи ҳолатда инсонни ўз-ўзини соғлом ҳис этишга, ривожланишига монелик кўрсатиши, эҳтимол.

Тадқиқот методлари:

Кузатиш, суҳбат, сўровнома, илмий таҳлил, математик-статистика методларидан фойдаланилди бунда:

Келлерман-Плутчикнинг “Психологик ҳимоя механизмларини ўрганиш” сўровномаси қўлланилди.

Олинган маълумотларни қайта ишлаш учун SPSS-11.5 (компьютерда ижтимоий фанлар учун статистик маълумотларни қайта ишлашга мўлжалланган) дастуридаги математик-статистика методлари (факторли таҳлил, корреляцион таҳлил, Стьюдентнинг t-мезони) асосидаги илмий хулосалар билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган психодиагностик методикаларнинг психометрик талабларга жавоб бериши; олинган эмпирик натижаларни қайта ишлашда математик-статистик таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилганлиги (факторли таҳлил, корреляцион таҳлил, Стьюдентнинг t-мезони) ва миқдорий кўрсаткичларни психологик талқин этишда ишончлилик ҳамда муқаррарликнинг статистик мезонларига таянилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижалари:

Тадқиқотимизда соғлом турмуш тарзи талабаларда устунлик қиладиган психологик ҳимоя механизмларини ўргандик. Бизнингча, психологик ҳимоя механизмларининг айримларининг шахсда барқарор шаклланганлиги улардаги валеологик онгнинг шаклланишига замин ҳозирлаши мумкин. Масалан, **“Сиқиб чиқариш”, “Регрессия”, “Ўрнини алмаштириш”, “Инкор этиш”, “Проекция”, “Компенсация”, “Интеллектуаллаштириш”, “Реактив шаклланиш”** каби психологик ҳимоя механизмларининг юқори ёки паст бўлиши талабаларда валеологик онг шаклланишига ижобий ёки салбий таъсир қилиши мумкин.

Соғлом ва носоғлом турмуш тарзига эга бўлган гуруҳлардаги психологик ҳимоя механизмлари билан боғлиқ омиллар факторизацияси таҳлили, носоғлом турмуш тарзи соғлом турмуш тарзига эга бўлган гуруҳларга нисбатан икки баравар паст эканлигини кўрсатади (1-жадвал).

1 - жадвал.

**Талаба валеологик онгининг психологик ҳимоя механизмлари билан детерминацияси бўйича тадқиқот натижалари (1-гуруҳ Соғлом турмуш тарзига риоя этувчи респондентлар)**

| Ҳимоя механизмлари | Факторлар | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 1-фактор “Бошқаларга йўналган” | 2-фактор “Ўзига йўналган” | 3-фактор “Когнитив” | 4-фактор “Ўрин алмаштириш” |
| Регрессия | 0,902 | | | |
| Рад этиш | -0,709 | | | 0,447 |
| Компенсация | 0,707 | | 0,613 | |
| Реактив шаклланиш | | 0,864 | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Проекция | | 0,853 | | |
| Сиқиб чиқариш | | | -0,864 | |
| Интеллектуаллаштириш | | | 0,698 | |
| Ўрин алмаштириш | | | | 0,954 |

Биринчи омил - 23,178% маълумотлар дисперсияси, иккинчиси - 22,717 %, учинчиси – 20,814 %, тўртинчиси – 16,030% ни тушунтиради.

Соғлом турмуш тарзига риоя этувчи респондентларда ҳимоя механизмларининг биринчи факторини - салбий қиймат билан рад этиш, компенсация ва регрессия; иккинчи факторни - реактив шаклланиш билан проекция; учинчи факторни – компенсация, интеллект ва салбий қиймат билан сиқиб чиқариш; тўртинчи факторни - алмаштириш ва рад этиш ҳимоя механизмлари ташкил қилган.

Соғлом турмуш тарзига риоя этмайдиган респондентларнинг психологик ҳимоя механизмлари дифференцияацияси суст ва фақатгина иккита асосий фактордан иборат: биринчи фактор – проекция, ўрин алмаштириш, регрессия компенсация ва интеллектуаллаштириш (салбий қиймат) ҳосил бўлган; иккинчи фактор – компенсация, рад этиш, реактив шаклланиш ва регрессиядан иборат (2 -жадвал).

2-жадвал

**Талаба валеологик онгининг психологик ҳимоя механизмлари билан детерминацияси бўйича тадқиқот натижалари (2-гуруҳ Соғлом турмуш тарзига риоя этмайдиган респондентлар)**

| Ҳимоя механизмлари | Факторлар | |
|---|---|---|
| | 1-фактор “Бошқаларга йўналган” | 2-фактор “Ўзига йўналган” |
| Регрессия | 0,975 | |
| Рад этиш | 0,959 | |
| Компенсация | -0,929 | |
| Реактив шаклланиш | 0,852 | 0,458 |
| Проекция | 0,776 | |
| Сиқиб чиқариш | | 0,971 |
| Интеллектуаллаштириш | | 0,857 |
| Ўрин алмаштириш | | 0,826 |

Биринчи омил 51, 761% маълумотлар дисперсиясини, иккинчиси эса 32,457% ни кўрсатади.

Бу маълумотлар нимадан далолат беради? Соғлом турмуш тарзига риоя этмайдиган респондентларда психологик ҳимоя механизмлари суст дифференциациялашувини кўрсатади.

Биринчи факторнинг асосий юкламаси бўлган проекция ҳимоя механизми билан узвий боғлиқ экани кўзга ташланади (фактор юкламаси 0.975)

**Проекция деганда нима назарда тутилади? Проекция** - теварак-атрофдагилар

томонидан эмоционал рад этилиш натижаси сифатидаги ўзини-ўзи ва атрофдагиларни қабул қилмаслик туйғуларини тизгинлашга хизмат қиладиган ҳимоя механизмидир. Проекция теварак - атрофдагиларни қабул қилмасликка, уларга турли салбий жиҳатларни мансублашга ва унинг фонида ўзини-ўзи қабул қилиш имкониятини оширишга рационал негиз бўлиб хизмат қилади.

Атрибутив проекция – ўзидаги салбий жиҳатларни онгсиз инкор этиш ва уларни атрофдагиларга мансублаш.

Рационалистик проекция – ўзидаги салбий жиҳатларни англаш, бироқ бундай қусур ҳаммада мавжуд деб ҳисоблаш.

Комплиментар проекция – ўзидаги реал ёки хаёлий қусурларни фазилат сифатида талқин этиш.

Симулятив проекция – қусурларни монандлаштириш, масалан, ота-она-бола. Яъни субъект аслида бирон бир номақбул хусусиятга эга эканлигини англашга халақит берадиган ҳимоя функцияларини бажаради.

Ҳимоявий хулқнинг меъёрий хусусиятлари: мағрурлик, ўзини севиш, эгоизм, гина сақлаш, аразчилик, кўнгли нозиклик, адолатсизликка ҳаддан ортиқ сезгирлик, такаббурлик, сергумонлик, рашкчилик, қайсарлик, эътирозларни кўтаролмаслик, гап уқмаслик, бировлар айбини топишга ҳаракат, камчиликларни қидиришга мойиллик, тундлик, пессимизм, танқидни кўтаролмаслик, ўзига ва ўзгаларга талабчанлик, юқори натижаларга интилиш.

Бундай ҳолатда, кўриниб турибдики, кам учрайдиган проекциялар баъзи одамлар учун (кўпинча микро-ижтимоий муҳитда) ижобий, ижтимоий жиҳатдан тасдиқланган ҳис-туйғулар, фикрлар ёки ҳаракатлар билан боғлиқ. Проекциянинг салбий томонини ўрин алмаштириш билан биргаликда соғлом турмуш тарзига риоя этувчи респондентлар гуруҳи аъзоларини салбий баҳолаш имконини беради. Бу алмаштириш, салбий ҳис-туйғуларга сабаб бўлганларга қараганда камроқ хавф ёки ундан яхшироқ бўлган нарсаларга (бизнинг ҳолатда соғлом турмуш тарзи объектларига) йўналтирилган тушкунлик туйғуларини (одатда, душманлик, ғазаб) бартараф этишга имкон беради. Аксарият ҳолларда алмаштириш безовталаниш ҳолати таъсири остида пайдо бўлган ҳиссий тангликни бартараф этади, аммо у мақсадга эришишга ёки уни енгишга олиб келмайди.

Классик тасаввурларда регрессия психологик ҳимоя механизми сифатида қаралади, бунда шахс ўз хатти-ҳаракатларида либидо ривожланишининг дастлабки босқичларига ўтиш орқали ташвишлардан қочишга интилади. Ҳимоя реакциясининг ушбу шаклида шахс безовта қилувчи омиллар таъсирига дучор бўлади, янада мураккаб муаммоларни субъектив равишда нисбатан оддийроқ ҳал қилиш мумкин бўлади. Оддий ва одатий хулқ-атвор стереотипларидан фойдаланиш можароли ҳолатларни сезиларли даражада камайтиради. Ушбу механизм адабиётларда қайд этилган “амалга ошириш” турига киради, унда истаклар ёки низолар фаолиятда ифодаланади.

Иккинчи факторнинг асосий юкламасини компенсация ҳимоя механизми эгаллагани кўзга ташланади (0.971). Мазкур ҳимоя механизми рад этиш, реактив формация ва нисбатан кам вазнга эга регрессия билан узвий алоқада намоён бўлиши аниқланган.

**Компенсация** - когнитив жиҳатдан ўта мураккаб ҳимоя механизми, у, одатда, онгли қўлланилади. Реал ёки ҳаёлий йўқотиш, реал ёки хаёлий ғам, андуҳ, камчилик, номукаммаллик туйғуларини тизгинлаш учун хизмат қилади. Компенсация мазкур номукаммалликни тўғрилаш ёки ўрнини қоплаш хатти-ҳаракатидир. Гиперкомпенсация, фантазия ва идентификация унинг таркибига киради.

Бундай ҳимоя механизмини қўллайдиган шахсларда илмий манбааларда қуйидаги

эҳтимолли девиациялар вужудга келади: агрессивлик, наркомания, алкоголизм, жинсий оғишлар, промискуитет, клептомания, дайдилик, кескинлик, такаббурлик, амбициозлик. Яъни соғлом турмуш тарзига риоя этмайдиган респондентларда мазкур фактор ўз таъсирини яққол намоён этаётганини кузатишимиз эҳтимол.

**ХУЛОСАЛАР.** Тадқиқот натижаларимизга асосланиб, қуйидагича хулосага келишимиз мумкин:

1. Турмуш тарзининг ўзига хослиги англанмаган психологик ҳимоя механизмлари билан детерминацияланади;

2. Психологик ҳимоя механизмлари ҳаёт тарзига нисбатан бўлган муносабатларга ижобий ва салбий таъсир кўрсатиши мумкин;

3. Шахслараро муносабатларни шакллантиришнинг дастлабки босқичида, психологик ҳимоя механизмларига таъсир этиш ушбу муносабатларни бузиши мумкин, биринчи марта ҳимоя механизмлари вақт ўтиши билан "салбий" таъсир кўрсатиши мумкин, чунки ҳимоя функциясининг йўқолиши ижобий йўналишдаги муносабатларни рағбатлантиради;

4. Ўз-ўзини англашга қаратилган ижтимоий-психологик тренинглар ҳаёт тарзига таъсир қилиб, ушбу латент ўзгарувчиларнинг тарқоқ салбий оқибатларини бартараф этади.

Шундай қилиб, яширин ҳаёт тарзи детерминизмига нисбатан тахминларнинг эмпирик таҳлили натижалари асосида қўйидаги хулосаларга келишимиз мумкин.

Турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятлари онгсиз психологик ҳимоя механизмлари томонидан аниқланиши мумкин;

Психологик ҳимоя механизмлари ҳаёт тарзига ижобий ва салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Адабиётлар:


1. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. М., 2007. Ч. 1.
2. Атажанов М. Психоанализ асослари. Т.: Ўзбекистон. Нашрёти. 2004 йил. 144 бет .
3. Братусь Б.С. Аномалии личности. – М.: Академия, 2008. – 385 с.
4. Каримова В. Саломатлик психологияси ёхуд соғлом бўлиш учун руҳиятни бошқариш сирлари. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. -72 б.
5. Петровский А.В., Ярошевский М.Г. История и теория психологии. Ростов-на-Дону, 1996. Ч.1.
6. Психология в XXI веке: пророчества и прогнозы. Круглый стол // Вопросы психологии. 2000, №1. С. 3–35.
7. Рубинштейн С.Л. Общая психология. М., 2004. Гл. 1.
8. .Pierret, J. Vivre avec la contamination par le VIH: contexteet conditions de la recherchedans les amines quatre-vint-dix // Sciences sociales et santii. – 2001. – Vol.19. – № 3. – Pp. 5-34.
9. Фрейд Зигмунд. "Я" и "Оно" // Труды разных лет / Пер. с нем. Кн. 1, 2; сост. А.Григорашвили. – Тбилиси: Мерани, 1991. – 398 с.
10. Карамян М.Х. Шахснинг саломатликка қадрият сифатидаги муносабатининг ижтимоий-психологик детерминацияси. Психология фанлари доктори (dsc) диссертацияси (2019 йил).



РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада талаба валеологик онгининг ривожланиши психологик ҳимоя механизмлари билан детерминанти баён этилган. Маълумки, психологик ҳимоя механизмларининг айримларининг шахсда барқарор шаклланганлиги улардаги валеологик онгнинг шаклланишига замин ҳозирлаши мумкин. Шуниг учун соғлом турмуш тарзи талабаларда устунлик қиладиган психологик ҳимоя механизмлари эмпирик ўрганилган ва натижалар психологик таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье описывается детерминанта развития студенческого валеологического сознания с помощью механизмов психологической защиты. Известно, что устойчивое формирование некоторых механизмов психологической защиты у индивида может проложить путь к формированию у них валеологического сознания. Таким образом, механизмы психологической защиты, которые преобладают в здоровом образе жизни студентов, были изучены эмпирически и результаты были проанализированы психологически.

SUMMARY

This article describes the determinant of the development of student valeological consciousness by psychological defense mechanisms. It is known that the stable formation of some of the mechanisms of psychological protection in the individual can pave the way for the formation of valeological consciousness in them. Therefore, the psychological defense mechanisms that predominate in healthy lifestyle students have been empirically studied and the results have been psychologically analyzed.

# БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

***Мирзарахимова Г.***

*ТВЧДПИ Психология кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** ўқитиш, жараёни, ижтимоий муносабатлар,педагогик амалиёт,бўлажак ўқитувчи, шахс, ижтимоий фаоллик.

**Ключевые слова:** учебный процесс, социальные отношения, педагогическая практика, будущий учитель, социальная активность личности.

**Key words:** teaching process, social relations, pedagogical practice, future teacher, social activity of the person.

Мустақилликка эришиб, ўзининг янги тараққиётини бошидан кечираётган Республикамизда ҳуқуқий-демократик жамият қуриш жараёни муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу жараённинг янада жадаллашуви ёшларнинг ақлий ва ахлоқий улғайишлари, жисмоний ва руҳий баркамол бўлишларига кўп жиҳатдан боғлиқ ҳисобланади. Ўқувчи-ёшларнинг мактаб таълимини чуқур эгаллашлари, жамиятда содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришларни тўғри англашларига ва имкон даражасида ўз ҳиссаларини қўшиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг таркиб топишини таъминлайди.

Ёшларга билим бериш, кўникма ва малакаларни таркиб топтириш бошланғич синфлардан бошлаб аниқ мақсадга қаратилган ҳолда келажакда етук мутахассис кадр бўлиб шаклланишига йўналтирилгани узоқ истиқболни кўзлаб амалга оширилаётганидан далолат беради.

Узлуксиз таълим бола ақлий тарбиясини кучайтирадиган, тарбиянинг бошқа йўналишлари билан узвий боғлиқликда олиб борадиган, билим ва дунёқарашининг кўламини кенгайтирадиган, энг юқори синфларда муваффақиятли таълим олишга таъсир этадиган босқичдир.

Мустақил таълим маълум билим, кўникма ва малакалар ҳамда тажрибалар асосида амалга ошади.  Мустақил фикр-мулоҳаза инсонда мавжуд билимларни, фикр ва воқеаликка бўлган муносабатларнинг эркин юзага  бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда  мухим ўрин  тутади .

Бугунги кунда педагог кадрларни тайёрлаш жараёнида Узлуксиз таълимнинг муҳим қадрияти бўлган мустақил таълимнинг ва ижтимоий омилнинг ўрни беқиёсдир. Айни ўринда таълимий қадриятлардан айримлари намоён бўлади. Улар қуйидагилардир:

1. Ўқитиш жараёнида ижтимоий муносабатларни ташкил этиш.
2. Педагогик амалиёт даврида ижтимоий муносабатларни ташкил этиш.
3. Бўлажак ўқитувчи шахсининг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш.

Маълумки, таълим- ўқитувчи ва ўқувчи орасида ўрнатиладиган педагогик муноса-

батлар мажмуидир. Ана шу муносабатларда ўзаро ишонч, талаб ва тартиб муҳимдир, яъни билимлар ортиб боради интелект мукамаллашади.

Ижтимоийлашув - бу маълум ижтимоий шароитларда атрофдагилар, бўлажак ҳамкасбларининг фаолиятини объектив баҳолаш, ижтимоий муносабатларни амалга оширишда фаол иштирок этишдир. Бу тизим бўлажак ўқитувчи шахснинг мақсадлари, фаолияти ҳамда педагогик муҳитни қабул қилиш хусусиятларини аниқлайди, ташқи омилларга таъсир кўрсатади.

Одамлар билан ўзаро муносабатлар, ижобий ёки салбий тажриба шахснинг ички муносабатлари тизимини юзага келтиради.

Дастлабки педагогик фаолият жараёнини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш, талабаларнинг умумий қизиқишлари асосида амалга оширилади. Бу ерда шахслараро муносабатлар катта рол ўйнайди. Шахслараро муносабатларнинг муайян натижаларни бериши бу фаолиятнинг муҳим самараси ҳисобланади.

Мақсадимиз талаба ва ўқувчиларларнинг ўз устида мустақил ижодий-продуктив ишлашлари, болалик орзуларини рўёбга чиқариш, тасаввурларини ошириш, очиқлик, ёрқинлик ва бетакрорлик. Ўқувчиларда шакллантирилиши лозим бўлган 5 та: коммуникатив; ахборот билан ишлаш; шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш; ижтимоий фаол фуқаролик; умуммаданий; янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш, компетенцияларини дарс жараёнида шакллантириш учун, уни ривожлантириш шаклида бериш услуби танланди. Мазкур компетенциялар талаба ва ўқувчининг ёш психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ўқув предметини ўқитиш жараёнида шакллантирилиб борилишини инобатга олиб, таълимнинг амалиётга йўналтирилганлик жараёнини кузатиш, тушуниш ва тушунтириш; тажрибалар ўтказиш, хулосалар чиқариш; психологик билимлардан амалиётда фойдалана олиш компетенцияларини шакллантириш кўзда тутилди. Шу нуқтаи назардан талабаларнинг дарс пайтидаги фанга оид компетенцияларини шакллантириш муҳим ҳисобланади. Шу ўринда талабаларда компетенцияларни ривожлантириш динамикасини ўрганиш билан бирга, усул, метод ва таълим технологияларнинг самарадорлигини аниқлаш хусусида олиб борадиган ижро механизмини ишлаб чиқамиз.

Ёшларга билим бериш, кўникма ва малакаларни таркиб топтириш бошланғич синфлардан бошлаб аниқ мақсадга қаратилган ҳолда келажакда етук мутахассис кадр бўлиб шаклланишига йўналтирилгани узоқ истиқболни кўзлаб амалга оширилаётганидан далолат беради.

Узлуксиз таълим бола ақлий тарбиясини кучайтирадиган, тарбиянинг бошқа йўналишлари билан узвий боғлиқликда олиб борадиган, билим ва дунёқарашининг кўламини кенгайтирадиган, энг юқори синфларда муваффақиятли таълим олишга таъсир этадиган босқичдир.

Мустақил таълим маълум билим, кўникма ва малакалар ҳамда тажрибалар асосида амалга ошади. Мустақил фикр-мулоҳаза инсонда мавжуд билимларни, фикр ва воқеаликка бўлган муносабатларнинг эркин юзага чиқарилишидир.

Бугунги кунда педагог кадрларни тайёрлаш жараёнида Узлуксиз таълимнинг муҳим қадрияти бўлган мустақил таълимнинг ва ижтимоий омилнинг ўрни беқиёсдир. Айни ўринда таълимий қадриятлардан айримлари намоён бўлади. Улар қуйидагилардир:

1. Ўқитиш жараёнида ижтимоий муносабатларни ташкил этиш.
2. Педагогик амалиёт даврида ижтимоий муносабатларни ташкил этиш.
3. Бўлажак ўқитувчи шахсининг ижтимоий фаоллиги.

Маълумки, таълим- ўқитувчи ва ўқувчи орасида ўрнатиладиган педагогик муноса-

батлар мажмуидир. Ана шу муносабатларда ўзаро ишонч, талаб ва тартиб муҳимдир, яъни билимлар ортиб боради интелект мукамаллашади.

Ижтимоийлашув - бу маълум ижтимоий шароитларда атрофдагилар, бўлажак ҳамкасбларининг фаолиятини объектив баҳолаш, ижтимоий муносабатларни амалга оширишда фаол иштирок этишдир. Бу тизим бўлажак ўқитувчи шахснинг мақсадлари, фаолияти ҳамда педагогик муҳитни қабул қилиш хусусиятларини аниқлайди, ташқи омилларга таъсир кўрсатади.

Одамлар билан ўзаро муносабатлар, ижобий ёки салбий тажриба шахснинг ички муносабатлари тизимини юзага келтиради.

Дастлабки педагогик фаолият жараёнини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш, талабаларнинг умумий қизиқишлари асосида амалга оширилади. Бу ерда шахслараро муносабатлар катта рол ўйнайди. Шахслараро муносабатларнинг муайян натижаларни бериши бу фаолиятнинг муҳим самараси ҳисобланади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик амалиёт давридаги фаолиятларининг кўрсаткичлари қуйидагилардир: маҳсулдорлик, қониқарлилик, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши, ижтимоий фаоллик, қадриятли йўналиши ва бошқалар.

Бу ерда бўлажак ўқитувчининг ўз фаолияти, яъни, бажараётган ишлари ва уни амалга ошириш шароитларида эмоционал-баҳолаш муносабатларидан қониқиш ҳосил қилиши жуда муҳимдир. Педагогик меҳнатдан қониқиш ҳосил қилишда ижтимоий-психологик муҳитнинг яхшилиги ва педагогик фаолиятнинг самарадорлиги муҳим кўрсаткичдир.

Ижтимоийлаштириш - касби бўйича ҳамкасблари билан муносабатлари, мулоқотлари ва биргаликдаги педагогик фаолиятда амалга ошириладиган ижтимоий-педагогик тажрибани ўзлаштириш, фаол қайта ишлаб чиқиш жараёни ва унинг натижасидир.

Шундай қилиб, бўлажак ўқитувчининг ижтимоийлашуви, яъни педагогик шароитларда ишлаб чиқаришга мослашуви - ижтимоий-психологик муҳитнинг яратувчиси, мулоқот, хулқи педагогик амалиёт раҳбари назорати остида мақсадга мувофиқ бошқарилиб борилади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик амалиёт давридаги фаолиятларининг кўрсаткичлари қуйидагилардир: маҳсулдорлик, қониқарлилик, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши, ижтимоий фаоллик, қадриятли йўналиши ва бошқалар.

Бу ерда бўлажак ўқитувчининг ўз фаолияти, яъни, бажараётган ишлари ва уни амалга ошириш шароитларида эмоционал-баҳолаш муносабатларидан қониқиш ҳосил қилиши жуда муҳимдир. Педагогик меҳнатдан қониқиш ҳосил қилишда ижтимоий-психологик муҳитнинг яхшилиги ва педагогик фаолиятнинг самарадорлиги муҳим кўрсаткичдир.

Ижтимоийлаштириш - касби бўйича ҳамкасблари билан муносабатлари, мулоқотлари ва биргаликдаги педагогик фаолиятда амалга ошириладиган ижтимоий-педагогик тажрибани ўзлаштириш, фаол қайта ишлаб чиқиш жараёни ва унинг натижасидир.

Шундай қилиб, бўлажак ўқитувчининг ижтимоийлашуви, яъни педагогик шароитларда ишлаб чиқаришга мослашуви -ижтимоий-психологик муҳитнинг яратувчиси, мулоқот, хулқи педагогик амалёт раҳбари назорати остида мақсадга мувофиқ бошқарилиб борилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ3151-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касбҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига шарҳ// http://uzlidep.uz/positionparty/82
4. Андреева А.С. Формирование системы профессионального воспитания обучающихся в условиях непрерывного образования// Устойчивое развитие науки и образования. 2016. № 3. С.34-38.
5. Аношкина В. Л., Резванов С. В. Образование. Инновация. Будущее. 2001. Раздел. Стадии становления концепции непрерывного образования. URL: sbiblio.com/biblio/archive/ resvanov_obrasovanie/

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада, булажак ўқитувчиларнинг мактаб таълимини чуқур эгаллашлари, жамиятда содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришларни тўғри англашларига ўз ҳиссаларини қўшиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш масалалари илмий – педагогик жиҳатдан асосланган.

РЕЗЮМЕ

Данная статья, научно и педагогически основана на развитии у будущих учителей знаний, навыков и умений, позволяющих углубить свои знания школьного образования, способствовать правильному пониманию социальных изменений в обществе.

SUMMARY

This article is scientifically and pedagogically based on the development of future teachers’ knowledge, skills and abilities that allow them to deepen their knowledge of school education, contribute to the correct understanding of social changes in society

# КАСБИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

***Исламова М. Ш.***

*ЧДПИ тадқиқотчи*

**Таянч сўзлар:** касбий дунёқараш, дунёқараш, интеллектуал ривожланиш, табақалаштирилган ва индивидуаллаштирилган дастурлар, электив таълим, касбий йўналтириш.

**Ключевые слова:** профессиональное мировоззрение, мировоззрение, интеллектуальное развитие, стратифицированные и индивидуализированные программы, элективное образование, профориентация.

**Key words:** professional worldview, worldview, intellectual development, stratified and individualized programs, elective education, career guidance.The possibilities of forming a professional worldview based on chemical knowledge.

Дунёқараш - дунёни ва унинг таркибидаги шахснинг қарашлари, баҳолари ва мажозий ифодалари тизими, инсоннинг атрофдаги воқеликка ва ўзига бўлган муносабати, шунингдек, одамларнинг асосий ҳаётий позициялари, уларнинг эътиқоди, ғоялари, билиш ва фаолият принтсиплари, ушбу қарашлар билан белгиланадиган қадрият йўналишлари тизимидир.

Касбий дунёқарашни шакллантириш муаммоси, дунёнинг илмий манзараси, ўрганилаётган билиш методологияси файласуфлар П. Алексеев, В. Андрушченко, Л. Губерский, И.Добронравова, С. Кириленко, И. Лакатос, Г. Платонов, А. Спиркин ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган [1].

Ўқувчиларнинг илмий ва касбий дунёқарашини шакллантириш А. Бугаев, М.

Головко, С. Гончаренко, Л. Зориналарнинг тадқиқотлари, С. Коршак, А.Ляшенко, М.Мартенюк ва бошқаларнинг бугунги кунда дунёқарашни ўрганишга бағишланган илмий изланишлари мавжуд бўлсада бу масала долзарблигича қолмоқда.

Сўнгги йилларда Э.В.Боднарчук, Э.В. Дмитриева, Т.Я.Железнова, А.Л.Жохова, В.П.Жукова, С.Ю.Рыбина ва бошқаларнинг тадқиқотларида дунёқараш мавзуси ўз аксини топди.

Психологлар дунёқарашни шахсиятни ривожлантириш контекстида ўрганадилар, бу Л. И. Божович, Б. И. Додонов, Г. Э. Залесский, А. Г. Ковалев, И. М. Краснобаев, Н. А. Менчинская, К. Мухина, В. С. Мухина, Ю. Л. Самарина, Т. С. Тамбовтсева, Б. М. Теплова ва бошқаларнинг асарларида аниқ акс эттирилган.

В. В.Гаинулина, И. Я. Лернер, Б. Т.Лихачев, Э. И. Моносзон, Г. В. Мухаметзянова, Т. И. Ойзерман асарларида «дунёқараш» тушунчаси ҳақида педагогик тушунчалар берилган.

Педагогик диагностика ёрдамида ўқувчиларни ривожлантириш ва педагогик педагогик коррекция, ўқитувчилар ва ота-оналарга маслаҳат бериш ва ўқитиш соҳасидаги билим ва тажриба, касбий йўналганлик, касбий ва шахсий ўзини-ўзи ривожлантириш ва бу жараёнларнинг бирлигини таъминлайдиган шароитлар яратилади. Педагогик диагностика ёрдамида ўқувчиларни ривожлантириш ва педагогик педагогик коррекция, ўқитувчилар ва ота-оналарга маслаҳат бериш ва ўқитиш соҳасидаги билим ва тажриба, касбий йўналганлик, касбий ва шахсий ўзини-ўзи ривожлантириш ва бу жараёнларнинг бирлигини таъминлайдиган шароитлар яратилади.

Шу сабабли қуйидагилар мақсад қилиб олинди:

1.»Таълим олувчиларнинг касбий дунёқараши» тушунчасини очиб бериш;

2.Таълим олувчиларнинг касбий дунёқарашининг таркибий қисмларининг таркибини аниқлаш;

3. Ўқувчиларнинг касбий дунёқарашини шакллантириш технологиясини ишлаб чиқиш;

4. Мактаб ўқувчиларининг профессионал дунёқарашини шакллантириш бўйича экспериментал ишларнинг самарадорлигини аниқлаш ва бошқалар.

Шахснинг психологик назарияси (Б. Г. Ананев, Л. С. Вйготский, А. Н. Леонтев, Ж. Пиагет, С. Л. Рубинштен ва бошқалар); Шахснинг ривожланиши ва фаолиятининг акмеологик назарияси (Б. Г. Ананиев, А. А. Бодалев, А. А. Деркач, Н. В. Кузмина ва бошқалар);

Шахс дунёқарашини шакллантириш бўйича (В.И.Блохин, Л.Н. Боголюбов, К.Э.Зуев, Г.В.Клокова, Э.И.Моносзон, В.А.Морозов ва бошқалар) ва таълим жараёнида турли педагогик технологияларни қўллаш муаммолари (В.П. Беспалко, М.В. Кларин, Б.Т. Лихачев, Г.К.Селевко ва бошқалар) [1] томонидан тадқиқ этилган.

Тадқиқот усулларини танлаш ҳал қилиниши керак бўлган вазифаларнинг моҳияти билан аниқланади. Тадқиқот давомида усуллар мажмуаси ишлатилган, шу жумладан: назарий - назарий таҳлил ва ўрганиш предмети муаммосини синтез қилиш; таълимда касбий дунёқарашни шакллантириш бўйича мавжуд тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш; педагогик экспериментни ташкил этадиган педагогик объектларнинг ҳолатини (синов, кузатув, сўров), социологик сўровноманинг эмпирик - диагностикаси. Натижаларни қайта ишлаш сифатли таҳлил ва математик статистика усуллари ёрдамида амалга оширилади.

Таълим олувчиларнинг касбий дунёқараши тушунчасини очиб беришда:

– кимёвий билимлар тизимини ва касбий билимлар, муносабатлар, эътиқодлар, инсоний қадриятлар психодиагностика асосида амалга ошириладиган идеал-

лар, ўқувчиларни ривожлантириш ва педагогик коррекция, ўқитувчилар ва ота-оналарга маслаҳат бериш ва ўқитиш;

– когнитив таркибий қисм, фан ва касбий билимларнинг, қарашларнинг умумлаштирилган тизимини, эътиқодлар, ўқувчилар фаолиятини тартибга солувчи меъёрлар, тамойилларни ўз ичига олган ҳолда ўқувчининг касбий дунёқараши таркибий қисмларининг мазмунини аниқлаш;
– қадриятлар ва идеаллар; амалий таркибий қисм ўқувчининг касбни психологик қўллаб-қувватлашга тайёрлигини, қуйидаги йўналишларда касбий фаолиятнинг мақсадлари ва воситаларини танлашни ўз ичига олади: психодиагностика, ўқувчиларни ривожлантириш ва педагогик коррекция, ўқувчилар ва ота-оналарга маслаҳат бериш ва таълим бериш;
– ўқувчиларнинг касбий дунёқарашини шакллантириш, фан ва касбий билимларни ўзлаштиришнинг мазмуни ва усулларини касбий ва шахсий ривожланиш, ўз-ўзини ривожлантириш жараёнлари билан уйғунлаштирадиган технология ишлаб чиқиш лозим.

Ўқувчининг шаклланган касбий дунёқараши мезонлари ва кўрсаткичлари қуйидагича аниқланади:

– фан ва муайян касбга оид билимларни назарий ва амалий эгаллаш даражаси билан белгиланадиган касбга тайёргарлик;
– касбий мотивация, унинг кўрсаткичи касбга мотивацион-муносабати даражаси ҳисобланади;
– касбий ва шахсий ўзини-ўзи ривожлантириш, унга эришиш учун зарур бўлган профессионаллик ғояси ва шахсий салоҳият кўрсаткичи кабилар.

Мактабда ўқувчиларнинг касбга йўналганлигини таъминлашнинг аспектларидан бири сифатида, уларнинг касбий дунёқарашини шакллантириш, қуйидаги вазифаларни кўриб чиқишни талаб қилади: касбий психологик ва педагогик дунёқарашни шакллантириш мезонлари ва даражаларини танлаш.

Илмий дунёқарашнинг шаклланиш даражаси мезонларини аниқлаш психологик-педагогик тадқиқотларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир, чунки бу дунёқарашнинг таркибий элементларининг сифат ва миқдорий ҳолатининг энг тўлиқ тасвирини олишга имкон беради.

Энциклопедик луғатда «мезон» «бирор нарса баҳоланиши, таърифи ёки таснифи қилинадиган белги» тушунилади; баҳолаш ўлчови. « Бу маълум бир стандарт, индикатор бўлиб, биз профессионал психологик ва педагогик дунёқарашнинг шаклланишига баҳо бера оламиз [3]. Ҳарбир мезон ташхис қилинган ҳодисанинг зарурий намоён бўлишини кўрсатадиган бир қатор кўрсаткичларга эга. Бизнинг ишимизда мезон белги сифатида кўриб чиқилади, унинг асосида келажакдаги ўқитувчи-психологнинг профессионал дунёқарашининг таркибий қисмларида юз берадиган ўзгаришлар аниқланади ва бу ўзгаришларни баҳолайди.

Агар сиз «индикатор» тушунчасини очсангиз, унда тушунтириш луғатида С.И.Ожегов, у «... бирор нарсанинг ривожланиши ва ривожланишини баҳолайдиган нарса» деб талқин этилади [3].

Ўқувчи шахсининг касбий дунёқараши масаласини кўриб чиқишда унинг ривожланиш даражасини баҳолаш мумкин бўлган кўрсаткичларни ажратиб кўрсатиш жуда муҳимдир. Дунёқараш ҳар доим индивидуал тушунча бўлганлиги сабабли, бундай кўрсаткичлар кўп бўлиши мумкин. Амалиёт эса ўқувчилар ўртасида касбий психологик ва педагогик дунёқарашнинг шаклланиш даражасини аниқлаш учун илмий асосланган мезонларни танлашни талаб қилади.

Махсус тадқиқотлар таҳлили ушбу муаммони ҳал қилишда ягона ёндашув йўқлигини кўрсатади.

Таълим назарияси ва амалиётида мезонларни асослаш учун умумий талаблар мавжуд (Н.Б. Крилова, С.Г. Спасибенко) [5]:

Мезонлар шахсиятни шакллантиришнинг умумий шаклларини акс эттириши керак;

Мезонлар ўрганилаётган тизимнинг барча таркибий қисмлари ўртасида муносабатларни ўрнатиши керак;

Сифат ва миқдорий кўрсаткичлари жодий фаолият ўлчовини акс эттириши керак.

Н.Г.Огурцов [1] дунёқарашни шакллантиришнинг учта мезонини белгилайди:

1.интеллектуал-мантиқий, бу дунёқарашнинг мазмунли томонларини билишнинг тўлиқлиги, ҳажми, илмий, тизимли, далил, мустаҳкамлик каби хусусиятлари ёрдамида билиб олишга имкон беради;

2.ўқувчининг эгаллаб олинган билимларга бўлган муносабатини ифодаловчи ҳиссий-ихтиёрий: қизиқиш ва уларга ишониш, ҳиссиёт ва сўз эркинлигида намоён бўлган олинган билимларни қўллашга интилиш;

3.фаол, турли хил тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўқувчининг ижтимоий фаоллиги кўрсаткичлари тўпламини ўз ичига олган: билим, меҳнат, ижтимоий-сиёсий, ташкилий.

И. Я. Лернер [2] дунёқарашни шакллантириш тизимининг бир оз фарқли кўрсаткичларини таклиф этади:

– олинган дунёқараш билимлари миқдори ва ундан фойдаланиш қобилияти; бу ҳажм қанчалик катта бўлса, уларни қўллаш доираси кенгроқ, билимлар ва улар акс эттирган воқелик ҳодисалари ўртасидаги боғлиқлик қанчалик чуқурроқ бўлса, инсоннинг дунёқарашининг назарий даражаси шунчалик юқори бўлади;
– билимни шахсий муносабат, шахснинг позициясига айланган қадриятлар ва ҳаёт принциплари билан ўзаро боғлаш; қадриятлар, эътиқодлар, тамойиллар тизимининг барқарорлиги, дунёқараш билимларини қўллаш йўналиши;
– можаро, муаммоли вазиятлар ўқувчиларнинг касбий дунёқарашини шакллантириш, акмеологик технологияларни ривожлантиришнинг назарий асослари.

Таълим олувчиларнинг интеллектуал ва касбий ҳаракатчанлигига бугунги кунда жамият томонидан қўйилган талаблар акмеологик даражада ўқув жараёни иштирокчиларининг ривожланиши ва ўзини ўзи ривожлантириш қонуниятларини ўрганиш, акмеологик ўқитишнинг янги технологияларини излаш ва ривожлантириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Адабиётлар:

1. Белых А.С. Мировоззрение студенческой молодежи: проблемы формирования: монография /А.С.Белых. – Луганск: Изд-во «Ноулидж», 2012. -232 с.

2.Лернер И.Я. Подготовка будущих учителей трудового обучения и трудовому воспитание школьников. Педагогические образование.-Вып.№2,-М.:Педагогика,1990.-238-242 с.

3.Ожегов, С. И. Толковый словарь русского языка Текст.: 80 ООО слов и фразеологических выражений / С. И. Ожегов, Н. Ю. Шведова; Российская АН.; Российский фонд культуры. 2-е изд., испр. и доп. - М. : АЗЪ, 1995.-928 с.

4.Романова В. О. Формирование профессионального мировоззрения будущих педагогов-психологов на основе акмеологического подхода : диссертация ... кандидата педагогических наук : 13.00.08 / Романова Вера Олеговна; [Место защиты: Рос. гос. ун-т им. Иммануила Канта].- Калининград, 2009.- 268 с.: ил. РГБ ОД, 61 09-13/522

5.Эрназарова Г.О. Шахсни касбий фаолиятга тайёрлашда “Акмеологикёндашув”нинг зарурлиги// Илмий хабарнома. –Андижон. -№1/2017. -Б 92-94.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада мактаб ўқувчиларининг касбий дунёқарашини кимёвий билимлар асосида шакллантириш педагогик назария ва амалиётнинг асосий вазифаларидан бири эканлиги, долзарблиги, касбий дунёқарашни шакллантиришнинг методологик асослари, ўқув жараёнида кимёвий билимлар асосида ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантиришнинг назарий асослари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье основной задачей педагогической теории и практики является формирование профессионального мировоззрения школьников на основе химических знаний, его актуальность, методические основы формирования профессионального мировоззрения, теоретические основы формирования профессионального мировоззрения у студентов на основе химических знаний.

SUMMARY

In this article, the main task of pedagogical theory and practice is the formation of a professional worldview of students on the basis of chemical knowledge, its relevance, the methodological foundations of the formation of a professional worldview, the theoretical foundations of the formation of a professional worldview of students on the basis of chemical knowledge.

# БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИ – БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИ ҲАМДИР

***Жуманова Ф.У.***

*ТВЧДПИ “Педагогика ва менежмент” кафедраси мудири,*

*педагогика фанлари номзоди*

**Таянч сўзлар:** тарбиячи, ота-она, мактаб ўқитувчи, услуб, методика, муносабат, суҳбат, сўровнома, тажриба,тест, таълим, бошқариш, ўқувчи.

**Ключевые слова:** педагог, родитель, школьный учитель, стиль, методика, установка, беседа, анкета, опыт, тест, образование, менеджмент, ученик.

**Key words:** teacher, parent, school teacher, style, methodology, attitude, conversation, questionnaire, experience, test, education, management, student.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “Фарзандларимизнинг истеъдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларини яратиб бериш бундан буён ҳам бош мақсадимиз бўлиб қолади… Шу мақсадда биз “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” доирасида умумтаълим мактабларида биринчи марта “Тарбия” фанини жорий этмоқдамиз”, деб таъкидлаши халқ таълими ходимлари, мактаб ўқитувчилари олдига улкан вазифаларни қўйди.

Хўш, аслида тарбия нима? Бўлажак тарбиячи қандай фазилатларга эга бўлиши керак? Шу хусусида фикрларимизни баён қилсак.

Тарбияинсоннингақл-идроки, билими, иродасива эътиқодини, етуклик сифатларини ривожлантиришда муҳимдир. У сўнмас машъала сифатида фароғат салтанатига ҳечбир захматсиз етказади кишини.

Тарбия ҳарқандай шароитда ҳам нурли чўққиларга етишиш йўлини кўрсатиши билан бирга кишини зеҳнини, фикрини қилич каби ўткир қилади ва ҳарбир шахсга маънавий озуқа бериб, маданият, маърифат дунёсига олиб киради. Ёмон одамлардан, ёмон ишлардан қайтаради. Яхши хулқ ва одобли бўлишга хизмат қилади. Натижада кишилар ҳар ерда азиз ва ҳурматли бўладилар. Киши ҳаётини тўғри йўлга соладиган восита бу – тарбиядир.

Шунинг учун ҳам халқ орасида тарбия орқали олий фазилатларга, улуғликка

ва орзу-интилишларга эришган буюк кишилар қадрланади. Тарбия яхши-ёмонни таниш, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бориш дўстлик ва қариндош уруғнинг фазилатларини аниқлаш, қонун-қоидаларни тушиниш, ҳақ-ҳуқуқларни билиш каби ижтимоий аҳамиятга эга бўлган сифатларни ҳам камол топтиради.

Бизда бола тарбияни оилада ота-онадан, мактабда устоз-мураббийдан олади. Шу ўринда тарбия борасида ўқитувчиларнинг ўрнини алоҳида таъкидлаш зарур. Ўқитувчи тарбиявий ишларни ташкил этишда истиқболли режаларни ишлаб чиқиши ва унда ҳарбир тадбирнинг мазмуни, муддатлари, маъсул ижрочилар ва мўлжалланалаётган тадбирларнинг самарадорлик даражасига аҳамият бериши муҳим ўрин тутади. Шу муносабат билан бўлажак ўқитувчи ўқув-тарбия жараёнларини таҳлил қилиш, турли услубларни қўллаш, онгли равишда фаол фикр юритиш, билимни сафарбар қилиш, ўзи бажарадиган барча иш жараёнларини мустақил равишда амалга ошириш каби тажриба ва педегогик маҳоратга эга бўлиши зарур.

Шиддат билан ўзгараётган янги Ўзбекистонда ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳаётга муваффақиятли тайёрлашда маъсулят, теран дунёқараш, соғлом эътиқодлилик, маърифатлилик, диний ва миллий бағрикенглик, маънавият, фуқаровий маданият кабиларни шакллантириш кун тартибидаги асосий масалаларга айланиб бормоқда. Чунки тарбия дунёдаги юз бераётган мураккаб геосиёсий ва мафкуравий жараёнларга тўғри баҳо бера олиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда тўғри қарор қабул қилиш, ҳаётда ўз ўрнини топиш билан боғлиқ бўлган аниқ мақсадларни шакллантириш, оила – жамият ўртасидаги муносабатларнинг узулиб қолишининг олдини олиш, лоқайдлик, ҳуқуқбузарлик, “оммавий маданият”нинг турли кўринишларида сақлаш имкониятини яратишда ижобий таъсир кўрсатади.

Шу жиҳатдан ҳам бўлажак ўқитувчилар тарбия ишларини ташкил этиш ва бошқаришда илғор педагогик тажрибаларни аниқлаш, ўрганиш ва уларни оммалаштириш, илмий-тадқиқот изланишларини амалга ошириш, ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ўқувчилар тарбиясида оиланинг мактаб билан ўзаро самарали ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ота-оналарга бошқа миллат ва маданият вакилларига бўлган ҳурматни умуминсоний тамойиллардан келиб чиқиб шакллантиришни қўллаб-қувватлаш, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Шунингдек, янгиавлодтарбиясигаоидўқув-методик мажмуаларни яратиш ва амалиётга жорий этиш асосида таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, уларнинг ўқув материалларининг тўлиқ ўзилаштириши натижасида фанлар мазмун моҳиятини тўлиқ англаши ва ҳаётга тадбиқ қилишга ҳам эришиш даркор. Буларнинг барчаси тарбия самарадорлигини оширади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг асосий вазифалари таълим орқали ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик ва ижодкорликни ошириш ва шу асосида тарбия мазмунини такомиллаштиришдан иборатдир.

Бўлажак ўқитувчи ўзининг фаолиятида малакали ва тажрибали, чуқур билимга эга бўлиши, давлат ва чет тилларини, замонавий педагогик технологияларни ва ўқитишнинг инновацион услубларини билиши, кластер методи асосида бошқа ташкилотлар, йирик компания ва бирлашмалар билан алоқада бўлиши асосида таълим мазмунини такомиллаштириши зарур. Шунингдек, у миллий ва жаҳон адабиёти, мусиқа, кино, ҳайкалтарошлик, амалий санъат ва бошқа ижодий йўналишлардаги билимларга эга бўлиши ҳам фойдадан холи бўлмайди. Бундан ташқари, у таълим жараёнида ахборот янгиликларини жорий этиш, замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ва тасқидланган меъёрлардан келиб чиқиб, янги ўқув-лабаратория, илмий-

тадқиқот ишларини амалга оширишда фаол бўлмоғи даркор.

Шу билан бирга, ўқувчилар ўртасида ижодий танловлар, тест ва бошқа синовлар ўтказиб, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини, истеъдодини ривожлантиришга қаратилган машғулотлар олиб бориши таълим-тарбия самарадорлигини оширади.

Албатта, бундан ўқитувчининг малакали бўлиши, ўқувчи-ёшларга ҳозирги кунда дунёда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни уларнинг онги ва қалбига етказиши муҳим ҳисобланади. Ушбу жараёнда ўқитувчи ўзбекистон халқининг тарихий ва миллий анъаналари, маънавий қадриятлари ҳамда жаҳон маданияти ютуқлари билан ўқувчиларни таништириши, улардаилмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириши, уларнинг ташаббусларини қўллаб қувватлаши ва ўзаро муносабатлар орқали бир-бирига ишонч, ўзига ва ўзгаларга ҳалол, ҳақиқат билан қараши, ўз олдидаги масъулиятини тўлақонли ҳис эта олишига тайёрлаши керак.

Ўқитувчи тарбия жараётида ўқувчи шахсини ўрганиши, уларнинг ишнчини қозониши, ўзаро тушунишга эришишда тўғри ёндашувни қўллаши, ўз муносабатларини ифодалаши, ҳис-туйғуларни сезиши ва уларга кўмак беришда замонавий ва оқилона тизим яратиши даркор. Бу орқали ўқитувчи таълим-тарбия олувчиларда ижодий фикрлаш, ҳаётда фаол иштирок этиш ва ташаббус кўрсатишга оид ижтимоий-психологик муносабатни қарор топтиради.

Шу жиҳатдан ҳам ўқитувчи жамият, давлат ва оила олдида ўз масъулиятини ҳис этадиган давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри англайдиган ватанпарвар ва халқпарвар шахсни шакллантиришга эътибор қаратиши бирламчи масалалардан.

Дарвоқе, педагогнинг ўқувчи фаолиятини зийраклик ва диққат билан кузатиши, уларга ёрдам бериши, муаммоларни муҳокама қилиши, тўғри қарорлар қабул қилиши жараёнида суҳбатлар, сўровномалар, тестлар ўтказиши уларнинг фикри, дунёқараши, хато ва камчиликларни аниқлаш имкониятини беради. Ушбу жараёнда таълим тарбия натижаларини ўрганиш, хулосалар тайёрлашда ўқитувчининг назарий-услубий тайёргарлик даражаси, педагогик маҳорати ва шахсий сифатлари муҳим ўрин тутади.

Бўлажак ўқитувчилар тарбиявий ишларни амалга оширишда ўз вазифасини пухта ва ҳалол бажариши ўқувчиларнинг масъулияти ва маънавиятини юксалтиришда ўз самарасини кўрсатади.

Ўқитувчининг касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга бўлиши, тарбия жараёнини бошқаришда ҳартомонлама тўғри қарорлар қабул қила олиши, белгиланган мақсадларга эришишда аниқ вазифаларни белгилаб беради. Ўқитувчи нафақат таълим-тарбия ишларини олиб боришда, балки жамиятнинг тараққий этишида катта вазифани бажаради. Шунинг учун ҳарқандай ўқитувчи, аввало, ўз ўқувчиларининг ҳаётий даражаларини пухта билиши ва бу соҳада иложи борича катта тажриба ҳосил қилиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқувчилар кўп жиҳатдан ўқитувчиларга тақлид қиладилар. Ушбу жараёнда ўқитувчи тўғри йўл тутса, ўқувчилар ҳам тўғри йўл тутади.

Тарбия жараённи бошқаришнинг энг самарали усулларидан бири ўқитувчи ўз нуқтаи назарини кўргазмали шаклда, ранг-баранг, кутилмаган, ҳаётда олинган воқеалар ва мисоллар билан тақдим этишдир.

Ҳар бир ўқитувчининг ўзига хос тарбия усуллари бор. Ўқитувчининг хулқ-атвори орзулари, мақсад ва ютуқлари ўқувчининг ўзига хос бўлиб етишишга таъсир қилади. Ўқувчидаги камчилик ва хатоларни аниқлашда дастлаб ўқитувчиунинг муомаласини ўрганиши сезиларли натижа беради. Бола ўзида айнан ота-онасининг фазилатларини мужассамлаштирмасада, тарбия жараёнида ўқитувчи ўқувчиларга меҳр бериб,

уларни қўллаб-қувватлаш, кўмаклашиш, севиш ва севилиш каби гўзал туйғуларни ривожлантиради. Тарбия эса ўқувчиларга билимлар, қоидалар, қадриятлар, шахснинг ижтимоийлашуви учун керак бўлган барча анъаналарни беради.

Тарбия жараёнини бошқаришда белгиланган тартибга амал қилиш уларда билимларни кенгайтириш, дарров мулоқатга киришиш, адашган инсонни кечириш, унга кўмаклашиш, кечиримли бўлиш, ўзига ва атрофдагиларга ишониш, меҳрибон бўлиш, яхшилик қилиш, кўмак бериш туйғуларини ривожлантиради.

Ўқувчининг тўғри ва нотўғри, яхши ва ёмонни ажратишини ўқитувчиунинг ўзига қўйиб беради. Унга амал қилиш ёки нимани қилиш мукин ёки мумкин эмаслиги тўғрисида берилган йўналишда ўқувчи ҳақ-ҳуқуқларини ривожлантиришига қарамай, тартибга бўйсиниши қатъий талаб этилади. Мазкур бошқарувни танлаган ўқитувчи “менинг ўқувчим идеал фазилатлар соҳиби бўлиши лозим”, деб ҳисоблайди ва ҳечқачон унга тазйиқ ўтказмайди. Ўқитувчи ўқувчининг мақсади ва ҳаракатлари ҳаёт синовларида кўмакчи бўлиб, уни бахтли қилишни ўйлайди. Ўқувчилар ўртасида яхши муносабат, маънавий яқинлик, қадриятли йўналишларнинг бирлиги, вазият ва манфаатларнинг умумийлигида пайдо бўлади.

Бугунги кунда тарбия ишларини бошқариш мамлакат ва жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш. М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллгининг 29-йиллига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2020 йил 1-сентябрь.
2. ЎзбекистонРеспубликаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь.
3. Усманов Н. Бўлажак ўқитувчиларни миллий ғоя тарғиботига инновацион ва педагогик технологиялари.-Т.: ”Фан ва технологиялар”.2012.16-бет.
4. Дугин А. Политическая философия.-М.: “Мисл”.2005.- с.83.
5. Мухина М.Психология. Учебник.-М.:”Республика”.1998.-с.16
6. Жўраев С. ва бошқ.Политология. Ўқув қўлланма.-Т.:ТДШИ.2009.-б.104.
7. Аристотел. Политика.-М.: «Мисл».1997.-с.37-38.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий ишларга тайёрлаш моҳияти ва уларнинг вазифалари, усуллари кабилар илмий методик жиҳатдан асосланган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье научно и методически обоснована сущность подготовки будущих учителей к воспитательной работе, их задачи и методы.

SUMMARY

In this article, the essence of training future teachers for educational work, their tasks and methods are scientifically and methodically substantiated.

## INKLYUZIV TA’LIMDA MUSIQA TERAPIYA

***Asadullaeva M. A.***

*Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti*

*”Musiqa ta’limi” kafedrasi o’qituvchisi*

**Tayanch so’zlar:** inklyuziv, reabilitatsiya, musiqaterapiya, primar,oktava.

**Ключевые слова:** инклюзив, реабилитация, музыкальная терапия, примар, октава.

**Key words:** inclusive, rehabilitation, music therapy, primer, octave.

Musiqa terapiyasi-tanadagi va ruhiy kasalliklardan aziyat chekadigan bolalar va kattalarni davolash, reabilitatsiya qilish, o'qitish va tarbiyalashda musiqa ta'siri yordamidan foydalanib musiqani his-tuyg'u bilan idrok etishga asoslangan psixoterapiya usuli. Kuy ohangining ritmik asosidan va ijro etilishidan kelib chiqib, musiqa insonlarga ularning individual ichki kechinmalari va his-tuyg'ulariga qarab turli xil ta'sir etadi. Musiqani inson kayfiyatiga ta'sir etish maqsadida foydalanish mumkin.

Musiqa terapiyasi-ko'pchilik insonlar o'zlaridagi psixologik zo'riqishni bartaraf etishda, tinchlanish va fikrlarini jamlashda, hissiy holatlarini yaxshilashda qo'llaydigan qadimiy va tabiiy usuldir.

Mushohada. Inklyuziv ta'limda musiqa terapiyasidan foydalanishning maqsadi: hissiy idrok etish jarayonini rivojlantirish va tuzatish (sezish, idrok qilish, namoyish qilish), harakatlanishni kuchaytirish, nutq faoliyatidagi tutulib qolish holatlarida ( ijtimoiy va shaxsiy holatdagi keskin o'zgarish tufayli yuzaga keladigan tashvishlanishni olib tashlash) reabilitatsiyaning ijobiy-hissiy muhitini yaratish;

Shu o'rinda Karl Kenigning musiqa terapiyasidagi yondoshuviga murojaat qilamiz: Musiqa organizmga chuqur ta'sir etishi uchun bemorning o'zi faol harakatda bo'lishi (kuylashi, musiqa asboblarida ijro etishi, musiqani harakatlarida namoyon eta bilishi) kerak. Musiqa terapiya mohiyatini biz "maxsus" bolalar imkoniyatlarida ruhiy rivojlantiruvchi va ruhiy his-tuyg'u jarayonlariga ijobiy va davolovchi ta'sir etuvchi, bolaning zahiradagi kuchini san'atning barcha sohalarida va umuman hayotda o'zini boshqarishga to'g'ri yo'naltirishda ko'ramiz.

Mutaxassislar musiqa terapiyasini passiv va faol shakllarga ajratadilar. Avvalo bemorlarga o'zlarining ruhiy salomatligi va davolanish jarayoniga mos keladigan turli musiqiy asarlarni tinglashni tavsiya qilinadi. Imkoniyati cheklangan bolalar bilan kamida bir marotaba muloqot qilganlar ularning ko'ngliga yo'l toppish qanchalik qiyinligini biladilar. Shu sababli, musiqada mavjud bo'lgan tabiiylik va imkoniyat so'nggi 2-3 o'n yillikda musiqa terapiyasining jadal rivojlanishining sabablaridan biri bo'lib kelmoqda.

Inklyuziv ta'limda musiqa terapiyasining foydali jihatlari quyidagilardir:

- jarayon ishtirokchilari o'rtasida ishonchni, o'zaro tushunishni mustahkamlashga yordam beradi;
- terapiya jarayonini tezlashtirishga yordam beradi, chunki ichki kechinmalar suhbatdan ko'ra musiqa yordamida osonroq ifodalanadi;
- musiqa his-tuyg'ularni faollashtiradi, ongli idrok etishni kuchaytiruvchi vosita sifatida xizmat qiladi;
- musiqiy malakani bilvosita oshiradi, o'z-o'zini nazorat qilish va fikrlarini tartibga solish jarayoni paydo bo'ladi.

Davolashni qanchalik erta boshlansa, muvaffaqiyatga erishish ehtimoli shunchalik ko'proq bo'ladi. Shuning uchun, imkoniyati cheklangan bolalarni ikki yoshligidan boshlab musiqa terapiya yordamida davolash va rivojlantirish mumkin. Ikki yoshli bolalarda tashqi olam haqidagi tasavvur doirasi juda tor, nutqi yaxshi rivojlanmagan, asab tizimi ,eshitish va visual hislari kuchsiz, harakatlari muvofiqlashmagan, e'tibori noturg'un. Odatda, bunday bolalar tovushlarni taqlidqilish, oddiy musiqiy ohanglarni bo'g'inlab kuylab berish va talaffuz qilish ko'nikma, malakalariga ega bo'lmaydilar. Bolalar musiqa bilan harakatlarini qanday muvofiqlashtirish kerakligini, bilmaydilar, eshitish va ko'rish orqali o'z hatti-harakatlari bilan tashqi signallarga munosabat biladira olmaydilar. Lekin ularda taqlidchanlik xususiyatlari bor,bu ham bo'lsa musiqiy –ritmik harakatlarda, ohanglarni hirgoyi qilishda va qo'shiq kuylashda namoyon bo'ladi. Ijtimoiy faoliyat texnologiyasi sifatida Imkoniyati cheklangan bolalarda musiqa terapiyaning afzalliklari quyidagilardan iborat:

Inklyuziv ta'limda bolalar bilan ijtimoiy faoliyat texnologiyasi sifatida musiqa terapiyasining afzalliklari quyidagilardir:

1.Mutlaq bezararlik; 2.Qo'llashning yengil va qulayligi; 3. Nazorat qilish imkoniyati; 4.Ko'p vaqt va bosim talab etuvchi boshqa davolovchi usullardan foydalanish zaruratini kamaytirish imkoniyati.

Maxsus tashkil etilgan ovoz kombinatsiyasi kompozitsiyasi yordamida psixofiziologik ta'sir qonunlariga muvofiq tashkil etilgan musiqa muvaffaqiyatli aks etishi va namoyon bo'lishi mumkin:

- Turli xil kayfiyat - quvonch, xursandlik, quvnoqlik, qayg'u, muloyimlik, tushkunlik, ishonch, tashvish;
- intellectual va irodali jarayonlar-qat'iyatlilik,g'ayratlilik,bosiqlik, g'amxo'rlik, harakatsizlik, irodasizlik, jiddiylik;
- Borliqning umumlashgan xususiyatlari ko'rinishi-kuch, yengillik, davomiyligi, yo'nalishi, kengligi, fazoviyligi;
- Harakatlarning xilma-xilligi xarakteristikasi- tez, mo' tadil, sekin, elastik, kuchli, bo'shang, egiluvchan.

Musiqiy ritmika tayanch va nutq faoliyatining buzulishida (tik xastaligida, duduqlanish, harakatlanishning nomuvofiqliligi, to'xtab qolishi) ritmni his etish, nutqda, nafas olishdagi kamchiliklarni davolashda foydalaniladi. Maktabgacha yoshdagi bolalarda kichik guruh mashg'ulotlari shaklida ritmik o'yinlar, nafas olish mashqlari, ma'lum bir ritmni tezlashgan va sekinlashgan sur'atda bajarish kabilarda namoyon bo'lib kelmoqda.

Musiqa terapiyasining ikki turini ko'rib chiqamiz: asboblardan foydalangan holda va musiqiy asarlarni kuylash yordamidagi musiqa terapiyasi. Birinchi tur quyidagi bosqichlarni o'z ichiga oladi:

- diagnostika;
- bolaning muammosiga mos keladigan asboblar guruhini tanlash;
- bolaning o'zi afzal ko'rgan guruhda nmusiqa asbobini tanlash;
- ushbu asboblarning har birining ijro etilishida musiqiy qismlarni tinglash va tanlov qilishni taklif qilish;
- bolalar tomonidan tanlangan cholg'u asboblar ijro etgan asarlar ro'yxatini aniqlash;
- yakunlovchi bosqich. Musiqiy asarlar yordamida musiqa terapiyasi quyidagi bosqichlarni o'z ichiga oladi:
- diagnostika;
- musiqiy asar tanlash;
- yakunilovchi asar tanlash.

Inklyuziv ta'limda bolalar bilan musiqa asarlari va musiqa asboblaridan foydalangan holda faoliyat tashkil etish mumkin.Bu jarayonda klassik musiqa asarlaridan foydalanish tavsiya etiladi. Tinglash uchun quyidagi asarlarni tanlash mumkin: Bax, List, Shopen, Raxmaninov, Betxoven, Motsart,Chaykovskiy, Shubert va boshqalar.

Cholg'u sozlaridan foydalangan holda musiqa terapiyasini o'tkazish texnologiyasi:

Avvalo, mutaxassis, ham psixolog sifatida bolaning ahvolini tashxislash, uning hissiy holatini aniqlagan holda bolaga muvofiq musiqiy kompozitsiyani tanlash kerak.

Tashxis qo'yish va muammolarni aniqlagandan so'ng, bolaning muammosiga mos keladigan asboblar guruhini tanlash kerak, shundan so'ng birnechta vositalardan qaysi biri afzal ekani aniqlanadi. Buni quyidagi yo'llar bilan hal qilish mumkin:

a) bola yoki o'smirning o'zi afzal ko'rgan guruhdan cholg'u asbobini tanlashi;

b) Tanlangan musiqa asbolarining har biri ijrosidagi asarlardan bir qismini tinglatish va tanlov qilishni taklif qilish;

C) Ma’lum bir cholg’u asbobi ijrosidagi musiqa qismlarini tinglash.Yuqori ta’sir etuvchi musiqa asbobi tanlanadi.

Bir qator defektolog olimlarning ishlaridan biz musiqa terapiyasi turli xil differensiyalangan usullar tizimini o’z ichiga olganini ko’rishimiz mumkin, ularning ba’zilari, albatta, an’anaviy, boshqalari esa nutq buzilishining o’ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqib o’zgartiriladi.

Adabiyotlar:

1. Qodirova F.U., Methodical Cluster - An Innovative Mechanism To Increase The Efficiency Of General Secondary And Inclusive Education, Progressive Academic Publishing, 2020

2. Музыкотерапия в работе с детьми с ограниченными возможностями здоровья

3. Шушарджан С. В. Здоровье по нотам. - М., Иэд-во АО «Перспектива», 1994. - С. 190.

4. Еремина Н. И. Восстановительная коррекция психологического статуса детей из социально неблагополучных семей методом игровой вокалотерапии. - Диссерт. на соиск. уч. ст. к. психол. н — М., РНЦ ВМ и К, 2009, - С.133.

5. Асадуллаева М.А. Мактаб ёшидаги болаларда овоз режими ва гигиенаси.Maktab va hayot .Махсус Сон № 125-26 betlar.http://libruary.cspi.uz/book/68

6. Асадуллаева М.А. Ёшларни маънавий тарбиялашда қўшиқчилик санъатининг тутган ўрни. Халқтаълими 2020-№3 60-63 betlar.

7. Ш.Р.Маҳкамова.Имконияти чекланган болалар ва ҳартомонлама етук авлодни тарбиялашда мусиқанинг ўрни.Махсус сон № 1 22-23 betlar.http://libruary.cspi.uz/book/69

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada inklyuziv ta’limda musiqa terapiyaning ahamiyati va o’ziga xos xususiyatlari ko’rib chiqilgan. Imkoniyati cheklangan bolalarni ijodiy va aqliy rivojlantirishda musiqaning turli faoliyatlaridan unumli va maqsadli foydalanish muhimdir. Bu jarayonda bolalar musiqa asboblari ijrosi yoki musiqiy asarlarni kuylash yaxshi samara beradi. Maqolada bolalarning qiziqishlari va imkoniyatlarini individual tarzda aniqlab olish metodlari batafsil yoritilgan. Musiqa o’qituvchilarining asosiy vazifalaridan biri bu-inklyuziv ta’limda o’quvchilarni ijodiy qobiliyatlarini aniqlash va rivojlantirish va ijodkor bolalarni sog’lom va serqirra bo’lib ulg’ayishlari uchun barcha shart – sharoitlarni yaratgan holda ta’lim-tarbiya berishdir.

РЕЗЮМЕ

В данной статье обсуждается важность и специфика музыкальной терапии в инклюзивном образовании. Важно эффективно и целенаправленно использовать различные музыкальные занятия в творческом и интеллектуальном развитии детей с ограниченными возможностями. В этом процессе дети играют на музыкальных инструментах или поют музыкальные произведения . В статье подробно описаны методы индивидуального определения интересов и возможностей детей. Одна из основных задач учителей музыки - выявление и развитие творческих способностей учащихся в инклюзивном образовании и создание всех условий для того, чтобы творческие дети росли здоровыми и разнообразными.

SUMMARY

This article discusses the importance and specifics of music therapy in inclusive education. It is important to use a variety of music activities effectively and purposefully in the creative and intellectual development of children with disabilities. In this process, children play musical instruments or sing musical works. The article details methods for individually identifying children’s interests and opportunities. One of the main tasks of music teachers is to identify and develop students’ creative abilities in inclusive education and to create all the conditions for creative children to grow up healthy and diverse.

# ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

***Усаров Ж.Э.***

*ЧДПИ п.ф.д.профессор.*

***Абдусаматова Ш.С.***

*Психология кафедраси катта ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** компетенция, методика, таълим, мактаб, талаб.
**Ключевые слова:** компетентность, методика, образование, школа, спрос.
**Keywords:** competence, methodology, education, school, demand

Ўзини ўзи ривожлантириш деганда, инсон ҳаёти мобайнида амалга ошириладиган, унга ўзининг мавжудлик мазмунига етишишга кўмак берувчи, инсоннинг ички оламининг қайта ўзгаришига ҳамда компетент шахс сифатида шаклланишига асос бўладиган босқичлар тизимини тушунамиз.

Мазкур мақолада давлат таълим стандартларини замонавий талабларни инобатга олган ҳолда умумтаълим фанларини такомиллаштиришда хориж тажрибаларини ўрганиш, таълим тизимида кометенциявий ёндошувга асосланган таълим стандартларини жорий этилиши жараёни, ўзини ўзи ривожлантиришдаги олиб борилган тадқиқот ишларининг натижалари ҳамда самарали баҳолаш методикаларининг айрим жиҳатлари хусусида тўхталиб ўтилади.

Давлат таълим стандартлари ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича эгаллашлари керак бўлган билим ва тайёргарлик даражаларини белгилаб беради ҳамда ўқув режа, дастурлар ва дарсликларни ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонда таълимга компетенциявий ёндошувга асосланган умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартини (ДТС) ишлаб чиқиш зарурати: узлуксиз мажбурий таълимнитакомиллаштириш; компетенциявий ёндашувга асосланган, узвий равишда умумтаълим ва психология фанлари бўйича таълим олувчилар тайёргарлигининг зарур ва етарлича даражаси ҳамда таълим муассасаларини битирувчиларга нисбатан малака талабларини аниқ белгилаб олишга қаратилган.

ўқув жараёнидаги умумтаълим фанларига оид компетенцияларни танлаш, уларни шакллантириш ва белгиланган компетенияларни шаклланганлик даражасини аниқлашда хориж тажрибаларидан самарали фойдаланиш орқали амалга оширишни кўзда тутади. Сабаби, меҳнат бозоридаги талабнинг тез ўзгариши, иш берувчиларнинг фақатгина унинг билими, кўникмаси ва малакасигагина эмас, балки уларнинг шахсий сифатларига ҳам эътибор қарата бошлаганлиги билан белгиланиши таълим тизимидаги ёндашувларни ҳам ўзгартиришни тақозо этаётганлигини ҳаётнингўзи кўрсатиб бермокда. Компетенциянинг нақадар муҳимлигини, равишда такомиллаштирилиб борувчи замонавий талаблар инобатга олиниши, ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашлари ўсиши, билим олишга бўлган қизиқишнинг ортиши ҳамда битирувчиларнинг мажбурий таълимдан кейинги босқичларга тез мослашувчанлик хусусиятларининг самарали намоён бўлишида кўринади.Юқорида баён қилинган ёндашувлар ҳамда тадқиқотимизнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда олий таълим муассасалари талабаларини ўз-ўзини ривожлантириш жараёнида биз қуйидаги тузилмавий бўғинларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин ва бу кўникмаларни шахсларда шакллантириш тамойилларини ишлаб чиқиш зарур: ички ҳиссиёт бўғини; ўз-ўзини англаш бўғини; ўз-ўзини белгилаш бўғини;

ўз-ўзини бошқариш бўғини;ўз-ўзини намоён этиш бўғини.

А.Маслоунинг эҳтиёжлар диаграммасига эътибор берсангиз (1-расм) унинг асоси сифатида физиологик (биологик,ташкилий) эҳтиёж қўйилган бўлса, охирида “ўз-ўзини янгилаш” яъни “ўз-ўзини ифодалаш эҳтиёжи” мисол қилиб келтирилган.

Пирамидада келтирилгани эҳтиёжлар ҳаракатини икки томонлама, пастдан тепага ва тепадан пастга ҳаракат қилади деб ҳисоблаш мумкин. Юқорига ҳаракатланишни эҳтиёжлар қондирилиши жараёни деб, пастга ҳаракатланишни эса – эҳтиёжни қодиришга интилишнинг сўниши жараёни деб қараш мумкин. Демак, ўзини ўзи




ривожлантириш масаласи ҳар қандай ёшдаги инсонлар учун тааълуқли бўлиб, юксакликга етакловчи асосий омил ҳисобланади ва таълим кластерининг барча бўғинлари учун бевосита алоқадор.

Мақсадимиз талаба ва ўқувчиларларнинг ўз устида мустақил ижодий-продуктив ишлашлари, болалик орзуларини рўёбга чиқариш, тасаввурларини ошириш, очиқлик, ёрқинлик ва бетакрорлик.Ўқувчиларда шакллантирилиши лозим бўлган 5 та: коммуникатив; ахборот билан ишлаш; шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш; ижтимоий фаол фуқаролик; умуммаданий; янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш, компетенцияларини дарс жараёнида шакллантириш учун, компетенцияни ривожлантириш шаклида бериш услуби танланди. Мазкур компетенциялар талаба ва ўқувчининг ёш психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ўқув предметини ўқитиш жараёнида шакллантирилиб борилишини инобатга олиб, таълимнинг амалиётга йўналтирилганлик жараёнини кузатиш, тушуниш ва тушунтириш; тажрибалар ўтказиш, хулосалар чиқариш; психологик билимлардан амалиётда фойдалана олиш компетенцияларинишакллантириш кўзда тутилди. Шу нуқтаи назардан талабаларнинг дарс пайтидаги фанга оид компетенцияларини шакллантириш муҳим ҳисобланади. Шу ўринда талабаларда компетенцияларни ривожлантириш динамикасини ўрганиш билан бирга, усул, метод ва таълим технологияларнинг самарадорлигини аниқлаш хусусида олиб борадиган ижро механизмини ишлаб чиқамиз.

Ижро механизми бирнеча босқидан иборат бўлиб:

1. Ўзини англаш (Самосознание)

Мақсад: профессионал фаолияти даражасини аниқлаш, шахсий сифатлари, имкониятлари ва педагог-ходимларларнинг қийналаётган жиҳатларини аниқлаш.

2 .Режалаштириш (Планирование)

Мақсад: ўзини ўзи ривожлантириш мавзуси юзасидан шахс фаолиятини режалаштириш.

3. Амалга ошириш (Реализация)

Мақсад: ўзини ўзи ривожлантириш жараёнини амалга ошириш, самарали натижага эришиш ва таълим тарбия жараёнини методларини тадқиқ қилиш.

4. Ўз ўзини назорат қилиш (Самоконтроль)

Мақсад: ўзини ўзи ривожлантириш юзасидан ўзининг фаолиятини англаш ва уни баҳолаш (осознать и оценить собственные действия, результаты продвижения в саморазвитии).

Олий таълим муассасалари талабаларнинг мутахассис фанларига оид компетенцияларининг дастлабки ҳолатини аниқлашда, тегишли анкеталар ва фанларига оид тест топшириқларидан фойдаланилади.Талабадаги компетенцияларини шаклланганлиги юзасидан ўтказиладиган назорат ишларидафанининг хусусиятларидан келиб чиқиб, қисқа муддатда, кўпчиликни ташхислаш мақсадида тест синовлари танланади. Тестнинг жавоблари икки хил тарзда: танланадиган ва ёзиладиган тарзда белгиланади ва ҳар бир тест маълум бир билимни, кўникма ёки малакани эгаллаганлигини ташхислай олиши керак.Тестлар тузиладиган вактда умумий компетенцияларни амалиётда қўллай олиш лаёқатини аниқлашга қаратилиши лозим, бунда талабаларнинг танлаган касби ҳам ҳисобга олина.

Компетенцияларни  факатгина тестлар ёки назоратнинг ёзма(оғзаки ) усуллари билан ҳам аниқлаш етарли натижа бермайди. Шунинг учун анъанавий баҳолаш усулларини қўллаб бўлмайди. Талабалар компетенцияларини аниқлашнинг самарали усули бу анкеталар ўтказишдир. Бунда уларда шаклланиши керак бўлган таянч компетенцияларга тегишли бўлган саволлар анкетага киритилади. Компетенция шаклланганлигини битта  савол билан эмас, балки бир нечта саволлар берилади. Масалан, биз таклиф қилган (30 та) анкета саволларида юкорида келтирилган таянч компетенциялар таркибига кўра қуйидагича танланди:1.Коммуникатив компетенцияга –5 та; 2.Ахборот компетенциясига–5 та;  3. ўз-ўзини ривожлантириш компетенциясига – 10 та;  4.Ижтимоий фуқаролик компетенциясига– 5 та; 5.Умуммаданий компетенцияларга -5 та.

Шундан келиб чиққан холда, шаклланишнинг қуйидаги вазифаларини аниклаш мумкин:

- талабаларнинг ижодкорлик потенциалини ошириш;
- педагогик фаолиятида зарурий компетенцияларни шакллантириш;
- ўз устида ишлаш ва ўзига нисбатан танқидий муносабатда бўлиш кўникмасини шакллантирувчи методик тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ўзини ўзи ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;
- дастурни тажриба-синовдан ўтказиш;
- ривожлантирувчи таълим юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш

Кутилаётган натижа:Ўз мақсади ва фаолият стратегиясини белгилаб олади, тўғри қарор чиқариш кўникмаси  ўзига бўлган ишонч ва педагогик маҳорати ортади, инновацияларни қабул қилиш ва қўллаш кўникмасини шакллантирилади.

Шу уриндаайтиб утиш жоизки,юкорида кетирилган ижро механизми ва айрим динамикалар,Чирчик Давлат педагогика институти Педагогика ва психология йўналишидаги талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришнинг буйичаишлаб чикилган режа дастури асосидаги тажрибалар эди.

Адабиётлар:

1. Базаров Т.Ю. Компетенции будущего: Квалификация. Компетентность (критерии качества).//www.tltsu.ru/publectures/lecture_06.html

2. Usarov, J. (2019). Using Teaching Methods for Development Student Competencies. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 15(1), 272-274.

3. Абдусаматова, Ш. С., &Исматов, И. И. Межличностные отношения к проблеме влияния человеческого темперамента. Высшая школа нучно-практический журнал, 1, стр.36-39,2020.

4. Абдусаматова Ш. С. Талаба ёшларнинг интеллектуал ижодий салохиятини ривожлантириш. “Замонавий педагогиканинг долзарб муаммолари” илмий мақолалар тўплами, 1, 203-205,2020.

5. Эльконин Б.Д. Понятие компетентности с позиции развивающего обучения // Современные походы к компетентностно-ориентированному образованию. Красноярск, 2002. С. 22.

РЕЗЮМЕ

Ушбу  мақолада, хориж тажрибаларини ўрганиш, таълим тизимида кометенциявий ёндошувга асосланган таълим стандартларини  жорий этилиши жараёни,Ўзини ўзи ривожлантиришдаги олиб борилган тадқиқот ишларининг натижалари ҳамда самарали баҳолаш методикаларининг айрим жиҳатлари хусусида тўхталиб ўтилади.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена изучению зарубежного опыта, процессу внедрения образовательных стандартов на основе кометного подхода в систему образования, результатам исследований по саморазвитию и некоторым аспектам эффективных методов оценки.

SUMMARY

This article is devoted to the study of foreign experience, the process of introducing educational standards based on the cometary approach into the education system, the results of research on self-development and some aspects of effective assessment methods.

# SAN'AT ASARLARI VOSITASIDA BADIIY-ESTETIK TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHNING ART-TERAPIYA USULLARI

***Abduxamidov S. M.***

*Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti,*

*Pedagogika fakuliteti "Pedagogika va menejment" kafedrasi katta o'qituvchisi*

**Tayanch so'zlar:** san'at, art-terapiya, izo-terapiya, musiqa-terapiya, estetik, tafakkur, texnologiya, rassomchilik, metod, ijod, axborot, tasvir, kasbiy.

**Ключевые слова:** искусство, арт-терапия, изотерапия, музыкальная терапия, эстетика, мышление, технология, живопись, метод, творчество, информация, изображение, профессиональный.

**Key words:** art, art therapy, iso therapy, music therapy, aesthetics, thinking, technology, painting, method, creativity, information, image, professional.

Ijodkorlik inson uchun o'zligini, ichki dunyosini anglashda, samiymiy va do'stona munaosabatlarning paydo bo'lishida bilishning eng oson yo'llaridan biridir. Bu inson qalbining eng yaxshi tomonlariga, eng engil va samimiy jihatlariga qaratilgan. Biror kishi uni jalb qilsa, qo'shiq aytsa, musiqani ijro etsa yoki boshqa ijodkorlik turlarida o'z ifodasini topsa, unga tinchlanish, xotirjamlik, o'zini ko'rsatish va o'z ruhiga mos kelishi mumkin. Quyidagi turdagi terapiya turlari ajratiladi: Izoterapiya (rassomchilik, turli xil rasmiyatchilik, modellash va boshqalar kabi ijodkorlikning amaliy turlari), raqs va o'ynash terapiyasi, fototerapiya, musiqa terapiyasi, ertak terapiyasi va boshqalar.

Badiiy-terapevtik usullarning asosiy maqsadi o'z-o'zini ifodalash va idrok etish qobiliyatlarini shakllantirish orqali shaxsning uyg'un rivojlanishini yaratishdir.

Klassik psixoanalizning izdoshlari nuqtai nazaridan sublimatsiya mexanizmi sanatoriyadagi psixoterapiya ta'sirining asosiy vositasi hisoblanishi haqida fikrlar yuritishgan.

«Artterapiya» atamasi (so'zma-so'z: badiiy davolash) rassom Adrian Xill tomonidan 1938 yilda sanatoriylarda sil kasalligi bilan og'rigan bemorlar bilan ishlashini tasvirlashda joriy etilgan. Ushbu usullar AQShda Ikkinchi Jahon urushi paytida natsistlarlag erlaridan olib kelingan bolalar bilan ishlashda ishlatilgan. O'z rivojlanishining boshida art-terapiya Z.Freyd va C.G.Djangning psixoanalitik qarashlarini aks ettirdi, unga ko'ra mijozning badiiy faoliyatining yakuniy mahsulot (rasm, haykaltaroshlik, montaj)larining ongsiz ruhiy jarayonlarini aks ettiradi. 1960 yilda Amerikada Art Therapy Assotsiatsiyasi tashkil yetildi.

Art-terapiya yordamida asosan ikki xil usul ya'niy asosiy usul yoki yordamchi usul sifatida ishlatilishi- bugungi kunda biz badiiy terapiya usuliga xos bo'lgan ikkita xususiyatini, inson ruhiga tuzatuvchi ta'sir olishning asosiy usulini farqlay olamiz.

Birinchi uslub-San'at ayniqsa, ramziy shaklda travmatik to'qnashuvlar holatini qayta tiklashga yordam beradi va mijozning ijodiy qobiliyatlarini qo'llash orqali bunday vaziyatni o'zgartirib, uni hal qilish yo'llarini topishga imkon beradi.

Ikkinchi uslub - estetik reaksiyaning paydo bo'lishining tabiati bilan chambarchas bog'liq bo'lib, bu ta'sirni salbiydan ijobiy ta'sirga o'zgartirishga imkon beradi.

San'at terapiyasi usullari orasida rasm chizish, haykaltaroshlik, musiqa, qog'ozli modellash, modellashtirish, yog'ochni qayta ishlash, adabiy ijod, qo'shiqlar, raqslar va boshqa san'at turlari kiradi.

Art-terapiya kurslari asosan ikki yo'nalishda olib boriladi masalan:

birinchidan, ma'lum bir mavzu bo'yicha namunadagi maxsus materiallardan hunarmandchilik qilish imkoniyatini mijozga berishdir. Bu g'alati ranglardagi

kombinatsiyalarni, uchastkaning asl ifodasini va o‘ziga xos shaklini ko‘rish imkonini beradi. Yuqorida aytilganlarning hammasi bemorning dunyoqarashi, uning his-tuyg‘ulari, tajribalari, xavotirlari bilan bevosita aloqada bo‘lib, mijozning muammolari borligini va sifatini ko‘rsatuvchi qo‘shimcha diagnostika ma’lumotlarini olish imkonini beradi.

Ikkinchidan, mijozlar mavzu yoki chizmalar, materiallar, asbob-uskunalar tanlashga taklif qilinadigan tuzilmaga ega bo‘lmagan darsdir. Ushbu uslubning yakuniy bosqichi mavzuni yoki hikoyani, ishlash uslubini, moddiy tanlashni va boshqalarni muhokama qilishdan iborat.

Ko‘p taniqli psixoterapevchilar kundalik hayotda adaptiv qobiliyatlarni kuchaytirishda badiiy davoning roli etakchi ekanligi haqida ta’kidlashadi.

Turli xil badiiy-terapevtik usullar mijozlar ongiga chuqurroq yondashish, uning ongsiz tashvishlari va tajribalarini qayta ishlashni rag‘batlantiradigan, atrofdagi dunyoni idrok etish uchun mas’ul bo‘lgan bloklangan yoki kam rivojlangan perseptual tizimlarni rivojlantirishga yordam beradigan, assotsiativ va majoziy fikrlashni shakllantirish uchun muayyan vaziyatni yaratadi. Tajribali psixolog yoki psixoterapevt uchun badiiy terapiya qimmat baho diagnostik material hisoblanadi. Ko‘plab badiiy-terapevtik usullar yaratuvchilik zavqlari uchun misli ko‘rilmagan ko‘lamni ochib beradi.

Art-terapevtik effektlarning etakchi usullaridan biri-Mandala uslubi, ya’ni markaz yoki doirani bildiradi. Mandala naqshlari nosimmetrik bo‘lib, odatda ma’lum bir markazga ega bo‘lgan doira hisoblanadi. Mandalaning murakkab geometrik tuzilishida siz kvadrat kabi boshqa elementlarni topishingiz mumkin, ularda ovallar yoki egri chiziqlar, to‘rtburchaklar va uch burchaklarning har-xil turlari mavjud. Shunday qilib mandala qadim zamonlardan beri dunyoqarashni va ruhiy uyg‘unlikni shartli aks ettirishning ruhiy ma’nosini oladi. Insoniyat atrofdagilarning rasmlari yordamida jonni va ongni tinchlantirishga intuitiv ravishda o‘rganib, tabiatga yaqinlashish uchun imkon yaratdi.

K. Jungmandala g‘oyalarini diqqat bilan o‘rgangan ilk Yevropa olimlaridan yedi. «Memories, Dreams, Reflestions» asarida 1916 yilda Mandalaning ilk tasvirlanganligi haqida asarlarida ma’l’lumotlar keltirilgan.

Bugungi kunda san’at, antropologiya, arxeologiya, psixologiya va psixoterapiya sohasidagi ko‘plab mutaxassislar mandala o‘rganishni davom ettirmoqda.

Inson uchun ijodkorlik o‘zligini, ichki dunyosini anglash va bilishning eng oson yo‘llaridan biridir. Bu inson qalbining eng yaxshi tomonlariga, eng engil va samimiy jihatlariga qaratilgan. Biror kishi uni jalb qilsa, qo‘shiq aytsa, musiqani ijro etsa yoki boshqa ijodkorlik turlarida o‘z ifodasini topsa, unga tinchlanish, xotirjamlik, o‘zini ko‘rsatish va o‘z ruhiga mos kelishi mumkin.

Modellashtirish yoki chizish jarayonida miya yarim o‘ng yarim sharni o‘z ichiga oladi. Aynan shu tufayli, salbiy fikrlar va salbiy his-tuyg‘ularni targ‘ib etishga intilayotgan aqlni senzura qilish qimmatga tushadi. Biroq, rang palitrasi tanlanmasidan oldin, tasvirlar paydo bo‘lishidan oldin, inson aqli zaif bo‘ladi.

Izoterapiyada, o‘z orzularing izni qayta tiklash va mandalalar tayyorlash texnikasi ham tez-tez ishlatiladi.

San’atning yana bir turi raqsterapiyasi hisoblanib, raqs yordamida o‘z his-tuyg‘ularinii fodalashdan iborat. Raqs terapiyasi mashg‘ulotlari juda samarali va davolovchi hisoblanadi. Psixoterapevchilar bu usulni davolashning dunyo uslublarini o‘zgartirishga hissa qo‘shishiga ishonadilar. Vujudga yo‘naltirilgan terapiya atamasi V.Reyxning aytishicha, agar biron-bir his-tuyg‘u, masalan, g‘azab yoki quvonch, uzoq yo‘l bilan berilmasa, ular inson tanasining hujayralarida to‘planadi va bu mushak zirhi deb ataladi. Raqs terapiyasi yordamida bu jarayonning oldini olish mumkin.

To‘liq erkinlik hissi paydo bo‘lgunga qadar raqsga tushishingiz kerak. Ammo raqs studiyasida raqs bilan mashg‘ulotlarni chalkashtirmaslik kerak, chunki studiyada barcha harakatlar murabbiy tomonidan belgilanadi va o‘z-o‘zidan ifoda etilmaydi.

Betxoven musiqani donolikdan yoki boshqa harqanday falsafadan ustun deb hisoblaydi. Ko‘p tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, musiqa terapiyasi katta foyda keltiradi. Depressiya, stress va uyqu buzilishlarida samarali foyda berishi tadqiqotlar natijasida aniqlangan.

Musiqa tinglash jarayonida insonning ichki holati o‘zgartiriladi. Musiqa tinglaydigan kishi, motivning ritmiga moslashib, ijobiy tebranishlarni qabul qilgan xolda hayolan o’ylab turgan dunyoga sayr etadi bu esa insonning o’zi xoxlagan dunyoga bir marotaba xayolan bo’lsa ham sayr qilganligi orzularning biri ushalganligi kabi xursandchilik, yaxshi kayfiyat baxsh etadi.

Adabiyotlar:

1. O’zbekiston Respublikasi “Ta’lim to’g’risida”gi qonuni. Barkamol avlod O’zbekiston taraqqiyotining poydevori. Toshkent. Sharq. 1997-yil.

2. Abdirasilov S., “Tasviriy san’at va uni o’qitish metodikasi”.O’quv qo’llanma -T.: Toshkent “Ilm-ziyo”, 2011-yil.

3. Ishmuhamedov J. “Innovatsion texnologiyalar yordamida ta’lim samaradorligini oshirish yo’llari” -T.: TDPU, 2004-yil.

4.Hasanov R. “Maktabda tasviriy san’atni o’qitish metodikasi”. -T.: “Fan va texnologiya” 2004-yil

1. www.cspi.uz
2. www.tdpu.uz
3. www.pedagog.uz
4. www.Ziyonet.uz
5. www.edu.uz

РЕЗЮМЕ

San’at terapiyasi-bu terapevtik, davolash va reabilitatsiya ishlarini o‘z ichiga olgan markaziy psixoterapiya sohalaridan biridir. Bemorlarga yordam berish uchun san’atdan foydalanishga asoslangan. «Art therapy» atamasi aslida ingliz tilida so‘zlashadigan davlatlarda qo‘llanilgan. Yigirmanchi asrning birinchi yarmida paydo bo‘ldi. Bu atama san’atga asoslangan reabilitatsiya va terapevtik amaliyotning turli usullarini bildiradi. Bugungi kunda badiiy terapiya bemorning vizual ijodkorlikdan terapevtik ishlatilishidir.

РЕЗЮМЕ

Арт-терапия - одно из центральных направлений психотерапии, которое включает терапевтические, лечебные и реабилитационные мероприятия. Основано на использовании искусства для помощи пациентам.Термин «арт-терапия» действительно используется в англоязычных странах.Он появился в первой половине XX века.Этот термин относится к различным реабилитационным и терапевтическим практикам, основанным на искусстве. Сегодня арт-терапия - это терапевтическое использование визуального творчества пациента.

SUMMARY

Art therapy is therapeutic, is one of the central areas of psychotherapy that includes treatment and rehabilitation. It is based on the use of art to help patientsThe term «art therapy» is actually used in English-speaking countries. It appeared in the first half of the twentieth century. The term refers to a variety of art-based rehabilitation and therapeutic practices. Today, art therapy is the therapeutic use of the patient’s visual creativity.

## TA’LIM MUASSASASINING INNOVATSION FAOLIYATINI JORIY ETISH XUSUSIYATLARI

***Ernazarova G.O.***

*CHDPI, professori*

**Tayanch so’zlar:** innovatsion g’oya, innovatsion potentsial, innovatsion faoliyat, innovatsion jarayonlar, innovatsion loyiha, motiv.

**Ключевые слова:** инновационная идея, инновационный потенциал, инновационная деятельность, инновационные процессы, инновационный проект, мотив.

**Key words:** innovative idea, innovative potential, innovative activity, innovative processes, innovative project, motive.

O'zbekistonning yangi taraqqiyot davrida ta'lim-tarbiya va ilm-fan sohalarini rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risidagi 2020 yil 6 noyabrdagi PF -6108-sonli O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmonida mamlakatimizda ta'lim muassasalarining innovatsion faoliyatini joriy etish xususiyatlari, uning ahamiyati va zaruriyatidan kelib chiqqan holda vazifalar belgilangan.

Ta'lim muassasasining innovatsion faoliyatini joriy etishda innovatsiyalarni yaratish va amalga oshirish jarayonlari ham muayyan sikllardan iboratdir. Ushbu nuqtai nazardai olib qaralsa, innovatsion jarayon vaqt o'lchamlarida izchil davom etuvchi, ahamiyati jihatidan bir xil bo'lgan turli xil bosqichlarda funktsional jihatdan alohida mazmun kasb etib bir-biridan farqlanadigan faoliyat yig'indisidir.

Innovatsiya uchun asos bo'lib xizmat kiluvchi fundamental g'oya va bilimlarning, ularni amalda ko'llash quyidagi natijalarga olib keladi:

- istiqbolli bo'lmaydigan loyihalarni aniqlab olish va to'g'ri qaror chiqarish;
- innovatsion g'oyani amaliyotga tatbiq etish jarayonida yanada takomillashtirish;
- yangilikni texnologik xususiyatlariga, boshqaruv va tashkiliy faoliyat yuritish uchun mas'ul bo'lgan tizimlarning xarakteriga moslashtirish imkoniyati bo'ladi.

Innovatsion potentsialning moliyaviy resurslardan foydalanish funktsiyalari esa:

- innovatsionlarni joriy etish uchun talab etiladigan moliyaviy resurslarning kelib tushishini ta'minlash;
- moliyaviy resurslarning innovatsion jarayonlarning mos holda ta'minlanish sharoitini yaratish;
- innovatsion jarayonlarning amalga oshirilishi takomillashtirish;
- innovatsiyalarning yaratilishi uchun shart-sharoit yaratib berish, va rag'batlantirish;
- mavjud innovatsion tizimning funktsional faoliyati va rivojlanishibilan bog'liq turli xil ehtiyojlarga mos keladigan innovatsionloyihalarning yaratilishiga ko'maklashish;
- innovatsion loyihalarni xarajatlarning optimal va samaradorligini ta'minlash.

Y.Shumpeter innovatsion sohada faoliyat yurituvchi sub'ektlarning quyidagi funktsional vazifalarini belgilab beradi:

- innovatsiyalarni o'zlashtirishdan manfaatdor bo'ladigan potentsial iste'molchilarni aniqlash maqsadida tijorat tahlilini amalga oshirish;
- istiqbolli g'oyalar mualliflarini, funktsional faoliyat yuritish uchun imkoniyat beruvchi manbalarni izlab topish;
- yangiliklarni yaratish va ularni amaliyotga joriy etish jarayonlarini tashkillashtirish;
- yangiliklarning amaliyotga joriy etilishini qo'llab-quvvatlash.
- ilm-fan sohasida kashf etilgan yangi g'oyalarning moddiy tusga kiritilishi bosqichida innovatsion faoliyat sohasidagi novatorlik mehnati yaxshilash;

Guruhdagi o'zaro shaxsiy munosabatlarni o'qituvchi, jamoa shakllanishiga qadar bo'lgan bosqichda maqsadli tashkil etishi lozim. Buning uchun u yuqori darajada rivojlangan kommunikativ o'quvga-munosabat va aloqalar o'rnatishga moyillik va iqtidor, ta'lim oluvchilarni tushuna bilishga ega bo'lishi kerak.

S.V.Kondrat'evaning ma'lumotlariga ko'ra o'qituvchining ta'lim oluvchilarni tushunish darajasi va uning ularga ta'siri qandayligi o'rtasida muayyan o'zaro bog'liqlik mavjud.

Tushunish darajasi yuqori bo'lgan o'qituvchida xarakterni shakllantiruvchi ta'sir birinchi o'rinda turadi, tushunish darajasi past bo'lgan o'qituvchida esa-intizomiy ta'sirdir.

Agar o'qituvchi ta'lim oluvchilar faoliyatini tashkil etishga yetarli e'tibor bermasa, bunda intizomni saqlab turish uchun ko'p kuch va vaqt sarflashiga to'g'ri keladi.

Ta'lim oluvchilar shaxsiga ijobiy munosabat va rag'batlantirish tizimi pedagogik muloqot samarasining muhim qismi hisoblanadi. Samarali rag'batlantirish mazmuni va mezonlari (P.Massen, J.Konjer va b. bo'yicha) quyidagicha:

1. Rag'batlantirish muntazam amalga oshiriladi.
2. O'qituvchi ayni nima rag'batlantirishga loyiqligini tushuntirib beradi.
3. O'qituvchi ta'lim oluvchilar muvaffaqqiyatiga qiziqish bilan qaraydi.
4. O'qituvchi muayyan natijalarga erishganlikni rag'batlantiradi va ta'lim oluvchilarga buning mohiyatini tushuntiradi.
5. Yaxshi natijalarga erishish maqsadida o'quvchilarni o'z ishlarini tashkil eta bilishlikka o'rgatadi.
6. Har bir ta'lim oluvchining rag'batlantirish u sarflagan kuch-g'ayratga muvofiq bo'lishi kerak.
7. O'qituvchi erishilgan natijani unga sarflangan kuch-g'ayrat bilan bog'laydi va bunday muvaffaqqiyatga kelgusida ham erishish mumkinligini bildiradi.
8. Oldingi topshiriq bajarilgandan so'ng yangi ishga qiziqish uyg'onishiga harakat qiladi.
9. Ta'lim oluvchilarning e'tiborini o'zlashtirishning yuqori bo'lishligi mazkur ta'lim oluvchilar imkoniyatlaridan to'la foydalanishga bog'liq ekanligiga qaratadi.

O'qituvchi pedagogik muloqot innovatsion jarayonida o'quv-tarbiyaviy jarayonni boshqarish bo'yicha lavozim majburiyatini amalga oshiradi. Shu ma'noda o'qituvchining talaba bilan munosabati boshliqning o'ziga bo'ysunuvchi bilan bo'lgan munosabatiga o'xshaydi, uni boshqarishda ham rahbar qo'llaydigan uslubdan o'qituvchining foydalanishi mumkin.Innovatsion jarayonni amalga oshirishda o'qituvchi (yoki rahbar) va talaba (bajaruvchi) ishining o'ziga xosliklarini ta'kidlash zarur.

O'qituvchi bir necha jamoani va bajarilayotgan o'quv ishlarini (ma'ruza, laboratoriya ishi, amaliy mashg'ulot, seminar va h.k.) boshqaradi. Bir necha jamoani boshqarish oqibatida ularning har biri bilan ishlash vaqti nisbatan katta emas.Bu o'ziga innovatsion xoslik o'qituvchidan ayrim shaxslarni, ayrim jamoani o'rganish bo'yicha jadal ruhiy ishlashni talab qiladi.

O'zaro hamkorlik va o'zaro ko'maklashuvni ta'lim muassasalarda o'qituvchilarni motivlashtirish ham katta ahamiyatga ega.

Motivlashning ikki turi farqlanadi:

– Muvaffaqqiyatni motivlash;
– Muvaffaqqiyatsizlikdan ko'rqishni motivlash.

Muvaffaqqiyatni motivlash ijobiy tavsifga ega. Ta'lim oluvchilarning harakati yaxshi natijalarga erishish uchun yo'naltiriladi. Shaxsiy faollik muvaffaqqiyati ta'lim innovatsiyasi ta'siriga ega.

Motivlashning yuqorida qayd etilgan turlaridan tashqari ta'lim muassasasida o'quv faoliyati natijalariga kasbiy motivlash omili sezilarli innovatsion ta'limga ta'sir ko'rsatadi, bunda ijobiy munosabat muhim ahamiyatga ega.

Adabiyotlar:

1. Инновационный менеджмент. Учебник. Под.Ред, проф. В.Я. Горфинкеля. – М.: "Вузовский учебник ", 2009 г.

2. Маховикова Г. Инновационный менеджмент. Учебное пособие. – М.: “Эксмо ”, 2010 г
3. Отақулов М.К. Совершенствование учебного процесса на основе дистанционного интерактивного программного продукта. Материалы Республиканской научно-практической конференции «Внедрение в учебный процесс ВВОУ новых педагогических и информационных технологий». Т.: 2010й.,140 стр.
4. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўл. Д.Рўзиева, М.Усмонбоева, З.Ҳолиқова. – Т.: Низомий номли ТДПУ, 2013.
5. Голов Р. Инвестиционное проектирование: Учебник. – М.: “Дашков и К ”, 2010 г.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada innovatsion g’oyani amalga oshirish, o’qituvchining pedagogik muloqot innovatsion jarayonida o’quv-tarbiyaviy jarayonni boshqarishi, ta’lim muassasasida innovatsion jarayonni amalga oshirish, ta’lim muassasalarda o’qituvchilarni motivlashtirish masalalari yoritilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы реализации инновационных идей, управления учебным процессом в инновационном процессе педагогического общения учителя, реализации инновационного процесса в образовательном учреждении, мотивации учителей в образовательных учреждениях.

SUMMARY

This article deals with the implementation of innovative ideas, the management of the educational process in the innovative process of pedagogical communication of the teacher, the implementation of the innovative process in the educational institution, the motivation of teachers in educational institutions.

# ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТРЕБОВАНИЯ К ОРГАНИЗАЦИИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА В СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫХ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

***Элмурзаева Н.Х.***

*Старший преподаватель Чирчикского государственного педагогического института*

**Tayanch so’zlar:** aqli zaif o’quvchilar, ixtisoslashtirilgan davlat ta’lim muassasalari, o’quv jarayoni, o’qitish mazmuni, pedagogic talablar.

**Ключевые слова:** умственно отсталые ученики, профильные государственные образовательные учреждения, учебный процесс, содержание обучения, педагогические требования.

**Key words:** mentally retarded students, specialized state educational institutions, educational process, training content, pedagogical requirements.

В развитых странах обучение студентов с ограниченными возможностями здоровья является одним из основных стратегических направлений. На Всемирном форуме по образованию в Инчхоне, Южная Корея, в сотрудничестве с Организацией Объединенных Наций, ЮНИСЕФ и Всемирным банком в новой концепции образования на 2030 год, принятой этими международными организациями и развитыми странами, говорится, что «образование является главной важной деятельностью, движущей силой развития и устойчивого развития ».

В мире был проведен ряд исследований, направленных на обеспечение социальной защищенности детей с нарушениями развития и нуждающихся в длительном лечении, на создание необходимой адаптивной среды для их обучения и интеграции в общество, на оптимизацию дифференцированной сети специализированных государственных образовательных учреждений для детей с ограниченными возможностями. Этому вопросу уделяется особое внимание. При этом особое внимание уделяется совершенствованию механизмов организации образовательного процесса в государственных специализированных образовательных учреждениях.

В связи с быстрым внедрением самых передовых технологий в жизнь нашей страны результаты обучения студентов с ограниченными возможностями также требуют определения методов, инструментов, организационных форм обучения для повышения и оценки принятых стандартов. Тот факт, что существующие исследования в этой области недостаточно обеспечены, определяет актуальность изучаемой проблемы.

Основными требованиями к организации образовательного процесса в специализированных государственных образовательных учреждениях должен быть образовательный процесс, помогающий ученику адаптироваться к окружающей среде, найти свое место в обществе, быть максимально независимым. При этом особенность работы учителей - это, прежде всего, интеграция обучения и воспитания в той мере, в какой это помогает получить единые знания [1-4].

В специализированных государственных общеобразовательных учреждениях осуществляется обучение, помощь в получении общего среднего и профессионального образования, адаптация и интеграция детей с различными отклонениями в физическом и умственном развитии, создание для этого необходимых условий, а также воспитание детей-инвалидов, нуждающихся в социальной помощи и помощи в обучении.

Основными задачами специализированных государственных школ являются:

обеспечение получения в общем среднем, среднем специальном профессиональном образовании знаний в соответствии с государственными образовательными стандартами и разработанными на их основе требованиями специального образования (для умственно отсталых детей);

организация дифференцированного и индивидуализированного учебного процесса с целью обеспечения оптимального развития учащихся в личностно-ориентированной, социально ориентированной системе образования;

обучение личности путем формирования наиболее оптимальной модели поведения в личной, семейной, общественной жизни и трудовой деятельности.

Функцию (задачу) подготовки и включения каждого человека в различные сферы жизни, его участие в культуре этого общества выполняет социальный институт. Образование является одним из индикаторов социальных прав (статуса) каждого человека и одним из факторов, определяющих и изменяющих социальную структуру общества как такового.

Правильный выбор образовательного контента и уверенно применяемые методы вещания обеспечивают умственное, социальное и личностное развитие.

Речевые расстройства у учащихся-инвалидов носят системный характер. Они показывают, что не все действия, связанные с речевой деятельностью, в той или иной степени сформированы, такие как слабая мотивация, снижение потребности в речи, грубое нарушение речевой деятельности, внутренняя программа речевых действий, использование речевой программы, управление речью, нарушение операций сравнения добрачных результатов.

У учащихся с ограниченными физическими возможностями выраженность речи нарушена в разной степени (содержание, язык, сенсомоторный уровень). Наиболее слабо развиты сложные уровни (содержание, язык). Они требуют высокоразвитых аналитических усилий, синтеза, обобщения. У таких детей различается сенсомоторный уровень речи. Переходя в старшие классы, у большинства школьников наблюдаются фонетические дефекты речи, утрата нарушений двигательного уровня. В то же время развитие языкового и смыслового уровней у этих детей выходит за рамки

нормы. Речевые расстройства у учащихся с ограниченными возможностями бывают разных форм и требуют дифференцированного подхода в их анализе. Симптоматика (сумма симптомов) и механизм нарушения речи определяются не только общим недоразвитием системы мозга, но и локальной патологией системы, непосредственно связанной с речью. Это еще больше усложняет появление речевых нарушений у школьников с ограниченными возможностями.

Как и у нормальных детей, все формы речевых нарушений встречаются у учащихся с ограниченными возможностями. У учащихся с ограниченными возможностями речевые расстройства характеризуются длительным сохранением и их трудно поддерживать в период между старшими классами средней школы.

Умственно отсталых учеников значительно чаще встречается искаженное произношение звуков речи, а также использование чередующихся звуков. При мономорфном нарушении звукового произношения неправильное произношение звуков значительно, примерно в 2,5 раза, больше, чем замена звуков. Однако при полиморфном искажении замена звуков и искажение звуков происходят в относительно одинаковых количествах.

Следующая особенность нарушений речевого произношения у учеников-инвалидов проявляется в использовании одинаковых, четких, отчетливых артикуляционных приемов в самостоятельной речи.

Если посмотреть на образование с педагогической точки зрения, то главным и специфическим оказывается двусторонняя взаимосвязь образовательного процесса - процесс обучения и обучения. Обучение - это деятельность для тех, кто преподает, а обучение - это деятельность для тех, кто учится. Познавательная деятельность может осуществляться без учителя вне сферы образования, если она не связана с образованием. Однако взаимосвязанные действия - преподавание и обучение - имеют место только в процессе обучения. Дидактические отношения «обучение - обучение» возникают только тогда, когда познавательная деятельность учащихся направляется учителем по особому плану с четкой целью. Взаимосвязь преподавания и обучения определяет особую социальную значимость образования в форме педагогической деятельности. Еще одно необходимое описание образования состоит в том, что благодаря единству обучения и воспитания в процессе обучения не только приобретаются знания, но и формируются доверие, вера, нравственные качества, черты характера.

Он определяется следующими составляющими процесса обучения (обучения):

- ясная цель;
- требования, основы;
- контент;
- операционная деятельность;
- впечатлительно-волевой;
- под присмотром;
- эффективность, связанная с оценкой.

Хотя умственно отсталые учащиеся обучаются в специализированных государственных школах, учитель должен соблюдать основные требования, общие для всех типов уроков, в зависимости от цели и содержания каждого урока, размера и характера материала. Эти требования включают следующие результаты:

У каждого урока должна быть воображаемая цель, тот или иной ключевой конечный результат, к которому стремятся преподаватель и ученики. В процессе подготовки к уроку учитель должен сначала иметь четкое представление о его цели и правильно сформулировать ее в плане или программе урока.

Каждая цель должна иметь пять ключевых характеристик:

- совершенство содержания;
- контроль ожидаемого результата;
- своевременность;
- обоснованность (адекватность студенческих возможностей);
- мотивация (в соответствии с доказательствами деятельности человека).

Достижение цели обеспечивается только четким решением задач, поставленных перед этим занятием. В каждом тренировочном занятии выполняются три основных взаимосвязанных групповых задания:

- Учитель должен руководствоваться особыми дидактическими принципами при руководстве учебной деятельностью умственно отсталых учеников с целью выполнения заданий, расширяющих знания;
- Поощряйте учащихся к участию в учебной деятельности и оказывайте психологическую и педагогическую поддержку этой деятельности. Каждый урок должен отражать общую часть цепочки уроков по определенной теме. Знания, полученные на уроках социального направления, должны быть связаны и основаны на уже усвоенных ими концепциях.

Таким образом, наряду с получением новых знаний, охватываемые материалы также консолидируются;

- предполагает целенаправленную реализацию мышления умственно отсталых школьников (память, внимание, эмоционально-волевые качества, трудоспособность). Каждый урок должен быть направлен на улучшение усвоения, позволяя задействовать компенсаторные механизмы. Для этого учитель должен уметь видеть личностное развитие ученика в реализации планирования и индивидуальный подход в работе по совершенствованию на всех этапах обучения;
- Воспитательные задания - цель формирования реальных, положительных качеств человека, мировоззрения, нравственных убеждений, художественной культуры.

Обучение, проводимое в учебном процессе, требует от учителя:

Таким образом, наряду с получением новых знаний, охватываемые материалы также консолидируются.

Уметь анализировать и интерпретировать психологически и умственно отсталых учеников в конкретной педагогической ситуации, их поведение, действия, отношения, влияния;

- использование средств и методов обучения в зависимости от возраста и личных возможностей учащихся;
- организация трудовой деятельности по формированию самостоятельности, в том числе создание условий для формирования деятельности самообслуживания.

Обучение, совершенствование - развитие и воспитательные задачи требуют использования различных методов обучения в классе. Под методом обучения понимается то, как учитель передает знания и как учащиеся приобретают знания, навыки и компетенции.

Содержание обучения (программа) - это организационный метод обучения (урок), и методы обучения взаимосвязаны, но эти понятия ограничены.

Программа определяет содержание обучения, то есть объем и объем знаний, которые необходимо освоить ученикам.

Изучение и анализ проблем социальной интеграции умственно отсталых учеников, условий и возможностей их решения;

Диагностика и профориентация умственно отсталых учеников.

Это организационная форма обучения.

Метод обучения определяет способ познания, передаваемого учителем в контексте той или иной формы обучения, приобретения учащимися знаний по данному предмету. Следует тщательно продумать метод обучения, а также средства обучения умственно отсталых учеников.

Методы, используемые на уроке, включают рассказ учителя, беседу, наблюдение и т.д. будет зависеть от темы и содержания конкретной сессии. Методика обучения подбирается с учетом духа ученика, его возраста и индивидуальных особенностей (специфика инвалидности ученика и уровень его компенсации).

Существует четко определенный порядок методик обучения, которые различаются следующим образом:

– по источникам знаний (устные, наглядные, практические);
– специфические для познавательной деятельности учеников (объяснительно-описательные, репродуктивные, проблемные, частично-исследовательские, исследовательские);
– в дидактических целях (метод изложения новых знаний, повторение, закрепление знаний, метод контроля).

Устное изложение материала - наиболее удобный и усовершенствованный метод обучения. Действительно, умственно отсталые ученики испытывают трудности с восприятием и пониманием устной речи, потому что их внимание переключается, через короткий промежуток времени они отвлекаются, отвлекаются и теряют начало рассказа учителя. Тем не менее в профильных государственных образовательных учреждениях этот метод занимает лидирующие позиции в образовании, что на практике полностью оправдано. Материал, представленный учителем, может принимать разные формы:

- не использовать наглядные пособия;
- использование наглядных пособий;
- использование различных учебных пособий (видеопроектор, слайд-фильм, слайд-шоу, видеофильм).

Разговор - это метод обучения, основанный на вопросах и ответах. В процессе обучения преподаватель часто меняет методику разговора, что требует усвоения материала, создания условий для мыслительной деятельности с учетом ряда особенностей умственно отсталых учащихся. Преподаватель умело стимулирует учеников делать самостоятельные выводы на основе заданных вопросов. Кроме того, разговорный метод учит умственно отсталых учеников выражать свои мысли, которые считаются важными и необходимыми в устной речи.

Следующее позволяет использовать метод чата:

– Вопросы, которые преподаватель задает ученикам во время собеседования, должны быть хорошо продуманы. Вопросы не должны содержать наводящих на размышления или нерешительных ответов. Необходимо изменить вопросы, чтобы проверить понимание учащимися изучаемого материала и их устной речи;
– Требования к ответам учеников: Ответы должны быть точными и полными в зависимости от характера и метода. В ответах учеников следует попросить грамотно исправить аграмматизмы в речи, неправильное произношение и повторение фразы.

Очень важно научить умственно отсталых школьников работать с книгами и текстом. Книги, учебники, тексты, различные пособия помогают закрепить знания [3,4]. Ученики работают с опубликованными текстами и постепенно учатся читать самостоятельно и понимать, что читают. Аннотированное чтение позволяет идентифицировать определенные слова и фразы, а также смысл всего текста. Ученики приобретают знания, дающие общую информацию на уроках экспрессивного чтения, в то же время приобретая и накапливая словарный запас, развивая словесно-логическую речь и мыслительную деятельность.

Практику производства в обучении социальной работе умственно отсталых учеников трудно переоценить. Действительно, проведение стажировок с учениками профильного государственного образовательного учреждения создает много трудностей. Учитель должен уметь делать объяснения достаточно сложными во время производственной практики, чтобы иметь прочные отношения с учениками, потому что они часто отвлекаются, им сложно сосредоточить внимание. Поэтому учителю следует обратить особое внимание на:

четко определить цель, содержание, пояснительные методы производственной практики и тщательно и основательно подготовиться к производственной практике;

- необходимо подготовить учеников к рассказу о цели, содержании, организации стажировок, методах работы на стажировках, своей профессии, найти ответы на вопросы, возникающие во время стажировок;
- во время прохождения практики, чтобы не исключать кого-либо из учеников, все учащиеся должны стремиться понять смысл изученного материала и получить новые знания;

После стажировки, конечно, желательно провести собеседование, чтобы закрепить материал стажировки.

Очень важно подготовить учеников профильных государственных образовательных учреждений к жизни, включая обучение, например, обезжиривание поверхности тарелки под воздействием жидкости для мытья посуды, смачивание одежды перед стиркой, удаление пятен с одежды с помощью бытовых инструментов, измерение температуры воды, приготовление маринадов для консервирования и т.

Ученики должны понимать и запоминать программный материал, который они усвоили во время урока. Умственно отсталые ученики чувствуют потребность в руководстве учителя, чтобы правильно понять урок.

Необходимо запомнить основные правила, научить их записывать. Для этого учитель должен побудить учеников отделить основную идею от текстов, написанных на доске, книге, газете и т. д. И попросить их записать ее в своих тетрадях.

Общеизвестно, что знания, умения и умения неразделимы и тесно связаны. Умственно отсталые ученики могут хорошо знать таблицу умножения, но могут быть не в состоянии применять ее на практике или могут не следовать правилам грамматики при написании слов, могут знать, что 1 литр равен 100 мл, но могут быть не в состоянии измерить тот же объем воды с помощью химического стакана на 250 мл. важно уметь применять знания, полученные на специально организованных занятиях, в процессе повторения.

Правильный контроль знаний умственно отсталых учеников - сложный процесс, умственно отсталый ученик не всегда может без труда выразить свои знания, не умеет пользоваться речью [4]. Поэтому невозможно полностью и объективно не признать отождествление знания только посредством устной речи. Учитывая специфику проблемы умственного развития учеников, необходимо организовать несколько видов

исследовательской работы, а также уметь применять разные методы проверки знаний учеников. Чтобы добиться разного анализа деятельности учеников, преподаватель должен учитывать, что ученики могут применять полученные знания в повседневной жизни, на практике.

Литература:

1. Байтингер И.Э. Творческая деятельность детей-сирот младшего школьного возраста как фактор социально-педагогической адаптации в условиях детского дома. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. Челябинск. 2000. 22 с.

2. Гребенникова И.А. Изучение сенситивного периода формирования экологической культуры у умственно отсталих учащийся. // Вестник Череповецкого государственного университета. - Череповец. - 2010. - №3. - с. 5-8.

3. Элмурзаева Н.Х. Организационно-педагогические условия профессиональной подготовки в промышленном колледже учащийся с ограниченными возможностями здоровья. Актуальные проблемы современной науки. Информационно-аналитический журнал. - Россия. Москва: 2012. 0,3 п.л.

4. N.Kh. Elmurzaeva. Features of the development of inclusive education in Uzbekistan. ISSN 2308-4804. Science and world. 2017. № 3 (43). Vol. III.

5. N.Kh. Elmurzaeva.Organizational and Pedagogical Conditions of Improving Educational Work with Mentally Retarded Children in Republic of Uzbekistan. Eastern European Scientific Journal, 2019

РЕЗЮМЕ

Maqolada davlat ixtisoslashtirilgan ta'lim muassasalarida o'quv jarayonini tashkil etishga qo'yiladigan pedagogic talablar tasvirlangan.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны педагогические требования к организации образовательного процесса в государственных специализированных образовательных учреждениях.

SUMMARY

The article describes the pedagogical requirements for the organization of the educational process in state specialized educational institutions.

# РАЗВИТИЕ ЗДОРОВЬЕСБЕРЕГАЮЩЕЙ КОМПЕТЕНЦИИ СПЕЦИАЛИСТОВ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

***Тошов М.Дж.***

*Кандидат педагогических наук, и.о. доцента ЧГПИ*

**Таняч сўзлар:** компетенция, таълим, ривожланиш,мактаб,стандарт,долзарб,лицей, колледж, техникум, билим.

**Ключевые слова:** компетенция, образование, развитие, школа, стандарт, текущий, лицей, техникум, образование.

**Key words:** competence, education, development, school, standard, current, lyceum, technical school, education.

В условиях реорганизации системы среднего профессионального образования, включающего лицеи, начальные профессиональные школы, профессиональные колледжи и профессиональные техникумы, актуализируется проблема улучшения здоровьесберегающей подготовки всесторонне развитых кадров, обладающих глубокими медико-биологическими знаниями в соответствии с образовательными стандартами обеспечения профессиональных организаций профессиональными специалистами.

Согласно литературным данным, профессиональная компетентность предполагает «формирование на базе общего образования таких профессионально значимых для личности и общества качеств, которые позволят человеку наиболее полно реализовать себя в конкретных видах трудовой деятельности, соответству-

ющих общественно необходимому разделению труда и рыночным механизмам стимулирования.»[1,стр.546].

Как известно, одной из основных функций обучающих на любом этапе системы непрерывного образования является образовательная, воспитательная, развивающая, здоровьесберегающаяи подготовка обучаемых к предстоящей жизни. В контексте этого профессионализм будущего специалиста заключается в том, что мастер своего дела, человек, избравший ту или иную профессию и обладающий необходимыми для этого занятия знаниями, в том числе здоровьесберегающими, пониманием значимости своей профессии, обладанием необходимыми умениями и навыками по обеспечению безопасной трудовой деятельности, т. е. хорошо знать технику безопасности и основные правила всех требований охраны труда с тем , чтобы обезопасить себя от возможных негативных воздействий его профессии. При этом главным в данном процессе выступают объём здоровьесберегающей информации и умение творчески и своевременно пользоваться ею в практической деятельности.

Здоровьесберегающая профессиональная информация и просвещение предусматривает информирование обучающихся о там, что кадровый запрос заключается впотребности прежде всего физически, психически и духовно здоровых специалистов, хорошо знакомых с требованиями к профессиональным качествам человека, способами и путями их приобретения, социально- экономическими, психофизическими особенностями избранной профессии.

В этой связи каждый специалист должен быть социально-психологически детерминирован на ценностное отношение личности к здоровью, так как здоровье является одной из ключевых индивидуальных и общественных ценностей, способствующих поступательному социально-экономическому и культурному развитию человечества и благополучию общества/2/. При этом важно определить мишени для проведения мероприятий по повышению уровня здоровьесберегающей осведомлённости преподавателей специальных дисциплин в профессиональных образовательных учреждениях путём интеграционного обучения учебным дисциплинам с другими предметами, нацеленными на сохранение здоровья в процессе профессиональной деятельности./3/.В свою очередь, это требует акцентирования внимания на вопросы здоровьесбереженияпри разработке научно-методических и практических предложений по совершенствованию профессиональной ориентации обучающихся на основе объединения профессиональных знаний, квалификации и компетенции с здоровьесберегающими. В частности, будущие специалисты должны знать факторы,отрицательно влияющие на их профессию, а также осуществлять действия, способствующие сохранению здоровья: соблюдение основных компонентов здорового образа жизни: рациональное питание, высокая физическая активность, отказ от курения, употребления алкоголя и наркотических веществ, сохранение сексуального и репродуктивного здоровья, соблюдение правил дорожного движения, выполнение психогигиенымежличностных отношений, бережное отношение к окружающей среде и т. д., способствующих формированию соответствующих здоровьесберегающих компетенций.

Успешному формированию здоровьесберегающих компетенций способствует направленное выявление когнитивного, эмоционального и поведенческого компонентов отношения обучающихся к здоровью на всех этапах возрастного развития и видах профессионального образования,проведение семинаров и тренингов по развитию мотивации к бережному отношению к здоровью в подростковом, юношеском и зрелом возрастах , разработка, публикация и внедрение в практику соответствующей

методической литературы и рекомендации по развитию здоровьесберегающих компетенций в процессе профессионального образования[4].

В контексте сказанного особое внимание привлекают медицинские колледжи, часть из которых будет преобразована в техникумы общественного здоровья имени Абу Али ибн Сино, в которых углублённо будут изучаться такие предметы, как валеология, медицинская психология ,нутрициология , диетология , фармакология, кинезиология, реабилитология и профпатология. Несомненно профессиональная подготовка выпускников этих техникумов будет достаточно высокой также, как сформированностьздоровьесберегающих компетенций особенно в аспекте вышеназванных предметов.

Создание предложенного Президентом отдельного медицинского высшего образовательного учреждения по подготовке кадров с высшим профессиональным образованием в сфере общественного здоровья и санитарно-эпидемиологического надзора в будущем будет обеспечивать качественную профессиональную подготовку обучающихся впрофколледжах, выпускающих средний медицинский персонал.

Лица, обладающие соответствующей здоровьесберегающей компетентностью, будут всячески содействовать реализации социальной политики государства по сохранению и укреплению здоровья населения и, в первую очередь, подрастающего поколения.

Литература:

1. Сейтхалилов Э.А., Рахимов Б. Х., Маджидов И. У. Педагогический словарь-справочник. Изд. дом «Согдиана», «Optimallight», 2011,-700 с.

2. Карамян М.Х. Социально-психологическая детерминация ценностного отношения личности к здоровью. Автореф. дисс. доктора психологических наук. Ташкент. - 2019. - 80 с.

3. Гаимназаров О. Т. Совершенствование методики профессиональной ориентации учащихся колледжа на уроках математики. Автореф. дисс. доктора философии (PHD) по педагогическим наукам. Ташкент. 2019.- 50 с.

4. Шарипова Д. Д. и др. Проблемы здоровья учащейся молодёжи. Ташкент. Fanvatehnologiya. 2014.- 132 с.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада профессионал мутахассисларнинг соғлигини тежайдиган ва салоҳиятини ривожлантирадиган таълим ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

Эта статья об образовании, которое сберегает здоровье и развивает потенциал профессионалов.

SUMMARY

This article is about education that preserves health and develops the potential of professionals.

## САМООБРАЗОВАНИЕ ЛИЧНОСТИ В ПРОЦЕССЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ СТУДЕНТА

***Элмурзаева Н.Х.***

*Старший преподаватель ЧГПИ*

***Суяров А .М.***

*Преподаватель ЧГПИ*

**Таянч сўзлар:** o’z-o’zini tarbiyalash, tashkiliy mustaqillik, bilim mustaqilligi, o’z-o’zini o’rganish, ijodiy mustaqillik.

**Ключевые слова:** самообразование, организационная самостоятельность, познавательная самостоятельность, самообучение, творческая самостоятельность.

**Key words:** self-education, organizational independence, informative independence, self-training, creative independence.

Самообразование - это сознательная деятельность человека, направленная на самостоятельное познание, повышение своего образования и личностное совершенствование. Самообразование осуществляется в ходе самостоятельной учебной работы, которая характеризуется организационной и познавательной самостоятельностью студентов. Организационная самостоятельность проявляется в умении правильно организовать свой режим дня, поставить цель, спланировать и выполнить учебную работу. Она включает в себя овладение такими необходимыми элементами культуры умственного труда, как умение сосредоточиться на главном, умение разумно распределить свое время, физические и духовные силы. Сегодня обществу нужны инициативные и самостоятельные специалисты, способные постоянно совершенствовать свою личность и деятельность. Именно они могут адекватно выполнять свои функции, отличаясь высокой восприимчивостью, социально-профессиональной мобильностью, готовностью к быстрому обновлению знаний, расширению арсенала навыков и умений, освоению новых сфер деятельности.Познавательная самостоятельность выражается в готовности изучать материал без посторонней помощи. Ее формирование происходит тогда, когда усвоение осуществляется не путем механического запоминания, а с учетом психолого-педагогических закономерностей усвоения знаний, на основе овладения следующими познавательными умениями:

- умение наблюдать предметы и явления окружающего мира, выделять их признаки и свойства;
- умение сравнивать, анализировать, обобщать изучаемый материал, запоминать его и самостоятельно делать выводы;
- умение осуществлять контроль за результатами своей учебной деятельности.

Овладение умениями самостоятельной работы и рациональной организации учебной деятельности является признаком сформированности культуры умственного труда у студентов и предпосылкой для дальнейшего самообразования. Современная педагогика представляет развитие и саморазвитие личности как единый, целостный процесс. Обучение и самообучение - средство и компонент саморазвития личности, они диалектически взаимосвязаны: проявляя активность и прилагая усилия, человек обучает себя при участии других людей.

Самообучение - это осознанная творческая деятельность по овладению способами познавательной, коммуникативной и других видов деятельности, приобретение на этой базе необходимых знаний, навыков и умений и формирование качеств, обеспечивающих саморазвитие личности. В процессе развития самосознания в юношеском возрасте происходит формирование самостоятельности в такой степени, которая порождает новое отношение к себе и к своей деятельности, побуждая личность к саморазвитию. Осознавая свои новые потребности и возможности, человек стремится реализовать их в познавательной деятельности и переходит от обучения к самообучению. Они существенно отличаются друг от друга: первое - это средство формирования второго, а второе — продукт, результат первого. Обучение характеризуется взаимодействием педагога и студента. В самообучении человек - и субъект, и объект деятельности, что вызывает активную рефлексию и определяет своеобразие структурных компонентов этой деятельности. К ним относятся: собственное целеполагание, внутренняя потребность в самообучении и самоорганизации познавательной деятельности.

Структурные компоненты имеют значительные отличия: в обучении цель ставит преподаватель, а для самообучающегося характерно собственное целеполагание, что обеспечивает значительно большую продуктивность его деятельности. В обоих случаях основной целью считается усвоение знаний, приобретение навыков и умений. Изменение качеств личности, происходящее в реальном процессе обучения, по причине преобладания основной цели обычно констатируется ретроспективно. Если преподаватель его и прогнозирует, то действительный результат часто далек от намеченного. Самообучающийся имеет в виду обе цели своей познавательной деятельности, и поэтому его работа плодотворна для личностного роста, а изменение качеств личности воспринимается как запланированное достижение. В процессе обучения педагог формирует мотивацию обучающегося, который учится в соответствии с целями преподавателя и своими мотивами. Благодаря интенсивной саморефлексии в самообучении активно взаимодействуют мотивы познания и достижения цели, при котором в качестве смыслообразующего мотива деятельности выступает активный познавательный интерес. Механизм самообучения приводится в действие противоречием между сформированным активным познавательным интересом и уровнем развития личности, недостаточным для удовлетворения этого интереса. Непосредственным побуждающим моментом к самообучению будущего специалиста является изменение его отношения к себе и к деятельности, осознание способности выходить за пределы заданного, творчески преобразовывать себя.

Стремление удовлетворить активный познавательный интерес становится источником деятельности, оценка результатов которой сопровождается формированием нового смыслообразующего мотива и завершается постановкой новых целей. Мотивационная структура усложняется, совершенствуется, происходит упорядочение, подчинение и переподчинение мотивов. Преподаватель организует и проводит процесс обучения, выбирая средства и способы деятельности учащегося, определяя порядок его взаимодействия с другими людьми. Самообучающийся же сам организует, регулирует и контролирует свой познавательный труд, а способы его деятельности индивидуализированы в соответствии с его личностными особенностями. Самообучение - это концентрация познавательных, организационных и регулятивныхдействий, принимаемая как способ приобретения новых знаний и социальной ориентации и как качество интеллектуального развития. Такой синтез, закрепленный в виде понятий, знаний, практических умений, норм поведения, переносится на любое действие, которое должно обеспечить решение задачи в другой, актуальной для личности деятельности. Новый уровень умения концентрировать свои действия характеризует личностные изменения самообучающегося в интеллектуальном плане. В потребностно мотивационной сфере таким показателем является нравственный смысл учебных достижений. Возможности для перехода к самообучению возникают в процессе организации познавательной деятельности, которая преследует двуединую цель: формирование самостоятельности как черты личности и развитие способностей, умений, приобретение знаний и навыков. Если преподаватель целенаправленно стимулирует освоение студентами способов самообучения, то в целях, мотивах, способах и результатах познавательной деятельности происходят определенные изменения. Отмечается постепенное сближение их характеристик со структурными компонентами самообучения: личность обретает способность к целеполаганию, в ее мотивационной структуре начинает доминировать активный познавательный интерес, вызванный внутренней потребностью в самостоятельном познании. Самообучение и саморазвитие тесно взаимосвязаны.

Самообучение - продукт обучения и высший уровень познавательной деятельности, это готовность личности выходить за пределы учебных требований, предъявляя к себе требования, обусловленные осознанием своих возможностей, новым отношением к себе и к своей деятельности. Определяя самообучение через понятие «готовность», необходимо исходить из того, что самообучение - это состояние личности, которое характеризуется ее способностью к выходу за пределы учебных требований в сферу свободной познавательной деятельности. Поэтому момент перехода от обучения к самообучению — это определенное состояние личности, готовность к нему основана на изменении отношения к себе и возрастании степени самостоятельности в познании. Перечислим условия развития творческой активности.

1. Преобладание познавательного интереса в мотивационной структуре личности обучающегося.

2. Творческий характер учебной деятельности.

Творческая активность и самообучение тесно взаимосвязаны. Их общим показателем является выход за пределы заданной ситуации. Критерии оценки сформированности готовности к самообучению (доминирующий активный познавательный интерес, самоорганизация, самообучаемость, реализация творческого потенциала) адекватны проявлению творческой активности обучающегося. Прогрессивное изменение уровня самообучения и творческой активности оценивается при помощи следующих характеристик: продуктивного синтеза познавательных, организационных и регулятивных действий и нравственного смысла учебных достижений. Следовательно, развитие самообучения как деятельности и творческой активности - это единый процесс, в основе которого лежат самостоятельность и доминирование познавательной мотивации. Первое условие выполняется, если усилия педагога и обучающегося направлены на развитие внутренних мотивов познавательной деятельности, которые активизируют умственные способности и, взаимодействуя с ними, стимулируют выход за рамки заданного. Второе условие обеспечивается нацеленностью участников процесса обучения на творчество, в этом случае обязательные репродуктивные действия являются частью собственно творческого процесса. Творческий процесс в обучении поднимается не только как освоение механизмов деятельности, но и как процесс формирования необходимых для творчества личностных качеств. Критериями созидательной активности обучающихся выступают:

- интеллектуальная инициатива;
- оптимальная мотивация;
- наличие творческих способностей и умений;
- самостоятельность и способность к самоорганизации в учебнопознавательной деятельности.

В самообучении происходит развитие компонентов творческой активности, которая является и причиной, и результатом самообучающей деятельности. Студент, привыкший к самообучению, благодаря выработанной им способности к целеполаганию, сам ставит перед собой цель и стремится к ее достижению, созидает себя, приобретая теоретические знания, овладевая навыками и приемами осуществления профессиональной деятельности, развивая необходимые профессиональные и личностные качества, умения, способности. Познавательная мотивация, лежащая в основе самообучения, становится исходным моментом развития профессиональной мотивации и направленности личности будущего специалиста. Самообучение продолжается в форме учебнопрофессиональной деятельности, когда активный познавательный интерес к учебному предмету сочетается с интересом к будущей профессии и про-

цессу ее освоения. Таким образом, мотивация не только побуждает студента к активности в познавательной деятельности, но и пронизывает весь процесс подготовки специалиста, придает ему осознанность и целенаправленность. Для формирования ценностных установок на творческую самореализацию в процессе учебной деятельности необходимо:

- гуманизировать отношения студентов и преподавателей;
- преобразовать традиционные формы учебной деятельности (лекции, семинары) и актуализировать инновационные формы обучения (тренинги, деловые игры);
- стимулировать самообразование студентов путем включения их в исследовательскую работу. В основу взаимоотношений преподавателей и студентов должны быть положены следующие принципы: открытости и автономии; убеждения при сохранении альтернативы; доверия и сомнения; субъект-субъектной позиции. Принцип открытости и автономии. Без открытого выражения каждым студентом своих проблем, отношения к происходящему, к содержанию труда диалог невозможен, поэтому необходимо максимально содействовать возникновению готовности к пониманию и признанию права каждого на собственное мнение. Но студент, открытый к мнению других, должен иметь право сохранить свое мнение, и это непременное условие формирования отношения личности к себе как субъекту процесса профессионального роста. Желательно, чтобы каждый студент включился в процесс анализа собственных установок на профессиональную деятельность. Чтобы достичь этой цели, необходимо найти такие формы жизнедеятельности в системе подготовки будущего специалиста, которые бы способствовали его движению к самораскрытию, самоанализу, самоопределению.Принцип доверия и сомнения. Взаимоотношения должны строиться на основе полного доверия к студенту, даже если он непоследователен в выражении собственной позиции, формулировании выводов. Сомнению подвергаются лишь «продукты сознания»: заявления, тезисы, выводы. Благодаря сомнению обнажаются противоречия, выявляются проблемы (как внешние, так и внутренние). Сомнение есть условие познания, а доверие к познающему - это условие его свободного движения к поиску собственных истин. Реализация принципа «доверия и сомнения» требует учета реакции студентов на сомнение как норму. Принцип субъект-субъектной позиции. В ходе профессиональной подготовки необходимо преодолеть «объектную» позицию студента («меня должны научить», «мне подскажут»), включить его в процесс постановки целей, деятельного их воплощения и ответственной рефлексии сделанного.

Принцип убеждения при сохранении альтернативы. Убедить - значит найти общий смысл, не затушевывая объективно существующих противоречий, которые всегда будут оставаться источником альтернативы. Важно, чтобы она воспринималась как благо, но не заслоняла того общего, на чем можно выстраивать осознанные, добровольные и согласованные действия. Поиск общего смысла выступает и как принцип выстраивания отношений между студентами и педагогами, и как задача, которую они призваны решить, чтобы совместно действовать, разрешая проблемы. Развивая субъект-субъектные отношения между преподавателями и студентами, можно способствовать тому, чтобы на этапе обучения в вузе студент смог выбрать ориентиры для формирования своего отношения к деятельности, к себе, к другим. Профессиональное саморазвитие складывается из двух компонентов: внешних

условий (создаются определенными позициями) и внутренних способностей, которые предполагают наличие потребностей в обновлении, развитии, самопознании, в понимании своих действий, целей, средств. В основе непрерывного самообразования находится процесс самообучения, самообразования, обеспечивающий не только овладение способами приобретения необходимых знаний, но и формирование познавательной, организационной и творческой самостоятельности, являющейся профессионально значимым качеством личности. Поэтому одной из важнейших задач высшей школы сегодня становится формирование готовности будущих специалистов к самообучению и проявлению творческой активности.

Литература:

1. Педагогика: Учебное пособие для студентов пед. вузов / В. А. Сластенин, И. Ф. Исаев, Е. Н. Шиянов; Под ред. В. А. Сластенина. М.: Изд. центр «Академия», 2002. 576 с.
2. Подласый И. П. Педагогика: Учебник. М.: Высшее образование, 2006. 540 с.
3. N.Kh. Elmurzaeva. Features of the development of inclusive education in Uzbekistan. ISSN 2308-4804. Science and world. 2017. № 3 (43). Vol. III.
4. N.Kh. Elmurzaeva.Organizational and Pedagogical Conditions of Improving Educational Work with Mentally Retarded Children in Republic of Uzbekistan. Eastern European Scientific Journal, 2019
5. N. Elmurzaeva,F. Zhumanova. Organization of the Educational Process in Specialized School and Boarding Schools Pedagogikal Problem. Journal of Molekular&Clini Medicine, 2021 – ejmcm.com
6. N.Kh. Elmurzaeva, S.B. Qoraev. Pedagogical Requirements for the Organization of the Educational Process in Specialized State Educational Institutions. Psychology and Education Journal, 2021 – ISSN: 0033 - 3077

РЕЗЮМЕ

Uzluksiz o’z-o’zini tarbiyalashning asosini nafaqat zarur bilimlarni olish usullarini o’zlashtirishni, balki mustaqillikning kasbiy ahamiyatga ega xususiyat sifatida shakllantirishni ham ta’minlaydigan o’z-o’zini o’rganish jarayoni tashkil etadi. Shu sababli, kelajakdagi mutaxassislarning o’z-o’zini o’rganishga tayyorligini shakllantirish va ijodiy faoliyatni namoyon etish bugungi kunda oliy ta’limning eng muhim vazifalaridan biridir. Zamonaviy pedagogika shaxsning rivojlanishi va o’zini rivojlantirishni yagona, yaxlit jarayon sifatida taqdim etadi. O’qish va o’z-o’zini o’rganish dialektik jihatdan bir-biriga bog’liq: faol va harakat qilish orqali odam o’zini boshqa odamlar ishtirokida o’rgatadi. O’z-o’zini tarbiyalash - bu bilim, kommunikativ va boshqa faoliyat turlarini o’zlashtirish, shu asosda zarur bilim, ko’nikma va malakalarni egallash va shaxsning o’z-o’zini rivojlantirishni ta’minlaydigan fazilatlarni shakllantirish bo’yicha ongli ijodiy faoliyatdir.

РЕЗЮМЕ

В основе непрерывного самообразования лежит процесс самообучения, обеспечивающий не только овладение способами приобретения необходимых знаний, но и формирование самостоятельности как профессионально значимого качества личности. Поэтому одной из важнейших задач высшей школы сегодня становится формирование готовности будущих специалистов к самообучению и проявлению творческой активности. Современная педагогика представляет развитие и саморазвитие личности как единый, целостный процесс. Обучение и самообучение диалектически взаимосвязаны: проявляя активность и прилагая усилия, человек обучает себя при участии других людей. Самообучение - осознанная творческая деятельность по овладению способами по-знавательной, коммуникативной и других видов деятельности, приобретению на этой базе необходимых знаний, навыков и умений и формирование качеств, обеспечивающих саморазвитие личности.

SUMMARY

The process of self-training providing not only mastering in the ways of acquisition of necessary knowledge, but also independence formation as professionally significant quality of the person is the basis of continuous self-education. Therefore formation of readiness of the future experts to self-training and display of creative activity becomes one of the major problems of the higher school today. The modern pedagogic represents development and self-development of the person as uniform, complete process. Training and self-training are dialectically interconnected: showing activity and making efforts, the person trains itself with the assistance of other people. Self-training is the realized creative activity on mastering by informative, communicative ways and other kinds of activity, to acquisition on this base of necessary knowledge, skills and abilities and formation of the qualities providing self-development of the person.



# ТИЛ ҲӘМ ӘДЕБИЯТ

## ЭССЕ ЖАНРИДАГИ МАТЕРИАЛЛАРДА ТИЛ ВА УСЛУБ МАСАЛАЛАРИ

***Эгамбердиева Ф.***

*п.ф.н., доцент, Чирчиқ давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** эссе, метонимия, метафора, синекдоха.
**Ключевые слова:** эссе, метонимия, метафора, синекдоха.
**Key words:** essay, metonymy, metaphor, synecdoche.

Ҳар бир ижодкор қўлига қалам олиб яхши асар ёзиш ниятида қоғоз қоралашга тушар экан, ўз ғоясини ўқувчига етказиш, бадиий ифодани қуюқлаштириш, уни ҳис-ҳаяжон билан бойитиш учун, албатта, сўз бойлигига таянади. Ҳар бир сўз ўз шакл-шамойили, ранг-бўёғи, салмоғи ва оҳангига эга. Ижодкор сўз сеҳри, жозибасини кўрсатишда бадиий тасвир воситалари, маъно кўчиш усулларидан фойдаланади. Улар асар жозибасини кўрсатиш ва ижодкор маҳоратини намоён этишга хизмат қилади. Тасвирий воситалар ёрдамида нарса-ҳодисаларнинг баъзи бир томонлари, алоҳида белгиларини аниқ ва қисқа характерлаб беришга эришилади.

Тасвирий воситалар ичида кенг қўлланиладиган тури ўхшатишдир. Ўхшатиш икки нарса ёки воқеа-ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини тўлароқ, бўрттириброқ кўрсатиб беришдан иборат бадиий тасвир воситаси, кўчимнинг содда тури (1.185).

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси саҳифаларида эълон қилинган бадиий публицистик материаллар - эссе, очерк, бадиа, ёзувчи мақолаларида тасвирий воситалар, усуллардан кенг фойдаланилади. Уларда бадиий адабиёт унсурлари кўзга ташланади. Шу сабаб ҳам адабиётга ихтисослашган нашрларда биз бу турдаги материалларга кўп дуч келамиз.

Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева ўзининг нафис ва майин шеърлари, туғёнли достонлари билан халқимизга яхши таниш. Унинг асарларида жўшқин ҳис-туйғулар, она юртимиз, гўзал табиат манзаралари, аёл қалби туғёнлари ўзининг ёрқин ифодасини топган. Шоиранинг ёзганларида латиф ва ҳароратли сатрлар талайгина. “Оҳанрабо” (“ЎзАС”, 2014, №9) сарлавҳали эссеси халқимизнинг ардоқли шоираси Зулфияхонимга бағишланган. Маълумки, эссе тили образлилиги, жонли тилга яқинлиги билан ажралиб туради. Эссе орқали нарса ва ҳодисаларга ёки шахсга нисбатан субъектив фикр баён қилинади.Шунингдек, “бу жанр ёзувчига беҳад кенг эркинликлар беради: ўз кўнглида туғилган қандайдир ҳис-ҳаяжонини ҳам, ҳатто шахсий мулоҳазаларини ҳам бемалол ёзиш имконини беради”(2).“Оҳанрабо” эссеси ҳам худди шундай эркин усулда, самимий тилда ёзилган. Мураккаб жумлалар деярли учра-

майди. О.Ҳожиева шоира Зулфия билан бирга ишлаган йилларини ёдга олади, унинг гўзал фазилатларидан сўзлайди. “Устоз Зулфияхонимнинг меҳригиёси, оҳанрабоси бор эди. Бир марта унинг суҳбатида бўлган киши шоиранинг меҳру муҳаббати, ўзгача салобати, улуғворлигига мафтун бўлар, бу дилкаш инсон билан учрашувни умрбод эслаб юрарди. Унинг жўшқин, ўктам овози дунё минбарларида ўзбекнинг шону шавкатидан сўйлаган, Шарқ шеъриятининг сеҳру жозибаси билан жаҳон аҳлига ошно бўлиб қолган эди.” Эссе бошиданоқ ўқувчи кўз ўнггида шоира Зулфиянинг салобати, улуғворлиги намоён бўлади. Ва бу сурат эссенинг охирига қадар янада улканлашиб бораверади. Шоира шахсиятидаги оқиллик, камсуқумлигу камтарлик, атрофдагиларга, айниқса, опа-сингилларга, қизларга нисбатан меҳрибонлик хислатлари унинг сиймосини янада мафтункор қилади. Муаллиф ўтган йилларни эсларкан, шоира таваллуди муносабати билан унинг хонадонига ташриф буюрганини ёзади. “Таваллуд айёми ажиб мушоирага айланарди. Ҳар биримизни таърифлаб, сўз берар ва мушоирага чорларди. Аввал Ҳамид Олимжондан ўқирдик, тўрда кўр тўкиб ўтирган Шоира яшариб кетар, шоирнинг шеърини биз билан такрорларди. Зулфиядан, ўзимиздан ўқирдик.”Мазкур эсседаги услубий қирралар содда ва равон тузилган сўзларда намоён бўлади. Муаллиф ўхшатиш, метафора, метонимия, образли бирикмалардан ўз ўрнида фойдаланганки, улар эссе тилини янада гўзал, жонли ва таъсирчан бўлишини таъминлаган.  Ҳамид Олимжондан ўқирдик, Зулфиядан, ўзимиздан ўқирдик деганда муаллиф метонимия усулидан фойдаланган. Муаллиф бу ерда мушоирани, Ҳамид Олимжон, Зулфия, ўзларининг ёзган шеърларини ўқишганини назарда тутган. “Туркистон” саройининг мунаққаш устунларини жаранглатиб буюк ҳаяжон билан ўқилган шеър — “саксон йил ловуллаб сўнмаган ўтнинг” тафти она халқимизнинг кўнглида яна бир карра истиқлолга садоқат чироқларини ёқди”, ёки“Зулфиянинг боғларида навқиронлик, меҳр-муҳаббат, садоқат, нафосат, Ватанга сўнмас эътиқод чечаклари очилаверади. Бу боғлар хазон бўлмайди...”жумлаларидамуаллиф метафора усулидан фойдаланган.

Синекдоха — муносабатдошлик, ўзаро боғланиш бўлиб, метонимиянинг кўринишларидан бири; бутун нарсанинг номини унинг қисми номи билан ёки аксинча аташдан иборат кўчим тури (3.511). Саксон йил ловуллаб сўнмаган ўт бу — шоира Зулфия шахси, ижодига берилган юксак эътирофдир. Бу боғлар эса — эса шоиранинг шеърларидан яралган ижод бўстонидир.

“Оҳанрабо” эссесида муаллиф Ойдин Ҳожиеванинг шоира Зулфияга бўлган шогирдлик ҳурмати, ҳақиқий Аёлга бўлган эҳтироми бўй кўрсатади. Эссе меҳр билан ёзилган, самимият, шараф билан йўғрилган. Шу жиҳатдан ҳам у ўқувчини таъсирлантиради, ортиқча қийинчиликсиз ўқилади.

Тилимизда эссе ва бадиа – ўзаро тенг маънони ифодалайдиган синоним ҳисобланади ва бадиий-публицистиканинг бир жанрини билдиришдан бошқа маъно ташимайди.

Бадиа – тилимизга арабчадан ўтган сўз. Тилимизда бу ўзакдан ясалган сўзлар кўп ишлатилади: бадиий (адабиёт, тасвир), бадиият (поэтика), бидъат (динга ўринсиз янгилик олиб кириш). Бадиага  кишининг диққатини тортадиган бадиий асар, деб ҳам таъриф берилади (4.134). “ЎзАС” саҳифаларида бадиа рукни остида берилган материалларни кузатиш асносида уларда эссега хос хусусиятлар яққол намоён бўлади. Бадиа ва эссени алмаштириб ишлатиш биргина ушбу газета фаолиятида эмас, балки кўпгина адабий-бадиий нашрлар фаолиятида ҳам кўзга ташланади.

Газета саҳифаларида фаол ижодкор Ҳалима Аҳмедова кўпгина эссе, бадиалар муаллифи. Шоира ҳаяжон билан қўлига қалам оладиган ижодкорлардан. Шу сабаб-

дан ҳам унинг ижод намуналарига кўз югуртирган китобхон қалби ҳаяжонга тушади. Маънодорлик, оҳангдорлик, бадиий мукаммаллик - ижодкор асарларининг таг замини. Шоира назм ва насрда баракали ижод қилиши билан бирга публицистикада ҳам фаол қалам тебратади. Айниқса, бадиий-публицистикага доир материаллари республика матбуот саҳифаларида доимий тарзда чоп этилади. Бадиий-публицистиканинг таркибига кирувчи эссе, очерклар орқали фикрлари, ўй-хаёллари, туйғуларини бадиий бўёқлардан унумли фойдаланган ҳолда содда ва самимий, муҳими, таъсирчан тарзда ифода этади. “Қуёшли хотиралар” бадиаси (“ЎзАС”, 2014, № 19) “Минор” қабристонидан абадий қўним топган улуғ инсонлар хотирасига бағишланган. Улар Омон Мухтор, Нормурод Нарзуллаев, Шуҳрат домла, Яҳё Ғуломов, Ўлмас Умарбеков... қўйингки, ўзбек адабиётининг забардаст ва азим чинорларига аталган. Қадрдон хотиралар оғушида муаллиф содда, дилкаш, аммо қалбан буюк ижодкорлар билан ўтган дамларни эсга олади, суҳбатларни хотирлайди, улар билан хаёлан тиллашади. Қабристондан олган таассурот, маҳзун ва маъсум хотираларини гўзал ва таъсирчан тарзда қоғозга туширар экан, бадиий тасвир воситаларидан моҳирлик билан фойдаланади. Шу сабаб ҳам бадиа тили равон ва текис, самимий ва дилкашлик билан ёзилган. Бадиа болалик хотиралари, қабристонга кираверишдаги манзаралар билан бошланади. “Кираверишдаги йўлакнинг четида бошини ўтганлар ҳаққи ҳурмати мангу эгиб олган кекса мажнунтолни яхши танийман. Унинг чилвир сочларидан мангуликнинг ҳиди келади. Ва яна бу ерда ётган шоирларнинг ёзилмай қолган шеърларининг тўлқини бор унинг кокилларининг титроқларида...” Манзара тасвирини беришда шоиранинг шеъриятга яқинлиги, шоиртабиатлилиги қўл келади. Бошини ўтганлар ҳаққи ҳурмати мангу эгиб олган мажнунтол тимсоли кўз олдимизда гўёки қадрдон кишисидан айрилиб, қайғу-аламга ботган, ғам юкидан боши қуйи эгилган инсон образини гавдалантиради. Мажнунтолнинг шохлари чилвир сочларга қиёсланади, кокилларида ҳали туғилмаган шеърларнинг титроғи бордек туюлади. Маъно кўчимларидан унумли фойдаланилган бу ўринда биз кўчимлар образлар характерини ёрқин очиб беришда, асар жозиба кучининг ошишида ниҳоятда муҳим ўрин тутишига амин бўламиз. Муаллиф Омон Мухтор қабри қошида у билан ўтган дамларни, шоирга хос юксак фазилатларни ёдга олади. Хотиралардан кўнгли “иссиқ меҳрга”, “исмсиз соғинчга” тўлганини ҳис этади. “Қушлар бири қўйиб, бири сайрар, анвойи дарахтларнинг япроқлари илоҳий оятларни такрорлаётган кимсадай сирли шивирларди.”Ижодкор наздида, дарахт япроқлари киши руҳига таскин берувчи, ҳаловат улашувчи ҳаётбахш оятларни пичирлаб ўтирган кимса каби шивирламоқда. Бу шивирлар — илоҳий оятлар эса жисму тани мангу қўним топган қабрлар устига ёғилмоқда. “Азиз инсонларнинг зиёратига шошиларканман ногаҳон оппоқ атиргуллар ичидан кимдир менга тикилгандек бўлди. Бурилиб қарадим. Не кўз билан кўрайки, Нормурод Нарзуллаев ўша атиргуллар ичидан жилмайиб боқиб турарди...”Муаллиф бу ўринда метонимиядан усталик билан фойдаланади. Гап аввалида ўқувчида гўё шоир Нормурод Нарзуллаев чиндан ҳам унга кулиб қараб тургандек таассурот уйғонади. Бироқ кейинги ўриндаги “У менга: “ — Ҳа, қўлга тушдингми, мени кўрмай ўтиб кетмоқчи эдингми?”, дея ҳазиллашаётгандек эди. Ортимга қайтдим-да, устоз қабри ёнидаги ўриндиққа ўтириб олдим”, сўзларини ўқигач муаллиф ижодкорнинг ўзини эмас, унинг қабрини назарда тутганини англайди. Муаллиф наздида шоирнинг қабри уни ўзи каби кулиб кузатиб тургандек гўё. Шоирнинг ёниқ шеърияти, тийнатидаги босиқлик, бағрикенгликни ёдга олади, у билан кечган воқеаларни бир-бири хаёлида жонлантиради.

Улуғ инсонлар хоки ётган муқаддас макон зиёратидан руҳи енгил, қалби осойиш тортиб чиққан шоира “қуёш қулоғимга секин шивирлади:

– Булар Ватаннинг илдизлари”, дея сўзини якунлайди.

“Қуёшли хотиралар” бадиасидаги тасвирий воситаларнинг ишлатилиши, сўзларнинг образли, кўчма метафорик қўлланиши орқали муллифнинг ўзига хос услуби ҳам кўзга ташланади. Муаллиф услубида эса унинг маҳорати юз кўрсатади. Мажнунтолнинг чилвир сочларидаги мангулик ҳиди, кокилларнинг титроқлари, илоҳий оятларни такрорлаётган япроқлар, шивирлаётган қуёш тимсоллари орқали шеъриятга ошуфта ижодкорнинг латиф қалби билан юзлашгандек бўламиз.

Виктор Алимасовнинг “Китобат” эссесини (5) моҳир таржимон ва шоир Эркин Воҳидов маҳорат билан ўзбекчага ўгирган. Таржиманинг турли ғализликлардан холи эканлиги сабаб равон ўқилади. Муаллиф буни гўё ўзбек тилида ёзгандек таассурот уйғонади. “Китобат”да муаллиф “табобат” сўзига уйқаш қилиб “китобат” атамасини келтиради. “Нега “табобат ” деган сўз бору “китобат” йўқ, дейман ўзимга ўзим... онгимга ўрнашган “китобат” сўзига асос ва мазмун излашга тушаман. Алишер Навоий бу сўзни ёзиш, битиш, хат маъносида ишлатган экан. “Лабидин айри тушиб сўг учун китобатдин, Не тонг либосин агар мушкфом қилди ҳадис”. Яъни шоир ҳадислар битилган хат, китобатни мусибатни беркитувчи, қувувчи кучга эга эканини қайд этмоқчи. Ҳарҳолда менда шундай фикр уйғонди. Эссенинг бошланишидан сўнгги сўзигача муаллифнинг китобга бўлган меҳри, беқиёс муҳаббати намоён бўлади. Китоб ҳақидаги улуғлар фикри, машҳур асарлардан келтирилган парчалар, муаллифнинг улардан чиқарган хулосалари ўқувчини асло зериктирмайди. Эссе фикр, фалсафий мулоҳазаларга бойлиги сабаб унда бадиий-тасвирий восита ва усуллардан деярли фойдаланилмаган.

Эсседа, шунингдек,“Умар Хайём мудом шогирд бўлиб яшаш инсон қисмати эканини, ҳаётга устод бўлишдан ҳам оғир юк йўқлигини эсимга солиб турарди. Бу фикрлар аслида ўз ҳаёт йўлини излаётган ёш ақлга хуш ёқарди”(метафора),“у мендан “контроль экземпляр”ни обкелиб беришни илтимос қилди” (метонимия), “уаламли ашкларини яшириш учун китобни юзига босди” (ўхшатиш), “Китобнинг мафтункор сеҳри, ҳаётий қуввати ва сиҳатбахшлиги шундан”(ўхшатиш) каби тасвир воситаларидан ўринли фойдаланилганки, бу муаллиф фикрини лўнда, ихчам ва таъсирчан тарзда ифодашга хизмат қилди.

Биламизки, эссенинг фалсафий-эстетик, бадиий хулосаларида инсон ва жамият руҳиятини шакллантирувчи фикрлар ифодаланади. Шунинг учун эссе жанрининг барча шаклий кўринишларида ижодкор шахси, унинг тафаккур олами, дунёқараши ва маданияти бош қаҳрамон сифатида гавдаланади. Виктор Алимасовнинг “Китобат” эссесида ана шундай, руҳиятимизни шакллантирувчи, озиқлантирувчи фикрлар талайгина. Жумладан, “Муаллифнинг ички туйғулари ҳар доим ҳам ўқувчининг ички туйғулари бўлавермайди, қалам аҳли китобхондан тўрт қадам олдинда юриши зарур. У ўқувчини азобланиб фикрлашга, азобланиб яратишга ўргатсагина эътибор топади. Чин иқтидоргина чин нарса яратади, оммабоп бўлишга интилиш уни саёзлаштиради. Чин иқтидор тагида эса азобланиб изланиш, азобланиб яратиш ётади. Мана нима учун чин иқтидорни жамият шарафлайди, унинг китобатидан ёш ақл ҳикмат ва сабоқ қидиради. Ҳикмат ва сабоқ бўлолмайдиган китобатнинг эса қадр-қиммати хасча”ёки “Китобнинг тақдири одамнинг тақдирига ўхшаш. Кўп ҳолларда айнан. китоб севилганида одам севилади. Китобни шарафлаб одамни ҳам шарафлайсиз. Китобга бефарқлик – одамга бефарқлик” каби жумлалар муаллифнинг бой тафаккуридан, юксак салоҳиятидан дараклайди. Ўқувчига тарбиявий озиқ беради.

Эссе жанрида муаллиф услубининг намоён бўлишини кузатиш, бадиий тасвирий воситалардан фойдаланиш маҳоратини турли ижодкорлар ижодини қиёсий ўрганиб

амин бўлдикки, ижодкорларнинг, хоҳ ёзувчи, хоҳ шоир бўлсин, бадиий маҳорати ва индивидуал услуби қанчалик бир-бирини такрорламагани сингари, улар яратган эсселарнинг ҳар бирида турли-туман феъл-атвор, маънавий-интеллектуал савия, бетакрор ва ўзига хос характерлар тасвирланади. Ойдин Ҳожиевадаги равонлик ва самимият, Халима Аҳмедовадаги шоиртабиатлик ва ҳиссиятга берилувчанлик, Виктор Алимасовдаги фалсафий мушоҳадалар орқали муаллиф услубини кўрамиз, оз бўлса-да ижод лабораторияси билан танишамиз. Бадиий-тасвирий воситалардан фойдаланишида эса ижодкор маҳорати намоён бўлади. Тили, услуби билан бир-биридан фарқланувчи бу ижодкорларнинг материаллари фикр эркинлиги, ўй-фикрлар, мулоҳазаларнинг эркин тарзда ифодаланиши, китобхон билан жонли мулоқотга киришиш каби унсурлари билан умумийликни ҳосил қилади.

Ҳар қандай ижодкорнинг бадиий маҳорати у яратган бадиий асарлар тилида намоён бўлади. Адибнинг ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга муносабати, ўзига хос дунёқараши, теран мулоҳазавий идроки, табиатдаги бошқалар кўра олмаган рангларни нозик ҳис этиши ҳамда уни гўзал шаклда китобхонга етказиб бера олиши ва яна кўпгина бошқа жиҳатлар биргаликда бадиий асарнинг жозибадорлигини ташкил қилади. Ижодкорнинг халқ тилини чуқур билиши, чексиз сўз бойлигига эга бўлиши, сўзнинг таъсир қудратини ҳис эта олиши, ҳар бир сўзни маъно нозикликларигача илғаб олиши, сўз ўйинларидан усталик билан фойдалана олиши алоҳида ўрин тутади.

Адабиётлар:


1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5-жилд. 2008, 185.
2. Shukur Xolmirzayev: "Esse - erkin ijod".www.ziyouz.com.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 3-жилд. 2007, 511.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5-жилд. 2006, 134.
5. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"// 2017, № 11



РЕЗЮМЕ

Мақолада бадиий-тасвирий воситалар, улардан фойдаланишда муаллиф маҳорати, эссе жанридаги материалларда тил ва услуб масалалари ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются художественные и наглядные пособия, авторское мастерство их использования, языковые и стилистические вопросы в материалах жанра эссе.

SUMMARY

The according article is devoted to the use of inventive ways, the usage of author skills, and it talks about the value of language and methods in the essay.


## MATN YARATISH USULLARI


***Egamberdiyeva F.O.***

*P.f.n. dotsent, Pedagogika fakulteti,*

*Toshkent viloyati Chirciq davlat pedagogika instituti*



**Tayanch so'zlar:** matn, lisoniy vosita, nolisoniy vosita, jurnalist, kontekst, uslub.

**Ключевые слова:** текст, вербальное средство, невербальное средство, журналист, контекст, метод.

**Key words:** text, journalist,verbal means, nonverbal means, context, style.


Matn yozuv vositasida ijro etilgan shaxsiy yoki ijtimoiy nutqiy faoliyat jarayoni va bu jarayonning qayd etilgan natijasidir. Matn – til vositalari orqali yozma tarzda bayon qilingan va muayyan bir tugal axborot tashuvchi hujjat. Matn, bu inson faoliyatini

muvofiqlashtiruvchi, boshqaruvchi va birlashtiruvchi vosita. Kishilarni turfa xil lisoniy va nolisoniy xatti-harakatlarga undash, da'vat etish, ularning bir-birini tushunishlarini ta'minlash imkoniyatiga ega kommunikativ birlik, keng ma'noda esa ijtimoiy hamkorlik qilish quroli (kodi) aloqa qilish robitasi (kanali) hisoblanadi. (4, 6)

Matn lisoniy va nolisoniy vositalar majmuidan tarkiblangan asosiy aloqaviy-nutqiy birlik sanaladi. Biz, odatda, alohida so'zlar bilan emas, balki gaplar, matnlar vositasida muloqot qilamiz. Shu ma'noda tugal fikr ifodalagan aloqa birligini matn, deyish mumkin. Lekin aksariyat hollarda maxsus tarzda uyushgan o'zaro mantiqan bog'langan, tugal mazmun ifodalagan gaplar, ifodalar silsilasi tadrijiy qo'llanishi nazarda tutiladi.

Matnning uch qoidasi: aniqlik, qisqalik va ravonlikdir. Birinchi navbatda ijodkor yaratayotgan matnining o'quvchi(auditoriya)ga tushunarli bo'lishini ta'minlashi lozim. Har bir ijodkor o'ziga xos so'z tanlash uslubi orqali matnning aniq, ravon va tushunarli bo'lishiga erishadi. To'g'ri tanlov mana shu uch talabning amalga oshirilishiga yordam beradi. Yaxshi yozma nutqda noaniqlik, keraksiz jumlalar, gap tarkibining noto'g'ri bo'lishi mumkin emas. Aniq maqsadga erishish uchun ijodkor o'z ustida ishlashi, mashq qilishi, mehnatsevar va grammatikaga oid chuqur bilimga ega bo'lishi kerak. (1, 150)

Samarali matn yaratishning qoidalari bormi? Balki faqat bittagina qoida bordir? Yoki matnni yozma ifodalashning o'zi kifoya qiladimi? Bu borada biz o'z fikrlarimizni 10 qoida asosida ifodalab berishga harakat qildik:

**1-qoida: O'qish.**

O'qish nafaqat dunyoni kashf etish, balki til dunyosiga ham kirishga yordam beradi. Agarda siz mikrobiologiya yoki sirli qotillik haqidagi kitobni, yo jurnaldan axborot matnini, yoki bo'lmasa fantaziya janridagi asarni o'qisangiz, asta-sekin so'zlar yordamida ularning olamiga kirib borasiz. O'qish jarayonida inson o'zi bilmagan holatda tilni ham o'rganadi. Bu jarayonda o'quvchining nafaqat so'z boyligi, balki gap tuzish mahorati ham oshib boradi. Siz til vositalaridan qanday foydalanish kerak yoki kerak emasligini o'rganasiz. Bundan yaxshi yoki yomon dars olishingiz (xulosa chiqarishingiz) mumkin. Bu jarayon sizni o'zga olam, o'zga makonga olib boradi va qalbingizda turli xil qarama-qarshi hissiyotlarni uyg'otadi. Yozuvchining so'zlar yordamida bergan fikrlar kitobni o'qib bo'lganingizdan keyin ham sizni tark etmaydi. Qancha ko'p o'qiganingiz sayin hayotda tajribangiz oshib boradi va tilingiz yanada go'zal va aniq shaklga kira boshlaydi.

Matnning "yomon dars" berish holatlari ham mavjud: Matnning yarim betini o'qib bo'lmasingizdan uyquga tortadigan maqolani birinchi abzasidan keyin o'qishga bo'lgan ishtiyoqning so'nishi bunga sabab bo'ladi. Lekin shunday holatda ham inson o'zi uchun nimadir oladi. Qanday qilib kerak bo'lmagan so'zlarni ishlatmaslikni, o'z fikrlarini bunday shaklda bermaslikni, gap tuzishdagi xatolarga yo'l qo'ymaslikni anglab oladi.

Tasavvur qilib ko'ring, musiqachi bo'lishni istagan inson umuman musiqa eshitmasa ijod qila olmaydi. Xuddi shunday, yozuvchi bo'lishni xohlagan inson o'qishni hush ko'rmasligini tasavvur qilib bo'lmaydi.

**2-qoida. Nimani gapirishni bilish.**

Bir qarashda bu savol juda sodda tuyuladi. Lekin o'ylab qarasak, matn yaratish jarayonida soatlab kompyuter ro'parasida hech narsani yoza olmay o'tirgan paytlar ham bo'ladi. Ko'pincha bunday holatda "ilhom kelmayapti", deb bahona qilamiz. Aslini olganda bunga materialning yetishmasligi, bilim yoki fikrlarning kamligi, nimani gapirishimizni aniq tasavvur qila olmasligimiz sabab bo'ladi. Balki siz miyangizda g'oyalarni yaxshi pishitmagandirsiz? Siz nima haqida o'ylayotganingiz to'g'risida aniq tasavvurga ega emassiz? Qo'yayotgan savollaringiz qay darajada o'rinli ekanligini o'zingiz ham bilmaysiz. Balki, masala ustida yetarlicha tadqiqot olib bormagandirsiz? Materialni aniq tasavvur qila olmasangiz uni qog'ozga tushirish ham murakkab jarayonga aylanadi.

Ba’zida fikrlarimizni yozishdan ko‘ra og‘zaki ifodalashimiz osonroq kechadi. Og‘zaki nutq jarayonida tinglovchi ma’lumotni anglab olishga ulgurmasdan yo‘l qo‘yilgan xatolarni darrov tuzatish mumkin. Do‘stlarimiz bizni hurmat qilib gaplarimizni oxirigacha tinglashi mumkin. Lekin o‘quvchi yozma nutqimizni o‘qish jarayonida unga qiziqarli bo‘lmasa shu zahoti o‘qishni to‘xtadi.

**3-qoida. Fikrlarni jamlay olish.**

Rejasiz yozish reja bilan yozishdan ko‘ra ancha mushkul. Lekin bunday yozish ham mumkin. Rejasiz yozishni boshlaganda ko‘p bora qayta ko‘rib chiqish va matnni to‘g‘irlashga tayyor bo‘lishingiz kerak. Reklama matni yoki jurnal maqolasi bo‘ladimi, uni yaratishdan oldin tuzilishi (strukturasi)ni aniqlab olish kam mashaqqatli, puxta o‘ylangan va samarali usul hisoblanadi.

Media muloqotning ba’zi turlari o‘z ichki shakliga ega bo‘lib o‘ziga xos shablon (qolip) vazifasini bajara oladi. Bunga gazeta press-reliz yoki reklama shakllari misol bo‘la oladi.

Hamma materialni yozib olgandan so‘ng yozuvchi uni miyasida tahlil qilishni boshlaydi. Tahlil jarayonida qisqa fragmentlarni eslab qolish mumkin. Ammo uzun jumlalarni yodda tutish mushkul bo‘ladi. Shuning uchun ba’zi yozuvchilar kalit so‘zlarni qog‘ozga tushirib olib, so‘ngra matnni yozish jarayonida ular orqali fikrlarini qayta jamlab olishadi. Ba’zilar esa kalit so‘zlar bilan kifoyalanmay fikrlarni to‘liq shaklda yozib olishga harakat qiladilar. Ba’zilar matnni kompyuterga kirgizib turli xil yo‘llar bilan tahrir qilishga kirishadilar. Har bir fikrni alohida-alohida fayllarga yozib, ularni ketma-ketligini o‘zgartirish jarayonida matn yaratadigan yozuvchilar ham bor.

**4-qoida. Auditoriyani o‘rganish.**

Maqola yozish internetdan xabar jo‘natish yoki do‘stlaringizga multimedia orqali xat yozishdan farq qiladi. Maqola auditoriyasi deganda nimani tushunamiz? Qanday qilib kim o‘qishi yoki tinglashini bilmasdan turib matn yaratish mumkin? Auditoriyani o‘rganmasdan tayyorlagan materialingiz tinglovchi, o‘quvchi yoki tomoshabinga kerak yo kerak emasligini bilmaysiz. Bu insonlarga qanday yondoshish, qanday leksikadan foydalanish, qanday ohangda gapirish, asosiy fikrni qanday yetkazish kerakligini aniqlash qiyin. Yumordan foydalanish o‘rinlimi? Asosiy fikr tushunarli bo‘la oladimi? Buni auditoriyani o‘rganmasdan turib aniqlash qiyin. Aynan shuning uchun yirik kompaniyalar bozorga chiqishdan oldin iste’molchini yaxshilab o‘rganadi. Shuningdek, yozuvchi ham matn yaratishdan oldin auditoriyani yaxshilab o‘rgangan bo‘lishi kerak. Audtoriyani yaxshi o‘rganish yaxshi matn yaratishning kaliti hisoblanadi.

**5-qoida: Grammatik qoidalarni yaxshi bilish va ularni amalda qo‘llay olish.**

Bu yerda o‘yin qoidalariga qaytamiz. Ahamiyat bersangiz, qoidalarni bilish faqatgina fikrlaringiz bo‘lganida ularni qanday ifodalashni va kimga qaratilgan bo‘lishini bilgan holatingizdagina sizga asqotishi mumkin.

Qoidalarning o‘zi (fe’l shakllari, tutuq belgilari) kontekstsiz amalga oshirilmaydi. Kontekst bu yozishdir. Grammatik qoidalarga biz yozish jarayonida o‘rganamiz.

**6-qoida: So‘z boyligidan foydalana olish mahorati.**

Haykaltaroshda loy, rassomda bo‘yoq bo‘lganidek, so‘zlar yozuvchining asosiy ish quroli bo‘lib xizmat qiladi. Bir qarashda bu juda oddiy. Faqatgina so‘z orqali yozuvchi murakkab jarayonlarni amalga oshira oladi: auditoriyani o‘ziga jalb etadi, aloqa o‘rnatadi, axborot beradi, vaziyatni yoritadi, sahna yaratadi, hordiq chiqazadi, voqeani so‘zlab beradi, mahsulotni reklama qiladi. Ijodkorlar foydalanadigan qurollardan eng katta kuchga ega bo‘lgani bu so‘zdir. So‘z yordamida biz nafaqat asosiy ma’noni, balki ma’no qirralarini yoritib bera olamiz. Masalan, “gapirmoq” ma’nosida ishlatiladigan so‘zlarni oladigan bo‘lsak: so‘zlashmoq, gaplashmoq, dardlashmoq, baqirmoq, pichirlamoq, g‘iybatlashmoq,

gurunglashmoq va boshqalarni oladigan bo‘lsak, ularning har biri alohida ma’no qirrasiga (ijobiy, salbiy) ega.

Aytib o‘tish joizki, so‘zlar nafaqat ma’no va ma’no qirralariga, balki ritm (ohang) va jarangiga ega bo‘ladi. So‘z boyligi qanchalik ko‘p bo‘lsa fikrlash doirasi ham shuncha keng bo‘ladi. So‘zlarni to‘g‘ri tanlab olish va ularni to‘g‘ri talaffuz qilish muhim. Qiyin frazalarni emas aynan sizni fikrlaringizni aniq ifodalay oladigan so‘zlarni tanlab olish juda muhimdir.

**7-qoida: Aniqlik va lo‘ndalikka intilish.**

Matnni qog‘ozga tushirishingiz bilan ular aniq va lo‘nda bo‘lib qolmaydi. Matndagi aniqlik undagi chalkashlik, noaniqlik, mavhumlik bo‘lmagandagina yuzaga keladi. Matnni silliq holga keltirish muallifning vazifasi hisoblanadi. Matnda noaniqlikka duch kelgan o‘quvchi tezda keyingi sahifaga o‘tishga harakat qiladi. Sof va kuchli matn - turli xil bahs va munozaralarning ijobiy natijasidir. Adabiy til normalaridan chetga chiqish matnning aniqligiga putur yetkazadi. Yaxshi yozish uchun grammatik bilimlarga ega bo‘lish muhimdir.

**8-qoida: Eshitish qobiliyati.**

Eshitishga yaqin matn yarating. Bu talabni ko‘pgina og‘zaki nutq sohiblari ta’kidlaydilar. Bu maslahat yozma matn ijodkorlariga ham tegishli. Matn og‘zaki shaklga ega bo‘lmasligi ham mumkin. Eshitish jarayoni matnni o‘qiyotganingizda yuzaga keladi. Bunda ovoz chiqazib o‘qish shart emas. Ya’ni o‘quvchining ichki monologi orqali ham bilish mumkin.

Agar siz quloqqa yaxshi eshitiladigan jumlalarni yarata olsangiz yaxshi matn yozishga ham erisha olasiz. Qo‘llayotgan so‘zlaringizni tinglashga harakat qiling. Talaffuzda qanday ma’no aks etayapti? O‘qiganda so‘zlar bir-biri bilan uyg‘unlasha oladimi? So‘zlarda ritm bormi, ularni takrorlash qanday samara beradi? Tovushlarning imkoniyatlarini puxta o‘rganish matn yaratishda qo‘l keladi.

**9-qoida. Qayta ko‘rib chiqish.**

Tasavvur qiling yozishni tugatdingiz. Keyingi qiladigan ishingiz imloviy xatolarni tekshirish bilan kifoyalanadimi? Yana bir o‘ylab ko‘ring. Sabr va qanoat bilan matnni qayta ko‘rib chiqishga kirishing. Bu asarni sayqallashga, matnni tartibga solishga yordam beradi. Bu jarayon sizga fikrlaringizni qayta jamlashga yordam beradi. Matnga yangi nigoh bilan qarashga o‘rgatadi. Shuning uchun qayta ko‘rib chiqish juda muhim jarayon hisoblanadi.

Demak, ijodkorlar yaxshi matn yaratish maqsadida uni yozib bo‘lgach biroz nafas rostlab olib matnni qayta ko‘rib chiqishga kirishadilar. Bu o’rinda matn muallifi o’ziga quyidagi savollarni beradi:

1. Yaratilgan matn asosiy fikrlarni yoritib bera oladimi?
2. Yozganlarim yetarlimi yoki yo‘qmi?
3. Berilayotgan fikrlar bir-biriga mos keladimi?
4. Voqealar ketma-ketligi to‘g‘ri berilganmi?
5. Tanlangan uslub auditoriyaga mosmi?

Qayta ko‘rib chiqish deganda, bu kabi keskin savollarga javob bera olish hamda ularga javob topish uchun vaqt ajrata olish nazarda tutiladi.

O‘z ishingiz ustida qayta ishlash murakkab jarayondir. Matnni bila turib unga boshqa

nazar bilan yondoshish har kimning ham qo‘lidan kelavermaydi. Boshqa yozuvchilarning ishlaridagi xatolarni ko‘rish ancha oson.

**10-qoida: Matn ustida ko‘p vaqt ishlash.**

Diqqatni bir joyga jamlab, matnga ko‘p vaqt sarflay olish matn yozishdagi eng sodda, shu bilan birga eng murakkab ish hisoblanadi. Kundalik tashvishlaringiz bilan band bo‘lish, yangi narsalarni ko‘rish va o‘rganishdan voz kechgan holda matn yaratishda o‘z ustida ishlash, matnga bor vaqtingizni ajratish kerak bo‘ladi. Yaxshi matn yaratish uchun soatlar, haftalar, oylar ba’zida yillar kerak bo‘ladi. Matn yaratish jarayoni ba’zilarda tez va oson, ba’zilarda esa sekin va qiyin kechadi. Yaxshi matn yaratish uchun iqtidordan tashqari berilib ishlash ham talab etiladi.

Mardj Pirsi ta’kidlaganidek: “Haqiqiy ijodkor – yozadigan ijodkordir.” Shuning uchun tezda yana ish stolingizga qaytib yozishda davom eting. (2,7-11)

Matn yaratishda nafaqat mavzuning dolzarbligi va o‘rganilish darajasiga, balki uning ifodalanish shakliga ham e’tibor berishi lozim. Bu borada matnning tarkibiy qismlari, nutqiy birliklarni to‘g‘ri ajrata olish, matn ifodalash turlarini bilish talab qilinadi.

Demak, matn yaratish bosqichida matnning asosiy fikri va maqsadi to‘g‘risida yana bir bor o‘ylab ko‘ring. Aslini olganda o‘quvchi nimani tushunishi va eslab qolishini maqsad qilganingizni o‘zingiz uchun aniqlab oling. Bunda sizga ushbu uch savol yordam beradi: Matnni yaratishdan asosiy maqsadim nima? Bu bilan nimaga erishmoqchiman? Matnni kim o‘qiydi? O‘quvchi qanday bilimga ega? Unga nimani tushuntirishim kerak? O‘quvchi bu maqoladan qanday bilimni olishni xohlaydi? Matnning hajmi? Asosiy fikrni qanday hajm (vaqt, joy, bet)da yoritib berishim lozim?

Demak, matn yaratishda jurnalist mavzuni to‘g‘ri tanlab olishi va bilimga ega bo‘lishi zarur, mavzuni ochib berishda auditoriyani e’tiborga olishi shart. Yuqorida ta’kidlaganlarimizning barchasi matnning mukammal va ta’sirli, o‘qishli bo‘lishini ta’minlashga yordam beradi.

Adabiyotlar:

1. Lauren Kessler, Duncan McDonald. When words collide. A media Writers Guide to Grammar and Style. Thomson Higher Education Boston, MA 02210-1202,USA. 2008. 7-11, 151 p.

2. Стилистика и литературное редактирование: учебник / под редакцией проф. В.И. Максимова. – М.: Гардарики, 2007.

3. Tohirov Z.T. Adabiy tahrir. T.: Cho’lpon NMIU, 2015.

4. Тошалиев И., Абдусатторов А. Оммавий ахборот воситаларининг тили ва услуби. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2006.

5. Тошмуҳамедова Л., Шомақсудова С. Махсус лексика. –Т.: Чинор, 2008.

РЕЗЮМЕ

Matn – ma’lum kommunikativ faoliyatning aloqa sohasi, turi, aloqa vaziyati va muallif maqsadiga muvofiq fikriy va lisoniy xatti-harakatni muntazam majmui sifatida, semantik va sintaktik jihatdan izchil bog‘lanishlar asosida tarkiblangan va tartiblangan tugal nuqtiy hodisa. Matn yaratish, matnda til vositalaridan unumli foydalanish yo‘llarini egallash kabi masalalar yoritilgan.

РЕЗЮМЕ

Текст – это состояние связи, разновидность и сфера общения определенной коммуникативной деятельности. Явление, структурированное и отсортированное на основе семантических и синтаксических последовательных связей в качестве комплекса, соответствующего интеллектуальным целям и вербальным поведениям автора. Рассматривается проблемы создания текста и освоение путей рационального использования языковых средств текста.

SUMMARY

A text is a state of communication, a type and sphere of communication of a certain communicative activity. The phenomenon is structured and sorted on the basis of semantic and syntactic sequential links as a complex corresponding to the intellectual goals and linguistic behaviors of the author. The problems of creating text and mastering the ways of rational use of language means of the text are considered.

# ЛЕКСИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОСТОРЕЧИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА

***Бурханов А.А.***
*П.ф.н., доцент ЧГПИТО*
***Абдужалилова М.М.***
*студентка группы МАТ 19/7 факультета дошкольного и начального образования» ЧГПИТО*

**Tayanch so'zlar:** mahalliy til, normalizatsiya, ko'p funktsionallik, nutq aloqasi, professional nutq, dialekt, fleksiya.

**Ключевые слова:** просторечие, нормированность, полифункциональность, речевая коммуникация, профессиональная речь, говор, флексия.

**Key words:** vernacular, normalization, polyfunctionality, speech communication, professional speech, dialect, inflection.

Просторечие - одна из форм национального языка, наряду с диалектной, жаргонной речью и литературным языком: вместе с народными говорами и жаргонами составляет устную не кодифицированную сферу общенациональной речевой коммуникации — народно-разговорный язык; имеет наддиалектный характер. Просторечие, в отличие от говоров и жаргонов, - общепонятная для носителей национального языка речь.

Просторечие представляет собою неоднородную по составу и всегда размытую в своих границах языковую сферу, в которой сложно взаимодействуют нелитературная речь малообразованных городских жителей, областные говоры, отчасти разговорная форма литературного языка, профессиональная речь.

Однако, в отличие от литературного языка, просторечие не обладает ни нормированностью, ни полифункциональностью. Основная сфера его применения – бытовая устная речь.

Просторечие имеет свои особенности, которые проявляются на разных языковых уровнях: фонетическом, лексическом, словообразовательном и грамматическом.

В области лексики отличие просторечия от литературного языка проявляется наиболее отчетливо. Выделяется две основные группы лексики, отличающие просторечие от литературного языка:

1) лексика, характерная именно для просторечия и отсутствующая в других языковых системах. Сюда же относятся и слова, развившие в просторечии новое значение по сравнению с другими разновидностями русского языка, например, с литературным языком. Лексика, принадлежащая к этому слою, может быть названа собственно просторечной. В этом смысле она мало чем отличается от исконной лексики любого самостоятельного языка. Причины, по которым в просторечии сформировалась эта группа лексики, могут быть двоякого характера. Во-первых, она возникает как результат действия естественного процесса формирования лексической системы нового языкового образования. Во-вторых, подобная лексика призвана обозначать понятия, которые по ряду причин не актуальны для носителя литературного языка, ориентированного на ценности западной цивилизации.

По этой причине среди собственно просторечной лексики имеются богатые синонимические ряды со значением ‘пить, пьянствовать’ (бухать, квасить, кирять и т.п.), ‘обманывать’ (гнать, заливать и др.), ‘убить, убивать’ (замочить, пришить и т.п.), ‘бить, избивать’, ‘воровать’, и т.п. Ср. также такие слова как стрелка’встреча для выяснения отношений’ и даже просто ‘встреча, свидание’, отвалить’отстать,перестать приставать, отказаться от ограбления’,разборка’выяснение отношений (часто с применением силы или оружия)’,подстава’провокация’, крыша’криминальное прикрытие, защита’, и т.п. Все это слова, входящие в активный лексический фонд носителя просторечия; мало того, в результате интенсивной телевизионной пропаганды данные слова знакомы и носителям литературного языка. Значение этих и многих других слов невозможно понять, не вникая в особенности быта и деятельности лиц, принадлежащих к рассматриваемому социальному слою. Очевидно, все дело тут в своеобразии картины мира носителя просторечия, повседневная жизнь которого во многом связана с криминальной или полукриминальной деятельностью;

2) своеобразные вокативные формы. Их система существенно отличается от системы вокативных форм русского литературного языка и является своеобразным маркером, позволяющим сразу же определить носителя просторечия. Прежде всего, это характерные формы обращения: братан, земляк, зёма, пацан (к молодому мужчине - носителю просторечия), отец, батя (к пожилому мужчине), мать (к пожилой женщине). Иначе, чем в литературном языке, образуются и формы имен собственных, например, при помощи суффиксов: -ок, -ян, -(ю)ха: Ленок (от Лена, Елена), Санёк, Саня (от Саша, Александр), Толян (от Толя, Анатолий), Костян (от Костя, Константин), Катюха (от Катя, Катерина), Лёха (от Лёша, Алексей) и др.; ср. также Серый, Серёга (от Серёжа, Сергей), Стас (от Станислав), Макс (от Максим). К пожилым носителям просторечия обращаются, используя слова дядя и тётя: дядя Коля, тётя Люба. Наконец, типичным для носителя просторечия является обращение на ты, независимо от возраста и пола собеседника.

Особенности просторечия отчетливо проявляются и на уровне фразеологии. В целом носители некодифицированных формы языка (жаргонов, диалектов) более склонны использовать фразеологизмы (фактически речевые клише), чем носители литературного языка. Ср., например, такие клишированные словосочетания, как: по ходу’кажется; похоже’; без базара ‘все понятно; будет сделано’;бред сивой кобылы’ерунда, чепуха’;нежности телячьи ‘чрезмерное проявление чувств’ и т.п.

Таким образом, просторечие отличается рядом специфических признаков в использовании лексики:

– использование слова в значении, не характерном для литературного языка: гулять в значении «иметь интимные отношения»: Она два месяца сним гуляла; уважать в значении «любить» (о пище): Я огурцы не уважаю; завесить в значении «взвесить»; признать в значении «узнать»: А я тебя и непризнала, думала, кто чужой; цвет в значении «цветок»; разнос в значении «поднос»; обставиться «обзавестись мебелью»; чумовой в функции бранного эпитета – «сумасшедший, взбалмошный»:Вот чумовой! Кудапобёг-то? и т.п.;

– размытость категориального значения слова: атом (Они без конца с этим атомом носятся – могут иметься в виду и исследования в области атомной энергии, и испытания атомного оружия, и угроза атомной войны и т.п.), космос (Ни зимы, ни лета путного теперь нет – а всё космос! – имеются в виду космические исследования, запуски спутников и т.п.).

1.2.3. Словообразовательные и грамматические особенности просторечия русского языка

В области морфологии и словообразования просторечие отличается следующими особенностями:

1) для морфемной и морфонологической структуры слова при его изменении по падежам или лицам чрезвычайно характерно аналогическое выравнивание основ: рот – в роту (в роте), ротом; хочу – хочем, хочете, хочут или же: хотим, хотите, хотят – хотишь, хотит; пеку – пекешь, пекет,пекем; ездить – ездию, ездиишь, ездиим, ездиют; требовать –требоваю, требоваешь, требовает и т.п.;

2) иное, чем в литературном языке, значение категории рода некоторых существительных: густая повидла, свежая мяса, кислый яблок, этотполотенец или иной тип склонения: церква, простынь, мысля, болезня и т.п;

3) более широкое, по сравнению с литературным языком, распространение форм местного падежа на -уу существительных мужского рода с основой на твердый согласный: на газу, в складу, на пляжу , форм родительного партитивного (мало дождю, нету хлебу), форм именительного множественного на –а/я: торта, шофера, инженера и т.п., в том числе от ряда существительных женского рода: площадя, очередя, матеря, скатертя, местностяи др.;

4) смешение форм родительного и дательного падежей у существительных женского рода: у сестре – к сестры, от маме – к мамы и т.п.;

5) флексия -ов (-ев) в родительном падеже множественного числа у существительных среднего и мужского рода: делов, местов, от соседев, пятьрублеви т.п.;

6) склонение несклоняемых иноязычных существительных: без пальта,ехать на метре, шли из кина, две бутылки ситр и т.п.;

7) тенденция к «прозрачности» словообразовательной структуры слова: обвернуть, обгородить, обдурачить и т.п. (ср. литературные обернуть, огородить, одурачить);

8) иная, по сравнению с литературным языком, словообразовательная структура слова в его финальной (суффикс + флексия) части: чувствие (упалбез чувствиев), наследствие (говорят, эта болезня по наследствиюпередается), учительша, хулиганничать и т.п. (по аналогии с родственными словами, ср. сочувствие, следствие);

9) употребление в значении глагола прошедшего времени деепричастий на -вши и -мши (последняя специфически просторечная форма): Я не мывши(т.е. не мылся) вторую неделю; Все цветы поваливши (т.е. повалились, были поваленными);Он был выпимши и т.п.;

10) употребление конструкции с никто (при местоимении может быть и существительное, но необязательно), в которой сказуемое имеет форму множественного числа, – своего рода согласование по смыслу: Гости никтоне приехали; А у нее из цеха никто не были?;

11) употребление творительного падежа некоторых существительных для обозначения причины: умер голодом (=от голода), ослеп катарактой (=откатаракты);

12) специфическое управление при словах, совпадающих (формально и по смыслу) с литературными: никем не нуждаться (ср. нормативное ни в ком не нуждаться); Что тебе болит? (вместо: у тебя); Мне (или ко мне) это некасается (вместо: меня); Она хочет быть врач (вместо: врачом) и т.п.;

13) употребление предлога с вместо из: пришел с магазина, вернулись сотпуска, стреляют с автоматов и т.п.;

14) взаимовлияние различных словообразовательных моделей, результатом чего являются окказиональные образования типа: мозговатый (вместо более употребительного мозговитый ), хлебница «в значении продавщица хлебного отдела» ( А у Шуры-то недостача была тридцать рублей, мне хлебница рассказывала), поддобритьв значении«поощрить»: Правильно, надо его поддобрить, а то мы них все ругаем ( в ситуации, когда мать хвалит за что-то шестилетнего сына; реплика принадлежит посторонней пожилой женщине, слышащей похвалу). (ЛЛ.П. Крысин. Современный русский язык: Лексическая семантика. Лексикология. Фразеология. Лексикография. Москва: Академия,)

Выводы. Целью нашего исследования определяется большой общественной значимостью лингвистических вопросов, связанных с использованием просторечной лексики.

Это объясняется не только слабой изученностью просторечного словаря, но и той разнообразной ролью, которую играет просторечная лексика в функционировании и развитии русского языка в целом: просторечная лексика – один из неизменных компонентов устной разговорной речи, придающих ей эмоциональность и выразительность. Просторечная лексика – одно из важных слагаемых языка художественных произведений.

Просторечие было утверждено М. Ломоносовым в качестве стилистического средства, мастерски использовалось поэтами и писателями разных эпох и для создания колорита, и для большей выразительности.

Литература:

1.Л.П. Крысин. Современный русский язык: Лексическая семантика. Лексикология. Фразеология. Лексикография.Москва:Академия, 2007 год.

2.Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. 2-е изд. Спб.: КАПРО, Москва: 2007 год.

3.И.М.Кобозева. Лингвистическая семантика. Москва:Эдиториал УРСС, 2000 год.

РЕЗЮМЕ

Maqolada rus adabiy tilda yo'l qo'yilmaydigan leksik xususiyatlar o'rganilgan, ular shu til doirasida uchrasa ham adabiy tilda ishlatilinmaydi.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается лексические особенности употребления просторечия врусском языке, которые не допускаются в литературном языке, считаются неправильными, хотя и встречаются в пределах распространения всего русского языка.

SUMMARY

The article is about the lexical features which are not allowed in the literary language in Russian, although they are foundin this language, they are not used within the literary language



# МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ

## ШАШМАҚОМГА БАХШИДА УМР

***Қаюмов Ж. С.***

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика инсититути “Мусиқа таълими ва дефектология” кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** шашмақом, илм, фан, санъат, устоз, мусиқий ижрочилик, таълим, тарбия, ўзбек халқ мусиқаси.

**Ключевые слова:** шашмаком, наука, предмет, искусство, устоз, наставник, музыкальное исполнительство, образование, воспитание, узбекская народная музыка.

**Key words:** shashmakom, science, science, art, teacher, music performance, education, upbringing, Uzbek folk music.

Ҳаётимизда икки муқаддас соҳа борки, булар илм ва санъатдир. Албатта бу соҳаларда тозаликка, ҳалолликка жуда эътибор бериш лозим. Илм ва санъат инсонни фақат яхшиликка, эзгуликка, тўғри йўлга бошлайди. Айниқса, мусиқа санъати инсон руҳиятига шифобахш ва тана саломатлиги учун фойдалилиги билан бошқа санъат турларидан ажралиб туради. Абу Ҳомид Ғаззолий мусиқа ҳақида шундай фикр юритган, яъни мусиқа қандайдир бир ахборот эмас; балки инсонга қачонлардир табиат томонидан сингдирилган туйғу - Оллоҳга муҳаббатни уйғотади: “Билгилки, инсон қалби сир-синоатлар кони ва жавоҳирот манбаидир, бироқ улар бу ерда темир ва тошдаги оташ ёки ер остидаги сув мисоли яшириндир.

Бу сир-синоатларни самодан ўзга нарса ёрдамида очиш мумкин эмас. Негаки, қалб манзилига эшитиш орқалигина бориш мумкин ва маҳзун, таносуб оҳанглар уларни ташқарига олиб чиқадилар”, –деганлар.

Энди, бундай мусиқий хуш оҳангларни, мумтоз наволарни халққа етказиб берувчилар кимлар? Албатта, Худо томонидан берилган туғма истеъдод соҳиблари, ўзларининг машаққатли меҳнатлари билан, сабр-тоқатлари, маҳоратли устозлар этагини маҳкам тутиб, уларнинг меҳрига сазовор бўлган хонандаю-созандалардир.

Келтирилган барча фазилатларни ўзида мужассам этган устоз созанда, Бухоро мақомдон устозларнинг сўнги етук намоёндаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган устоз, мураббий Маъруфжон Тошпўлатовдир. У тилла нохун танбурчилардандир. Яъни, тирнокда чалинадиган созларнинг ўта моҳир чолғучиларини “тилла нохун созанда”, дейиш халқ орасида анъанага айланган. У нафақат танбур, балки сато, ғижжак, доира ва бошқа чолғуларни ҳам юксак маҳорат билан ижро этган. Бундан ташқари, ёшларга ҳам шу созларда ижрочиликнинг нозик сир-синоатини ўргата олувчи меҳрибон мураббий ҳам бўлган. У ўзининг беназир танбур чалиш услубига

эгалиги билан Бухоро мақом ижрочилик мактабини такомиллаштириш ва тарғиб қилишда ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшган. Албатта, устознинг етук созанда бўлиб етишишида ўлканинг қадимий маданий муҳити ва устозларнинг таъсири жуда катта бўлган.

Бухоро шашмақоми мушкилот йўлларининг катта билимдони ва унинг хазинабони бўлган Маъруфжон Тошпўлатов 1897-йилда Бухорога яқин бўлган Чор-Бакир қишлоғида, ҳунарманд косиб оиласида туғилган. Маъруфжоннинг оталари жуда оташин мусиқа шайдоси бўлган ва бу фазилат унинг ўғлига ҳам ўтган. Бўлғуси санъаткор 6-7 ёшларида доира чалишни машқ қила бошлайди. Фарзандининг мусиқага бўлган майлини сезган отаси Маъруфжонни ўша даврнинг машҳур созандаси, вобкентлик Абдукарим Танбурийга шогирдликка беради. Маъруфжон Тошпўлатов бу даргоҳда тўққиз йил хизмат қилиб унда танбур, сато ва доира сингари бир қатор миллий чолғуларида куй чалишни ўрганиб олади ва мумтоз мусиқамиз гултожи шашмақомнинг сиру- асроридан воқиф бўлади. Бу даврга келиб шашмақомнинг чолғу йўлларини мустақил ижро этади ва устозига жўр бўлиб, базм кечаларда иштирок эта бошлайди. Кейинчалик, Ота Жалол, Ота Ғиёс, Мирзо Назруллои Танбурий Левича Ҳофиз, Уста Шоди, Домла Ҳалим, Қори Нажим, Қори Камол, Ҳожи Абдураҳмон, Тоҳиржон Давлатзода каби забардаст мақом билимдонларидан сабоқ олиб, ўзи ҳам устоз даражасига етишади.



Ўнгдан чапга В.Успенский, Ота Жалол Носиров, Ота Ғиёс Абдуғани ўғли, Ниёз Ражаб зода. Юқорида: Домла Ҳалим Ибодов, Маъруфжон Тошпўлатов

1921-йили Бухорода Абдурауф Фитрат ташаббуси билан ташкил этилган Ўрта Осиёда ягона Шарқ мусиқа мактаби очилади. Бу мактабнинг илк муаллимлари қатори моҳир танбурчи М.Тошпўлатов ҳам бор эди. У кишидан сабоқ олиб таниқли санъаткор даражасига етишганлар сафида Мухтор Ашрафий, Хайри Изомов, Товур Жумаев, Иброҳим Ҳамроев, Аюб Қодиров, Эргаш Шукуруллаев номларини фахр билан тилга олиш мумкин.Устоз умрининг охиригача, яъни 1982 йилгача Бухоро санъат билим юртида хизмат қилди. У чолғу созлари бўлимида фаолият кўрсатиб, мақом ансамбли синфини бошқарди. Машҳур танбурчи, жонкуяр мураббий, Бухоро шашмақоми мушкилоти асл нусхаси билимдони, Маъруфжон Тошпўлатовнинг хайрли ишларини бугунги кунда унинг истеъдодли шогирдларидан Ариель Бобохонов, Ўлмас Расулов, Ориф Атоев, Раҳматилла Иноятов, Эшпўлат Ортиқов, Ҳикмат Неъматов, Шоди Шарипов, Толиб Темиров каби санъаткорлар давом эттирмоқдалар.

Энди устоз санъаткор Маъруфжон Тошпўлатовнинг ижодига тўхталсак: мақом шўъбаларини шогирдларига бутун мураккаблиги билан ўргатиш ва шу асосда шашмақом умрини узайтириш ниятида астойдил хизмат қилган. Бу соҳада Юнус Ражабий билан ҳамкорлик қилиб, самарали натижаларга эришган.

Улар ҳамкорликда Бухоро шашмақоми мушкилот-чолғу йўлларини нотага тушираётган эдилар. Устоз "Ироқ" мақомидан "Мухаммаси ироқ" ни чала бошлади. Юнус Ражабий эса унинг оҳангини нотага тушира кетди. Мазкур шўбанинг икки сарҳона ва бозгойини ёзиб олишга бир ярим соатча вақт кетди. Устоз мазкур "Мухаммаси ироқни" уч хил ижрода чалиб кўрсатди. Биринчи ҳолатда Тоҳиржон Давлатзода, иккинчи кўринишда машҳур танбурчи Ҳожи Абдураҳмон Умаров ва учинчиси эса ўз устози Абдукарим Вобкентий йўли эди. Нотага кўчириш учун учинчи ижро йўли танланди. Шундай машаққатли ижодий жараёнда Шашмақомнинг "Наво", "Дугоҳ", "Сегоҳ" ва "Ироқ" мақомлари мушкилот чолғу қисмларининг қарийб барча шўбалари нотага ўтказилдики, булар "Ўзбек халқ мусиқаси" (Бухоро мақомлари) бешинчи жилдда 1959 йилда нашрдан чиқди. Ўша даврларда мақом ижрочилари бир қадар эътибордан четда қола бошлаган эди. Шундай шароитда ҳам М.Тошпўлатов ўзи севган касбига, Шашмақомга ва сирдошу - қадрдон танбурига эътиқодини заррача сусайтирмади.

Маъруфжоннинг ижро дастури жуда кенг бўлиб, бу ижроларнинг баъзи намуналари Ўзбекистон ридиосининг олтин хазинасида, баъзилари унинг шогирдлари ва фарзандларининг уйларида сақланмоқда. Шулардан: Таснифи Рост, Гардуни Рост, Мухаммаси Рост, Мухаммаси Ушшоқ, Таснифи Бузрук, Гардуни Бузрук, Таснифи Наво, Таржеъ Наво, Гардуни Наво, Мухаммаси Наво, Мухаммаси Баёт, Мухаммаси Ҳусайний, Таснифи Дугоҳ, Мухаммаси Дугоҳ, Мухаммаси Чоргоҳ, Таснифи Сегоҳ, Гардуни Сегоҳ, Мухаммаси Сегоҳ, Мухаммаси Ажам, Таснифи Ироқ, Таржеъ Ироқ ва бошқа асарлар.

Жуда мўътабар ёшга етганида ҳам обрўли мураббий сифатида ёшларга илм беришдан тўхтамаган, умрининг охирги давригача Бухоро шашмақоми эски мактабининг жонли намунаси сифатида фаолият кўрсатган устоз М.Тошпўлатовнинг ҳаёти ва ижодига ҳар бир инсон ҳавас қилса арзийди. Ўзбекнинг ўзига хос маданияти, санъатини кейинги авлодларга етказиш, ўлмас маданий қадриятларимизни эъзозлашда М.Тошпўлатовга ўхшаган устозларнинг фаолияти катта аҳамиятга эгадир. Маданиятимизни янада ривож топишида устозларимиз меросидан фойдаланишимиз ва уни кенг тарғиб қилишимиз давримизнинг муҳим вазифаларидандир.

Адабиётлар:

1. T.Ortiqov. Musiqa o'qitish metodikasi. O'quv qo'llanma. T.2010 y.

2. H.Nurmatov, N.Yo'ldosheva « O'zbek xalq musiqasi ijadiyoti» o'quv qo'llanma. - T .: «G'ofur G'ulom» nashriyoti, 2007 y.

3. Маҳкамова, Ш. Р. (2020). Хазрат Навоийнинг мусикий тафаккури. Science and Education, 1(Special Issue 4), 215-222.

4. G. Sharipova «Musiqa metodikasi». - T.«O'zbekiston faylasuflar» nashriyoti, 2012 y

5. Маҳкамова, Ш. Р. (2020). Мусиқа илми ва ислом дини: талқин муаммоси. Academic researchin educational sciences, (3).

6. Асадуллаева М.А."Халқ таълими" Ёшларни маънавий тарбиялашда қўшиқчилик санъатининг тутган ўрни.2020-№3.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада Бухоро шашмақоми мушкилот йўлларининг катта билимдони ва унинг хазинабони бўлган Маъруфжон Тошпўлатовнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятидан қисқача маълумотлар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье приведены краткие сведении о жизни и творчество великого знатока инструментальной части Бухарского Шашмакома Маъруфжона Ташпулатова.

SUMMARY

This article gives a brief overview of the life and work of MarufjonToshpulatov, a great scholar of the Bukhara Shashmaqom problem and its treasurer.

# ЎЗБЕК АШУЛАЧИЛИГИГА МОС МАҲАЛЛИЙ ВА ИЖРОЧИЛИК МИЛЛИЙ УСЛУБЛАР

**Юнусов О. F.**

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** миллий услублар, ижрочилик, ўзбек ашуласи, қўшиқ, анъанавий, овоз.

**Ключевые слова:** национальный стиль, исполнение, узбекская песня, песня, традиционная, звуковая.

**Key words:** national style, performance, uzbek song, song, traditional, sound.

Ўзбек халқи анъанавий қўшиқчилигида ижрочилик услуби, ижрочилик мактабини яратди. Бу авлоддан авлодга «Устоз шогирд»анъаналари орқали ўтиб келмоқда. Бу услуб академик ижро услубига яқин бўлиб, хонанда қўшиқни «Ишками» услубида куйлайди. Яъни куйлаш учун зарур бўладиган тўлиқ ; нафас қорин бўшлиғига олиниб ашула ижросига қараб тақсимлаб ижро этилади.

Анъанавий ижро услубининг академик ижродан биргина фарқи шундаки, хофиз ҳар бир бўғин ва сўзларга «нолалар» ёрдамида қўшиқни ижро этиб бериши керак. Академик ижрода эса бу безак нолалар чекланган ҳолда ижро этилади. Анъанавий ижрода «Бинниги» ва «Гуллиги» услуби айниқса зарурдир.

«Бинниги» – ижросида талаффуз димоқ йўли орқали ижро этилади ва қўшиқнинг дардли, мунгли, ёқимли ижро бўлишига эришилади. «Гуллиги» – услуби эса асосан томоқ ишлатиш орқали безаклар бериб айтилади.

Ўтмиш хофизларимиз Ж.Султонов, М.Узоқов, Расулқори Мамадалиев кабилар асосан томоқни кўп ишлатиб ижро қилишган. Бунда сўзлар дардчил, оханг очиқ ҳолда эшитилади. Лекин бу услубнинг мураккаблиги шундаки, овоз ижро вақтида тезда чарчаб, ўз рангини, жарангини йўқотиб, товуш пайлари зўриқиб овоз хасталаниб қолади. Юқори авж паллаларда томоқда жисмоний зўриқиш пайдо бўлади. Бу эса хонанда ички физиологик ўзгаришларга олиб келади. Қон босимни ошиб кетиши, товуш пардаларининг шикастланиши, мия қон босимининг кўтарилиши, овоз пайларида, мускулларда «майиб бўлиш» (грижа) пайдо бўлишига олиб келади. Булар эса ўз навбатида хонанданинг ижрочилик фаолиятининг қисқаришига олиб келиши мумкин. Биз учун машғулот жараёнида энг мақбул услуб, овозни зўриқмасдан «Бинниги» услубида куйлатиш яхши самара беради. Сабаби овоз мембранадан чиқиб юқори танглайга тегиб, юқори жағ орқали бурунга берилади ва овозда қувват ортиб сифатли ижрога эришилади. Томоқ ҳам зарарланмайди. Анъанавий ижро услубида куйлатишга ўргатиш қизларга қараганда йигитларда тезда кўзланган мақсадга эришишимиз мумкин. Сабаби йигитларда анъанавий ижрога ҳам, академик ижро йўлига ўтиб куйлаш учун имконият кенгдир.

Фарқи шуки анъанавий ижро услубида йигитлар нафасни ишлатиш талаффуз ва керакли «нолалар»га қаратадилар. Қизларимизда эса катта муаммо сақланиб келмоқда. Қизлар «Вокал» дарсларида очиқ овозда «ёпиқ», «хиргойи» овозга ўтказиб олишлари керак. «Академик ижро»да куйлаш учун эса 5-10 йил муддат керак бўлади. Академик ижро услубида шаклланган қизлар овозида анъанавий ижрога ўтиб куйлаш бироз қийинчилик туғдиради. Шунинг учун биз машғулот жараёнида қизларимизни ҳам анъанавий ижрода ҳам академик ижрода куйлаш малакаларини бирвақтда эгаллаб бориш малакаларига эътабор берамиз, яъни хонанда икки йўналишда куйлаш услубини эгаллаб боради.

Анъанавий қўшиқчилик дарси ва машғулотлари вақтида устоз санъаткорлар

С.Қобилова, Б.Давидова, К.Исмоилова, Ш.Раҳимова, С.Раҳимова каби ўнлаб ўтмишда ўтган овоз соҳибалари ижро намуналаридан фойдаланиб, улар ижро йўлларини аудио магнитофон ёзувлари орқали тинглатиб, ёзувга мос қилиб куйлашларига ҳаракат қилишларини таъкидлаймиз,

Ижро малакаларини яхши эгаллаган талабалар иштирокида «Ҳисобот концертлари, Ўзбекистон Телевиденияси ва Радиоси «Бадиий Кенгаши»га тақдим этиб «Олтин Фонд» учун овозларни ёздириб «Олтин мерос» ансамбли иштирокида Телевидения ва Радио орқали чиқишлар қилиб боришга ҳаракат қилишади

Ўзбек халқ қўшиқчиликнинг кўп асрлик ривожланиш даврида хонандачиликнинг локал ажралишларидан ташқари уларни бевосита куйлаш холатларини хисобга олувчи куйлашмиллий услублар ҳам шаклланиб келди. Булар асосан уч анъанавий йўлларда ўз ифодасини топди: гуллиги - томоқ, бинниги - бурун, ишками - қорин.

Ўзбек ашулачилигига хос бу услублардан асосан барча локал гурухларига кирувчи вилоят хонандалари бугунги кунда хам фойдаланадилар. Бу услублар асосан форсча ном билан берилганлигига сабаб уни аниқлаган муаллиф Бухоро-Самарқанд локал гурухидаги кишилардан бўлганлигига ишора этади. Улар хақида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Бинниги- услуби бу форсча «бинниг» -яъни « бурун » сўзидан олинган бўлиб кўпроқ куч берилади.

Бу услубда димоққа ҳос бўлган овозлар , димоқдан куйлаш ҳолатлари юзага келади. Биннигида куйланганда овоз тембрлари бурун билан талаффуз қилинади ва сўзнинг аниқлиги бузилади. Бунда овоз сунъий равишда бурун кенглигига йўналтириб, диафрагма етарлича фаол ишламаслиги, бўйин мушаклари таранглашиши натижасида юзага келади. Юқори регистр билан бинниги қўшиқчилари яхши айтадилар, лекин ўрта ва паст регистр керагича тўлдирилмайди. Бу усулдан Бухоро вилоятига хос бўлган хонандалар фойдаланиб келганлар. Хусусан машхур хофизлар: Исхоқ Каттаев, Карим Мўминов , Сирож Аминов, Изро Малахов каби хонандаларнинг куйлаш йўлларида биринчи услубининг устунлиги сезиларли даражада эди.

Бинниги услуби айрим Хоразм вилояти хофизларига хам хосдир, айниқса пастки пардаларда куйлаганда баъзан авж пардаларда ҳам бу услубнинг таъсири сезилади. Хусусан бу: Қувондиқ Искандаров ижросида сезилади.

Иккинчи услуб бу «Гулиги» услуби бўлиб «Гулиг» сўзи форсча «Томоқ» - деган маънони англатади. Гулиги услубида асосан овоз томоқда хосил бўлади ва у ўзиниг бироз очиқлиги билан ажралиб туради. Бу услубнинг эркин намойиши машхур хофизлар: Жўрахон Султонов, Фахриддин Умаров, Ҳожакбар Ҳамидов, Шерали Жўраев, Таваккал Қодиров каби ҳофизларнинг ижросида яққол сезилади.

Гулиги услубининг бошқача бир йўли Сурхондарё –Қашқадарёларда учрайди. Улар асосан овозини бўғиздан ҳосил қиладилар.

Бу усул достончиларнинг овозига қандайдир бир сирли буюк , колорит берадики , фикр юритиб ўйлайсизки, балки бошқача овозда у тарихийлик, қадимийлик ўз ифодасини топмаган бўларди. Шундан хулоса чиқариб айтиш мумкинки, бу услубнинг ҳам ўзига хос бетакрор ижобий фазилати бор.

Учинчи йўл бу -Ишками услуби, бўлиб у форсча «Ишкамби» -яъни «Қорин» - сўзидан олинган. Бу усул асосан қоринга нафас олиб куйлашга созланади.

Бу услуб баъзан «Гумбазли» усул деб ҳам аталади.Унда овоз юқори танглайга урилиб пардали, гумбазли бўлиб чиқади. Унда унлиларнинг очиқлиги мутлақо учрамайди. Ишками усули қўшиқчилари биринчиликни ва халқ ҳурматини қозондилар. Ишками ва хонакой очиқ хавода ҳам, ёпиқ гумбазлик саройларда ҳам бирдек яхши

жаранглайди. Хонакой усталари одатда барча овоз кучини ўзгартирувчи нарсалар билан ажойиб овоз дикциясига ҳамда чуқур таъсир ва маънога эришар эдилар.

Бизнинг назаримизда бу услуб ёшларга вокал ижро усули бўйича таълим беришда асосий йўл сифатида танлаб олинса достончиликдан ташқари мақсадга мувофиқ бўларди. Айниқса жамоали қўшиқчиликда бу услуб нихоятда қўл келади.

Унда авж пардалари гумбазли пардали бўлиб эштилади ва унда овоз пенсиздай туюлади. Бу услубнинг қўлланилишида: Мамуржон Узоқов, Жўрабек Набиев, Ўлмас Саиджонов, Тожиддин Муродов, Эхсон Лутфуллаев ва бошқалар ҳисобланади.

Ишками услуби жаҳон андозасига мос келадиган мақомларни мумтоз асарларни , авжли халқ ашулаларни куйлашга ҳам бирдай мос келаверади..

Бу услуб ўзининг чуқур нафасга ва гумбазли авжга эгалиги билан Европача куйлаш услубига хам яқин келади. Айни пайтдаундаўзбекона колорит вамиллийликхамсақланибқолади.

Эътироф этиш керакки, анъанавий бинниги, гуллиги, ишкамий қўшиқчилиги товушларнинг шаклланиши билан фарк қилади. Унинг ижросига келганда эса, у қўшиқчининг зеҳни ва мусиқий маданиятига боғлиқ. Шуни айтиб ўтиш керакки, Ўрта Осиёда ўрта асрлардан бери ривожланиб келаётган мусиқий меросимизни нота ёзувлари номаълум эди. Ўзбек мусиқа асарларимизни халқ, ҳамда профессионал мусиқа асарларини етказиб беришнинг оғзаки усулларига таяниб келар эди. XIX асрга келиб ҳам Ўрта Осиё халқларининг мусиқа маданияти оғзаки усулда ривожланишни давом этди.

Халқ анъанавий қўшиқчилигига хос бу уч услубнинг биронтасини хам нотўғри услуб дейиш хато бўлур эди. Чунки уларнинг ҳар бири умрбоқий эканлиги устоз хофизлар томонидан исботлаб берилган.

Ананавий мусиқа деганда кўп асрлардан бери авлоддан –авлодга устоздан шогирдга оғзаки тарзда ўтиб келаётган ўзбек халқ мусиқаси (фольклор)ва мусиқани касб қилиб олган етук санъаткорлар ижоди махсули бўлган мақом, достон,мумтоз куй ва ашула хамда катта ашула каби касбий мусиқа жанрлари назарда тутилади .Меҳнат қўшиқлари, аллалар,ёр-ёрлар,йиғи-йўқлов қўшиқлари каби турли урф-одатлар ва маросимлар боғлиқ бўлган фольклор қўшиқларнинг яратувчилари, ижрочилари ва тингловчилари шу маросим иштирокчилари бўлиб, уларнинг ижролари катта мусиқий истеъдод ва иқтидорни талаб этади. Аммо мумтоз касбий ёки устозона мусиқа жанрларига мансуб мусиқа намуналари ўзининг шакл тузилиши, мавқеи, ҳажмининг катталиги,ривожланганлиги, усулларининг мураккаблиги,куй ёки ашула диапазонининг кенглиги,уларда асосан аруз вазнидаги ғазалларнинг ишлатилиши , оҳанглар,нола ва қочиримларнинг мавжудлиги,авжи турк ёки зебопари каби баланд авжларнинг ишлатилиши,уларни ижро этишда кучли ва баланд диапазонга эга бўлган овоз ҳамда зўр ижрочилик маҳорати талаб этилиши каби хусусиятлари билан оддий халқ куй ва қўшиқларидан кескин фарқ қилади. Касбий мусиқани оғзаки тарзда ўрганиш ва ўзлаштириб олиш учун иқтидорли шогирдлар 10-12 йил давомида устозларидан якка тартибда амалий ижро сабоқларини олганлар.Устозлар турли туй маросимлари ва сайл томошаларига таклиф қилинганда,шогирдлари билан бориб, ўзлари ижрони бошлаганларидан кейин, устозликка номзод бўлиб турган тажрибали шогирдларига ҳам ижро навбатини бериб турганлар. Бу амалиёт шогирдларнинг даврада мустақил ижро этиш кўникма ва малакаларига эга бўлишларини таъминлашнинг муҳим усули бўлган.

Ҳозирги кунда анъанавий созанда ва хонандалар асосан консерватория,санъат ва маданият институти ҳамда коллежларида тайёрланмоқда.Институт ва унверситетлар-

нинг мусиқа бўлимларида эса умумтаълим мактаблари учун мусиқа муаллимлари тайёрлаш назарда тутилган .Умумтаълим мактаблари мусиқа маданияти дарслари ўқув дастурлари ва дарсликларига анъанавий мусиқа намуналари киритилганлиги сабабли, мусиқа муаллимлари тайёрлаш ўқув жараёнида ҳам “ Анъанавий ва халқ қўшиқчилиги ” фани орқали талабаларимиз мусиқий меросимизнинг айрим ёрқин намуналарини ўрганмоқдалар .Бироқ, мазкур ўқув фанининг дастурини кўздан кечирганимизда мақом,мумтоз ашула ва халқ мусиқа ижодининг бошқа намуналари рўйхатида достон ва катта ашула каби анъанавий касбий мусиқа жанрларини ҳам, улар ҳақида бирор маълумот бериш, ёки айрим намуналарини тинглаш талабани ҳам учратмадик. Муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бу касбий мусиқа жанрлари дастур тузувчиларининг эътиборларидан четда қолганга ўхшайди.Булажак мусиқа ўқитувчилари анъанавий мусиқа ижрочилиги ҳақида тасавурга ега бўлиш, унинг тарихий, назарий ва амалий асосларини мусиқа тарихи,анъанавий ва халқ қўшиқчилиги,вокал ижрочилиги ,чолғу ижрочилиги ва бошқа дарслар жараёнида ўрганадилар.Илгари амалий ижро дарслари якка тартибда ўқитилганлиги сабабли мақом, мумтоз куй ва ашула каби мураккаб ва мукаммал мусиқа намуналари дастлаб аудио ёзуви ёки ўқитувчи ижросида тингланиб,сўнгра ҳар бир талабага алоҳида ўргатилар эди. Ҳозирги кунда бу асарларни ўрганиш жараёни умумий гуруҳ дарсларида кечаётганлиги сабабли, талабаларнинг овоз диапазони ( тенор,баритон,бас,сопрано,алт ), йигитлар ва қизларнинг овоз тембри хусусиятларини ҳисобга олиб, ҳамнафаслик асосида кичик гуруҳларда пухта ўргатишнинг имкони бўлмаяпти. Моҳир устозларнинг ижроларини ёзиб олиб тинглаш, асарларни нотага ёзиб олиш ва унга қараб ўқиш имкониятлари бўлмаган узоқ ўтмишда шогирдлар жуда кўп вақтларини асарларни ёдга олиб,уни ёддан чиқмаслиги учун доим машқ қилиб туришга сарфлаганлар. Маълумки,битта асарни бир неча бор қайта қайта ижро этганда, ижроларда қандайдир унчалик сезилмайдиган ўзгаришлар бўлиши мумкин. Уларни ёзиб олиш ва таққослаш асосида аниқлаб бўлади .

Адабиётлар

1. Ал Фаробий “ О Классификация наук ” в книги музикальная эстетика стран Востока М: Музика 1967 – 261 ст.

2. А .Фитрат “ Ўзбек классик мусиқасиваунингтарихи ” Тошкент. 1993 йил. 53 бет.

3.Одил Юнусов Science and Education 2020ЎЗБЕК МИЛЛИЙ САНЪАТИНИ ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИНГ ОНГИГА СИНГДИРИШ ЙЎЛЛАРИ 304-306 бетлар.

4.Одил Юнусов ГАРМОНИЧНО РАЗВИТОЕ ПОКОЛЕНИЕ-УСЛОВИЕ СТАБИЛЬНОГО РАЗВИТИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

5.O Yunusov, Z JondorovaAcademic research in educational sciences 2 (1) ўзбек мусиқа фольклорининг ўзига хос хусусиятлари.

РЕЗЮМЕ

Ўзбек халқи анъанавий қўшиқчилигида ижрочилик услуби, ижрочилик мактаблари, анъанавий ижрода «Бинниги» ва «Гуллиги» услуби ва учинчи йўл бу “Ишками “ услублари , Шуни айтиб ўтиш керакки, Ўрта Осиёда ўрта асрлардан бери ривожланиб келаётган мусиқий меросимизни нота ёзувлари номаълум эди. Ўзбек мусиқа асарларимизни халқ, ҳамда профессионал мусиқа асарларини етказиб беришнинг оғзаки усулларига таяниб келар эди. XIX асрга келиб ҳам Ўрта Осиё халқларининг мусиқа маданияти оғзаки усулда ривожланган қўшиқчилиги кўринишида мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотларга эга буладилар.

РЕЗЮМЕ

Исполнительский стиль в традиционных узбекских народных песнях, исполнительские школы. В традиционном исполнении это стиль «Бинниги» и «Гуллиги», а третий путь - стиль «Ишками». Следует отметить, что нотная запись нашего музыкального наследия, которая развивалась в Средней Азии со времен средневековья. , было неизвестно. Узбекская музыка была основана на устных методах передачи народной и профессиональной музыки. Даже в XIX веке музыкальная культура народов Средней Азии существовала в форме устно разработанных песен.

SUMMARY

Performing style in traditional Uzbek folk songs, performing schools. In the traditional version, this is the Binniga and Gulligi style, and the third way is the Ishkami style. It should be noted that the musical notation of our musical heritage, which has been developing in Central Asia since the Middle Ages. was unknown.Uzbek music was based on oral transmission methods of folk and professional music. Even in the 19th century, the musical culture of the peoples of Central Asia existed in the form of orally developed songs.

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ВА МУСИҚА САНЪАТИ

***Лутфуллаев А.Қ.***

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика инсититути*

*“Мусиқа таълими ва дефектология” кафедраси профессори*

**Таянч сўзлар:** мусиқа, мусиқа санъати, таълим, тарбия, ёшлар, маънавият, ватанпарварлик, халқ чолғулари.

**Ключевые слова:** музыка, музыкальное искусство, образование, воспитание, молодежь, духовность, патриотизм, народные инструменты.

**Key words:** music, musical art, education, upbringing, youth, spirituality, patriotism, folk instruments.

Юртимизда мусиқа санъатини ривожлантириш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Болалар ва санъат мактаблари, коллеж-лицейлар, олий ўқув юртларидаги ўқув-тарбиявий ишларни замон талаблари даражасида ташкил этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мусиқа – инсон маънавий оламининг таржимони, у инсон туйғусига таъсир этиш билан кишини маънавий жихатдан тарбиялайди. Бугунги кунда мусиқа санъати инсонларга ва, айниқса, ёшларга кўтаринки руҳ бериши, уларни ижодкорликка, бунёдкорликка йўналтириши билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида: “Бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллй ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан кураша олиши мумкин”, деб таъкидлаб ўтилган. Бу борада мусиқа санъати орқали шу соха бўйича таълим-тарбия билан шуғулланувчи устоз-ўқитувчилар ёш истеъдодларга ғоявий етуклик ва халқ чолғуларида ижро маҳоратларини ўстириш масалаларига жиддий эътибор беришлари талаб этилади.

Бугунги глобаллашув даврида халқ чолғуларида ижрочилик омилларига хизмат қилувчи кўп асрлик миллий мусиқий таълим анъаналарини жаҳон тажрибалари билан ижодий боғлашга (интеграциялашга) асосланган таълим жараёнининг ички мазмунини ислоҳ қилиниши, ўқитиш методикасининг такомиллаштирилиши ҳамда методологик базасининг тубдан ўзгаришида ўз аксини топади. Бунда асосий эътибор инновацион ишланмалар, илғор мусиқий-педагогик технологияларни жорий этишга қаратилиши, ижрочилик масалаларида тажриба алмашуви, репертуарга эътибор энг долзарб ва истиқболли йўналишлар қаторидан ўрин олмоқда.

“Маънавиятни йўқотсак, ўзимиз ва ўзлигимизни йўқотамиз. Маънавиятни юксалтирсак, ўз мурод-мақсадимизга етишда кучли мадад топамиз”.

Мамлакатимиз учун ҳам таълим тизимини ислоҳ қилиш, билимли ва ақл-

заковатли етук авлодни тайёрлаш – барқарор ривожлантириш ва модернизациялашнинг муҳим шарти сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мусиқа таълимига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги барчамизга маълум, сўнгги йилларда юзлаб янги санъат ва маданият мактаблари, лицей ва коллежлар фойдаланишга топширилмоқда, улар замонавий ускуналар ва замонавий талаблар даражасида ахборот технологиялари билан таъминланмоқда.

Маълумки, ватанпарварлик туйғуси шахсда ёшлик йилларидан бошланади. Ёшларда бу туйғуни шакллантириш, бойитиш, шунингдек, Ватан равнақи, халқ манфаати йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш ўта мураккаб педагогик жараён. Ватанпарварлик туйғусини шакллантиришни муваффақиятли амалга ошириш узлуксиз таълим тизими олдида турган долзарб ижтимоий педагогик муаммолардан бири ҳисобланади.

Мазкур муаммонинг ижтимоий ечимини таъминлаш, биринчидан, шахснинг етук маънавий-аҳлоқий сифатларга эга бўлишини таъминлашга замин яратиш, иккинчидан, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг куч-қудратини ошириш, халқаро майдондаги обрў-эътиборини кўтариш, моддий ва маънавий бойликларини кўпайтириш учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ёшларнинг маънавий-аҳлоқий тарбиясида буюк алломаларимиз: Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний ва бошқа мутафаккирларнинг асарларидан ҳамда мусиқа санъати илмига, ижрочиликка ҳисса қўшган ватандошларимиз Ю.Ражабий, Р.Ражабий, Ф.Кароматов, Тўхтасин Жалилов, Фахриддин Содиқов, Турғун Алиматов ва бошқа таниқли санъаткор – хонанда, созандаларнинг ижодий фаолиятларидан унумли фойдаланиш тавсия этилади.

Бугун таълимнинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаш, ўқув жараёнининг мазмунини такомиллаштириш қоидалари ва йўналишларини, шакл ва услубларини англаш, режалаштирилаётган технологик ижтимоий-иқтисодий ҳамда педагогик жиҳатларга тадбиқ этиладиган янгиликларни асослаш, фундаментал тадқиқотларни амалий ишланмалар билан уйғунлаштирган тарзда амалга ошириш, шунингдек илмий натижаларни оммавий педагогик амалиётга жорий этиш ниҳоятда муҳимдир. Айнан мана шундай вазифаларни амалга оширишда қуйидага жихатларга эътибор қаратиш лозим бўлади, масалан:

1. Талабалар тайёр чолғулардан фойдаланадилар, уни ясаган уста созгар меҳнати, машаққатини билсалар, чолғуни эҳтиётлаш, асрашга мойил бўладилар.

2. Мусиқа ҳақида олимлар, донишмандлар фикрларини билиш ҳам тарбиялайди. Келгусида улар ҳам тарбиячи, маънавият тарғиботчиси бўладилар.

3. Олий мактабдаги дидактик тамойиллар тизимига риоя этиб фаолият юритишда қуйидагиларга аҳамият бериш: илмийлик, қулайлик, изчиллик, узвийлик.

4. Назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги, онглилик, фаоллик ва мустақиллик.

5. Кўргазмалилик, мустаҳкамлик, индивидуал ёндашиш, ўқитишнинг тарбияловчи ва такомиллаштирувчи характери, ўқитишнинг касбий йўналтирилганлигига жиддий эътибор қаратиш.

Бу каби масалаларни яхлит тарзда ҳал этиш умумий, истиқболли ва бутун мамлакат миқёсида амалга ошириладиган ҳаракат дастурини – таълим стратегиясини тақозо этади. Таълим ҳар қандай жамиятда нафақат бугунги кун, балки келажак учун ҳам хизмат қилиши даркор. Жамият учун таълим соҳаси келажагини кўра билиш муҳим заруриятдир. Бунинг учун, биринчи навбатда ижобий натижаларга

эришиш мақсадида таълимнинг мазмунига тегишли ўзгартиришлар киритиш лозим бўлади.

Машхур ўзбек педагоги А.Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат –ё фалокат”, деган фикри ўтган аср бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Чунки, таълим-тарбия – онг махсули, лекин айни пайтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-ҳунар ўргатиш сохаларини ислоҳ қилишга ниҳоятда катта эътибор берилмоқда.

Юқоридаги вазифаларни ижобий томондан амалга оширишда мусиқий таълим ва тарбия ҳам муҳим ўрин тутади. Чунки, ёш авлодга халқ мусиқаси асосида таълим-тарбия бериш, мусиқанинг қай турларидан бошлаш, қандай ўрганиш, ўзлаштириш усуллари каби масалалар ўта муҳимдир. Шахснинг ривожланиш жараёни – ирсият, яъни биологик омил, ижтимоий мухит, таълим-тарбия, шахс фаоллиги ҳисоблансада, педагогикада мунозарали масаладир. Улар – табиий мухит, ижтимоий мухит, оила мухити ва бошқаларга бўлинади. Одоб, аҳлоқ, хулқий сифатлар фақат мухит ва тарбиянинг ўзаро таъсирида амалга оширилади. Ҳаётда учрайдиган ижобий ва салбий холатлар бор. Ёшлар шундан ўз билгича ибрат олади, ким нимага моил бўлса шу томонга кетади. Мусиқа ҳам шу каби, тинглаётганлари ичида турли хил куй-қўшиқлар бор, ким нимага мойиллик сезса шунга қараб интилади. Таълим-тарбия доим ҳам фойда беравермайди, кишининг ўзида ҳам интилиш, ижобий ишларга мойиллик бўлиши керак. Содда қилиб айтганда – маънавият таълим-тарбия, ички эхтиёж ва тинимсиз ўқиш, изланишлар орқали юзага келади. Мамлакат ёшларини тушунган халқ бахтлидир. Ёшларига қулоқ тутиш – келажакка қулоқ тутишдир. Маънавий меросимиз бўлган мусиқа санъати - минг йиллар давомида халқимиз учун қудратли тарбия манбаи бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Адабиётлар:

1. T.Ortiqov Musiqa o’qitish metodikasi. O’quv qo’llanma. T.2010 y.
2. Mannonov S. O’zbek xalq musiqa madaniyati. Monografiya.
3. H.Nurmatov, N.Yo‘ldosheva «O’zbek xalq musiqasi ijadiyoti» o‘quv qo‘llanma. - T .: «G‘ofur G‘ulom» nashriyoti, 2007 y.
4. Маҳкамова Ш. Р. (2020). Хазрат Навоийнинг мусиқий тафаккури. Science and Education, 1(Special Issue 4), 215-222.
5. G. Sharipova «Musiqa metodikasi». - T.« O‘zbekiston faylasuflar» nashriyoti, 2012 y
6. Маҳкамова Ш. Р. (2020). Мусиқа илми ва ислом дини: талқин муаммоси. Academic research in educational sciences, (3).
7. Асадуллаева М.А. “Халқ таълими” Ёшларни маънавий тарбиялашда қўшиқчилик санъатининг тутган ўрни. 2020-№3-сон.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бугунги кунда мамлакатимизда мусиқа санъатини ривожлантириш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва уларни ижодкорликка, бунёдкорликка йўналтириш йўлларига алоҳида эътибор берилаётганлиги ҳақидаги фикрлар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье изложены суждении, как на сегодняшней день в нашей стране уделяеться особенное внимание на развитие музыкального искусства, поддержка талантливой молодежи, поощрение и направлание пути на творчество и созидательность.

SUMMARY

The article expresses the opinion that today in our country special attention is paid to the development of the art of music, the support and encouragement of young talents and the direction of their creativity.

# БЎЛАЖАК МУСИҚА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ВОКАЛ ФАНИНИНГ АҲАМИЯТИ

***Юнусов О.F.***

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** бўлажак мусиқа ўқитувчилари, касбий компетентлик, вокал ижроси, ривожлантириш, махсус фанлар, овоз функцияси.

**Ключевые слова:** будущие учителя музыки, профессиональная компетентность, вокальное исполнение, развитие, специальные предметы, звуковая функция.

**Key words:** future music teachers, professional competence, vocal performance, development, special subjects, sound function.

Мусиқа таълим йўналиши махсус фанлар ичида “ Вокал ижрочилиги ” фани Талабаларни касбий компетенцияларини шакллантиришдаги асосий фанлар ичига киради . Бунда фаннинг мақсадларидан бири - бу - овозни қуйиш, яъни уни профессионал куйлаш учун мослаш ва ривожлантириш-куйловчининг эшитиш ва мушак кўникмаларини бир пайтдава ўзаро биргаликда тарбиялаш жараёни хисобланади .

Хонандалик товуш ҳосил қилишида кўплаб, жумладан нафас олиш, артикуляция, бўғиз ва бошқа қатор мушаклар қатнашади. Мушак иши билан боғлиқ ҳар қандай ихтисослик, жумладан куйлашни ўрганиш жараёнида мушаклар иши қайта кўрилади, аниқлаштирилади, сайқалланади.

Кeракли алоқалар, рефлекторлар ҳосил килинади, ишлаб чиқилади, кераксизлари тормозланади, ортиқча ҳаракат ва кучланиши йўқолади, кучли вокал куникмалар шакллантирилади, натижада овоз тоза ва эркин, қувватли бўлиши лозим.

Овозни қуйиш устида ишлаётган хонанда ўзининг мушак сезглларига кескин эътиборни ишлаб чиқиши ва бу эътибор қайси гуруҳ мушакларга биринчи галда қаратилмоғи кераклигини билиб олиши лозим. Уни товуш бошланишида унинг манбасидан келаётган мушак сезгилари, яъни унинг атакаси ва талаффузига қаратиш керак. Айнан шулар хонанда ва педагог эшитиши доимий назорат қиладиган овоз жарангини бевосита белгилайди. Бошқа мушаклар, масалан , диафрагмага, у ёки бу «нафас олиш тилига” ва ш.к.га парчаланган хонанда тезда қадимдан мавжуд бўлган иккинчи даражали стандарт вокал тасаввурлар тўрига тушиб қолади. Кўпинча шу тасоввурларда хонанда адашиб ҳам қолади.

Энг аввало, овознинг хосил бўлиш сабаблари ва нима учун овозни бирор ёққа “юбориб”, “йўналтириб”, “яқинлаштириб”. “йўқотиб”. “қўйиб”. “ўтказиб” ёки “суяб” бўлмаслигини тўлалигича ойдинлаштириб олиш зарур. Овоз функциясининг бу барча таърифлари ё таранг сифатига талаблар ё куйлаш чоғида юзага келадиган хонанданинг ички, ўз сезгиларининг фақат образли тавсифлайди холос. Улар ушбу талаблар амалга ошиши учун бу сезгилар ҳосил бўлиши учун зарур бўлган овоз аппарати ишини таърифламайди.

Овоз ўпкадан қайтаётган ҳаво оқимига қарши турган овоз тўқималари вибрацияси натижасида юзага келади. Уни жойидан «олиб”, “юбориб”, “ўтқазиб”, “яқинлаштириб” ё “узоқлаштириб бўлмайди. (Албатта, хонандани танглавига яқинлаштириш мумкин, бироқ жаранг сифатини бу билан яхшилаб бўлмайди.). Овознинг «яқин”лиги ё “узоқ”лиги жарангнинг ташкил этилиши хонанда талаффузи ёрдамида ҳосил қилинган энг яхши акустик эффектга боғлиқ.

Шундай, тил осон суяги билан бўғизга боғланган тил илдизи ҳаракати ёрдамида ҳиқилдоқнинг юқори ёки пастга ҳаракатини мусиқий интервалларни “босиб ўтишда”(кичик секундадан бошлаб ва ш.к.) орттириш ё тўхтатиш мумкин. Ҳиқилдоқ шунингдек унлилар алмашинувида ҳам кўчади. Унингжойлашиши –и- ва –э- унлиларида а,о,у дан кўра баландроқ. Л.Б.Дмитриев тадқикотларида кўрсатилишича, яхши хонандаларда ҳиқилдоқ тинч ва барқарор ҳолаб касб этади, вертикал бўйича озгина силжийди, холос. Хонанданинг тажрибаси қанча кам бўлса, унинг ҳиқилдоғи интервал ва унлиларни ўтишда шунча кўп кўчиш ва турткича дуч келади. Чаққон, тез ва классик талаффуз (яъни, тил илдизи, ҳиқилдоқ ва юмшоқ танглайни қайта қуриш) ҳиқилдоқни кўчимлардан сақлашга кўмаклашади. Берилган интервалга мувофиқ енгил ва чаққон талаффуз қилиш учун хонанда жағ, тил ва лаб эркинлигини ишлаши зарур. Карузо фикрига «Сиқиқ жағ билан куйлашни ўйлаган хонанда-ёмон хонанда”. Шунингдек, сиқиқ тил билан куйлашга уринган ҳам-ёмон хонанда, товушларни талаффуз қилиш учун тил доим эркин ва вокал нутққа тайёр, яъни унли ва ундашларни қайтй қуришга тайёр бўлиши керак.

Хонандалик овози ҳосил бўлишида қатнашадиган мускулатурани вазифасига кўра шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Корпус мушаклари, асасон тўқималарга ҳаво етказилиши ва айни пайтда ҳиқилдоқнинг тўғри ҳолатини таъминлайди.

2. Бўғиз (ҳиқилдоқ) мушаклари, вибрациялар ҳосил бўлишида бевосита қатнашади, шунингдек, бўйин мушаклари бўғизга мустаҳкамланиб, унинг қурилишини назорат қилади.

3. Артикуляция аппарти мушаклари, уларнинг асосий роли-бўғизда ҳосил бўлган товушни, қисмларга ажралган нутққа айлантириш.

Мушак тизимининг бу барча бўлимлари куйлаш жараёнида ўзаро боғлиқликда ишлаш лозим, токи ҳар бирига юкланган вазифа эркин, бошқаларига ҳалақт бермасдан бажарилсин.

Овоз бўғиздаги овоз тўқималари вибрацияси натижасида юзага келади. Бу ўринда овоз ҳосил қилиш бўйича асосийиш амалга ошади. Овоз ҳосил қилиш жараёнида хонанданинг овоз тўқималари (пайчалари) тортилади, кўчланади ва бўғизнинг бутун мушак тизими билан бирга ҳаво оқимига тўсқинлик қилади, кучланиши ва эластик бирлашуви товушни қаттиқ, “металлик”, яхши “таянган” қилади. Фонация жараёнида икки куч-нафас чиқариш ва пайчалар кучланиши бир-бирини енгмасдан, бир-бирини босиб ўтмасдан, бир-бирига қарши туриши лозим. Жаранг кучлиги, биринчи навбатта пайчалар ва нафас олишнинг тўғри ўзаро таъсирига боғлик. Хонандалик товуши (овози) фақат товуш атакасидан, яъни куйловчининг пайчалари бирлашишидан бошланади. Товуш бошидан вокал фразаси охирагача хонанда нафаси уни товушга трансформациялаш йўли билан сарфланади. Нафасни товушга айлантириш қанчалик мукаммал ташкил этилса, ҳаво шунчалик тежамкорлик билан сарфланади ва овоз тоза, “металлик” жаранглайди. Яхши хонанда нафаси узун фразага етади, ёмон хонанданики эса унинг яримига ҳам етмайди. Бу нафасни ёмон тақсимлаш ва ҳаво миқдори етишмаслигидан бўлмайди, куйловчи пайчалари нотўғри тортилса, нафас йўқолиши табиий.Тадқиқодлар кўрсатадики, куйлашда нафаснинг тоза типлари амалда мавжуд эмас, барча хонандалар аралаш нафасдан фойдаланади.(1) Педагогнинг асосий эътибори нафас чиқаришни ташкил этиш ва овозни тўғри жарангига қаратилиши лозим.(2)

Нафасни сарфлаш пайчаларнинг тўғри иш кучланиши билан бошқарилади. Пайчаларнинг бу иш кучланишини топишда атака (хужум) асосий роль ўйнайди. Атакада

(товуш бошида) нафас ҳам, пайчалар торилиши ҳам амал қилади, уларнинг иши атака пайтида мушак назорати учун қулай. Ҳар бир таълим олган хонанда товушни кучли, енгил ёки нафас олиш билан атакалай олади, демак пайчаларнинг у ёки бу иш типини ярата олади. Атака яхшигина сезилади, у бевосита пайчалар тортилишига, бу билан эса нафас сарфига таъсир қилади. Айнан шунинг учун ҳам хонанда унга алоҳида эътибор бериши зарур.

Адабиётлар:

1.Дмитриев Л.Б. Основы вокальной методики 377бет. Ўша жойда. 388 бет.

2.Гарсия. Шк. пения. М.1967. 44б.

3. В.Сухомлинский “ Тарбия ҳақида ” Т : Ёш гвардия , 1977 -115-117 бетлар.

4.Одил Юнусов Science and Education 2020Ўзбек миллий санъатини ўқувчи-ёшларнинг онгига сингдириш йўллари. 304-306 бетлар.

5. Қаххоров Н.Б. «Вокал ижрочилиги» ўқув қўлланма. Тошкент «Иқтисодиёт – молия » 2008 йил 28-36 бетлар.

6.Одил Юнусов Гармонично развитое поколение-условие стабильного развития республики узбекистан Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

7.O .Yunusov, Z. JondorovaAcademic research in educational sciences 2 (1) ўзбек мусиқа фольклорининг ўзига хос хусусиятлари.

РЕЗЮМЕ

Хонандалик товуш ҳосил қилиш юллари, овозни қуйиш устида ишлаётган хонандаларга керакли маслахатлар ва хонандалик овози ҳосил бўлишида қатнашадиган мускулатурани вазифасига кўра шартли равишда турларга бўлиб ўрганилиши . Касбий мусиқа ҳақида, касбий мусиқанинг куйлаш услубларининг ҳар икки жиҳатларини эгаллаган ҳофиз ва ҳофизалар ҳақида.Касбий куйлаш услубини эгаллаган мутахассисларнинг асосий хусусиятлари ҳақида маълумотларга эга буладилар.

РЕЗЮМЕ

Способы создания певческий голос, необходимые советы для певцов, работающих на кастинге голоса, и исследование опорно-двигательного аппарата, участвующего в формировании певческого голоса, условно делятся на виды. О профессиональной музыке, о хафизах и хафизах, которые занимают оба аспекта певческих стилей профессиональной музыки. Они будут иметь информацию об основных качествах профессионалов, овладевших стилем профессионального пения.

SUMMARY

Methods for creating a singing voice, the necessary advice for singers working in voice casting, and the study of the musculoskeletal system involved in the formation of a singing voice are conventionally divided into types. About professional music, about hafiz and hafiz, who occupy both aspects of the singing styles of professional music. They will have information on the basic qualities of professionals who have mastered the style of professional singing.

# MUSIQA MADANIYATI DARSLARIDA MUSIQA SAVODI FAOLIYATI

***Xalilova M. M.***

*Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti musiqa ta`limi va defektologiya kafedrasi o`qituvchisi*

***Isoqova G. A.***

*Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti musiqa ta`limi 2-bosqich talabasi*

**Tayanch so`zlar:** garmonik, lad, major,minor, musiqiy, nazariy, tovush, temp, interval, alteratsiya, janr, sol kaliti, nota, savod.

**Ключевые слова:** гармоника,лад,мажор,минор, музыкальный, теоретический, звук, темп, интервал, чередование, жанр, сольная тональность, нота, грамота.

**Key words:** harmonic, lad, major,minor, musical, theoretical, sound, temp, interval, variation, genre, sol key, note, literacy.

Xalqimiz kelajagi mustaqil O`zbekistonning istiqboli ko`p jihatdan o`qituvchiga, uning dunyoqarashiga, o`z kasbini mukammal egallaganligiga, fidoyiligiga, zamon bilan hamnafasligiyu yosh avlodni sevishi, o`qitishi va tarbiyalash ishiga bo`lgan munosabatiga bog`liq. Bo`lajak musiqa o`qituvchilarining kasbiy tayyorgarligini kuchaytirish, ixtisoslariga doir fanlarni o`qitish va pedagogik mahoratni egallash, nazariy bilimlarni amaliyotda qo`llashga o`rgatish bugungi kun talabidir. Hozirgi musiqa o`qituvchisi ilmiy tafakkur egasi, ilg`or tajribalar shaydosi va izlanuvchan, ijodkor bo`lib musiqa o`qitishning yangi shakl va usullarini kashf etishga intilmog`i lozim. Hozirda O`zbekistonning chekka qishloqlarida musiqa o`qituvchilari yetarlimi? Shunday bir markaz joylarda ham boshlang`ich musiqa darslari sinf rahbarlari tomonidan o`tilishi kuzatib kelinmoqda. Bunday hollarni bartaraf etish lozim. O`quvchilar musiqa darsini intiqlik bilan kutishadi va darsning musiqa savodi qismini ham o`qituvchi mahorat bilan o`tishi kerak. Lekin ko`p joylarda bunga ahamiyat berilmaydi yoki bunga o`qituvchining bilimi yetishmasligi sabab bo`ladi.

Musiqa savodi faoliyati maktabgacha ta`lim tashkilotlarida boshlanib maktabda chuqurlashtirib o`rgatiladi. Musiqa savodi musiqa ta’limi tizimidagi muhim jarayon hisoblanib, o’qituvchi bolalarga zarur musiqiy-nazariy bilimlarni, ma’lumotlarni berishi kerak. Musiqa savodiga doir olib boriladigan ish asosan bolalarning musiqiy o’quvini o’stirish va nota yozuvlarini o’rganishdan iborat bo’libgina qolmay, balki o’quvchilarning umumiy musiqiy bilim saviyasini tarkib toptiruvchi umumiy bilim, tushunchalar majmuasini (ijrochiligi, xalq va bastakorlik musiqasi, ularning farqlari, milliy musiqaning mahalliy uslublari, mumtoz musiqa) tashkil etadi.

Musiqa savodi o’quvchilarda musiqaga, uning ifoda vositalariga ongli munosabatni tarbiyalaydi, musiqaning asl mazmunini tushunib olishga yordam beradi, notaga qarab kuylash va ashula aytish malakalarini hosil qilish hamda garmonik qobiliyatni o’sishiga zamin yaratadi. Shu bilan birga ovozlarni aniq talaffuz qilishga va jamoa bo’lib qo’shiq aytish sifatini, samaradorligini oshirishga qulaylik tug’diradi. Maktabda musiqa savodini o’rganishda qo’yiladigan asosiy metodik talab – dars jarayonida olingan musiqiy-nazariy bilimlarni boshqa faoliyatlarda - qo’shiq aytish, musiqa tinglash va musiqaga ritmik jo’r bo’lishda qo’llay olishdan iborat. Har bir faoliyat bilan shug’ullanganda o’quvchilar kuylayotgan, jo’r bo’layotgan yoki tinglayotgan asarlarining kim tomondan yaratilganligi, qaysi ladda yozilganligi, asarning tempi, o’lchovi, ritmi, shakli, dinamik belgilari, tonligi va hokazolarni qisman bo’lsa ham aniqlashlari darkor.

Mana shu jarayonda musiqa savodi benazir ko’makchidir. Musiqiy-nazariy bilimlar ancha sayoz va bir tizimga solinmagan bo’lsa ham, o’qituvchi imkoni boricha darslarni ko’rgazmali qurollardan, o’qitishning zamonaviy texnik vositalardan foydalangan holda dars o’tishi maqsadga muvofiqdir. Musiqa savodida musiqiy atamalar, an’analar, templar (sur’at), intervallar, alteratsiya belgilari, dinamik belgilar, musiqaning ifodalovchi vositalari, oddiy musiqa shakllari va janrlari, major va minor ladi haqida tushuncha beriladi. Lekin bu tushunchalar oddiydan murakkabga qarab, iloji boricha tizimiylikka rioya qilib o’rgatilsa ko’zlangan maqsadga erishiladi.

1-sinfda musiqa savodining boshlang’ich bilimlarni beradi. Bolalarning maktabga endigina kelganliklariga qaramay ular bog’chada ko’pgina ashulalar aytib, raqsga tushgan bo’ladilar. Musiqa savodiga kirishdan avval bolalarning oldingi bilimlariga tayanishimiz

kerak. Tabiiyki maktabgacha ta`lim tashkilotida musiqa savodi faoliyati alohida o’rganilmaydi balki barcha faoliyatlarda umumlashgan xolda olib boriladi. Shuning uchun o’qituvchi nihoyatda extiyotkorlik bilan bolalarga musiqa haqida tushuncha beradi. «Siz qanday qo’shiqlarni bilasiz? Raqsga tushishni bilasizmi? Musiqani yaxshi ko’rasizmi?» va shu kabi savollar orqali bolalar bilan muloqotga kirishadi.

«Endi men sizlarga musiqa aslida nima ekanligi va qanday paydo bo’lganligi haqida gapirib beraman...» - deb bolalarni o’zaro suhbatga tortadi va musiqiy savod berishni boshlaydi. O’quvchilar musiqa haqida tushunchaga ega bo’lganlaridan keyingina, ularning musiqaning ifodalovchi vositalari bilan tanishtirish mumkin. 1-sinfda o’quvchilar nota yozuvi, notalarning joylashuvi, notalar nomi, uzunligi bilan qisman tanishib boradilar. Musiqa boshqa san’at turlari kabi insonlarning o’zaro muloqat qilishga yordam beruvchi vositadir. Shuning uchun musiqa tilini yaxshiroq tushunish uchun, musiqaning muhim ifodalovchi vositalarini bilish ahamiyatlidir. Eng muhum bo’lgan vositalardan ladlar - major va minor ladlari haqida o’quvchilarga tushuncha berish maqsadga muvofiqdir. 1-sinfning 2-yarmida bevosita nota yozuviga kirishish mumkin. Avvalom bor o’quvchilarga notalar yoziladigan chiziqning nega beshtaligi, nota yo’lining ahamiyati va ularda notalar qanday joylashishi haqida boshlang’ich tushunchalar berilgan bo’lmog’i lozim.

Nota yozadigan chiziq pastdan yuqoriga qarab sanalishini o’qituvchi doskaga yozib ko’rsatib berishi lozim. Skripka kaliti yoki sol kaliti haqida tushuncha berish kerak. Notalar yozilishidan oldin kalit belgisi qo’yilishi kerakligi, kalitsiz nota yozish mumkin emasligini o’quvchilarga misollar bilan tushuntiriladi.

Shu tarzda nota yozuvi o’rgatiladi. Yozishdan avval o’quvchilar notalar joylashuvini yodlagan bo’lishlari kerak.

Ana shundan keyin o’quvchilar beshta chiziqlarni qaysi birida qanday nota joylashganini o’zlari topa boshlaydilar.

Ayrim hollarda o’qituvchi dars jarayonida o’quvchilarga tushunarliroq va qiziqarliroq bo’lishi uchun nota chiziqlari yordamisiz ham qo’l yordamida notalar joylashuvini topish va ko’rsatishlari mumkin

Buning uchun o’qituvchi qo’lini kundalang holda tutib, har bir barmog’ini nota chizig’i deb faraz qiladi. O’quvchilarga ham o’ng qo’llarini xuddi shunday tutib o’qituvchi bilan birgalikda chap qo’l ko’rsatkich barmog’ida notalarni ko’rsatadilar va o’qituvchi aytgan notalarni o’zlari topib ko’rsatadilar.

Demak, musiqa savodi faoliyati maktablardagi eng muhim va etakchi faoliyatlardan biri bo’lib, u o’quvchilarni o’rganiladigan asarlarni savodli holda o’zlashtirishlariga imkon beradi va bolalarni xar tamonlama rivojlantirishga yordam beradi.

– „Har kimki hikmat o`rganaman desa, yoshlikdan boshlasin, ilmli va dono kishilardan saboq olsin, shundagina u komillik darajasiga yetadi “- deydi taniqli mutafakkir. Ibn Sino esa: „Musiqa inson ruhini yo`ldoshidir”, deydi. Shunday ekan, hozirgi davrda musiqa o`qituvchidan mas`uliyatni, fanga yangicha yondashuvni, uning metodologiyasini chuqur o`rganishni taqozo etadi. Umumiy o`rta ta`lim maktablarida esa musiqa madaniyati darslarining asosiy maqsadi o`quvchilarda musiqaga qiziqish uyg`otish orqali, kuylash, musiqa tinglash, musiqa savodi vositasida musiqiy madaniyatni tarkib toptirish. Musiqani san`at sifatida ongli idrok etish, undan ma`naviy ozuqa olishdan iborat bo`lib, o`quvchilarni Vatanparvarlik ruhida komil inson qilib tarbiyalab voyaga yetkazishdan iborat.

Adabiyotlar:
1. G.Sharipova.G`.Najmekdinov Musiqa o`qitish metodikasi praktikumi
2. Apraksina.O.A.Maktablarda musiqiy tarbiya metodikasi
3. D.Soipova Musiqadan o'qitish nazariyasi va metodikasi
4. O`zbekiston Respublikasi Xalq ta`limi vazirligi:www.uzedu.uz
5. G.M.Sharipova Musiqa o`qitish metodikasi
6. Ijtimoiy axborot ta`lim portali:www.ZiyoNET.uz
7. M.S. Muxiddinova "Мактабгача таълим ташкилотларида ахборот-компьютер технологияларини мусиқа тарбияси воситаси сифатида қўллашнинг хусусиятлари" 2020 yil
8. Sh.R.Mahkamova "Имконияти чекланган болалар ва хар томонлама етук авлодни тарбиялашда мусиқанинг ўрни" 2020
9. M.A.Asadullaeva "Ёшларни маънавий тарбиялашда қўшиқчилик санъатининг тутган ўрни" T.,2020 yil.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqola musiqa san`ati haqida bo`lib, o`rta ta`lim sohasida musiqa darslarida tashkil etiladigan musiqa savodi faoliyati xaqida so`z yuritiladi. O`zbekistonda barcha sohalar qatori musiqa ta`lim tizimida ham keng qamroli yangilanishlar va ijobiy o`zgarishlar amalga oshirilmoqda.Musiqa darslarida musiqa savodini yanada kuchaytirish va o`quvchilarga bilimni yetkazib bera olish uslublari haqida ma`lumot beriladi.

РЕЗЮМЕ

Эта статья посвящена музыкальному искусству и деятельности по музыкальной грамотности в музыкальном образовании в средней школе. В Узбекистане, как и во всех сферах, широко распространено музыкальное образование. Происходят всесторонние обновления и позитивные изменения. Уроки музыки дают информацию о способах дальнейшего повышения музыкальной грамотности и дают знания учащимся.

SUMMARY

This article is about the art of music and the activities of music literacy in music education in secondary education. In Uzbekistan, as in all areas, music education is widespread. Comprehensive updates and positive changes are taking place. Music lessons provide information on ways to further strengthen music literacy and provide knowledge to students.



# БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

## МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚУВ-БИЛИШ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МЕТОДЛАР

***Қурбонова М.***

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** хотира, диққат, операция, шакллантириш, фаоллаштириш, метод, фикрлаш, фаолият, муаммоли, вазият, назорат, ўзини ўзи назорат, жамоавий, шахсий, бошқариш, таълим, тарбия, ўйин, ориентировка, таҳлил қилиш, синтез, солиштириш, классификациялаш, технология, гуруҳларда ишлаш, глобал ва бошқалар.

**Ключевые слова:** память, вниманиет, операция, формирование, активизация, метод, мышление, деятельность, проблемный, ситуация, контроль, самоконтроль, общественный, личный, управление, образование, воспитание, игра, ориентировочный, анализ, синтез,сопостовление, классификация, технология, работа в группах, глобалный и т.д.

**Key words:** memory, attention, operation, formation, activation, method, thinking, activity, problem, situation, control, self control, collective, personal, control, education, education, play, orientation, analysis, synthesis, Comparison, classification, technology, teamwork, global and more.

Педагогика амалиётида ўқитиш методларининг жуда катта бой мероси тўпланган. Уларни танлашда турли шароитлар, ўқитилаётган фаннинг характери, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, олдинги тайёргарлик даражаси кабилар ҳисобга олинади. Чунончи, янги материални баён этишда бир хил методлар қўлланса, уни мустаҳкамлашда иккинчи ва мавзуни умумлаштиришда яна бошқа хил методлар қўлланилади. Дарснинг турли босқичларида пухта ўйлаш ва самарали методларни қўллаш жуда муҳим.

Ўқитиш методларини қуйидагиларга бўлиш мумкин: тафаккур, хотира, диққат ва хаёлнинг алоҳида операцияларини шакллантирадиган ва фаоллаштирадиган методлар; фикрлаш фаолиятида муаммоли ва изланишли вазиятларни вужудга келтирадиган методлар; ўқувчиларнинг ўқув материалини ўзлаштириш билан боғлик кечинмалари ва ҳиссиётларини фаоллаштирадиган методлар; назорат ва ўқувчиларнинг ўзини ўзи назорат методлари; ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг жамоавий ва шахсий ўзаро муносабатларини бошқариш методлари. Аммо таълим-тарбия жараёнига қўйилаётган янги талаблар ўқитишнинг методларини янада такомиллашти-ришни талаб қилмоқда.

Бизнинг фикримизча, бошланғич синф ўқувчиларининг билишга қизиқишлари авваламбор дарсларда юзага келади. Шунинг учун ўқитувчи ўқитишнинг турли методлари, шакллари ва турларини қўллаган ҳолда дарснинг ҳар бир босқичида

ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга, ўқишга қизиқишни оширишга интилишлари лозим. Ўқитувчи ўз дарсларида кўпроқ таянч схемалар, жадваллар, карточкалар, тарқатма материаллар, қизиқарли машқлардан фойдаланишлари муҳим ҳисобланади. Улар ҳайратланиш ҳиссини, янгиликларни, кутилмаганликни келтириб чиқаради, зийраклик, ташаббускорликни ривожлантиради, хайрихоҳлик муҳитини яратади. Ўқувчиларда билишга қизиқишни қарор топтириш учун ўқитувчи қуйидаги методлардан фойдалангани яхши натижалар беради: барча ўқувчилар учун қўлидан келадиган топшириқларни бажариш орқали муваффақият вазиятини яратиш, олдинги билимларга таянган ҳолда янги материални ўрганиш; ишонч ва ҳамкорлик муҳитини дарсда яратиш орқали ижобий эмоционал кайфиятни, ўқитувчининг ёрқин ва эмоционал нутқини  яратиш; ўз ва бошқалар фаолиятини баҳолаш орқали рефлексия, еўп вариантли жавобларни (масалан, «нима учун қийин бўлди?», «дарсда нимани билдингиз ва кашф этдингиз?» ва б.қ.) талаб этувчи саволларни бериш билан фаолият натижасини баҳолаш; қизиқтирадиганлик, дарснинг музикали фрагментлар, ўйинли ва мусобақали шакллари орқали ўзига хос бошланиши.

Бизнинг фикримизча ўқувчиларнинг билишга қизииқшларини ривожлантиришнинг воситаларидан бири бу ўйин ҳисобланади. У ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини фаоллаштириш, уларни билишга стимуллаштириш методи сифатида фойдаланилади. Ўқувчиларни ўйин фаолиятига жалб этиш дарсга бўлган қизиқишни кучайтиради. Дарсда ўқитувчининг «ижодий 5 дақиқаси»дан фойдаланиш, яъни, ўқувчининг шеър, топишмоқ, эртак, матал тўқиши яхши натижа беради. Бундай методларни қўллаш коммуникатив компетенцияларни шакллантириш учун шароит яратади. Ўқув жараёнини фаоллаштириш учун ўқитувчи системали тарда ўқувчиларга машқларнинг ҳар хил турларини таклиф этиш мумкин. Атроф муҳит дунёси дарсларида ўқувчилар катта қизиқиш билан ўрганилаётган мавзу бўйича хабарни тайёрлайди. Она тили ва адабиёти дарсида ёзувчилар асарини ўрганиш билан, ўқувчи бу ёзувчининг ҳаёти ҳақида кичкина ҳикоя тайёрлайди.Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришда ўқитувчи қуйидаги замонавий технологияларни эгаллаган бўлиши муҳим: муаммоли ўқитиш: гипотезаларни, муаммони қўя олиш, билиш вазифасини англаш; лойиҳали ўқитиш: мақсадларни амалга ошириш учун предмет билимларидан фойдалана олиш, ахборотни топиш, қайта ишлаш ва ифодалаш, тадқиқот натижаларини расмийлаштириш ва уни ифодалаш, муҳим ахборотни чиқариш, уни ўқув материалларидан мустақил топиш; ўйин фаолияти; ишчанлик ва ташкили-фикрий ўйинлар – билиш вазифаларини англаш, вазифаларни ечишнинг ҳар хил методларига ориентировка қилиш; ижодий ўйин: таҳлил қилиш, синтез, солиштириш, классификациялаш операциялари ўқув вазифаларини ечиш учун амалга ошириш; ихтирочилик вазифаларини ечиш назарияси; танқидий фикрлашни ривожлантириш технологияси; гуруҳли технологиялар – гуруҳларда ишлаш; глобал ахборот муҳитида ўқитиш технологияси.

Ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенциясини шакллантиришда маҳаллий ва хорижий илғор тажрибаларни ўрганган ҳолда энг мақбул метод ва технологиялардан фойдаланиш, методик таъминотни такомиллаштириб бориш, машғулотлар жараёнига замонавий педагогик технологияларни  қўллаш орқали билим бериш сифатини, ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришни таъминлаш лозим. Мазкур жараённи янги авлод ўқув адабиётлари, замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, уларга билимли ўқитувчиларни жалб этиш, билим ва кўникмаларини тиклаш, уларни янгилаш келажакка қаратилган мазкур фармонларда белгиланган вазифаларни ечишга ёрдам беради.

Таълим мазмунини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг билиш фаоллигига муносиб равишда қуйидаги методлар қўлланиши мумкин: тушунтириш-иллюстратив (ахборотли рецептив), репродуктив, муаммоли баён, хусусий изланиш ёки эврестик ҳамда тадқиқот. Таълим фаолиятини ташкил килиш ва амалга ошириш жараёни билимни узатиш, уни қабул қилиш, англаш, эсда сақлаш ва амалда қўллай олишни назарда тутади. Таълимнинг оғзаки методлари: ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар. Бу методларни қўллашда ўқитувчи сўз воситасида ўқув материалини баён қилади, тушунтиради, ўқувчилар эса тинглаш, эслаб қолиш орқали қабул қиладилар.

Ҳикоя методида ўқувчиларга бериладиган билим мазмунини оғзаки баён қилиш назарда тутилади. Ҳикоянинг бир неча тури мавжуд: ҳикоя-муқаддима, ҳикоя баён ва ҳикоя-хулоса. Биринчисининг мақсади: ўқувчиларни суҳбат орқали янги билимни қабул қилишга тайёрлаш. Ҳикоянинг бу тури нисбатан қисқалиги, ёрқинлиги, қизиқарлилиги ва ҳиссиётга бойлиги билан ажралиб туради, янги билим олишга қизиқиш уни фаол ўзлаштиришга эҳтиёж уйғотади, дарсга бефарқлик, лоқайдликни йўқотиб, билим олиш мақсадини ҳосил қилади. Ҳикоя-муқаддима вақтида ўқувчи фаолиятининг вазифалари тўғрисида тушунарли шаклда хабар берилади.

Ҳикоя жараёнида ўзлаштиришнинг фаоллашишига ёрдам берувчи дидактик услублардан фойдаланиш зарур.

1. Дарс мавзусини билдириш. Янги мавзуни баён қилиш олдидан ўқувчиларга ечими янги билимлар учун зарур бўлган масала таклиф қилинади ва у шу дарсда ўрганиш объекти бўлиб қолади, яъни муаммоли вазият вужудга келтирилади. Янги материални ўрганиш ёки амалий топшириқларни бажариш билан, ёки тажриба қўйиш билан, ёки табиатда ўтказилган кузатишларни таҳлил қилиш билан бошланади.
2. Баён режасини билдириш. Бу услуб фақат ўзлаштириш жараёнини фаоллаштирибгина қолмасдан, балки ўқувчиларни бутун баён тизимини яратишга ўргатади, бу билан тафаккурнинг мантиқий изчиллигини ривожланишга, ўрганилаётган факт ёки ҳодисалар ўртасидаги муайян боғланишларни аниқлашга ёрдам беради, масалан, «Чўл табиати» мавзусини баён қила туриб, ўқитувчи доскага ушбу режани ёзиши мумкин: Табиий зоналар харитасида чўлларнинг жўғрофий ўрни. Чўл иқлимининг хусусиятлари. Чўлда йил фасллари ва бошқалар.

3. Ўқувчилар эътиборини фаоллаштирувчи саволларни баён давомида қўйиб бориш.

4. Ўқувчиларнинг идрок қилиш фаолиятларини фаоллаштирувчи таққослаш (масалан, дала, боғ, полиз, чўл, дашт ва ўрмон ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсини таққослаш кабилар).

5. Янги материални уни баён қилиш давомида илгари ўрганилганлар билан, турмуш билан, амалиёт би¬лан (масалан, «Скелет» мавзусини «Мушаклар» мавзуси билан, жонажон ўлка табиатини ҳар хил зоналар табиати билан) алоқасини ўрнатиш.

6. Ҳикояга мақол, қизиқарли материал ёки китоб кабиларни ўқишни киритиш. Қўшимча материалдан фойдаланиш ўқитувчи ҳикоясини бойитади ва конкретлаштиради. Ҳикоя давомида мақол, матал ва топишмоқлардан фойдаланиш ҳам уни бойитади ва баён қилаётган материални қабул қилиб олинишини осонлаштиради.

7. Кўргазмалилик (сурат, жадвал, техника воситалари)ни қўллаш. Ҳикоя давомида кўргазмалиликнинг турли воситаларидан фойдаланиш ўқувчиларда аниқ тасаввурлар шаклланишига, ўрганилаётган материалга диққат ва қизиқишни қувватлашга, уни онгли ўзлаштирилишига ёрдам беради. Схема важадваллар, тажрибалар сурати, доска ва дафтардаги ҳамда хулосалар ўқув материалини ўзлаштирилишини осонлаштиради. Лекин кўрсатилган дидактик услублардан фойдаланиш ўқувчилар ақлий

қобилиятини максимал фаоллаштириш учун етарли эмас. Бу вазифани бажаришга муаммоли баён қилиш ёрдам беради, у ўқувчиларнинг мустақил фаолиятига асосланади ва ўқитувчи томонидан қўйилган масала ва муаммоларни ҳал қилишдан иборат бўлади.

Суҳбат методи атрофлича ўйланган саволлар ёрдамида ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги алоқани кўзда тутиб,уларнинг мустақил фикрлашини янги тушунчаларни эгаллашга олибкелади. Уни қўллашда саволларни қўйиш, ўқувчиларнинг жавобларини муҳокама қилиш, хулосаларни шакллантириш методларидан фойдаланилади. Суҳбат давомида ўқитувчи ўқувчиларнинг нутқ саводхонлигига алоҳида эътибор қаратади. Бу турли тушунтиришлар билан олиб борилади ҳамда уларнинг қабул қилиши аниқлаштирилиб борилади. Ўқувчилар катта бўлган сари уларга бериладиган муаммоли саволлар ҳам катталашиб боради. Муаммоли вазиятнинг юзага келишида факт ва натижа ўртасидаги алоқа бирданига очилмайди, аста-секин бўлади. Бунда савол туғилади: Бу нима? (масалан, турли предметларни сувга туширамиз: биттаси чўкади, бошқаси чўкмайди); материалнинг айрим қисмларини баён қилгандан кейин ўқувчи тахмин қилиши керак (масалан, муз эриши, иссиқ сув билан тажриба қилиш, масалани ечиш); баъзан, айримлари, фақат айрим ҳолларда каби сўзлардан фойдаланиш ўзига хос билиш белгилари бўлиб  хизмат қилади; фактни тушуниш учун уни бошқа фактлар билан солиштириб кўриш, айрим ақлий операцияларни амалга ошириш лозим (масалан, турли ўлчовларни қилиш, гуруҳ билан ҳисоблаш).

Суҳбат ўтказилгандан кейин бажарилган ишларга ушбу мақсадга йўналган саволлар ёрдамида якун чиқариш ке¬рак. Масалан, Тут ипак қурти қандай ривожланади? Унинг ташқи кўриниши қандай? Қуртнинг танаси қандай шаклда? У қандай ҳаракат қилади? Нима билан овқатланади? Пилла ўраш қанча вақт давом этади? Пилла ичида нима бўлади? Капалак қандай ҳосил бўлади? Капалак пилладан қандай чиқади? У қанча вақт яшайди? Ва бошқалар. Бундай саволлар ўқувчиларнинг мустақил ақлий фаолиятини ривожлантиради, чунки саволларга жавоблар ишлаб чиқариш кузатишлари билан қувватланган бўлади.

Суҳбатнинг ўқув жараёнида қандай ўрин эгаллаши ва қандай дидактик мақсадни мўлжаллланганлигига қараб қуйидаги: кириш суҳбати, такрорловчи суҳбат, баён қилувчи суҳбат ва якунловчи суҳбат турлари фарқ қилинади. Кириш суҳбати янги бўлим ёки янги мавзуни ўрганиш олдидан фойдаланилади. Унинг мақсади ўқувчилардаги дарсда ўрганиладиган масала бўйича тасаввурларни аниқлаш ёки тиклашдир. Масалан, «Дала мавзусини ўрганишга кириша туриб, кириш суҳбатн вақтида ўқувчиларга ушбу саволларни бериш керак. Ким далада бўлган? Далаларда нималар ўсади? Сиз қандай маданий ўсимликларни биласиз? Сиз қандай техника ўсимликларини биласиз? Сизга қайси ғалла ўсимликлари маълум? Фақат шундан кейингина ўқитувчи янги материални тушунтиришга киришади.

Такрорловчи суҳбат ўрганилган материални мустаҳкамлаш ва англаб олишга ёрдам беради. У янги материални ўрганилгандан кейин шу дарснинг ўзида ёки мавзу ёки бўлим ўрганилгандан кейин ўтказилади ва 5 дақиқадан10-15 дақиқагача вақт олиши мумкин. Бундай суҳбат вақтида ҳам мавзуни ўрганишдаги ўша кўргазмали қурол ва тарқатма материаллардан фойдаланилади. Баён қилувчи суҳбат ўқувчиларнинг ўзлари томонидан жисм ва ҳодисаларни кузатишини назарда тутади. Ўқитувчи томонидан йўналтирилган ўқувчилар ўзлари учун янги объект ва ҳодисалар билан танишадилар. Объект ва тажрибаларни кузатиш натижасида ўқувчиларда шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлган тадқиқий ёндашиш шаклланади. Муаммо қўйилишива уни мустақил ҳал қилиниши ўқувчиларнинг билишга

қизиқишини, яъни уларнинг билимларни эгаллашга ва масалалар ечишни ўрганишга бўлган интилишларини ривожлантириш учун рағбатлантириш бўлиб хизмат қилади. Муаммони ҳал қилишда асосий вақтни амалий иш эгаллайди. Чунончи, «Куз», «Қиш», «Баҳор» мавзуларини ўрганишда ўқувчилар олдига қуйидаги муаммоли саволларни қўйиш мумкин: Нима учун кузда қушлар иссиқ ўлкаларга учиб кетадилар? Нима учун баъзи ҳайвонлар қишда ухлайди? Нима учун кузда совуқ тушади? ва бошқалар. Ўқувчилар олдига у ёки бу муаммони қўйишда уларнинг ҳар бири қанчалик дарс мазмунидан келиб чиқаётганини, дидактик ва тарбия мақсадларга хизмат қилишини пухта ҳисоблаб чиқиш керак. Бу талабларга жавоб бермайдиган муаммоларни қўйиш фақат дарсда қараб чиқилаётган масалаларнинг моҳиятини аниқлашга халақит беради. Юқорида қайд этилганидек, таълимнинг мазмунига қўйилаётган янги талаблар ўқувчиларни мантиқий фикрлаш, мантиқий операцияларни бажариш методлари билан қуроллантиришни тобора кучайтиришни тақозо этмоқда. Ўқитиш методларининг турлари жуда кўп, уларнинг сонини аниқ белгилаб бўлмайди. Улар педагогик амалиёт даврида тинмай бойиб бораверади. Методлар ўқитишнинг мантиқий томонларига, компонентлари ва вазифаларига қараб таснифланади.

Адабиётлар:

1. Зиёмухаммадов Б. Илғор педагогик технологиялар: назария ва амалиёт. -Т.: Абу Али Ибн Сино, 2001. - 80 б.
2. Алихонов С.Дарс жараёнида муаммоли таълим масалалари // Касб-хунар таълими, 2006.-№5. - Б.8-9.
3. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. - Т.: Ўқитувчи. - 1990. - Б. 4.
4. Бельская Е.М.,Григорьянц А.Г. Табиатшуносликни ўқитиш /3-синф. Ўқитувчилар учун қўлл. - Т.: Ўқитувчи, 1990. - 170 б.
5. Лернер И.Я. Подготовка будущих учителей трудового обучения и трудовому воспитание школьников. Педагогические образование.-Вып. №2,-М.:Педагогика,1990.-238-242 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада мустақил ишларни ташкил этиш асосида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган методлар, уларнинг турлари, ўтказиш методикаси кабилар ҳақида сўз юритилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье речь идёт о методах направленных на формирований учебно-позновательных компетенции учащихся начальных классов на основе организаций самостоятельных работ, их видах, а таже о методиках их проведений.

SUMMARY

This article discusses the methods used to shape the learning competencies of elementary school students based on the organization of independent work, their types, methods of transfer.

# NUTQIDA KAMCHILIGI BO'LGAN BOLALAR NUTQINI RIVOJLANTIRISHDA ART-TEXNOLOGIYALARNING O'RNI

***Sayfullayeva I.Q.***

*TVChDPI "Defektologiya" kafedrasi o`qituvchisi*

**Tayanch so`zlar:** art-texnologiya, o`yin, qumterapiya, izoterapiya, musiqaterapiya, bilish jarayonlari, R.Levina.

**Ключевые слова:** арт-технология, игра, песочная терапия, изотерапия, музыкатерапия, процесс познании, Р.Левина.

**Key words:** art-technology, game, sand therapy, isotherapy, music therapy, cognitive processes, R.Levina.

Nutqning to‘liq rivojlanmaganligi muammosini ilk bor nazariy jihatdan R.Levina tomonidan asoslab berilgan. Nutqning to‘liq rivojlanmaganligi deb, intellekti normada bo‘lgan nutqning fonetik-fonematik, leksik-grammatik tomondan rivojlanmaganligiga aytiladi.

Nutqning to‘liq rivojlanmaganligi nutqiy rivojlanishning maxsus shakli bo‘lib, bunda bolada aqliy va eshitish jihatdan kamchiliklar kuzatilmasa-da, nutq tizimidagi barcha tarkibiy qismlarning shakllanishi buzilgan bo‘ladi. Nutq rivojlanishining birinchi darajasiga ega bo‘lgan bolalar faol lug‘atining cheklanganligi, atrof muhit haqidagi tasavvurlarining yetarli darajada differensiallashmaganligi bilan ajralib turadi. Shuning uchun bolalar fazoda yo‘nalish topa olmaydilar (chap-o‘ng, yuqori-past, orqa-oldini chalkashtiradilar), vaqtni chalkashtiradilar (sutka vaqtlari, yil mavsumlarini aniqlay olmaydilar).Ular ranglarni ajratishda qiynaladilar, o‘lchamlar, shakllarni qo‘l bilan ushlab (manipulyasiya qilib) aniqlay olmaydi.

Nutq rivojlanishining ikkinchi darajasidagi bolalar bevosita idrok etilayotgan predmetlarning nomlarini atash bilan cheklanadilar, ularning xususiyatlarini esa e’tibordan chetda qoldiradilar. Predmetlarning shakli, rangi, materialini bildiradigan aniqlovchi so‘zlarni qo‘llashda ham orqada qolish kuzatiladi. Ular, xuddi nutq rivojlanishining birinchi darajasidagi bolalar kabi, katta-kichiklik, fazoni aniqlashda qiynaladilar.

Nutq rivojlanishining uchinchi darajasiga ega bo‘lgan bolalarda keng iboraviy nutq mavjud bo‘lsa-da, unda leksik-grammatik va fonetik-fonematik rivojlanmaganlik elementlari kuzatiladi. Nutq rivojlanishining bu darajasidagi bolalar atrofdagilar bilan muloqotga kirishsalar-da, biroq buning uchun ularning nutqiga izoh berib turuvchi ota yoki onalari yonlarida bo‘lishi lozim. Erkin muloqot bunday bolalarda katta qiyinchiliklar tug‘diradi. Bolaning gapini katta odam tushunmasligi bolaga, albatta, salbiy ta’sir ko‘rsatadi. Bolalar xatto to‘g‘ri talaffuz qila oladigan tovushlar ham ularning nutqida yetarli darajada aniq jaranglamaydi.

Nutqi to‘liq rivojlanmagan bolalarda tovushlar talaffuzi va ularni eshitib farqlash u yoki bu darajada buzilgan bo‘ladi, morfemalar sistemasini o‘zlashtirish ko‘nikmalari yaxshi egallanmaydi. Lug‘at boyligi yosh me’yoridan ham miqdor ham sifat ko‘rsatkichlari bo‘yicha orqada qoladi; bog‘lanishli nutq yetarlicha rivojlanmaydi. (V.K.Vorobeva, B.M.Grinshpun, V.P.Gluxova, R.Levina, G.B.Filicheva, G.V.Chirkina)

Nutq kamchiligiga ega bo‘lgan bolalar bilan ishlashda o‘yin elementlari, o‘yin usullaridan foydalanish keng tarqalgan. Mualliflarni aksariyati o‘yinni nutqga ta’sir etuvchi vosita sifatida qarashgan. Vlasova logopedik ishlarni barcha bosqichlarida rasmli o‘yinlardan keng foydalanishni taklif etdi:

1) rasmlarni nomlash

2) rasmli loto o‘yini, rasmga qarab gapirish.

3) diqqat va xotirani rivojlanishi uchun tanish ramlar yuzasidan savol-javob o‘tkazish.

4) nutq mashqlarini avval tanish rasmlarni ta’riflab berish, so`ng notanish bir qator rasmlar bo`yicha hikoya tuzish.

5)Tinglagan hikoyalarni gapirib berish.

Bugungi kunda nutqida nuqsoni bo`lgan bolalarning nutqini korreksiyalashda, ularning bilish jarayonlarini umumiy va mayda qo`l barmoqlarining harakatchanligini rivojlantirishda, art-texnologiyalarning o`rni beqiyosdir. Zamonaviy logoped, o`z mashg`ulotlarida art-texnologiyalarning turli usullarini qo`llaydi, jumladan, o`yin terapiyasi, qum terapiyasi, musiqa terapiyasi, ertak terapiya, izoterapiya va boshqalar.

Bola nutqi – bolaga oid bo‘lgan o‘ziga xos madaniyatning qimmatli ovozidir. Nutqni rivojlantirish nafaqat bolani atrof-olam bilan tanishtirish tomoni, balki umumiy psixik

rivojlanish ustuni hisoblanadi. Bola nutqining rivojlanishi umuman shaxsni va shu bilan birga barcha psixik jarayonlarni shakllantirish bilan bog‘liqdir. Art-terapiya bolani hartomonlama rivojlantirishda bolaning xotirasi, diqqatini, nutqini, tasavvurini, tafakkurini rivojlantirishga ham yordam beradi. Art-terapiya yo`nalishlaridan biri bo`lgan izoterapiyani qarab chiqsak.

Izoterapiya - bu tasviriy san’atdan foydalanishga asoslangan art-terapiyaning eng keng tarqalgan va keng qo’llaniladigan turlaridan biridir. Izoterapiya – bu imkoniyati cheklangan bolalar bilan alohida ishlash uchun ham, ota-onalar va bolalarning birgalikdagi ijodi uchun ham qo’llaniladigan ko’p qirrali texnologiya. Izoterapiya, bir tomondan, badiiy aks ettirish usuli bo’lib, bolaning ichki dunyosini boyitish va rivojlantirishga imkon beradi, boshqa tomondan, bolaning ijodiy qobiliyatlarini ochib berishga imkon beradigan texnologiyahisoblanadi. Izoterapiya imkoniyati cheklangan bolaning ichki ruhiy muammolarini hal qilishga yordam beradi. Nutqida nuqsoni bo`lgan bolalarning umumiy va barmoqlar harakatchanligini rivojlantiradi. Logoped mashg`ulot davomida rasm chizish ko`nikmalari orqali bolaning nutqini ham savollar orqali, turli rasmlar orqali uning ichki va tashqi nutqini boyitib boradi.

Bundan tashqari, izoterapiya ijtimoiy va og’zaki nutq qobiliyatlarini, nozik vosita mahoratini, diqqatni rivojlantirishga, shuningdek, yozish qobiliyatining asosi bo’lgan qo’lni to’g’ri holatga keltirish va qalam ushlash ko’nikmalarini rivojlantirishga qaratilgan. Izoterapiya usulidan foydalanish bolaning shaxsiy qarashlarini sezilarli darajada oshiradi, “Men” tushunchasini shakllantirishga va o’ziga bo’lgan ishonchni oshirishga yordam beradi. Izoterapiya psixologik korreksiya usuli sifatida bolaning his-tuyg’ularini yanada uyg’unlashishiga yordam beradi, uni ta’lim muassasasiga moslashtiradi va ijodiy qobiliyatlarni va eng asosiysi nutqini boyitib rivojlantirishga yordam beradi.

Nutq nuqsoniga ega bolalarni o‘rganish jarayoni shu narsani ko‘rsatadiki, nutq va tafakkur qanchalik bir – biriga bog‘liq bo‘lsa nutq va xarakat o‘rtasida ham chambarchas bog‘liqlik mavjud. Bolaning nutqni o‘zlashtirishi uning xatti harakatlarini anglash, rejalashtirish va tartibga solishga imkon beradi. Nutq nuqsonlari qanchalik og‘ir darajada namoyon bo‘lsa, bolaning xarakat sohasida shunchalik qo‘pol buzilishlar kuzatiladi. Qo‘l va barmoqlar ishtiroklaridagi o‘yinlar va mashqlar tana va ongning o‘zaro bog‘liqligini ta’minlaydi, miya tizimini zarur holatda tutib turadi.Qo‘lning oddiy harakatlari bilan nafaqat qo‘lning, balki yuz, lab zo‘riqishlarini susaytirish, aqliy kamchiliklarning oldini olishga, tovush talaffuzini yaxshilashga yordam beradi.Barmoqlarning mayda xarakatlari bo‘g‘inlar artikulyasiyasiga o‘ziga xos ta’sir etadi. Barmoqlar rivojlanishi evaziga miyada nutqning ravon bo‘lishi kuzatiladi.

Bolalar nutqning rivojlanishi mayda qo‘l motorikasi holati bilan uzviy bog‘liq. Bolalarda qo‘l barmoqlarini mashq qildirish, ularning aqliy rivojlanishini tezlashtiradi va asosiy elementlar malakalarini ishlab chiqishiga imkon tug‘diradi.

Adabiyotlar:

1. Muminova L. Logopediya. Toshkent – 2006.
2. Ayupova M. Logopediya. Toshkent – 2007
3. I.Q. Sayfullayeva. Eshitishda nuqsoni bor 1-2 sinf o`quvchilarining arifmetik amallarni bajarishga o`rgatishning samarali usullari.TDPU Ilmiy axborotlari 3-son.2020 88-92 b
4. I.Q.Sayfullayeva Eshitishda nuqsoni bo‘lgan boshlang‘ich sinf o‘quvchilariga matematikani o‘rgatishda axborot kommunikatsiya texnologiyalarining o‘rni. Maktab va hayot.2020 .-26 b.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqola nutqida kamchiligi bo`lgan bolalar nutqini nazariy tomondan ochib berilgan hamda nutqni rivojlantirishda art-texnologiyalarning o`rni, izoterapiyasining ahamiyati haqida yozilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье теоретически раскрывается речь детей с дефектами речи и пишется о роли художественных технологий в развитии речи, важности изотерапии.

SUMMARY

This article theoretically reveals the speech of children with speech defects and writes about the role of art technology in the development of speech, the importance of isotherapy.

# BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINI IJTIMOIY PEDAGOGIK MOSLASHUVCHANLIGIDA OTA-ONALARNING ROLINI OSHIRISH MASALASI

***Raxmonov A.R.***

*TVChDPI "Umumiy pedagogika" kafedrasi katta o'qituvchisi*

**Tayanch so'zlar:** ijtimoiylashuv muammosi, ko'tarilinki ruxiyati, intellektual rivojlanishining, Hayotda ikkinchi darajali narsani intuitiv ravishda.

**Ключевые слова:** интуитивно понятно, что проблема социализации, возвышения психики, интеллектуального развития, является второстепенной в жизни.

**Key words:** the problem of socialization, ascent permission, intellektual development, intuitively what is secondary in life.

Ta'limning maqsadi jamiyatni ehtiyojlarga mos ravishda shakllantirib borishdir. Shunday ekan, ta'lim-tarbiya maqsadi mos va mutanosib bo'lishi kerak. Ta'limiy maqsad asosida o'quvchilarda mustaqil fikrlash, og'zaki va yozma savodxonlikni oshirish, mantiqiy tafakkurni rivojlantirish orqali bir tomondan ularning ijtimoiylashuvi moslashishlari bilan muloqot madaniyati takomillashtiriladi. Ammo shuni alohida ta'kidlab o'tishimiz lozimki har bir insonni hayotdagi birinchi, yorqin va unutilmas daqiqalardan biri o'zining birinchi darsga qatnashgan damlaridiridir. Ya'ni ilk o'quvchilik laxzalaridir. Har birimiz uni eslaymiz maktabdagi birinchi kunimiz, birinchi baholash, birinchi o'qituvchining hotiramizda muxrlanib qolgan siymosidir. Bola uchun maktabga kelish juda muhim va undagi voqealar hamisha yuksak hisoblangan. Bu yerda u hayot uchun zarur bo'lgan bilimlarni oladi, intizomga amal qiladi, mustaqil fikrlaydi va tengdoshlar bilan muloqot qilishni o'rganadi.

Maktabda kattalarni odatlarini o'rganish yo'lida birinchi bosqichning omili bu hayot tarzidir. Ammo, bu muhim bo'lsada, ba'zan bola yangi turmush tarziga o'rganishi juda qiyin, avval kundalik hayotdan uzoqlashish qatorida va u nima uchun darslarga borishi kerakligini tushunib yetadi. Bu esa bolani maktabda jamoaga «qo'shadi» ijtimoiylashuv muammosi va undan kelib chiqadigan bir qator tamoillar: kam ilmiy ishlash, o'rganishga qiziqish yo'qligi, qo'rquv o'qituvchi yoki yomon belgi olish, asossiz tajovuz uchun har bir ota-onaga qanday yordam berish kerak ekanligini ham ta'kidlash joiz.

Asosiy muammo aslida ijtimoiy moslashishdir. Bu birinchi navbatda hal qilish kerak bo'lgan jaryonlardan biri. Uni hal qilish uchun esa ikkita muhim narsagae'tibor qilish. Birinchi savolda: so'z nimani anglatadi, ya'ni «moslashuv»va uning ahamiyati nimada? Bu atama o'zi XIX asrda paydo bo'lganligiga qaramasdan, ilk marotaba ishlatilgan tomoniga razm solsak biologiya fanida tasvir struktura va funktsiyalarni moslashtirish jarayonini anglatib tana atrof-muhit sharoitlariga ko'nikma hosil qilish. Ta'rifni fanga olib kirgan birinchi kishi Shveytsariyalik psixologi J. Piajje edi. Moslashuv mavjud bolaning intellektual rivojlanishining eng muhim bosqichlaridan biri sifatida qaralgan. U moslashuvida insonni assimilyatsiya qilish jarayoni deb ham hisoblanadi hamda atrof-muhit sharoitlari bilan ta'minlanadi. A.S.Makarenkoning pedagogik kontseptsiyasiga muvofiq;

"ijtimoiy pedagogik moslashuv" shaxsni moslashtirishning bir shakli sifatida tushunilgan, jamoa esa shaxsning motivatsion harkatini shakllantirishdir. Ushbu hodisani

o'rganish ham I.M Sechenov tomonidan amalga oshirildi. U shaxsni ma'lumotlarga moslashtirish shakli sifatida moslashuvni taqdim etdi mavjud sharoitlarini o'z ta'limotida ilgari surdi.

A.S. Ojegov va D.E.Shvedovning tushuntirish lug'atida moslashuv jismoniy va aqliy bo'lib xizmat qiladi, tananing o'zgaruvchan sharoitlarga moslashishidir.

Yuqoridagi ilmiy asoslangan fikrlarga tayanib, buni aniq aytish mumkin "moslashuv» - bu aqliy va shaxsiyatga qaramlik jarayonidir. Jismoniy darajadagi o'zgaruvchan atrof-muhit sharoitlariga ta'sir qiladi va uning xulq-atvori va dunyoqarashi vujudga keladi. Har bir insonnio'zgaruvchan sharoitlarga kiritadi vafikrlash darajasini xilma-xillikka ega qiladi.

Agarda biz bola va kattalar o'rtasidagi moslashuvni taqqoslasaku inson-uchun juda murakkab. Buning sababi birinchi sinf o'quvchilarining yosh xususiyatlari hisoblanib:ta'lim, fikrlash, e'tibor, hissiy beqarorlikdir. Buning uchun birinchi navbatda bolani moslashtirish jarayoni ota-onalarning roli qandayligi? sinfi? Mazkur savolga Ota-onalarning rolini juda katta, deb baholaymiz.

Ularni esa bunday qiyin vaziyatda bolaning eng muhim yordami «bola» maqomidan «maktab o'quvchisi» maqomiga o'tishidir. Ota-onalarning rolini yanada aniqroq tushuntirish uchun bunda bir qator tamoillarni ko'rib chiqish muhimdir;

1. Sentyabr oyining birinchi kuniga qadar o'quv yiliga tayyorgarlik ko'rish kerak? Tayyorgarlik esa maktab boshlanishidan kamida 1-2 hafta oldin amalga oshadi. Ota-onalarga o'sha kuni bolaning nima kutayotganligi haqida aytib berish; kirishishni boshlaboq uning «ko'tarilinki ruxiyati» ritmiga e'tibor bering; Bolaning unga ishonishi uchun u sevgan o'yinlar o'ta ahamiyatlidir (u ham birinchi kuni o'rganadi); navbatda esa bolani tosh tuyalar bilan ham mashg'ul qilish mumkin («o'zaro aloqa»ni ta'minlaydi jumladan ota-onalarni ham faollashtiradi»).

Maktab kiyimlarini yangi, toza va belgilangan joriy formada bo'lishi. Bu esa allaqachon tanish yoki sevimli tafsilotlarni qo'shish bilan amalga oshadi (sevimli paypoq, tor ko'ylak, ko'ylakdagi belgi va boshqalar) shuni unutmaslik lozim bolaga mobil telefon (va umuman moslashuv davrida) bermaslik yaxshiroqdir.

Birinchi sinf o'quvchisi yangi hayotiy vaziyatga va yangi narsalarga yomon munosabatda bo'ladilar ayniqsa kattalar, agar u bilan doimiy aloqa qilish imkoniga egadirlar. O'qituvchibolanigullarga qiziqtirishda his-tuyg'ularini estetikaga mos bo'lishi kerakligi ularning go'zalligini ta'minlaydi(ular bir oz bo'lsin). Agar u yaxshi bo'lsa ularga gullarni tanlatish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Bu uning uchun unchalik balki muhim emas boshqa bolalar chiroyli gullar olib kelishga qiziqadilar.

Bola uchun har bir narsani kechqurun tayyorlang, shunda ertalab hech qanday shoshish va vahima kuzatilmaydi. Bolani ertalab sekin ovqat yeyishi uchun vaqtni hisoblang, iloji bo'lsa ertalabki badantarbiyani ham muntazam kuzating. 2. Stressni qanday yengish kerak? Bu savolni ritmik hayot va kun tartibini ta'minlash uyda va maktabda (bu yerda o'z namunasi va uning bolasini taqlid qilish juda muhimdir).

Uyda kattalar xatti-harakati muhim hisoblanib tabiiy iliq ruxiyat, tabiiy xotirjamlikni amalga oshirish (buzilmasdan, baland ovozda); Bir muncha vaqt kerak va an'anaviy bolalar marosimlarini davom ettirish qatorida, ovqatlanish, yuvinish, birgalikda o'ynash, sog'inch birla quchoqlashish, tungi o'qish maktabgacha bolalikda qabul qilingan bolalikni qadriyatlarini asrash . O'yinning kuchlanishini olib borishda suv, qum, bo'yoqlarda chizish –o'lchamlarini olish bilan axamiyatlidir. Yoqasi kirlangan kiyimlar, zamon uchun tanqidiy munosabatlar yoki hukmlar, ishlab chiqarishga nisbatan mo'ljallangan texnikumlarda boshlang'ich ta'lim mutaxassisligi bo'yicha (rangli qog'oz bilan ishlash, eski jurnallar va ularning rasmlarini yopishtirish), havoda sport o'yinlari( to'p, arqon, «klassikalar» va

boshqalar). Bekor vaqt bo'lmasligi juda muhimdir bu yuzasidan ogohlantirishlar (televizor, qabul qiluvchi)axborot almashinuvdir. Bolaga berish kerak ammo vaqti-vaqti bilan haqiqiy bolalardagi quvonchni boshdan kechirish imkoniyati tug'iladi.

(bayram, teatr tomoshalari). Ko'pchilik uchun, dam olish uchun stressni yengillashtirish tabiat bilan uyg'un yashashdir (ayniqsa, mehnatni o'rni yuksak hisoblanadi).

3. Bola maktabdan qaytib kelganidan keyin nima so'rashi mumkin? Ko'plab psixologik eksperimentlarga ko'ra, ota-onalar tomonidan qiziqtirgan savollari, bolaga ularning yuksak darajasi va qadr qimmatlari hisoblangan. Bu esa bolaning doimo axvolini so'rash va uning ota-onasi uchun asosiy o'rinda ekanligini ko'rsatadi. Hayotda ikkinchi darajali narsani intuitiv ravishda, u asosan bunga tayanadi, ota-onalarning qadriyatlarini davom ettiradi. Lekin bu uning rivojlanishda asosiy jarayon bo'ladi degani emas aksincha ularning istaklariga qat'iy rioya qilishdir. Ko'pincha bola ota-onalarning oddiy e'lon qilingan talablariga javob bera olmaydi, eng qiyin tomoni bunda inqirozlarni mavjudligidir. Ba'zan bu butunlay teskari amalaga oshishida bola maktabning ta'limiy qadriyatlarga e'tiborsiz bo'la boshlaydi, ularning ota-onalari manfaatlarini rozi qilish uchun harakatlanadi .Ota-onalarning iltimosiga binoan bola ikki narsani tushunishi kerak:

1. Ota-onalar u bilan bo'lgan hamma narsaga qiziqishadi va bu asosan maktabda sodir bo'ladi; 2.Ota-onasi uning muvaffaqiyati uchun qayg'uradi, lekin ayni paytida, ular uni shunday yoqtiradi.

4. Ota-onalar ishtirokisiz nimani qilish mumkin emas? Mantiqiy vashubhasiz, bu o'rinda ota-onalar ishtirokisiz hech narsa qurilishi mumkin emas ammo bolaning uy vazifasini bajarishida mustaqilligi, vazifa bajarish uchun ish joyini tashkil etishi, jamoatchilik ishlarini va shaklni tayyorlash kabilar ham quyidagila sirasiga kiradi. Bu holatda «oltin o'rda»ni kuzatish juda muhimdir. Bolaga maktabga tayyorgarlik ko'rish uchun barcha vazifalarni bajarish kerak va har kuni uning xatolari unga ishora va topish singarihatoni esa tuzatish uchun o'rgatish zarur. Odatda bilamiz har bir narsani o'z-o'zidan qo'yib bo'lmaydi. Lekin, uni yoqib yuborolmaysiz barcha qiyinchiliklardan halos bo'lishda, chunki o'rnatish « buni o'zingiz qilmang iloji boricha!» Bu juda qiyin! Siz uchun men qilaman», « yordamsiz o'rgangan yaxshi»,asosan rad etishga olib kelishi mumkin bo'lgan har qanday mustaqil harakatlaridan va ishonchsizligidan muvaffaqiyat kutmaslik kerak.

5. Agar u bolaga yordam berishni xohlasa, ota-ona nimani kuzatishi kerak uning yaxshi o'qish uchun? Ota - onalar uchun eng muhim vazifa-bu vazifalarni tayyor holida bo'lish emas» balkim uni bajarishga nisbatan muammoli vazyatni yuzaga keltirishdir. Shu o'rinda uyda ta'lim beruvchi o'qituvchilar o'zlarini tushunadigan, sevadigan va tinglaydigan, ota-onalarni bolalarining muvaffaqiyati va o'qishdagi muvaffaqiyatsizligidan muntazam habardorlar deya ta'kidlaganlar. Ota-ona kerakliharakatni amalga oshirishda bola mustaqilligini kuzatib borishi uy ishlarini bajarishga ko'maklashadi (shu jumladan, maktab uy vazifasini bajarish). Yana shuni kezi kelganda ta'kidlash kerak ota-onaning birinchi tashvishi-bolada shakllanishi muhim bo'lgan chiroyli kiyinish( masalan, dantellarni bog'lash), uyqu, xonani va ish stolini tozalash, yotishdan oldin tishlarni tozalash, maktab kiyimlarini tayyorlash va boshqalari. Ammo shuni unutmasligimiz kerak birinchi sinf o'quvchisining harakatlari mustaqil ravishda amalga oshirilishi bilan bir qatordaularning barchasi kattalar nazoratidadir.

6. Ota-onalarga sinf faoliyati hususida tez-tez murojaat qilish kerakmi? Moslashuv davrida doimiy ravishda ota-onalarni murojatlarini o'z o'rnida o'rnatish kerak va sinf rahbari bu bilan ota-onalar o'rtasidagi munosabatlarni barqarorligini ta'minlaydi. Afsuski, o'qituvchilar kamdan-kam hollarda sinfdan keyin uyda bolaga nima bo'lganini aniqlayapti bu esa ota-onalar bola bilan nima sodir bo'lganligi haqida zaif fikrga egaligi maktabga

ishonchni susaytirmoqda. O'qituvchi va ota-onalar uchrashuvlarining joyi va vaqti haqida avvalo o'zaro kelishish kerak, ular o'z kuzatuvlarini almashishlari mumkin,bolalarning harakatlari haqida taassurotlarga ega qilinadi. Ta'limning birinchi yilida ota-onalar va o'qituvchilar bolalarga ibrat bo'lishlari kerak.Har bir inson uchun birinchi sinfga kirish eng muhim va jozibador hisoblanib aslida ular uzoq, qiziqarli va unutilmas maktab yo'lida birinchi qadamdir. Ota-onadan bu qadamni iloji boricha muntazam kuzatishlari juda muhimdir keyinchalik esayengil, rangli, yokim stressga olib kelmaydi, kelajakda birinchi qo'ng'iroqning salbiy xotiralariga olib kelishi mumkinligi oldi olinadi.Bu yo'lda ota-onalar qanchalik muvaffaqiyatli bo'lishlari yokim birinchi sinf o'quvchilarining ijtimoiy pedagogik moslashuv davrida extiyotkorona munosabatlar tarbiyaviy shakllantirilib boriladi. Lekin, eng ko'p holatda ota-onalarni o'zlari uchun barqaror harakat bo'lib qolishi kerak. Mahalliy odamlar va ota-onalar, bolalarini muvaffaqiyatsizligiga qaramay, turli hodisalar, tushkunlik va tajribalarni doimo u bilan birga bo'ladilar. Eng asosiysi har doim bolalarga yordam beradilar va ularni ko'ngildan sevadilar. Bu esa boshlang'ich sinf o'quvchilarini ijtimoiy pedagogik moslashuvchanlikda ota-onalarning rolini oshirishda asosiy manba sifatida hizmat qiladi.

Adabiyotlar:

1. Sh.M.Mirziyoyev Milliy taraqqiyot yo'limizni qatiyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. T: "O'zbekiston" 2017 yil 31b

2. Movlanova R.A, Voxidov N.H Ijtimoiy pedagogika "Istiqlol nashriyoti" 2009 yil 25-26b

3. A.R.Raxmonov "Boshlang'ich ta'lim jarayoniga innovatsiyon yondashuv" Respublika ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari "O'qituvchi innovatsiyon faoliyatining asosiy xususiyatlari" 66b

4. A.R.Raxmonov "Zamonoviy o'quv mashg'uloti va ta'limning o'ziga xos imkoniyatlari" O'zbekiston respublikasi xalq ta'limi vazirligining ilmiy-metodik jurnali 2020 yil 51b

5. Gippenreiter yu. B. bolalarga nima qilish kerak ... savol va javoblar / Hippenreiter yu. B. – M.: Ed. Ast, 2015. – 74 b.

РЕЗЮМЕ

Maqolada uzluksiz talim tizimida boshlang'ich sinf o'quvchilarini ijtimoiy pedagogik moslashuvlarida ota-onalarning asosan rolini oshirishda eng samarali usullarni qo'llash haqida fikr yuritildi.

РЕЗЮМЕ

В статье была рассмотрена идея применения наиболее эффективных методов повышения эффективности роли родителей в социально-педагогической адаптации младших школьников в системе непрерывного образования.

SUMMARY

The article focused on the application of the most effective methods in increasing the role of parents in social pedagogical adaptation of Primary School students in the system of continuous education.

## БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЯНГИ МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯЛАШ ОМИЛЛАРИ

***Абдужалилова Ш.***

*педагогика фанлари номзоди, ТВЧДПИ*

**Таянч сўзлар:** мафкура, дунёқараш, фикр тарбияси,тарбия, она тили ва ўқиш, математика ва технология, фан, эзгу фикр, эзгу ният, эзгу амал, миллий қадриятлар тарбияси, ахлоқ, индивидуал, умуминсоний қадриятлар тарбияси, инсонпарварлик, бағрикенглик.

**Ключевые слова:** идеология, мировоззрение, воспитание мысли, воспитание, родной язык и чтение, математика и техника, наука, благородная мысль, благородные намерения, благородный поступок, воспитание национальных ценностей, мораль, воспитание, индивидуаль, общечеловеческих ценностей, гуманизм, толерантность.

**Key words:** ideology, worldview, thought education, upbringing, native language and reading, mathematics and Technology, Science, noble thought, noble intention,noble deed, upbringing of national values, morality, individual, upbringing of universal values, humanism, tolerance.

Ўзекистон Республикаси Президенти 2021 йил 19 февраль куни бўлиб ўтган ҳукумат видеоселектор йиғилишида янги мафкуранинг ғояларини ва у асосида тарбиялаш омилларини баён қилди. Жумладан, Президентимиз шундай деди: “Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз”[1]. Шу жиҳатдан бошланғич синф ўқувчиларини мазкур янги мафкуравий омиллар асосида тарбиялашни тақоза этади. Эътиборингизни ушбу масаланинг таҳлилига тортамиз.

1. Фикр тарбияси. Бошланғич синф ўқувчиларининг фикрини тарбиялашда уларнинг дунёқарашини шакллантириш, онгини ривожлантириш ва мустақил фикрлаш кўникмасини таркиб топтириш назарда тутилади. Ўқувчиларнинг дунёқарашини шакллантиришда янги мафкурамизнинг эзгулик ғоясига асосланилади. Бунда ўқувчиларнинг онгига эзгу фикр, эзгу ният ва эзгу амал кўникмалари сингдирилади. Бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантиришда тушунча ва билимларга таянилади. Шу сабабли Она тили ва Ўқиш, Математика ва Технология ўқув фанларини ўқитишда ўқувчиларнинг мустақил фикрини шакллантиришга асосий эътибор қаратилиши керак. Бу фанлар шахснинг айнан фикрини шакллантиришга йўналтирилган.

2. Миллий қадриятлар тарбияси.Миллий қадриятлар деганда халқимизнинг тарихий тажрибасидан ўтган ва турмуш-тарзимизга сингиб кетган одатлар, анъаналар ва ҳаётий мезонлар тушунилади[2]. Шу жиҳатдан бошланғич синф ўқувчилари онги ва ахлоқига инсонпарварлик, ватанпарварлик ва оилапарварлик каби миллий қадриятларни сингдириш тақоза этилади. Бу боради янгидан амалга киритилган Тарбия фанини имкониятларига таяниш тавсия этилади.

Тарбия фани таълим тарихида янги ҳодиса бўлиб, унинг имкониятлари асосида бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялаш керак бўлади[3]. Шу жиҳатдан мазкур фаннинг асосини миллий қадриятлар ташкил қилиш лозим.

3. Умуминсоний қадриятлар тарбияси. Умуминсоний қадриятлар деганда инсониятнинг маданий ва маънавий мероси тушунилади[2]. Бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашда уларнинг онги ва ахлоқига инсонпарварлик, бағрикенглик ва ҳамкорлик каби қадриятларни сингдириш назарда тутилади.

Умуминсоний қадриятлар миллий қадриятларнинг ривожланган шакли бўлиб, улар Тасвирий санъат, Тарбия ҳамда Она тили ва Ўқиш фанларини ўқитишда ўргатилади.

Эътибор берилса, янги мафкурамизнинг бу тарбиявий асослари минталитетимизга мосдир. Шу сабабли мазкур тарбиявий асослар тўғрисида Президентимиз шундай дейди: “Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган”[1].

Бошланғич синф ўқувчиларини янги мафкуранинг тарбиявий омилларига асосан тарбиялаш ижтимоий ва педагогик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Чунки Давлатимиз раҳбарининг фикрича, ёшлар онгига қуйидаги таҳдидлар устамонлик билан сингдирилмоқда:

– фақат ўзини ўйлаш;
– меҳнатга енгил қараш;
– истеъмолчилик кайфиятига берилиш.

Ҳақиқатдан ҳам мазкур иллатлар 7-11 ёшли ўқувчиларнинг онги ва ахлоқини нотўғри йўналтиради. Эътибор берилса, бошланғич синф ўқувчилари компьютер ва мобил алоқа воситаларидан кенг фойдаланмоқда. Ушбу технологик имкониятларда юқорида таъкидланган иллатлар бўйича ахборот ва маълумотлар кўп.

Бошланғич синф ўқувчиларини янги мафкура асосида тарбиялаш иши 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб амалга киритилиши кутилаётган янги Миллий ўқув дастурининг негизини ташкил этишини эслатиб ўтиш жойиз. Мазкур Дастур асосида бошланғич ўқув фанлари қайтадан тузилади. Бу жараёнда янгича асосдаги мафкуравий тарбиянинг акс этиши кутилмоқда. Шу сабабли қуйидаги ишларни амалга ошириш долзарб бўлиб турибди:

– бошланғич синф ўқитувчиларини янги мафкура асослари бўйича ўқитиш;
– бошланғич синф ўқувчиларини мафкуравий тарбиялашнинг янги методологиясини ишлаб чиқиш;
– бошланғич синф раҳбарларини мафкуравий тарбиялашнинг масъуллари сифатида белгилаш.

Умуман “Умумий ўрта таълим ўқувчиларини мафкуравий тарбиялаш” методологиясини ишлаб чиқиш ва унинг синфлар кесмида тизимини яратиш долзарб бўлиб турибди.

Кези келганда эслатиб ўтиш жоизки, ҳар бир мамлакатнинг ўзига ҳос мафкуравий тарбиялаш ғоялари мавжуд. Мисол учун, Буюк Британияда инглизларнинг маданиятли халқ эканлиги ғояси, АҚШда ҳар бир шахснинг индивидуаллиги ғояси мафкурвий тарбиянинг асоси сифатида қабул қилинган. Шу жиҳатдан Ўзбекистоннинг янги мафкуравий тарбия асослари миллий ва умуминсоний ғояларни ўзида мужассам этган.

Бошланғич синф ўқувчиларини мафкуравий тарбиялашнинг методологик манбаларини қуйидагилар ташкил этади:

– педагогик мерос;
– таълим-тарбияга оид миллий тажрибамиз;
– илғор ўқитувчиларнинг индивидуал услублари.

Бу методологик асосларга қатъий эътибор бериш керак. Чунки мафкуравий тарбия нозик жараён бўлиб, унда қатъиятлик ва эркинлик тамойилларига уйғун амал қилиш тавсия этилади.

Демак, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини Янги мафкура ғоялари билан қуроллантириш ва бошланғич синф ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш йўлга қўйилади.

Шундай қилиб бошланғич синф ўқувчиларини мафкуравий тарбиялашнинг янги асослари белгиланади. Ушбу ишни амалга оширишда янгича усуллар, ёндошувлар ва технологияларга асосланиш тақоза этилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши материаллари.// “Халқ сўзи”газетаси 2021 йил 20 февраль сони.
2. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати.-Т.,2009.
3. Қуронов М. Миллий тарбия.-Т.,2007.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бошланғич синф ўқувчисини янги мафкуравий тарбиялашда дунёқарашини шакллантиришда фикр тарбияси, миллий қадриятлар ва умуминсоний қадриятлар тарбияси борасида, шунингдек бошланғич синф ўқувчиларини янги мафкуранинг тарбиявий асослари ҳақида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена воспитанию мышления, воспитанию национальных ценностей, воспитанию общечеловеческих ценностей, формированию мировоззрения младшего школьника в условиях нового идеологического воспитания, размышляет об основах воспитания младших школьников новой идеологией.

SUMMARY

The article is devoted to the education of thinking, the education of national values, the education of universal values, the formation of the worldview of the younger student in the conditions of a new ideological education, reflects on the basics of the education of younger students with a new ideology.

# БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ТЕХНОГЕН ЦИВИЛИЗАЦИЯДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

***Йўлдошев О.А.***

*Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академияси "Тиллар"кафедраси доценти*

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти эркин тадқиқотчиси*

**Таянч сўзлар:** цивилизация, техноген цивилизация, ахлоқ, глобаллашув, шахс, муҳит, ижтимоий муҳит, маданият, техноген.

**Ключевые слова:** цивилизация, техногенная цивилизация, этика, глобализация, человек, среда, социальная среда, культура, рукотворное.

**Key words:** civilization, technogenic civilization, ethics, globalization, man, environment, social environment, culture, man-made.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, инсоният тарихий тараққиётининг ҳар бир босқичида техноген цивилизация жамият маънавий қиёфасини белгилаб берган. Кишилик жамияти тараққий этган сари унинг таъсир доираси кенгайиб, янги сифат даражаларига кўтарилган.

Техноген цивилизация (техноген жамият) – бу ижтимоий тараққиётнинг индустриал ва индустриал жамиятдан кейинги босқичида вужудга келган ижтимоий тизим.[1]Техноген цивилизация тушунчасига ўтмишдан бугунги кунга қадар кўплаб тадқиқотчилар таъриф беришга ҳаракат қилганлар. XXI аср янги технологиялар билан бирга ҳаётимизга тез суръатда кириб келди. Ахборот ва компютер технологияларининг имкониятлари инсониятнинг дунёқарашини кенгайтирди. Техноген цивилизация жараёнлари ҳозирги даврда энг илғор, янги технологиялар асосида ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, тезкор замонавий коммуникация ва алоқа воситалари тизимларининг ривожланиши, илмий, техник ҳамда одамлар ҳаёти учун зарур ахборотни йиғиш ва тақсимлаш, меҳнат унумдорлигини таъминлаш учун қулай шароит яратиб, бу борада кенг имкониятлар очмоқда. Бугунги кунда бутун дунёда компютер техноген цивилизация асосида таълимнинг янги шаклларини жадал излаб топиш, ўқувчиларга турли мактаб фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин бўлган ўқув мақсадлари учун дастурий воситалар ишлаб чиқилмоқда. Компютерни оммавий таълимга жалб қилиш зарурати зарурати юзага келди.

Халқ таълими вазирлигининг 2009 йил11 сентябрдаги «Педагогларнинг таълим-тарбия соҳасидаги энг яхши иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш бўйича» 253-сонли буйруғига 14-иловасида Таълим ислоҳотларининг ҳозирги босқичида вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишида илғор иш тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш, оммалаштириш ва амалиётга тадбиқ қилиб бориш

муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилиб, ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларни ўрганиши ва оммалаштириши уларнинг касб маҳоратларини такомиллаштириш, илғор иш тажрибаларини ўрганиш орқали ўқитувчининг ўз педагогик фаолиятига ижодкорона ва новаторларча ёндашиб, ўқувчиларга таълим-тарбия беришнинг янги йўлларини излаб топиш вазифалари белгилаб берилган.[2]

Зеро мактаб жамиятга фуқаронинг янги, интеллектуал етук, инновацион ривожланган, кучли иқтидор эга янги авлодини етказиб бериши керак. Бундай ижтимоий буюртмани амалга ошириш халқ таълими тизими мазмунини методологик жиҳатдан тубдан ўзгартириб, бошланғич синфда техноген цивилизациядан фойдаланишнинг янгича педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирди.

Аввало, бошланғич синф дарс жараёнида техноген цивилизациядан ўринли фойдаланиш ўқувчиларнинг кузатиш, диққат, нутқ ва тафаккурини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Шу боис, анъанавий таълимда ўқувчилар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялардан фойдаланиш эса уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топиш, мустақил ўрганиш ва фикрлаш, таҳлил қилиш, ҳатто якуний хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришга ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Бугунги кунда таълимда «Ақлий ҳужум», «Фикрлар ҳужуми», «Тармоқлар» методи, «Синквейн», «БББ», «Бешинчиси ортиқча», «6х6х6», «Баҳс-мунозара», «Ролли ўйин», ФСМУ, «Кичик гуруҳларда ишлаш», «Юмалоқланган қор», «Зигзаг», «Охирги сўзни мен айтай» каби замонавий технологиялар қўлланмоқда.

Иккинчидан, ўқитувчининг машғулотдаги вақтини тежаш ва тезкор равишда кўпроқ маълумот беришга эришишга имконият яратилади. Фан ва техника жадал ривожланиб бораётган ҳозирги кунда, жамият аъзоларининг аксарият қисми турли зарарли ғоя ва мафкура ташувчи ахборот хуружларини баҳолаш кўникмасига эга эмас. Тўғрироғи, бунинг учун уларда техноген кўникма етишмайди. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти натижасида юзага келадиган таълим жараёнида шахснинг тафаккури, маълумоти ва тарбияси ҳам шакллана боради. Дарсларда ўқитувчи ўз билими, кўникма ва малакаларини машғулотлар воситасида ўқувчиларга етказади, ўқувчилар эса уни ўзлаштириб бориши натижасида ундан фойдаланиш қобилиятига эга бўладилар.

Учинчидан, болаларнинг кичик ёшда эслаб қолиш қобилиятлари юқори эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бошланғич синф ўқувчиларининг техноген цивилизация воситалари билан ишлаш қобилиятларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Айтиш лозимки, матн/расм нисбатида бошланғич мактабнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, визуал кўргазмали восита устунлик қилади. Ўқувчилар матнни шунчаки ўқийдилар. Кўргазмали, механик воситала уларнинг диққатни тортиб, машғулотга қизиқишини ошириб, диққат ва эътиборини машғулотга қаратишга ундайди ва натижада синфдаги барча ўқувчилар фаол иштирок этадилар. Бу технологияни ўқитишнинг тушунтириш ва иллюстратив усули деб қараш мумкин, унинг асосий мақсади ўқув материалини мулоқот қилиш орқали ўқувчилар томонидан ахборотларни ўзлаштиришни ташкил етиш ва унинг муваффақиятли идрок етилишини таъминлашдан иборат бўлиб, визуал хотира уланганда такомиллашади. Бошланғич синф таълим-тарбия жараёнида бола ҳар куни ўзи учун нотаниш бўлган нарса ва ходисаларга дуч келади. Бу босқичда ўқувчилар теварак-атрофдаги нарсалар, уларнинг вазифаси, баъзи сифатлари ва асослари ҳақида, уларнинг қайси материаллардан тайёрланганлиги тўғрисидаги дастлабки тасаввурга, нарса ва буюмлар, воқеаларнинг

муҳим ва муҳим бўлмаган томонларини ажрата оладиган, сабаб ва натижалардаги боғланишларни билиб оладилар, ўқув фаолиятининг дастлабки куртаклари шаклланади. Бошланғич синф таълим-тарбия жараёни самадорлигини ошириш педагогдан катта масъулиятни талаб этиб, унинг асосий вазифаси синфлар кесимида қулай тегноген муҳитни ярата олиши билан белгиланади. Биз синфлар кесимида таълим-тарбия жараёнида техноген цивилизация ютуқларининг қўлланилишини ўрганамиз.

Синф ўқитувчилари таълим-тарбия жараёнида ҳаракатли ўқув қуроллари, электрон доска, аудиоқурилмалар, видеопроекторлар билан бир қаторда, дарс мавзуси билан боғлиқ ҳудудга экскурсия, табиат қўйнида амалий машғулотларни ташкил этишдан самарали фойдаланаётганликлари аниқланди.[3]Видеопроектор – ўқув жараёнида қўлланиладиган замонавий воситалардан бири. Ундан фойдаланиш учун компьютер қурилмалари талаб этилади. Олдиндан тайёрланган ўқув материалларини компьютерга уланган видеопроектор орқали махсус экранга тақдимот этиш мумкин. Компьютер хотирасидаги ёки компакт диск ва оддий дискетадаги материалларни видеопроектор орқали таълим олувчиларга намойиш қилиш мумкин. Видеопроектор кодоскоп каби таълим берувчи учун энг юқори даражадаги тақдимот имкониятини беради. Асосий қулайлиги шундаки тақдим эталадиган метариалларни компьютерда таълим берувчи ўзи тайёрлаши мумкин ёки профессионал даражада тайёрланган электрон дарсликдан фойдаланиш мумкин.

Тўртинчидан, тадқиқотларга кўра, кўпчилик одамлар эшитганларининг 5% ини ва кўрганларининг 20% ини эслайдилар. Аудио ва видео ахборотдан бир вақтда фойдаланиш ҳотиржамликни 40-50% гача оширади. Мультимедия дастурлари турли шаклларда ахборот беради ва шу тариқа ўқув жараёни самарадорлигини янада оширади. Муайян материални ўрганиш учун зарур бўлган вақт ўртача 30% тежалади ва олинган билимлар хотирада анча узоқ сақланади. Бошланғич синфда мультимедия технологияларидан фойдаланилганда дарс структураси тубдан ўзгармайди. Бу ҳали барча асосий босқичларини сақлаб қолади, фақат уларнинг вақт хусусиятлари ўзгаради. Бу ўсиб келаётган ёш авлодни ахборот дунёсида яшашга ўргатиш замонавий мактабларнинг энг долзарб устувор вазифаларидан биридир.

Таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишда техноген цивилизация ютуқларидан оқилона фойдаланиш борасида 2009-2020 йиллар давомида ҳалқ таълими тизимида олиб борилган ислоҳотлар, модернизацион жараёнлар натижасида кескин ижобий ўзгаришларни кузатдик. Шубҳа йўққи, ушбу ўзгаришлар баркамол авлод таълим-тарбияси жараёнида унинг интеллектуал қобилиятларини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Қаранг: 1-диаграмма.



Биз ушбу маълумотларни қиёсий таҳлил асосида ўрганиб, жадвал кўринишига келтирдик. Қаранг: 1-жадвал.

1-жадвал.

**Электрон техноген-ресурсларнинг қиёсий таҳлили.**

| **Электрон дарслик сони** | | **мульти медиа махсулот лари** | | **виртуал лаборатория** | | **DjVu форматидаги ресурслар** | | **электрон ахборот ресурслар** | | **видеоролик ва анимация** | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **1996** | **2019** | **1996** | **2019** | **1996** | **2019** | **1996** | **2019** | **1996** | **2019** | **1996** | **2019** |
| 1250 | 1257 | 40 | 400 | 113 | 27 | 185 | 450 | - | 200 | - | 450 |

Жадвал ва диаграммадан кўриниб турибдики, 2009 йил ноябрь ҳолатига кўра Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактаблари учун Давлат таълим стандартларига мувофиқ яратилган электрон ўқув воситалари – электрон дарсликлар, ўқув фильмларидан самарали фойдаланиш ва уларни сақлаш бўйича методик тавсиянома тасдиқланиб, мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази томонидан Халқ таълими соҳасида яратилган барча ўқув-меъёрий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалари интернет форматига ўтказилган ва вазирликнинг www.eduportal.uz манзили бўйича жойлашган ахборот-таълим порталига жойлаштирилган. Шунингдек, бугунги кунда машғулотлар жараёнида фойдаланилаётган оддий дарсликларнинг электрон версияларини яратиш ва порталга жойлаштириш бўйича амалга оширилган ишларнинг амалдаги ифодаси сифатида, вазирлик порталига жойлаштирилган DjVu форматидаги ресурслар сони 185 тани ташкил этган.[5]

Бошланғич синф ўқувчилари ҳали етарлича ҳаётий тажрибага эга бўлмаганликлари сабабли баъзи ҳаракатларни ўйламасдан, унинг оқибатини “кўра олмасдан” содир этадилар. Зеро, техноген цивилизация жараёнларида ёшлар “оммавий маданият”, миллат ва юрт учун бутунлай бегона бўлган салбий ахборот таъсирларига тушиб қолиш хавфи кучаяди. Айниқса, интернет сайтлари орқали яхши ғоялар билан биргаликда, диний экстремизм, миллатчилик, ирқчилик, мисолида ёт, бузғунчи ғояларнинг кириб келиши мумкинлиги масалани янада мураккаблаштиради.

Ахборот – бу таълим муассасаларини бошқарув жараёнида таълим берувчи ва таълим олувчи фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларни мувофиқлаштиришда, таълим жараёнини илмий асосда ташкил этиш, таълим самарадорлигини оширишда ўзига хос, турли хил янгиликларни ўз ичига олган маълумот ва хабарлар.[6]

Хулоса ўрнида, техноген цивилизациянинг келажаги уни бошланғич синфларданоқ таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этишнинг қанчалик пухта ўйланганлигига бевосита боғлиқ.

Адабиётлар:

1. Демиденко Э.С. Техногенное общество // Глобалистика: Энциклопедия. - М.: 2003.

2. Халқ таълими вазирлигининг 2009 йил 11 сентябрдаги «Педагогларнинг таълим-тарбия соҳасидаги энг яхши иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш бўйича» 253-сонли буйруғига 14-иловаси.

3. Диссертантнинг шахсий кузатув ҳисоботлари.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2009 йил 23 апрелдаги 104-сонли “Халқ таълими вазирлиги тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш” тўғрисидаги буйруғи.

5. www.eduportal.uz/ 2009 йил маълумотлари.

6. Мавлянов А., Абдалова С., Юсупова Л. Педагогик технология, таълим жараёни ва сифатини бошқаришга оид айрим сўзларнинг изоҳли луғати . –Тошкент: 2010. 6-б.

РЕЗЮМЕ

Мақола муаллифи техноген цивилизациянинг ахлоқий муаммоларини ижобий ва салбий жиҳатдан таҳлил этган. Техноген цивилизация Ғарб мутафаккирлари томонидан инқирозлар жараёнининг бир бўлаги сифатида маънавий, интеллектуал ва ижодий чўққиларни йўқотиб бориш тарзида шарҳлаб келинган. Аммо бугунги кунга келиб, тадқиқотчиларнинг мавжуд ижтимоий-маданий ҳақиқатга нисбатан муносабатлари аста-секин ўзгармоқда.

РЕЗЮМЕ

Техногенная цивилизация как срез кризисных процессов в новоевропейской нравственной культуре рассматривались мыслителями Европы как утрата духовных, интеллектуальных и творческих высот. К настоящему времени у соискателей постепенно меняет отношение к сложившимся социокультурным реалиям. Автор данной статьи анализирует положительные и отрицательные стороны этических аспектов техногенной цивилизации.

SUMMARY

The author of thisarticleanalyzes thepositiveand negative aspects ofthe ethical aspectsof technological civilization. Technological civilizationas a partof the crisis processesin modern Europeancultureconsideredm oralthinkersof Europeas the loss ofspiritual, intellectualandcreative acme.Bynowgradually changing theratio ofapplicantsto the existingsocio-culturalrealities.

# BOLALAR UCHUN ART-TERAPIYA USULLARINING IMKONIYATLARI

***Abduxamidov S.M.***

*Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti,*

*Pedagogika fakuliteti "Pedagogika va menejment" kafedrasi katta o'qituvchisi*

**Tayanch so'zlar:** san'at, art-terapiya, izo-terapiya, musiqa-terapiya, estetik, tafakkur, texnologiya,rassomchilik, metod, ijod, axborot, tasvir, kasbiy.

**Ключевые слова:** искусство, арт-терапия, изотерапия, музыкальная терапия, эстетика, мышление, технология, живопись, метод, творчество, информация, изображение, профессиональный.

**Key words:** art, art therapy, iso therapy, music therapy, aesthetics, thinking, technology, painting, method, creativity, information, image, professional.

Art-terapiya bugungi kunda bolalar uchun eng qiziqarli, ijodkorlik qobliyatini rivojlamtiruvchi, ijtimoiy va psixologik jihatdan juda katta amaliy ahamiyatga ega bo'lgan kurs xisoblanadi.

Art-terapiya (inglizcha san'at–"san'at" terapiyasi) – bu terapiya uchun san'at va ijodkorlikdan foydalanishga asoslangan psixoterapiya va psixologik tuzatish yo'nalishi. San'at terapiyasi, odatda, bemorning psixo-emotsional holatiga ta'sir qilish maqsadida tasviriy san'at bilan davolanishni anglatadi.

Art-terapiyauslullari orqali emotsional rivojlanishdagi qiyinchiliklar, stress, ruhiy tushkunlik, kayfiyatning pasayishi, hissiy beqarorlik, hissiy reaksiyalarning impulsivlik ya'niy qasddan o'ylamasdan harakat qilish va uzoq muddatli yutuqlardan ko'ra qisqa muddatli yutuqlarni tanlash, boshqa odamlar tomonidan hissiy rad etilishi, yolg'izlik, shaxslararo nizolar, oilaviy munosabatlardan norozilik, rashk, ortib borayotgan tashvish, qo'rquv, fobiya ya'niy yunon tilidan tarjima qilinganda qo'rquv, vahima degan ma'nolarni anglatadi, o'ziga past baho berish kabi illatlarning oldini olish, bartaraf etish va davolashda qulayligi, samaradorligi, ta'sirchanligi hamda intellektual qobliyatlarni rivojlantirishi bilan mashxurdir.

Art-terapiya uslubi ishonchga asoslangan, inson ruhiyatining holati uyg'unlashganda, uningichki "men"ning tarkibi vizual tasvirlarda aks ettirilganligini, rasm yoki haykallarni

yaratganida ifoda etiladi.

Artterapiya bu tasviriy san’atga asoslangan rasmterapiyasi (izoterapiya) ta‘lim olishda va ijtimoiy moslashuvda ba‘zi qiyinchilikga uchragan bolalar va o‘spirinlar orasida nevrotik va psixosomatik kasalliklarni psixologik tuzatish uchun mashhur hisoblanadi.

Art terapiyaning bugungi kunda eng mashxurlaridan Tasviriy san’at terpiyasi, Musiqa terapiyasi, Raqsterapiyasi, Ertakterapiyasi, Qogirchoqterapiyasi, Qum bilan o‘ynash yoki davolashterapiyasi, Gulterapiyasi kabi birqancha usullari mavjud. Hozirgi kunda yoshlarning psixologik, fiziologik va intellektual qobliyatini oshirish maqsadida Art terapiyaning yuqoridagi usullaridan deyarli foydalanilmaydi. Har-bir joyning shart-sharoiti, tabiati va iqlimidan kelib chiqib bolalar tomonidan tanlanib o’ynaladi xolos. Yosh bolalar kattalarga nisbatan ruhiy zaifligi bilan ajralib turadi, buning natijasida u o‘ziga nisbatan ehtiyotkor munosabatni talab qiladi.

Bolalar san‘at terapiyasi uchun mo‘ljallangan barcha tadbirlar uchun asosiy shart bolalarning tushunilishi, xavfsizligi va jozibadorligi hisoblanadi.

Yuqorida keltirilgan barcha talablarga javob beradigan bolalar uchun eng keng tarqalgan va eng sevimli san‘at usullari qumterapiyasi hisoblanadi.

Qum bilan chizish, qumli qasrlarni yaratish yoki boshqa shakllar yordamida bola tuyg‘ularni rivojlantiradi. Bu xuddi bolaning o‘zini namoyon qilishidir.

Yana bir qiziqarli izoterapiya turi monotipdir, ya‘ni “bitta bosma”degan ma‘noni bildirib bolaning siyohva hokazolarni ishlatib rasmli qog‘oz, plastmassa yoki linoleum bo‘yoqlari, chiziqlari bo‘ylab chiziq yurg’izish orqali tasvirni bir joydan ikkinchi joyga ko‘chirib chiziqlar,dog‘lar va boshqalar yaratilishi kerak. So‘ngra qog‘oz parchalanadi. Olingan natijani tasvirlab, rasmni qo‘shishi yoki olib tashlashi uchun qog‘ozga tushadigan ko‘zgu tasvirini bolaga berishi kerak, bu esa bolalarning biron narsadan nusxa ko’chirish san‘atini rivojlantiradi.

Shuningdek loy bilan ishlash orqali his-tuyg‘ularni ifoda etish, tajribalarni modellashtirish imkonini beradi. Bundan tashqari bolalarni sanitariya-terapiya va ularning mashqlari samaradorlikni oshirish va ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirishga qaratilgan.

Bugungi kunda Art terapiyasining eng ko‘p tarqalgan zamonaviy turlaridan musiqat erapiyasi, raqs terapiyasi,ertakterapiyasi, dramaterapiyasi va shu kabi boshqa terapiyalar mavjud.

Musiqa tinglash, turli asboblarni o‘ynash ya‘niy chalish, musiqani ritmiga ko‘ra teginish va chalish – bularning barchasi bolalarning ishlashini sezilarli darajada oshiradi, stressni kamaytiradi va badiiy qobiliyatlarni rivojlantirishga hissa qo‘shadi. Bolalar bilan raqs terapiyasi mashqlari orqali nevrozlar va komplekslarning oldini olishga tabiiy yo‘l orqali erishiladi. Dramatik terapiya muloqotni o‘rgatish orqali munosib hurmat tuyg’usining shakllanishi va rivojlanishiga yordam beradi.

San‘at terapiyasi va boshqa psixoterapiya usullari o‘rtasidagi asosiy farq, axborotlarni odamlarga yetkazib berishning asosiy mexanizmi sifatida og‘zaki bo‘lmagan muloqotni qo‘llash hisoblanadi. Uning asosan harqanday savollarga javob topish, ichki omillar bilan kurashish, qo‘rquvni bartaraf etishga yordam beradigan amaliy mashqlardan iborat.

Badiiy-terapiya amaliyotida mashqlar g‘oyalar, voqealar, his-tuyg‘ularni o‘rganish, shaxslararo munosabatlarni rivojlantirish, qobiliyatlarni kuchaytirish, kuch-quvvatga bo‘lgan ishonchni kuchaytirish, o‘zining «men»nini yangi, yanada muvaffaqiyatli qiyofasini yaratish imkonini beradigan vositadir.

Zamonaviy san’at terapiyasi cheksiz miqdorda maydon va texnikaga ega. Shuning uchun bugungi kunda individual psixikaning ahvolini to‘liq aks ettiruvchi individual art-terapiya usulini tanlash oson, va buning bilan birga u yaxshi tushunadi.

San'atda davolashning ikki asosiy usuli mavjud bo'lib bular passiv va faol usullardir.

Passiv texnika mijozlar tomonidan boshqa shaxslar tomonidan yaratilgan ijodiy ishlarni iste'mol qilishdan iborat. Misol uchun siz tasvirlarni ko'rishingiz, san'at asarlarini o'qishingiz, musiqiy asarlaringizni tinglashingiz mumkin. Faol usul xaridor tomonidan ijodiy mahsulotlarni mustaqil ravishda yaratishga asoslangan bo'lib, ularning estetik qiymati va ijodlarining go'zalligi baholanmaydi.

San'at terapiyasi metodlari psixoterapevtga bemor va guruhning ish shakllariga individual yondoshishni optimallashtirish imkonini beradi. Art-terapevtik texnikasi qoida tariqasida psixokorreksiyaning barcha dasturlarida mavjud bo'lib, ularni to'ldiradi va boyitadi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib aytadigan bo'lsak bolalarning agressiya va boshqa salbiy his-tuyg'ularga ijtimoiy jihatdan Art terapiya usullari orqali yordam berish.

Art terapiya usullari yordamida bolalar bilan aloqa o'rnatish, bolalarga o'z-o'zini nazorat qilishni o'rgatish, his-tuyg'ularga e'tiborli bo'lishga chaqirish.

Art terapiya usullari yordamida ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirish va o'ziga bo'lgan ishonchni oshirish.

Art-terapiya uslullari orqali emotsional rivojlanishdagi qiyinchiliklarning oldini olish, stress, ruhiytushkunlik, kayfiyatning pasayishi, o'ziga past baho berish kabi illatlarning oldini olish, bartaraf etish va davolashda unumli foydalanish bugungi kunning talabi hisoblanadi.

Shunday ekan o'sib kelayotgan yosh avlod tarbiyasiga be'tibor bo'lmasdan kelajagini o'ylagan xolda mavjud imkoniyatlardan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Adabiyotlar:

1.R.Ishmuxammedov "Innovatsion texnologiyalar yordamida ta'lim samaradorligini oshirish yo'llari" Toshkent-2004 y.

2. Barkamol avlod O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. Toshkent. Sharq. 1997-yil.

3. Ishmuhamedov J. "Innovatsion texnologiyalar yordamida ta'lim samaradorligini oshirish yo'llari" -T.: TDPU, 2004-yil.

4. Hasanov R. "Maktabda tasviriy san'atni o'qitish metodikasi". -T.: "Fan va texnologiya" 2004-yil

5. Abduxamidov Sardor Mardonaqulovich "O'quvchilarda badiiy-estetik tafakkurini rivojlantirish–dolzarb pedagogik muammo sifatida", "Maktab va hayot" jurnali ISSN 2010-5460, 2-maxsus son, 2020y, 30-bet.

6. Abduxamidov Sardor Mardonaqulovich "Methodology of improving independent learning skills of future fine art teachers (on the example of still life in colorful paintings)", International Journal of Psychosocial Rehablitation, Vol 24, Issue 05, 2020.ISSN 1475-7192.DOI:10.37200/IJPR/V2415/PR201880Received: 18 Feb 2020/ Revised: 12 Mar 2020/ Accepted: 23 Mar 2020t.

7. Abduxamidov Sardor Mardonaqulovich "Technologies for the development of artistic aesthetic thinking of students through art works", JournalNX. editor@journalnx.com, A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, Reserch for Revolution, ISSN №-2581-4230, Impact Factor-5.785. June – 2020. 684-687-betlar.

РЕЗЮМЕ

Art-terapiyaning asosiy maqsadi o'zini ifoda etish va o'zini o'zi bilish qobiliyatlarini rivojlantirish orqali ruhiy holatni uyg'unlashtirishdir. San'atning terapevtik maqsadlarda ishlatilishining ahamiyati shundaki, u turli xil his-tuyg'ular va hissiyotlarni ya'niy sevgi, nafrat, xafagarchilik, g'azab, qo'rquv, quvonch va boshqalarni ramziy darajada ifodalash va tadqiq qilish uchun ishlatilishi mumkin

РЕЗЮМЕ

Основная цель арт-терапии - гармонизировать душевное состояние за счет развития навыков самовыражения и самопознания.Это достойный поступок, и на этом все должно закончиться, это любовь к всевозможным чувствам и эмоциям, может использоваться для символического выражения и исследования ненависти, печали, гнева, страха, радости и многого другого.

SUMMARY

The main goal of art therapy is to harmonize the state of mind by developing the skills of self-expression and self-knowledge. That's the decent thing to do, and it should end there, it is love of all kinds of feelings and emotions, can be used to symbolically express and explore hatred, sadness, anger, fear, joy, and more.



# МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУЎХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

## TALABALAR SIYOSIY MADANIYATINI TAKOMILLANTIRISH OMILLARI

***O'tayev A.Yo.***

*TVChDPI "Umumiy pedagogika" kafedrasi o'qituvchisi*

**Tayanch so'zlar:** talaba, siyosiy madaniyat, shakllantirish, zaruriyat, mazmun-mohiyat, siyosiy bilim, siyosiy ong, siyosiy axloq, siyosiy faoliyat, malaka, ko'nikma.

**Ключевые слова:** студент, политическая культура, формирование, необходимость, содержание-сущность, политические знания, политическое сознание, политическая мораль, политическая деятельность, квалификация, умение.

**Key words:** student, political culture, formation, necessity, essence, political knowledge, political consciousness, political morality, political activity, qualification, skill.

O'zbekiston ijtimoiy taraqqiyoti butunlay yangi g'oyalar, yondashuvlar, tamoyillar va yo'nalishga asoslangan yangi bosqichga qadam qo'ydi. Shu sababli O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasida "yoshlarni zamonaviy bilim va tajribalar, milliy va umumbashariy qadriyatlar asosida mustaqil va mantiqiy fikrlaydigan, ezgu fazilatlar egasi bo'lgan insonlar etib voyaga yetkazamiz" deb yoshlar tarbiyasi alohida etibor qaratdi. Bu orqali oliy ta'lim tizimida talabalar siyosiy madaniyatini

Shu jihatdan yoshlarning siyosiy madaniyatining shakllanganlik darajasi muhim rol o'ynaydi. Yoshlarning siyosiy madaniyatini shakllantirish deganda biz quyidagilarni nazarda tutamiz:

a) talabalarning siyosiy bilimi, siyosiy ongi, siyosiy ahloqi va siyosiy faoliyatga oid ko'nikma va malakalarida sifat o'zgarishi yasash;

b) bu ishda oliy pedagogik ta'lim imkoniyatlaridan unumli foydalanish;

v) mazkur faoliyatni tashkil qilishda ta'lim-tarbiya jarayonini kuchaytirish;

g) buning uchun osondan qiyinga, oddiydan murakkabga, mavhumdan aniqlikka va oddiylikdan oliylikka tamoyillariga asoslanish.

Talabalar siyosiy madaniyatini shakllantirishning pedagogik mazmun-mohiyati ijtimoiy omillarga bog'liqdir. Bunday omillarning pedagogika ta'lim yo'nalishi talabalari

siyosiy madaniyatini shakllantirishning pedagogik zaruriyati ko'lami keng. Lekin, bu o'rinda eng muhim zaruriyatlarni ta'kidlab o'tish maqsadga muvofiqdir. Asosiylari sifatida quyidagilarni ta'kidlab o'tish mumkin:

- ta'lim va tarbiya jarayoniga ijtimoiy talablar ko'lami ortib bormoqda;
- ta'lim va tarbiya davlat siyosatining tayanchi hisoblanmoqda;
- yosh avlodni vatanparvar va insonparvar shaxs sifatida voyaga yetishi ijtimoiy va siyosiy omilga aylanmoqda;
- har bir davlat va jamiyat o'z milliy siyosatining davomchilarini kutmoqda.

Avvalo, jamiyatimizda yoshlarning yuksak darajadagi siyosiy madaniyatga ega bo'lishi ijtimoiy buyurtamadir. Bu ijtimoiy buyurtma quyidagi ehtiyojlar hosilasi hisoblanadi:

- mamlakatimizda demokratik printsiplarga mos davlat qurilishi va boshqaruvi tarkib topdi;
- jamiyatimizda mutloqo yangi va demokratik qadriyatlarga asoslangan ijtimoiy hayot barpo etilmoqda;
- bu omillar muhim ijtimoiy toifa bo'lgan yoshlarning talab darajasida siyosiy madaniyatga ega bo'lishini taqozo etmoqda;
- chunki siyosiy madaniyatli yoshlar voyaga yetib kelayotgan yosh avlod vakillarini siyosiy bilimli, ongli, ahloqli va faol shaxslar sifatida voyaga yetishlarida ibrat bo'la olishi orqali jamiyatda siyosiy madaniyatlilik namunasini ko'rsatadi;
- bunga erishish uchun talabalarning siyosiy madaniyati maqbul va tezkor ravishda shakllantirilishi kerak. Maqbullik va tezkorlik innovatsion va pedagogik texnologiyalarga asoslanish demakdir.[2]

Talabalarning siyosiy madaniyatni shakllantirishning mazmun-mohiyatida ana shu ijtimoiy buyurtma birlamchi tarzda idrok etishi kerak. Ko'p hollarda ijtiomiy buyurtmani hisobga olmaslik ta'lim va tarbiya jarayonini kutilgan darajada yangilash va uning samaradorligini oshirishga to'sqinlik qiladi.

Diqqat qilinsa, talabalar siyosiy madaniyatini shakllantirishga qo'yilayotgan ijtimoiy buyurtma muhim pedagogik muammo sifatida namoyon bo'ladi. Bunda qo'yidagilarga e'tibor berish zarur:

a) siyosiy madaniyatli pedagog kadrlar ijtimoiy va pedagogik qonuniyatlarga asosan siyosiy faoliyat yuritadi;

b) ular yosh avlodni siyosiy jihatdan yetuk ruhda tarbiyalaydi va jamiyatni unga da'vat qiladi;

v) jamiyatda inson, jamiyat va davlat manfaatlariga mos kelmaydigan siyosiy mutelik, faolsizlik, befarqlik, hudbinlik kabi illatlar ildiz otmaydi va h.k.

Bugungi kunda ijtimoiy hayotimizda inson, jamiyat va davlatning o'zaro manfaatdorligi kuchaydi, odamlar va ayniqsa, yoshlarda erkin yashash, erkin bilim olish, erkin fikrlash kabi demokratik qadriyatlar tarkib topdi, aniq va ideal orzu-maqsadlarga intilish hissi ortib bormoqda. Ayni paytda, yoshlar ongi va qalbini siyosiy befarqlik, hudbinlik, mo'rtlik, adashuvchanlik, faolsizlik kabi illatlardan himoya qilish ko'lami ham kengayib bormoqda. Misol uchun, voyaga yetgan yosh avlod saylov huquqidan chuqur xabardor bo'lishi kerak. Buning natijasida saylovlar jarayonlarini faollik bilan o'tkazish va unda siyosiy madaniyatlik bilan g'alamis hamda g'anim kimsalarga siyosiy to'siq

qo'yishga erishiladi. Demak, bularga erishish omili yoshlarning siyosiy madaniyatini yanada rivojlantirib borishadi.

Talabalari siyosiy madaniyatini shakllantirishning mazmun-mohiyati ta'limning uzviyligini ta'minlash bilan ham bog'liq. Shu jihatdan e'tibor berilsa, pedagogika ta'lim yo'nalishi talabalari siyosiy madaniyati umumiy o'rta ta'lim va qo'shimcha ta'lim vositasi bosqichida dastlabki darajada shakllanadi.

Aslida shaxs butun faoliyati davomida siyosiy madaniyat asoslarini o'zlashtirib boradi.[3] Lekin, shaxs asosiy tushuncha, ko'nikma va malakalarni ta'lim – tarbiya jarayonida olishi ma'lum. Shu ma'noda talabalar siyosiy madaniyatini kutilgan darajada shakllantirish quyidagilar bilan belgilanadi:

1) oliy ta'lim bosqichida talabalar balog'at yoshida bo'ladi va ularda mustaqil ong shakllana boshlaydi.[4]

2) talabalarda siyosat va siyosiy faoliyatga qiziqish uyg'onadi;

3) talabalar saylovlarda faol ishtirok etadilar;

4) o'z saflarini kengaytirish uchun siyosiy partiyalar va harakatlar talabalarga qiziqa boshlaydi;

5) talabalar siyosiy faoliyat uchun tayyor holatga keladi.

Bu omillar ichida ayniqsa, talabalarning siyosiy madaniyatini to'g'ri va maqsadli shakllantirish dolzarb masalaga aylanadi. Buning bir necha sabablari bor:

Birinchidan, bugungi globallashuv jarayoni mutaxassislar to'g'ri qayd etganidek, ijobiy va salbiy jihatlari bilan namoyon bo'lmoqda. Ijobiy jihati shundaki, dunyoda axborot ayirboshlash tezlashdi, texnik taraqqiyot yuzaga keldi va xalqlar o'zaro yaqinlashmoqda. Salbiy jihati shundaki, milliy madaniyatlar inkor etilmoqda, muayyan davlatlar gegimonlikka intilmoqda va milliy taraqqiyot yo'li inkor qilinmoqda. Bunday murakkab sharoitda talabalar siyosiy madaniyatini to'g'ri shakllantirish zaruriyatga aylandi. Chunki g'arazgo'y siyosiy kuchlar va shaxslar mustaqil ongi shakllanishda bo'lgan yoshlarni o'z safiga jalb qilishga urinayotgani sir emas. Misol uchun, diniy ekstremistik kuchlar bu imkoniyatdan foydalinayotgani ma'lum.Globallashuvning ijobiy jihatlariga tayangan holda talabalar siyosiy madaniyatini oqilona shakllantirish zarurat bo'lib turibdi.

Ikkinchidan, hozirgi globallashuv sharoitida axborot almashinish yuksak darajada rivojlanib ketdi. Internet texnologiyasi vositasida har qanday axborotni olish, uzatish va tahlil qilish mumkinligi sir emas. Ayni paytda, bu axborotlarning barchasini ijobiy va foydali deb bo'lmaydi. Ular orasida yoshlar ongini noto'g'ri shakllantiruvchi zararli g'oyalar ham bor. Terrorizm, o'rta asr xalifaligini tiklash, kuch ishlatish kabi siyoisy g'oyalar shular jumlasidandir.

Olib borilgan kuzatishlar shuni ko'rsatadiki,talabalarning 88 foizi Internetdan foydalanadi. Ularning qanday axborotlar bilan tanishayotganini yuz foiz aniqlashning imkoni yo'q. Shu ma'noda talabalarga sog'lom siyosiy g'oyalar, qarashlar va ta'limotlarni taqdim qilib borishga ehtiyoj bor. Chunki bugungi kunda G'arb mamlakatlarida me'yoridan ortiq erkinlikka asoslangan siyosiy g'oyalar targ'ib qilinayotgani sir emas. Sharq mamlakatlarida esa me'yorga asoslangan siyosiy g'oyalarga moyillik kuchli. Talabalarga G'arb va Sharq siyosiy ta'limotlarining insonparvar g'oyalari o'qitilishi kerak.Chunki talabalar ongida Sharq va G'arb siyosiy madaniyatining biror jihati ustuvor darajada shukllantirilsa, bu hol kutilgan samara bermaydi. Bizningcha, talabalar siyosiy

madaniyatini shakllantirishda Sharq va G’arb tajribalarining eng ilg’or jihatlari dialektik tarzda olinishi maqsadga muvofiqdir.

Uchinchidan, bugungi kunda jamiyatimizda ma’naviy tarbiyani kuchaytirish zarurat bo’lib turibdi. Negaki, “dunyodagi zo’ravon va tajovuzkor kuchlar qaysi bir xalq yoki mamlakatni o’ziga tobe qilib bo’ysundirmoqchi, uning boyliklarini egallamoqchi bo’lsa, avvalombor uni qurollansizlashtirishga, ya’ni eng buyuk boyligi bo’lmish milliy qadriyatlari, tarixi va ma’naviyatidan judo qilishga urinadi”.[5]

Siyosiy madaniyat ma’naviy tarbiyaning tarkibiy qismidir. Shu sababli bo’lajak o’qituvchilar siyosiy madaniyatini shakllantirish bir jihatdan ularni zo’ravon va tajavuzkor kuchlarga qarshi siyosiy qurollantirishni; ikkinchi jihatdan bu ishda milliy qadriyatlar, tarixiy tajriba va ma’naviy mezonlarga asoslanishni taqazo etadi.

To’rtinchidan, keyingi paytlarda inson va jamiyatga bo’lgan ma’naviy tahdidlar kuchaydi. Faqat insonga xos bo’lgan til, millat va e’tiqod tanlamaydigan bu illat insonni ruhiy dunyosini izdan chiqarmoqda. Hozircha uning mafkuraviy, g’oyaviy va informatsion xurujlari o’ta xavfli bo’lib turibdi.

Talabalar ba’zida bilib – bilmay ma’naviy tahdidlar illatlaridan bo’lgan ma’nosiz mobil telefon o’yinlariga berilishi, bilim olishdan chalg’ishi, G’arbning me’yoridan ortiq darajadagi indviduallik hayotiga oshuftalik kabi ma’naviy illatlarga yo’liqib qolmoqda. Natijada ularga o’z oldiga yuksak maqsad – muddaolar qo’yish, o’zi ustida ishlash va jamiyat rivoji bilan hamoxang bo’lish ko’nikmasi susayib bormoqda. Yuksak darajadagi siyosiy madaniyat talabalardan ma’naviy tahdidlarga qarshi siyosiy immunitetni hosil qiladi va ularni oliy maqsad – muddaolarga da’vat qiladi.

Beshinchidan, jamiyatimiz demokratik taraqqiy etib borgan sari axloqiy erkinlik tarkib topib bormoqda. Natijada chetdan milliy axloqimizga zid bo’lgan befarqlik, xudbinlik, egotsentrizm, axloqiy buzuqlik, olamon madaniyati kabi ijtimoiy illatlar kirib kela boshladi. Bu ijtimoiy illatlar qiziquvchan va intiluvchan bo’lgan talabalarni nishonga olmoqda. Ularning nisbatan muayyan qismida axloqsizlik illatlari uchray boshlagani sir emas. Siyosiy madaniyat bunga qarshi o’laroq, talabalarni siyosiy axloq qoidalari, me’yorlari va sifatlari bilan qurollantiradi. Negaki Aristotel to’g’ri qayd etganidek, “Inson tabiatan siyosiy mavjudotdir ... Faqat insongagina ezgulik va yovuzlik, adolat va adolatsizlik kabi tushunchalarni qabul qilish layoqatiga xosdir”.[6]

Oltinchidan, mamlakatimizda ijtimoiy yo’naltirilgan bozor iqtisodiyotini ta’sis etish farovon yashash imkoniyatini yaratdi. Ayni paytda, bu quyidagi ikki xil qarashni keltirib chiqaradi: birinchisi – o’z risqini halol mehnat bilan topadigan xolis va ezgu ishlar bilan el-yurtga naf yetkazadigan, tiriklik mazmunini teran anglab, nafaqat bugungi hayot lazzatlari, balki oxirat haqida, uning obod bo’lishi to’g’risida o’ylab yashaydigan insonlarga xos hayotiy qarashlar; ikkinchisi – bunga mutlaqo qarama-qarshi bo’lgan yondoshuv, yani hayotning ma’no – mazmuni xaqida bosh qotirmasdan, bunday savollar bilan o’zini qiynamasdan, faqat nafs qayg’usi va o’tkinchi hoyu-havasga, huzur-halovatga berilib, yengil-elpi umr kechiradigan, o’zining ota-ona, el-yurt oldidagi burchiga umuman befarq bo’lib yashaydigan odamlarning fikr-qarashlari.Bu ikki qarash ziddiyatida ezgulik va adolatning ustuvor bo’lishida siyosiy madaniyat muhim rol o’ynaydi. Scunki shaxs ongi va axloqida, jamiyat va davlat hayotida ezgulik va yovuzlik kurashi davom etishi tarixda ham o’z isbotini topgan.[7]

Yettinchidan, mamlakatimizda demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirishning hozirgi boosqichida siyosiy hayot reallashib bormoqda. Bunda har bir kishidan siyosiy faollik taqazo etiladi.

Zero, siyosiy madaniyatni shakllantirish orqali talabalarni mustaqil siyosiy faoliyatga tayyorlaydi va shu orqali ular siyosiy faoliyat ko'rsatish ko'nikmasi va malakasini egallaydi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi.2020 yil 29 dekabrь.
2. Usmanov N.Bo'lajak o'qituvchilarni milliy g'oya targ'ibotiga innovatsion va pedagogik texnologiyalari.-T.: "Fan va texnologiyalar".2012.16-bet.
3. Dugin A. Polititseskaya filosofiya.-M.: "Misl".2005.- s.83.
4. Muxina M.Psixologiya. Uchebnik.-M.:"Respublika".1998.-s.16
5. Jo'raev S. va boshq.Politologiya. O'quv qo'llanma.-T.:TDShI.2009.-b.104.
6. Aristotel. Politika.-M.: «Misl».1997.-s.37-38.
7. O'tayev A. Bo'lajak pedagog kadrlarning siyosiy madaniyatini rivojlantirishda ijtimoiy-tarixiy meroslar bilan tanishtirishning ahamiyati."Xalq ta'limi" jurnali.2020 yil.Maxsus son.107-111 b.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada talabalar siyosiy madaniyatini takomillashtirishda muhim omillar sifatida qarqlib kelinayotgan siyosiy bilim, siyosiy ong, siyosiy ahloq va siyosiy faoliyatga oid ko'nikma va malakalari negizi asosida osondan qiyinga, oddiydan murakkabga, mavhumdan aniqlikka va oddiylikdan oliylikka tamoyillariga asoslanish masalalari, zaruriyati, mazmun-mohiyati haqida fikr yurtiladi.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются вопросы, необходимость, содержание и сущность принципов политического знания, политического сознания, политической этики и навыков политической деятельности, которые рассматриваются как важные факторы в совершенствовании политической культуры студентов на основе принципов от простого к сложному, от простого к сложному, от абстрактного к определенному и от простого к превосходству.

SUMMARY

This article focuses on the issues, necessity, content and essence of the students based on the principles of easy-to-difficult, simple-to-complex, abstract-to-accuracy and simplicity-to-supremacy on the basis of political knowledge, political consciousness, political morality and a set of skills and skills related to political activities that are being reared as important factors in improving their political culture.

# TARIX FANINI O'QITISH SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

***Qodirov I.D.***

*Toshkent viloyati Chirchiq Davlat pedagogika instituti mustaqil tadqiqotchisi*

**Tayanch so'zlar:** didaktika, qonun, innovatsiya, inovatsionta'lim, ta'liminnovatsiyasi, tarbiya, texnologiya.

**Ключевые слова:** дидактика, законь, инновации, инновационное образование, образовательные инновации, образование, технологии.

**Key words:** didactics, law, innovation, innovative education, educational innovation, education, technology.

Zamonaviy pedagogikaning asosiy muammolaridan biri bu bolalarning bilim olishga intilishlari va qiziqishlarining pastligidir. Bolalarni bilim olishga majbur qilish kerakmi? – degan savolga Buyuk Chex ma'rifatparvari Yan Amos Komenskiy o'zining "Buyuk

didaktika" asarida shunday javob beradi. "Bolani zo'rlik bilan majburan o'qitmoqchi bo'lgan kishi xato qiladi. Darhaqiqat, zo'rlik bilan nimani hal qilish mumkin? Agar ishtaha tortmagan paytdaovqatnizo'rlab yeyilsa, bundayovqatkishiningko'ngliniaynitadi, qustiradi, hech bo'lmaganda oshqozonni buzadi, kasal qiladi. Aksincha, kishi och qolib turgan paytida ishtaha bilan ovqatlanadi, yegan ovqati tez va yaxshi hazm bo'ladi. Shuning uchun ham Isokrat aytganki, "Ilmni sevsang, ko'p narsani bilib olasan". Kvintillianning fikricha: "Bilishga intilish irodaga bog'liq, majburan o'qitish mumkin emas". Demak: 1.Bolada ilmga va o'qishga barcha vositalar bilan zo'r ishtiyoq uyg'otish zarur. 2. O'qitish metodi qiyinchiliklarni bartaraf etishga yordam bersin, toki bolada norozilik tug'dirib, uni o'qishdan bezdirib qo'ymasin"[1].

Yuqoridagi fikrlardan ko'rinib turibdiki, o'qitishni osonlashtirish va bolalarni ta'lim olishga qiziqtirish uchun turli metod va usullardan foydalanish barcha davrlar uchun ham dolzarb masala bo'lib kelgan.

2020 yil 23 sentyabrdan kuchga kirgan yangi tahrirdagi "Ta'lim to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonunining 46-moddasi "Pedagog xodimlarning majburiyatlari" deb nomlanib, unda pedagog xodimlarning axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan, o'qitish va tarbiyaning ilg'or hamda innovatsion shakllari va usullaridan foydalanishi ko'rsatib o'tilgan [2].

"O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi"da ko'rsatilishicha, innovatsiya quyidagicha mazmun va tushunchalarga ega: "Innovatsiya (ingl. "innovationas" – kiritilgan yangilik, ixtiro) – 1) texnikava texnologiya avlodlarini almashtirishni ta'minlash uchun iqtisodiyotga sarflangan mablag'lar; 2) ilmiy-texnika yutuqlari va ilg'or tajribalarga asoslangan texnika, texnologiya, boshqarishva mehnatni tashkil etish kabi sohalardagi yangiliklar, shuningdek, ularning turli sohalar va faoliyat doiralarida qo'llanishi""[3].

Amerikali kpsixolog E.Rodjer so'z tadqiqotlarida innovatsion xarakterga ega ijtimoiy munosabatlarning ijtimoiy –psixologik jihatlari, ijtimoiy munosabatlarga yangilik kiritish, bu jarayonda ishtirok etuvchi shaxslarning toifalari, ularning yangilikka bo'lgan munosabatlari, yangilikni qabul qilish, mohiyatini anglashga bo'lgan tayyorlik darajasi hamda muayyan shaxslar toifalari o'rtasidagi innovatsion xarakterga ega ijtimoiy munosabatlarning tasnifi masalalarini o'rgangan.

Innovatsion ta'lim(ingl. "innovation" – yangilik kiritish, ixtiro) – ta'limoluvchida yangi g'oya, me'yor, qoidalarni yaratish, o'zga shaxslar tomonidan yaratilgan ilg'or g'oyalar, me'yor, qoidalarni tabiiy qabul qilishga oid sifatlar, malakalarni shakllantirish imkoniyatini yaratadigan ta'lim.

Innovatsion ta'lim jarayonida qo'llaniladigan texnologiyalar innovatsion ta'lim texnologiyalari yoki ta'lim innovatsiyalari deb nomlanadi.

Ta'lim innovatsiyalari – ta'lim sohasi yoki o'quv jarayonida mavjud muammoni yangicha yondashuv asosida yechish maqsadida qo'llanilib, avvalgidan ancha samarali natijani kafolatlayoladigan shakl, metod va texnologiyalar"[4].

Ta'lim innovatsiyalari "innovatsion ta'lim" deb ham nomlanadi.

"Innovatsion ta'lim"tushunchasi birinchi bor 1979 yilda ―Rim klubida qo'llanilgan. Ta'lim innovatsiyalari birnecha turga ajratiladi. Ular:

1. Faoliyat yo'nalishiga ko'ra: pedagogik jarayonda yoki ta'lim tizimini boshqarishda qo'llaniladigan innovatsiyalar.

2. Kiritilgan o‘zgarishlarning tavsifiga ko‘ra: radikal, modifikatsiyalangan hamda kombinatsiyalangan innovatsiyalar.

3. O’zgarishlarning ko‘lamiga ko‘ra: tarmoq (lokal), modul va tizim innovatsiyalari.

4. Kelib chiqish manbaiga ko‘ra: jamoa tomonidan bevosita yaratilgan yoki o‘zlashtirilgan innovatsiyalar.

Ma’lumki, harqanday pedagogik va innovatsion texnologiya ta’limni rivojlantiruvchi yangi tamoyillarga asoslangan bo‘lib, u o‘quvchi-talaba shaxsini shakllantirishga yo‘naltirilmog‘I kerak. Yangi pedagogik texnologiya markazida ta’lim jarayonining rahbari hamda shu jarayonning sub’ekti va ob’ekti bo‘lgan o‘qituvchi va o‘quvchi talaba turadi. Buning uchun ta’lim jarayoni, o‘qituvchi va ta’lim-tarbiya jarayoni oldiga qo‘yilgan talablar, ta’limni tashkil etish va boshqarish tamoyillari hamda yo‘llari o‘quvchi-talabani aqliy va jismoniy jihatdan rivojlantirish usullari, u bilan hamkorlik qilish, uni o‘qish va o‘rganishga yo‘naltirish, o‘quvchi-talaba shaxsiy faoliyatini to‘g‘ri tashkil etish, ular bilan muloqotga kirishish, muammo va kelishmovchiliklarni bartaraf etish, auditoriyada ijodiy, ishchanlik muhitini vujudga keltirish, o‘quvchi-talaba faoliyatini aniq va to‘g‘ri baholash metodlari bilan qurollangan bo‘lishi lozim”[5].

Ushbu maqolada innovatsion ta’limtexnologiyalaridan biri o‘yin texnologiyalariga, uning mohiyati, zamonaviy ta’limdagi o‘rni va turlariga to‘xtalib o‘tishni maqsad qildik.

Kishilik tarixiy taraqqiyotining barcha davrlarida ham o‘yin sub’ekt faoliyatining eng birinchi va muhim turi sifatida tan olingan. Binobarin, shaxs faoliyatining muhim turlari– mehnat, o‘qish bilan birga o‘yin ham uning shakllanlanishi va rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etadi. O’yinlar vositasida katta avlod tomonidan to‘plangan hayotiy tajriba, o‘zlashtirilgan bilim, turmush tarzi va ijtimoiy munosabat asoslari, madaniy qadriyatlar yosh avlodga izchil uzati bkelingan[4].

O’yin shaxsning tarbiyalash, rivojlantirish, unga ta’lim berish xususiyatlariga ega. Mavjud xususiyatlari tufayli o‘yinlar qadim-qadimdan xalq pedagogikasining muhim asoslaridan biri bo‘lib kelmoqda. Bevosita o‘yinlar bolalarda idrok, sezgi, xotira, tafakkur, nutqni rivojlantirishga yordam berish orqali ularni ma’naviy-axloqiy, aqliy, jismoniy va estetik jihatdan tarbiyalashga xizmat qiladi. “Maktabgacha yoshdagi bola o‘yin faoliyatida o‘qish va mehnatga tayyorlanadi. Yosh ulg‘aygan sari o‘yinning roli biroz kamayib boradi. O’yinlarning tarbiyaviy ahamiyati bolaning butun hayoti davomida saqlanib qoladi”[6].

Pedagogik maqsadda foydalanilayotgan o‘yinlar o‘yin texnologiyalari deb nomlanadi. O’yin texnologiyalari ta’lim oluvchilarni muayyan jarayonga tayyorlash, ularda ma’lum hayotiy voqe’lik, hodisalar jarayonida bevosita ishtirok etish uchun dastlabki ko‘nikma, malakalarni hosil qilishga xizmat qiladi. Ta’lim jarayoni ishtirokchilari (masalan: ta’limoluvchilar, ota-onalar, pedagogik jamoa a’zolari, ta’lim muassasalarining rahbarlari, jamoatchilik tashkilotlarining vakili va b.) sifatida turli rollarni bajarish o‘quvchilarga pedagogik faoliyat mazmuni bilan yaqindan tanishish imkoniyatini yaratish asosida ma’lum faoliyatni samarali tashkil etishga nazariy, amaliy va ruhiy tayyorgarlikka erishish nuqtai-nazaridan yordam beradi.

Harqanday o‘yinlar kabi pedagogik jarayonlarda foydalaniladigan o‘yinlar ham o‘zining aniq maqsadi va natijasiga ega bo‘ladi.

Ta’lim muassasalarida ko‘p holatlarda rolli va kasbiy xarakterga ega ishbilarmonlik o‘yinlaridan foydalaniladi. Muhimi pedagogik maqsadlarda qo‘llaniladigan o‘yinli

texnologiyalarining asosini talabalarning faollik va tezkorlikka asoslangan faoliyati tashkil etadi.

Pedagogik o‘yinlar yangi o‘quv materialini o‘zlashtirish, mustahkamlash, talabaning ijodiy qobiliyatiniri vojlantirish, umumiy kasbiy tayyorgarlik ko‘nikma, malakalarini shakllantirish kabi masalalarni yechishga qaratiladi. Ular yordamida talabalar turli holatlardan o‘quv materialini tushunish, uning negizida ma’lum ko‘nikma, malaka va sifatni o‘zlashtirish imkoniyatiga ega bo‘ladi.

Tarix fanini samarali o‘qitishda foydalanish mumkin bo‘lgan bitta didaktik o‘yin bilan tanishib chiqamiz.

“Poyga” o‘yini (O’zbekiston tarixi 7-sinf “Amir Temur – markazlashgan davlat asoschisi” mavzusi asosida):

Ushbu o‘yinda o‘quvchilar kichik guruhlarga bo‘linib, belgilangan marraga yetib borish uchun 5 ta to‘siqni oshib o‘tishlari talab qilinadi.

To‘siqni oshib o‘tish ma’lum bir kategoriyadagi savollarga javob berish orqali amalga oshiriladi.

1-to‘siq: Tarixiy yillar, asrlar bilan bog‘liq savollar.

2-to‘siq: Tarixiy geografik hududlar va ularning xaritadagi joylashuvi bilan bog‘liq savollar.

3-to‘siq: Sulolalar, hukmdorlar va tarixiy shaxslar nomlari bilan bog‘liq savollar.

4-to‘siq: Tarixiy viloyatlar va shahar nomlari bilan bog‘liq savollar.

5-to‘siq: Tarixiy atamalar bilan bog‘liq savollar bo‘ladi.

Poyga jarayonida to‘siqlardan oshib o‘tishda xatoga yo‘l qo‘ygan jamoa harbir to‘siqdagi xatosi uchun bir nafar o‘yinchisi poygadan chiqib ketish orqali jazolanadi. Savollarga tez va aniq javob bergan hamda belgilangan marraga to‘liqroq tarkib bilan yetib borgan guruh o‘yin g‘olibiga aylanadi.

Xulosa sifatida shuni aytishimiz mumkinki, o‘yin texnologiyalarining o‘quvchilarga bir qadar erkinlik bera olishi, faol harakat va muloqotga asoslanishi, ba’zan musobaqa, bellashuv xarakteriga egaligi ular vositasida o‘quv materiallarini puxta o‘zlashtirilishi uchun zarur sharoitni yaratishga xizmat qiladi. Shuningdek, o‘qituvchi ta’lim jarayonida o‘yin texnologiyalaridan foydalangan holda mashg‘ulotlarnit ashkil qilishi, dars jarayonida o‘qitishning innovatsion usullarini qo‘llash orqali o‘quvchilarni fanga bo‘lgan qiziqishlarini yanada oshirishga, belgilangan mavzularni o‘zlashtirish samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. O’yin texnologiyalari vositasida tashkil etilgan o‘quv mashg‘ulotlari barcha o‘quvchilarni faolligini kuchaytirishga hamda ko‘pchilik oldida o‘z fikrini erkin bayon eta olish qobiliyatini oshiradi.Bu esa har bir o‘qituvchidan ta’lim jarayonida o‘yin texnologiyalarini faol qo‘llashni taqozo etadi.

Adabiyotlar:

1. Ya.A.Komenskiy. Buyuk didaktika.O’qituvchi nashriyoti, 1975. 134-bet.

2. Yangi tahrirdagi O’zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonuni - http://lex.uz/

3. O’zbekiston milliy ensiklopeiyasi. Zebuniso-Konigil / 4-tom.Bosh tahrirhay’ati a’zolari: M.Aminov va b. – T.: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2002. 169-bet.

4. N.Muslimov va boshqalar. Innovatsion ta’lim texnologiyalari. “Sano-standart”bosmaxonasi. 2015. 10-11 betlar. 157-bet

5. O’quv jarayonidai lg‘or pedagogik va axborot texnologiyalarini qo‘lash yo‘llari. – T.: TDIU, 2005. 60-bet.

6. Tarbiya. Ota-onalar va murabbiylar uchun ensiklopediya. Tuzuvchi: M.N.Aminov. Mas'ul muharrir: A.Majidov. – Toshkent: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi Davlat ilmiy nashriyoti, 2010.432-bet.

РЕЗЮМЕ

Maqolada o'qitishni osonlashtirish, o'quvchilarni ta'lim olishga qiziqtirish uchun turli metod va usullardan foydalanish muhimligi, innovatsion ta'lim texnologiyalarilaridan biri bo'lgan o'yin texnologiyasi va uning samaradorligi xususida so'z yuritiladi.

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждается важность содействия обучению, важность использования различных методов и приемов для вовлечения студентов в обучение, игровые технологии как одна из самых инновационных технологий обучения и их эффективность.

SUMMARY

The article discusses the importance of facilitating teaching, the importance of using a variety of methods and techniques to engage students in learning, game technology as one of the most innovative learning technologies, and its effectiveness.

## ALISHER NAVOIYNING SIYOSIY QARASHLARI

***O'tayev A.Y.***

*TVChDPI "Umumiy pedagogika" kafedrasi o'qituvchisi*

**Tayanch so'zlar:** siyosiy qarash, ta'lim tizimi,siyosiy tarbiya, siyosiy tafakkur, o'zni anglash, siyosiy bilim, siyosiy axloq, siyosiy faoliyat, malaka, ko'nikma.

**Ключевые слова:** политические взгляды, система образования, политическое воспитание, политическое мышление, самосознание, политические знания, политическая этика, политическая деятельность, навыки.

**Key words:** political views, education system, political upbringing, political thinking, self-awareness, political knowledge, political ethics, political activity, qualifications, skills.

O'zbekiston «Milliy tiklanishdan - milliy yuksalish sari» tamoyili asosida taraqqiyotning yangi bosqichiga qadam qo'ydi. Yangi davr shiddati ta'lim-tarbiya tizimiga ham o'zining aniq, qat'iy talablarini qo'ymoqda.

Bunda, avvalo, ta'lim va tarbiyani rivojlantirish, sog'lom turmush tarzini qaror toptirish, ilm-fan va innovatsiyalarni taraqqiy ettirish milliy g'oyamizning asosiy ustunlari bo'lib xizmat qilishihamda siyosiy va pedagogik merosni o'rganish yo'nalishi kuchaytiriladi. Bunday vazifalar O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2021 yil 29 dekabrda Oliy Majlisga taqdim qilgan Murojaatnomasida yana bir bor ta'kidlandi. [1] Shu ma'noda mutafakkirlarning siyosiy va pedagogik qarashlarini yangicha o'rganish ehtiyoji mavjud. Chunki mutafakkirlarning siyosiy qarashlarida pedagogik ta'lim, tarbiya va yo'naltirish masalalari o'z ifodasini topgan.

Alisher Navoiy (1441-1501) shu jixatdan mutafakkir ijodkor sifatida o'ziga xos siyosiy qarashlarga ega bo'lgan. Uning siyosiy tafakkuri quyidagi manbalar asosida shakllanganligini eslatib o'tish joiz.

a) Qur'oni karim va hadisi shariflarda E'tiqodiy negizlarga asoslangan manbalar. Misol uchun, Qur'oni karimning "Moida" surasi 54-oyatida buyuriladi: "Ey mo'minlar, Allohga, payg'ambarga va o'zlaringizdan bo'lgan hukmdorlarga bo'ysuningiz!". Aynan mana shu oyat Alisher Navoiy kabi mutafakkirlarning siyosiy qarashlari negizini tashkil etgan;

b) islom ilmiy manbalari. Misol uchun, Alisher Navoiy o'z asarlarida siyosiy tarix bo'lgan Sharafiddin Ali Yazdiyning "Zafarnoma" asarini juda ko'p tilga oladi;

v) o'zigacha bo'lgan mutafakkirlarning siyosiy asarlari. Masalan, Nizomiy Ganjaviyning (XIII asr) "Iqbolnoma", Husrav Dehlaviyning (XIV asr) "Iskandarnoma" va Abdurahmon Jomiyning (XV asr) "Salomon va Absol" asarlari Alisher Navoiyning siyosiy qarashlari shakllanishida katta ta'sir ko'rsatganligi ma'lum.

Bu manbalarni u jiddiy o'rganganligini nasriy asarlarida ko'rsatib o'tgan.

Alisher Navoiyning siyosiy qarashlari juda yoshligidan E'tiqodiy negizga ega bo'lgan zaminlar asosida shakllangan. Misol uchun, u "Lison ut-tayr" dostonida 6-7 yoshlarida Farididdin Attorning (XIII asr) "Mantiq ul-tayr" (Qush nutqi) asarini berilib o'qiganini va uning ta'sirida bolalarga qo'shilmay qo'yganini, natijada ota-onasi unga bu asarni o'qishni ta'qiqlab qo'yishganini aytadi.[2]

Chunki Farididdin Attorning "Mantiq ul-tayr" asari yosh Alisherga kuchli ruhiy-ma'naviy ta'sir ko'rsatgan edi.Lekin Navoiy ushbu asarni ota-onasi ta'qiqlagunga qadar yodlab olganligini aytadi.

Yosh Alisher bilan ro'y bergan bu voqea g'oyatda siyosiy va pedagogik ahamiyatga ega. Unda yosh Alisherning bilimga o'chligi, kitobning yosh shaxsga g'oyaviy ta'siri va ota-onaning tashvishi ifodasini topganki, biz uni zavq bilan qabul qilamiz.

Bu o'rinda Navoiyning siyosiy qarashlari negizini insonning o'zini anglash g'oyasi tashkil qilishiga duch kelamiz. Unga ko'ra, inson ta'lim va tarbiya vositasida o'zini anglab yetadi. "O'zni anglash" deganda Navoiy quyidagi 3 narsani nazarda tutadi:

1) bilim olish;
2) aqlni o'stirish;
3) axloqli bo'lish.[3]

Mana shu uch narsaning mujassami Navoiy nazdida o'zni anglashdir. Bu masalalar keyinchalik Navoiyning "Xamsa" asarida ifolangan siyosiy qarashlari negizini tashkil etdi. Chunki o'zni anglash kontseptsiyasi Navoiy davri siyosiy ta'limotlarining asosini tashkil qiladi. Unga ko'ra, o'zini anglagan shaxs Vatani, xalqi va davlati uchun eng faol kishiga aylanadi. Shu jihatdan Navoiyning siyosiy qarashlari deganda yuksak E'tiqod va O'zni anglash g'oyalarini birlamchi unsurlar sifatida tushunishimiz lozim. Biz mazkur ikki g'oyani Navoiyning siyosiy qarashlari negizi sifatida qabul qilamiz.

Mutafakkirning "Hayrat ul-abror", "Farhod va Shirin", "Layli va Majnun", "Sab'ai sayyor" va "Saddi Iskandariy" asarlarida insonning o'zni anglash jarayoni va siyosiy tafakkuri badiiy-ramziy tasvirlab berilgan. Bunday uslub Navoiyning siyosiy g'oyalarini chuqur tushunish imkonini beradi. Misol uchun, "Xamsa" asarini boshlab beruvchi "Hayrat ul-abror" dostonini olaylik.[2] Dostonda tasvirlanishicha, inson o'zini anglashi va siyosiy qarashga ega bo'lishi uchun quyidagilarga amal qilishi kerak:

1) dunyoviy va diniy ilmlarni uyg'un o'rganish;
2) insoniyat ma'naviy merosini imkon qadar o'zlashtirish;
3) mutafakkir ajdodlarini bilish.

Bu uch masala insonga o'zligini tanitadi va uning mo''tadil siyosiy qarashlarining shakllanishiga ta'sir ko'rsatadi.

Shu ma'noda baytda ikki ma'no ifodalangan:

1) o’zni anglash odamiylikka va siyosiy faollikka olib boradi;

2) o’zni anglash yaratilgan barcha mavjudotni (Borliqni) qadrlashga o’rgatadi va bunday yondoshuv shaxs siyosiy qarashining mo’’tadilligini ko’rsatadi.

“Xamsa” tarkibidagi ikkinchi doston “Farhod va Shirin”ni olaylik. Undagi bosh obrazlar Farhod va Shirin shahzoda hamda malikadir. Shu jihatdan bu qahramonlar mazmunida Alisher Navoiy siyosiy qarashlarining ideallari o’z ifodasini topgan.Unga ko’ra, Farhod hukmdor vakil sifatida Yurtining obodonligi uchun ariq qazib, suv chiqaradi va Shirin esa davlat vakilasi sifatida uning bu ishlariga to’liq xayrxohliq bildiradi. Shu jihatdan bu asar Navoiy siyosiy qarashlarining badiiy qolipga tushirilgan shaklidir. Masalan, insonning o’zini anglashi va siyosiy tafakkurga ega bo’lishi yuksak darajadagi odam sifatida voyaga yetishini anglatadi. Farhod obrazini olaylik. Navoiy “Farhod va Shirin” dostonida Farhodni quyidagicha tasvirlaydi: a) 5 yoshida Qur’onni yod oldi, hadislardan xabardor bo’ldi; b) 6 yoshida adabiyot, poetika, nujum va arifmetika fanlarini o’zlashtirdi; v) 11 yoshida komil bo’lib yetishdi va h.k.[2]

Demak, Farhod 11 yoshida voyaga yetgan va shu sababli ba’zi olimlar “Farhod obrazida Alisher Navoiy o’zini tasvirlagan”,-deydi.[5] Navoiy Farhodni bizga o’zini anglagan komil inson sifatida taqdim qiladi.

Shu ma’noda, o’zni anglash uchun 5 narsa kerak:

- ko’ngil pokligi;
- ko’z pokligi;
- til pokligi;
- so’z pokligi;
- vujud pokligi.

Bu o’rinda “poklik”-tozalik, rostlik, adolatlik, xaqgo’ylik va ozodalik ma’nolarida kelmoqda. Shu jihatdan “ko’ngil pokligi” xushaxloqlikni, “ko’z pokligi” adolatlikni, ”til pokligi” xushmuomilalikni, “so’z pokligi” xaqgo’ylikni va “vujud pokligi” mardlikni anglatadi.

Demak, yuqoridagi besh sifatga tafakkurni (bilim va dunyoqarash uyg’unligini) ham qo’shish lozim. Bu olti tayanch bilan inson o’zligini anglab, siyosiy kamolotga yetadi.

Shu tariqa Navoiy Farhodni kamolotga yetgan shaxs sifatida taqdim qiladi. Mutaffakkirning umumiy xulosasiga ko’ra, Farhodning:

*Jahonda kolmadi ul yetmagan ilm,*
*Bilim taxkikini kasb etmagan ilm.*

Farhod yigirma yoshida mana shunday shaxs sifatida siyosiy faoliyat boshlaydi.

“Xamsa” tarkibiga kirgan uchinchi doston “Layli va Majnun”ning ham asosiy obrazlari siyosiy hukmdorlardir. Unga ko’ra, Majnun o’z davri hukmdorining o’g’li va Layli ham ikkinchi bir hukmdorning qizi. Lekin, bu o’rinda Navoiy Layli va Majnunni hukmdor shaxslar sifatida emas, balki ilohiy ishq vakillari sifatida tasvirlaydi. Biz bunda Navoiy siyosiy qarashlarining yana bir o’ziga xos xususiyatiga duch kelamiz: mutafakkirning fikricha, siyosiy hukmdor shaxslardan ham komil oshiqlar chiqishi mumkin.

Siyosiy hukmdorlarning Ishq kishisi bo’lishi ulusni (xalqni) siyosiy tarbiyalash omillaridan biri bo’lib xizmat qiladi. Chunki oshiq insonning hech kimga yomonlikni ravo ko’rmasligi ma’lum. Shu jihatdan biz Layli va Majnun obrazlarida siyosiy hukmdorlarning

Ishq vositasida ijobiy hislatlar tomon yuz burishi g'oyasiga duch kelamiz.

Bu yo'l shundan iboratki, davlat boshqaruvida muammolarni hal etish uchun donishmandlar yordamiga tayanish kerak va bu g'oyani biz Bahrom hikoyatlar tinglagan yetti donishmand faoliyatida ko'ramiz. Demak, Navoiy siyosiy qarashlarining navbatdagi muhim g'oyasi davlat boshqaruvini oqilona tashkil etishdir.

E'tibor berilsa, "Xamsa" asari tarkibiga kiruvchi barcha dostonlarda Navoiyning siyosiy qarashlari badiiy tarzda o'z tasvirini topgan. Bunda Navoiy o'z siyosiy qarashlarini barchaga yetkazishning o'ziga xos shaklini topganligiga duch kelamiz.

Bundan tashqari, Navoiyning siyosiy qarashlarida yana bir o'ziga xos xususiyat mavjuddir. Unga ko'ra, siyosiy faol shaxslar albatta biror hunar egasi bo'lishi kerak. Hunar Navoiy nazdida, kasb va hunar uyg'unligi bo'lib, u insonning moddiy va ma'naviy jixatdan farovon yashab o'tishiga asos bo'ladi.[4] Mutafakkir uchun hunarning yaxshi yoki yomoni yo'q. Aksincha, shaxs bilim va malaka o'zlashtirish vositasida biror-bir hunarni o'rganishi kerak. Hunar insonning o'ziga va o'zgalarga naf keltiradigan vositadir. Shu jixatdan, Farhod tog' qazib, elga suv keltirmoq hunarini yaxshi biladi. Uning ideal maksadi bunday:

*Hunarni asrabon netkumdur oxir*
*Olib tuproqqamu ketgumdur oxir?*

Demak, birinchidan, hunarni o'zlashtirish oson, lekin uni o'zi va o'zgalar manfaati uchun qo'llash mazmunga egadir; ikkinchidan, inson hunarini tuproqqa olib ketmasligi kerak. Bu o'rinda Navoiy muhim bir siyosiy xulosani beradi: hunar nafaqat shaxsning o'ziga, balki butun jamiyatga manfaat keltiradi. Mutafakkirning tavsiyasiga ko'ra, har bir kishi hayotlik vaqtida hunari yoki kasbi imkoniyatlaridan to'liq foydalanishi kerak. Bu birinchi masala. Ikkinchi masala shundaki, har bir shaxs o'z kasbiy tajribasi va hunari mahoratini avlodlarga uzatishi shart. Navoiy yoshlik davri eng ma'sum va kamolotga erishuvi davri va bu davrda u bilim, axloq va hunarni egallab, jamiyatda faoliyat ko'rsatishga tayyorlanishiga e'tibor qaratadi.[6]

Alisher Navoiyning siyosiy qarashlaridagi navbatdagi asosiy g'oyasi siyosiy faoliyatdir. Unga ko'ra, o'zini anglagan va o'ziga xos siyosiy qarashga ega bo'lgan inson layoqati doirasida hunar o'rganadi va shundan keyin jamiyatga xizmat qiladi. Misol uchun, mutafakkirning Farhod obrazi elga suv keltirsa, Majnun obrazi vafo bobida elga namuna bo'ladi. Bahrom el tuzadi va Iskandar ellarni ma'rifatga kirgizadi.

Zero, Navoiyning siyosiy qarashlarini o'rganish orqali milliy ta'lim-tarbiyani rivojlantirish, soglom turmush tarzini qaror toptirish, yoshlarda milliy iftixortuygusini shallantirishda dasturamal bo'lib xizmat qiladi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2021 yil 29 dekabr.
2. Alisher Navoiy. "Lison ut-tayr".-T.: G'.G'ulomov nomidagi NMB. 1991.
3. Alisher Navoiy. Xamsa.-T.: "Fan" 1960.
4. Alisher Navoiy. Mahbub ul-qulub.//Mukammal asarlar to'plami. XII tom.- T.: "Fan". 2001
5. Mallaev N. Alisher Navoiy va xalq og'zaki ijodi. – T.: "Fan". 1976.
6. O'tayev A.Navoiy dostonlarida komil inson talqini. Journal of Scientifik Progress. February.2021.

РЕЗЮМЕ

Yurtimizda Alisher Navoiyning 580 yillik yubileyi keng nishonlanmoqda. Ushbu maqolada mutafakkirnung pedagogik vasiyosiy qarashlariga oid fikr va mulohazalari haqida so'z boradi.

РЕЗЮМЕ

В нашей стране широко отмечается 580-летний юбилей Алишера Навои. В этой статье речь идёт о мнениях и размышлениях мыслителя о его педагогических и политических взглядах.

SUMMARY

The 580th anniversary of Alisher Navoi is widely celebrated in our country. This article discusses the views and opinions of the thinker on political education.

## INSONIYAT EVOLYUTSIYASIDA MUSIQA SAN'ATINING TUTGAN O'RNI

***Mahkamova Sh. R.***

*Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti*

*"Musiqa ta'limi va defektologiya"kafedrasi mudiri*

**Tayanch so'zlar:** estetik, arfa, dutor, doira, rubob, yovvoyi, musulmon Renessansi, emotsiya.

**Ключевые слова:** эстетика, арфа, дутар, круг, рубаб, дикий, мусульманский ренессанс, эмоция.

**Key words:** aesthetics, harp, dutar, circle, rubab, wild, Muslim renaissance, emotion.

Insonning ma'naviy shakllanishida oilaning, maktabning, jamiyatning ahamiyati katta. Chunki insonning insoniylik xususiyatlari jamiyatda tarkib topadi. Yosh avlodni kamolot sari yetaklashda tarbiyani ko'plab omillari qatori musiqa tarbiyasi alohida o'rin tutadi. Musiqa madaniy hayotimizda keng o'rin tutgan, inson shaxsiyatini rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadigan san'atturidir. Musiqa tarbiyasi nafosat tarbiyasining asosiy va murakkab qirralaridan biribo'lib, insonni atrofdagi go'zal narsalarni to'g'ri idrok etishga va qadrlashga o'rgatadi. Haqiqiy musiqa asarlari zamonning estetik-axloqiy va siyosiy g'oyalarini umumlashtiradi.Inson hayotini musiqa san'atisiz tasavvur qilib bo'lmaydi. San'at kishilarga faqatgina ma'naviy ozuqa beribgina qolmasdan, jismoniy kamolotga erishuvida ham muhim o'rin tutadi. Musiqa san'atining axloqiy-estetik tarbiyadagi rolini to'g'ri his etib, uning yosh avlodni tarbiyalashdagi ahamiyatini aslo unutmaslik zarur. Musiqiy go'zallikinsonning ma'naviy qiyofasi shakllanishida muhim omildir.

Bola musiqa bilan ona allasi orqali tanishib,musiqadan umrbod ozuqa oladi. Donishmand xalqimiz azal-azaldan kuy va qo'shiqni bola qalbiga tez yo'l topa olishi, uningruhiyatga ijobiy ta'sir ko'rsatishi, yaxshi xulq va odob, mehr oqibat, sabr-toqat, kattalarga hurmat fazilatlarini musiqa orqali tarkib topishini azaldan anglab yetgan. Oilada farzandni qo'shiq aytishga, soz chalishga o'rgatish ota-ona orzusi hisoblangan. Chunki bola hali yurishni, so'zlashni bilmay turib, musiqani eshitib, turli qo'l harakatlari bilan musiqaga munosabatini bildiradi. Shuning uchun qadimdan har bir oilada musiqa cholg'u asboblaridan dutor, doira, rubob saqlash urf-odat bo'lib qolgan. Musiqadan ozuqa olish uchun esa, inson sof qalb egasi, yuksak ma'naviyatli, go'zallikni his eta oladigan inson bolishi kerak. "Har qanday jamiyatning kelajagi yoshlar ekan, kelajagi

buyuk davlatni barpo etilishi, ularni qanday tarbiya olishiga bog'liq. Chunki ma'naviy jihatdan qudratli davlat, ijtimoiy jihatdan kuchli bo'ladi" !. debta'kidlaganlar Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov.

Musiqa go'zallikka intilish, estetik ehtiyoj tug'ma xislat emas. Uinsonda mehnat va atrof-tevarakdagi olamni ta'sirida paydo bo'lgan. Tashqi olamni o'zgartirish bilan insonning o'zi ham o'zgarib bordi, bunda faqat u jismoniy jihatdangina taraqqiy qilib qolmay, balki ma'naviy jihatdan ham taraqqiy etdi. Insonning ma'naviy qobiliyati va avvalo, estetik hissi asta-sekin taraqqiy etib, tarbiyalanib boradi.Musiqa san'ati hayotni bilish va inson tarbiyasining qudratli vositasidir. Ammo uning bilishva tarbiyalashdagi xizmat darajasi kishiga estetik, badiiy jihatdan ta'sir etish kuchiga bog'liqdir.Musiqa san'ati kishi faoliyatiningmuayyan bir turi bo'lib, uning vazifasi jamiyatga estetik xizmat ko'rsatishdir. Shu ma'noda uning o'rnini hech bir narsa bosa olmaydi. Musiqa ijtimoiy hayotning hamma sohalarida faol sur'atda o'rin oladi. Shunday qilib, voqelikka bo'lgan estetik munosabat bastakorlar tomonidan yaratilgan musiqa asarlarida ham, mehnatga, maishiy hayotga va odamlar munosabatiga olibkiriladigan badiiy asoslarda ham ifodalanadi.

Har bir san'at turi singari musiqa san'ati ham juda qadim zamonlarda, odamlar g'orlarda yashab, tosh qurollaridan foydalanib, hayvon terilarini yopinib yurgan o'tmish davrlarida paydo bo'lgan. Unda odamlaming ma'naviy dunyosi cheklangan, tili kambag'al, atrofdagi voqea - hodisalar haqidagi tasavvurlari juda noaniq edi. Lekin shungaqaramay musiqiy asarlarni, garchi u asarlar «yovvoyi» holatda bo'lsada, qadimgi odamlar yaratgan. San'atning deyarli hamma turlari minglab yillar ilgari vujudgakelgan. San'at qandaydir birgina yerdagina emas, balki bir yo'la birnecha qit'alarda, turli kengliklar, iqlim sharoitlarida paydo bo'ldi. Qoyalardagi judaqadimgi zamontasvirlari Afrikada ham, Ispaniyada ham, Onega ko'li qirg'oqlarida ham, Xitoyda ham topildi. Qadimgi Yunonistonda»musiqa bilan davolash ilmi» keng taraqqiy etgan. Masalan: matematik va faylasuf Pifagor musiqani kishi ruhiga vatanasiga har tomonlama davo bo'ladigan vosita sifatida tavsiya etgan.Aytishlaricha, Iskandar Zulqarnayn ham ko'p ishlami musiqa sadolari ostida bajargan.O'zbek xalqi yaratgan musiqiy merosning ildizlari juda uzoq asrlarga borib taqaladi. Ajdodlarimizning maftunkor tasviriy san'ati tufayli bizgacha yetib kelgan yodgorliklar o'zbek cholg'u musiqasi qadim zamonlardan boshlanganligini ko'rsatadi. Ko'xna Afrosiyobda olib borilgan qazilmalarda qo'lida surnay ushlagan haykalcha topilgan. Olimlar bu haykalchani eramizdan, ya'ni miloddan avval III-I asarlarda yaratilgan, deb tahmin qilmoqdalar. Ayritosh nomi bilan fanda mashhur bo'lgan nodir yodgorliklar, Sulton Uvays tog'ining janubiy tizmalari boshlanadigan tekislikdagi qadimiy To'proq qal'adan arfa chaluvchi ayol tasviri tushirilgan topilmalarolimlar fikricha, III-IV asrlarga mansub ekan. VIII-XII asarlarda Sharqshunoslik tarixida «Sharq yokimusulmon Renessansi» davri deb nom olgan davr Sharqda O'rtaasrlardagi barcha taraqqiyotlarning eng yuksak cho'qqisi hisoblanadi. Abu Yusuf Yoqub ibn Is'hoq al-Kindiy, Abu Nasr ibn Muhammad al- Forobiy, Abu Ali ibn Sino va boshqalar shu davrning ajoyib vakillari bo'lganlar.

Al-Forobiyning musiqaga bag'ishlangan «Kitob ul-musiqiy al-Kabr» («Musiqa haqida katta kitob») asarida yozilishicha, musiqa haqidagi fan amaliy va nazariy sohalardan iborat.

- Birinchisi musiqiy asboblar yordamida musiqiy asarlarni ijro etishga oid soha.
- Ikkinchisi esa ohanglaming kelib chiqishi va musiqiy asarlarni yaratilish qonunlarini o'rganadi.

Forobiyning tabiricha san'at, shu jumladan, musiqa ilohiyne'mat emas, balki inson ijodining mahsulidir. Uning vazifasi insongao'z intellektual va axloqiy sifatlarini takomillashtirishda foydali bo'lishidan iborat.

Musiqa haqidaAbu AliIbn Sino o'zining asarida yozgan. Bu «Kitob ash-shifo», («Shifo kitobi») nomli ko'p jildlik qomusiy asaming musiqa haqidagi bo'limidir. Ibn Sinoning ta'rificha, san'at, jumladan, musiqa fandir. Bundan san'atning «aql bilan idrok etish» yoki «buyumlaming bilish» mohiyati kelib chiqadi.Ibn Sino musiqaning tarbiyaviy mohiyatini alohida ta'kidlab o'tgan. Bunda san'at vositasi orqali estetik didni tarbiyalashga asosiy e'tibor qaratilgan. Buyuk olim ta'kidlaydiki, shaxsni har tomonlama kamol toptirish uchun ikki tomonlama-jismoniy barkamollik uchun jismoniy mashqlar, ma'naviy rivojlanishi uchun musiqa va boshqa san'at turlari orqali ta'sir o'tkazish lozim.

She'riyat mulkining sultoni Alisher Navoiynozik ta'b, yuksak zakovat egasi sifatida musiqani sevib tinglar, dil-dildan zavqlanardi. Shoir talantli san'atkorlarga hamisha g'amxo'rlik qildi, yoshlarningkamoloti uchun tinmay qayg'urdi. Insoning kamolotga yetishuvida asosiy rol o'ynovchi vositalardan biri - musiqa san'atidan bahramand bo'lish deb bildi.»Musiqani idrok etmagan shoir nim shoirdir», - deydi, A.Navoiy. Bu kalima shoir estetik qarashlarining mohiyatini yaqqol ko'rsatadi. O'zbek xalqi hayotidagi murakkab tarixiy sharoitlar madaniyat va turmushning feodal me'yorlari doirasidan tashqari chiqish imkoninibermagan. Asrlar davomida yig'ilgan oddiy va ma'naviy boyliklami bosqinchilar egallab olgan yoki yo'q qilib tashlashgan. Qilich va zo'rlik o'zbek xalqining ko'pgina madaniy boyiklarini yo'q qilib yubordi. Lekin shunga qaramasdan davrlar osha,tarixiydavrlar osha xalqning qimmatli madaniy merosi shu kunlarga yetib keldi.

Ongli mehnat jarayonida inson tafakkuri takomillashdi va taraqqiy etdi. His-tuyg'ularni, kayfiyat, ehtiroslarni ifodalashmusiqaningeng kuchli xususiyatiga aylandi. Kishininghis va kayfiyati o'z-o'zicha namoyon bo'lmaydi. Kishining his va kayfiyatlari manbai real hayotdir. Biz vaziyat ta'siriga ko'ra yo g'am chekamiz, yoki xursand bo'lamiz, g'azabimiz oshadi, yoki shodligimiz ichimizga sig'maydi, yoki ranju-alam chekamiz. Binobarin, agar musiqa bunday his-tuyg'ularni ifodalar ekan, demak, u voqelikni aks ettiradi. Ammo musiqa mazmunini muayyan bir hislarifodasidan iborat qilib qo'yish yaramaydi. Musiqa, shuningdek, fikrlarni o'zida mujassamlantirishga ham qobildir. Musiqiy merosni asrash tushunchasiningmohiyati shunchaki o'tmish g'oyalarini ko'r-ko'rona takrorlash va saqlash emas, balki uniongli dunyoqarash va insoniyat manfaatlari nuqtai nazaridan rivojlantirish, tanqidiy o'zlashtirishva ijodni qayta ko'rib chiqish zarurligini bildiradi. Kompozitorlarimizning xalq musiqa san'atini ijodiy o'rganishi natijasida o'zbek madaniyati xazinasiga bebaho dur bo'lib qo'shilgan san'at asarlari vujudga keldi. Go'zallikka tashnalik sezgan inson qalbidan, yurak to'ridan o'rin olgan qo'shiqlar kompozitorlar ijodini shakllanishida fundamental asos sanaladi.

Xulosaqilib, musiqa voqelikni alohida, faqat unga xos shaklda aks ettiradi, jamiyat va zamonning asosiy g'oyalarini, kishilar munosabatidagi eng muhim narsalarni ifodalaydi. Musiqa voqelikni falsafiy umumlashtirilgan asosda anglaydi. Harbir kompozitor ijodida u yashayotgan zamonning, davrning qandaydir xususiyati o'z ifodasini topadi. Musiqaning kishilarga ta'siri juda kuchlidir, chunki u kishilarhis-tuyg'ularini o'ziga maftun etadigan, yuksak emotsional san'atdir.Musiqa kishiga ilgari uncha ma'lum bo'lmagan ajoyib yuksak tuyg'ularni ochib beradi, u kishini o'zgartirib yuborishga, uning qalbini noziklashtirishga, ruhan boyitishga qodir. Musiqa inson ruhiyatiga kuchli ta'sir ko'rsatish imkoniyatiga ega bo'lib, uni nafosat olamiga olib kirish va axloqiy g'oyaviy tarbiyalashni muhim vositasidir. Musiqa insonni yuksak didbilan qurollantiradi va unga ma'naviy ozuqa beradi. Shuningdek, musiqa insonni go'zallikka yetaklovchi bir vosita bo'lib, uinsonning estetik va emotsional xususiyatlarini shakllantiradi. Shuning uchun ham musiqani inson tabiatidagi barcha yaxshi hislatlarning ifodasi deb bekorgaaytmaganlar. Musiqani sevgankishi ruhan boyiydi, qalbannoziklashadi, ma'naviyati yuksaladi.

Adabiyotlar:

1. I.A. Karimov «Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch», - T.»Ma'naviyat nashriyoti», 2008-yil
2. T.Ortiqov. Musiqa o'qitish metodikasi. O'quv qo'llanma. T.2010 y.
3. Mannonov S. O'zbek xalq musiqa madaniyati. Monografiya.
4. H.Nurmatov, N.Yo'ldosheva «O'zbek xalq musiqasi ijadiyoti» o'quv qo'llanma. - T .:«G'ofur G'ulom» nashriyoti, 2007 y.
5. Маҳкамова Ш. Р. (2020). Хазрат Навоийнинг мусиқий тафаккури. Science and Education, 1(Special Issue 4), 215-222.
6. G. Sharipova «Musiqa metodikasi». - T.« O'zbekiston faylasuflar» nashriyoti, 2012 y
7. Маҳкамова Ш. Р. (2020). Мусиқа илми ва ислом дини: талқин муаммоси. Academic researchin educational sciences, (3).
8. Асадуллаева М.А."Халқ таълими "Ёшларни маънавий тарбиялашда қўшиқчилик санъатининг тутган ўрни.2020-№3-сон.
9. Махкамова Ш. Р. Асадуллаева М. А. (2020). «Великий шёлковый путь»: взаимодействие культур запада и востока в контексте проблемы модернизации музыкального образования в Узбекистане. Science and Education, 1(Special Issue 4).
10. Халилова Махфуза "San'at – mojizadir"science and education scientific journal.special issue 4 169-176

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada insoniyat vujudga kelishi va uni rivojlanib taraqqiy topishida musiqaning o'rni va ahamiyati to'g'risida ma'lumotlar keltirilgan. Bayon etilgan ma'lumotlar o'z navbatida, Ibn Sino, Alisher Navoiy, Al-Farobiy kabi buyuk ajdodlarimizning musiqaga bildirgan fikrlari bilan boyitilgan.

РЕЗЮМЕ

В этой статье представлена информация о роли и значении музыки в становлении и развитии человечества. Представленная информация обогащена мнениями наших великих предков, таких как Ибн Сина, Алишер Навои, Аль-Фараби.

SUMMARY

This article provides an overview of the role and importance of music in the evolution and development of humankind. The information provided, in turn, is enriched with music by our great ancestors, such as Ibn Sina, Alisher Navoi, Al-Farabi.

# ОПЕРА ХОНАНДАЛИК САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН

***Юнусов О. Ғ.***

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси*

**Таняч сўзлар:** вокал санъати, сўзсиз, соло, vociferarril, phonasci, vocales, компетентлик, ўрганиш, куйловчи услуб, декламацион услуб, колоратур услуб, тушунчалар, таълим тизими, шакллантириш, итальян мактаби, германия-австрия мактаби, француз мактаби, россияда вокал санъати.

**Ключевые слова:** вокальное искусство, бессловесное, соло, вокифераррил, фонаши, вокал , компетенция, обучение, стиль пения, стиль декламации, стиль колорадо, концепции, система обучения, формирование, итальянская школа , немецко-австрийская школа, французская школа, вокальное искусство в России.

**Key words:** vocal art , wordless , solo, vociferarril, phonasci, vocales , competence, learning, Singing style, declamation style, colorado style , concepts, teaching system, formation, Italian school , german-austrian school, French school, vocal art in Russia.

Бизга етиб келган маълумотларга қараганда мусиқа ижрочилиги санъатининг энг қадимги турларидан бири бу хонандалик овози ёрдамида мусиқий асарларнинг ғоявий-бадиий образини етказиб бериш усули саналади яъни сўз билан, сўзсиз, соло (яккахон, бир овозли), ансамбл (1,2,3,4,5 овозли) ва хорда куйлаш орқали фойдаланади . Педагогик амалиётда одатда, куйлаш жараёни ижро жўрлиги билан амалга оширилади. Бироқ acapella (жўровозликсиз) куйлаш тури ҳам мавжуд булиб бугунги кунда хам қўлланилиб келмоқда.

Опера қўшиқчилиги жанри одатда театр томошаси, драматик ҳаракат билан боғлиқ бўлади. Камер қўшиқчилиги –жанри романслар, қўшиқлар, яккахон ёки вокал ансамбл томонидан чолғу жўрлигида ёки жўрлигисиз ижро қилинади.

Оперетта жанри эса эстрада жанрига мансуб, зеро ўзида катта ғоявий ва эмоционал юкламани жамлаган эмас балки инсонлар томонидан ҳордиқ чиқариш сифатида баҳоланиб келинган .

Вокал мусиқа санъатида оҳангнинг асосий уч тури фарқланади:

1. Куйловчи услуб –кантилена (итальянча canto – куйламоқ) кенг, оҳиста куйлаш. XIX аср операларининг катта қисми шу услубда яратилган. Масалан, Пуччинининг «Тоска», Вердининг «Аида» опералари.

2. Декламацион услуб – нутқ, речитатив интонациясига яқин. XIX ва айниқса XX асрда саҳна ва монологлар шу услубда ёзилган. Масалан, Берганинг «Воцек», Прокофьевнинг «Игрок» (Ўйинчи), Шостаковичнинг «Нос» (Бурун) каби асарлари.

3. Колоратур услуб. Бунда сўздан четлашиш, безакларнинг кўплиги (баъзан сўзни парчалаш), пассаж, оҳангнинг тез ҳаракати кузатилади. Колоратур услубда кўпроқ баланд, енгил, ҳаракатчанликка эга бўлган овозлар учун асарлар яратилади. Бироқ XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Италияда бу услубга берилиш

кучли бўлган. Бу техник усул овоз типидан қатъий назар барча хонандалар амалиётидан ўрин олган. Россини мусиқаси, айниқса унинг «Золушка»си бунга ёрқин мисол бўла олади. Асарда асосий партия меццо-сопрано учун ёзилган ва хатто бас партияси ҳам колоратур услубда махорат билан ёзилган.

Кўпинча турли характер ва образлар яратиш мақсадида бир асарда турли услуб оҳанглари аралаш қўлланади.Италиялик ажойиб хонанда Л.Вольти қўшиқчилик ҳақида ёзади: «Куйлаш – инсон табиатининг энг муҳим кўриниши, чунки у ҳис-туйғулар, эҳтирослар, инсоннинг анатомик ва маънавий структураси билан узвий боғлиқ  тасаввур, фикр ишининг ифодаси саналади. Артистик куйлаш, ҳоҳ камер, ҳолида бўлсин, техник билимлар, машқлар, метод ва усулни талаб этадики, бунга фақат таълим орқали эришиш мумкин. Санъатга хизмат қилиш ва овозни сақлаб қолиш учун шунчаки куйлашнинг ўзи етарли эмас, куйлашни билиш керак. Мактаб нима беради? Мактаб мусиқа чолғусини яратади, ҳиқилдоқ, нафас олиш тизими ва резонаторларни эстетика ва акустика қонунларига мос келадиган мусиқий товуш чиқара оладиган уйғун яхлитликка айлантиради. Акустик қонунлар учун эса турли мактабларнинг фарқи йўқ, чунки улар фақат товушнинг асл табиий жаранги билан иш кўради.  Мактаб камчилик ва номукаммалликни тўғрилайди, бўшлиқларни тўлдиради холос. Бироқ методлар ўзгаради, ҳар бир мактаб, ҳар бир ўқитувчи, афсуски, ўз шахсий методига эга».1 Мусиқа санъатини инсонларнинг рўхиятига хамда  вокал техникаси масалалари  ва муаммолари Гиппократ (эрамиздан аввалги  IV-V аср грек шифокори, антик тиббиёт асосчиси)  ҳамда Платон (эрамиздан аввалги. IV аср грек файласуфи, Сократнинг шогирди) асарларида ҳам ўрганилган.

Бундан 2500 йиллар олдин Гиппократ «овоз бошда, яъни чаноқ бўшлиқларида туғилади» деб ёзган, бу билан резонанс ва резонаторлар аҳамиятини таъкидлаган.

Куйлаш санъати ҳақидаги илк асарлардан, овозни қўйиш ва куйлаш техникасига оид кўрсатмалардан бизгача сақланиб қолганларидан бири араб Абу ал Ҳасан (Зироб) нинг рисоласидир. Рисола Испанияда VIII – IX асрларда чоп этилган. Ўрта асрларда (XIII аср) куйлаш хақида Джероламо Ди Моравианинг трактати машхур бўлган.

XVI, XVIIва  XVIII асрлар вокал-педагогик асарлар муаллифлари орасида таниқлилари Л.Цаккони, Дж.Каччини, П.Ф.Този, Дж.Манчини саналади.

Барча асрлар мобайнида одамнинг овоз аппарати ва унинг имкониятларини ўрганиш, ижро мактаблари, методлари, тамойилларини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борилди. Бироқ барча ишлар тавсифий характерга эга эди, уларнинг муаллифлари вокал техникаси ривожланиши, ижро тамойилларига батафсил тўхталмас эдилар.

1855 йилда испан педагоги М.Гарсиа томонидан ларингоскоп (дастакли ойна) ихтиро қилинганидан ва куйлашда нафас ҳаракатлари ўрганилгандан (XIX асрнинг 40-йиллари Диден ва Петрекен)  кейин методик кўрсатма ва ўқитиш метод-

лари илмий асосга эга бўла бошлади.

Профессионал вокал санъати антик дунёда ҳам маълум бўлган. VIII – IX аср Греция адабий ёдгорликлари: Гомер, Сапфо, Эсхил, софокл асарлари шундан далолат беради.

Европа вокал санъати асосан халқ ва культ қўшиқлари шаклида ривожланган.

Вокал санъатининг биринчи тарихий вакиллари – халқ хонандалари. Ўрта асрларда Ғарбий Европада булар: Англияда бардлар (X аср), Францияда трубадурлар (XI аср), Германияда минезингерлар (XII аср), Россияда скоромохлар (XI аср), Украинада, Польшада бандурачилар, кобзачилар (XV аср), Россияда гусличилар (XVI аср), Белоруссия, Молдова, Литва, Украинада лирниклар (XVII аср); Кавказда Арманистон, Озарбайжонда гусанлар (V аср), ашуглар (X аср); Ўрта Осиёда эса Қирғизистон ва Қозоғистонда оқинлар (XIX аср) бўлган.

Ҳалқ қўшиқчилари кўпинча уларнинг яратувчилари ҳам бўлган. Санъат авлоддан авлодга оғзаки анъаналар кўринишида ўтиб келган.

Насронийликнинг юзага келиши билан қўшиқ черков ибодатларига киритилди ва шу шаклда X-XII асрларгача бир овозли, кейин кўп овозли кўринишда дунё бўйлаб тарқалди.

Қадимги хонандалар ўзларининг ўртача овоз регистр жарангидан фойдаланилган ва сода мусиқий чолғу аккордлари жўрлигида айтиладиган содда бир овозли қўшиқларини ижро килиш учун махсус техник методларга муҳтож эмас эди. Улар акустик эффектлардан кўра кўпроқ ҳис-туйғуларни ифодалашга интиларди.

Одам овозининг юқори ва ўта юқори регистрлари, шу тариқа, энг янги даврнинг кашфиёти бўлди. Бунда овоз, сўз, ғоя аста-секинлик билан уйғунлашиб, бевосита тасаввур ҳосил қилиш учун мослаша борди.

Ҳонандалик мактаблари шунинг учун ҳам юзага келадики, улар одам овози, кўпинча ғайритабиий ва бош оғриқли бўлган турли тесситурали мусиқий асарларни ижро қилиш учун зарур бўлган икки октавани эгаллай олсин деган талаблар хам қўя бошланди .

Қадимги Римда ҳам қўшиқ куйлашган. Маълумки, у ерда V асрда папа Илларий даврида европада биринчи хонандалик мактаби очилган. У мактада уч тоифадаги хонандалик ўқитувчилари фаолият юритгани ҳақида маълумотлар бор уларга қуйидаги изохлар берилган .

1. vociferarril – овоз диапазонини кенгайтириш ва кучини ривожлантириш билан шуғулланадиган ўқитувчилар.

2. phonasci – овоз сифатини янада яхшилаш устида иш олиб борган (вокал резонанс) ўқитувчилар.

3. vocales – тўғри интонация ва бадиий оттенкаларга (қирраларга) (вокал эстетикасига) ўргатадиган ўқитувчилар.

VIII асрда Метц ва Суассонда дастлабки ўқитувчилар Буюк Карлга папа адриан биринчи томонидан юборилган Римлик хонандалар Петр ва роман бўлган махсус

черков –хонандалик мактаблари, Сен-Галь ва Тур черковларида (Швейцария), IX –X асрларда Дижон, Тула, Камбр, Шартр ва Неверда (Францияда) ҳам махсус черков –хонандалик мактаблари бўлгани маълум.

«Мактаб» хонандалигини «халқ» хонандалиги билан аралаштирмаслик керак. Улар икки турли оқим вакиллари бўлиб, кейинчалик бир-бирига катта таъсир ўтказган. Халқ дарагининг қуёшли ҳаёти монастир ва капеллалар литургик мусиқасига кириб кела бошлаган. Халқ хонандалиги мактаб хонандалигига парвознинг кутилмаганлиги, жаранг ёрқинлиги ва вариациялар қатъийлигини олиб кирди.

Дунёвий мусиқий маданият Уйғониш даврида ривожланди. Вокал ва вокал-чолғу масиқанинг янги, нисбатан мураккаб жанрлари юзага келди. Бу хонандалик санъати жадал ривожланишига ва ўсишига олиб келди.

Асл ва хақиқий мактаб вокал санъати тамомила шаклланиши операнинг тикланиши билан бошланди. 1599 йилда Флоренцияда Палацце Корсида Ринуччини либреттоси билан Якопо Перининг «Дафна»си намойиши билан операга, оратория ва маскарад аралашмасига, у билан бирга яхши овозларни қадрлашга асос солинди.

Ўқитувчилик билан композиторларнинг ўзлари, шунингдек таниқли хонандалар шуғулланишди, улар нафас олиш, овозни бериш, товуш кучини ривожлантириш техникасига ўргатиш ёрдамида ва қатъий ўйланган тизим асосида ўз шогирдларидан ҳақиқий «мусиқа асбобларини ясашга» уринишди.

Кейинроқ, 1600 йилда Флоренция ҳукмдорлари композиторнинг қизлари Франчески ва Сеттими Каччиниларнинг ғаройиб овозидан лол қолишди, улар Палаццо Питтида Мария Медичининг Франция қироли Генрих IV билан никоҳи шарафига Канчинининг «Эвридика» операсини ижро этишди.

XVII асрда Ғарбий Европа мамлакатларида миллий вокал мактаблари шакллана бошлади, уларнинг ҳар бири ўз ижро услуби, овоз юритиш сенарейси ва хонандалик овози характери билан ажралиб турарди.

Хонанда-композитор-педагоглар пайдо бўлди, айни пайтда хонандаларга маълум бадиий-ижрочилик талабларини қўйган миллий композиторлик мактаблари шаклланди. Хонандаликнинг миллий вокал манерасида муайян мамлакат ва минтақанинг ижро анъалари, тил, темперамент, характер хусусиятлари, интонацион, лад ва оҳанг компонентлари, уларнинг халқ мусиқасини ижро этганда ўз аксини топди.

Яккахон куйлашнинг итальян мактаби XVII аср бошидаёқ шаклланди, у бельканто (чиройли куйлаш) мукаммал техникаси ва ёрқин овозлари билан ажралиб турарди. Италия иқлими, итальян тилининг вокаллиги ва итальян оҳангларининг овоз учун қулайлиги овоз аппаратининг хонандалик имкониятларидан максимал фойдаланиш имконини берарди.

Итальян мактаби овознинг классик жаранг эталонини ишлаб чиқди, у бошқа

миллий вокал мактабларнинг шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатди. Ўша даврнинг етук мусиқачилари: Я.Пери, Дж.Каччини, К.Монтеверди, А.Скарлатти эди.

Опера санъати дастлаб сарой доираларининг имтиёзига айланганди, бироқ 1637 йилда Венецияда биринчи пулли театр очилди, у операни халқ учун эркин қилиб қўйди.

XVIII – XIX асрлар чорраҳасида итальянча куйлаш колоратураларнинг кўплиги билан тавсифланарди. Ижронинг колоратур услуби асосан хонанда-кастратлар ижрочилик санъати, «эркан сопранолар», фальцетистларнинг устунлиги билан боғлиқ. Улар черковлар, капеллалар, театрларда куйлаган, аёллар либосларини кийиб, аёллар партияларини ижро этишган. Аёллар омма олдидаги театр ҳаракатларида иштирок этмаган. Кастратларнинг ёрқин муваффақиятлари ҳақида нуфузли далолатлар (Казанова, Россини) сақланиб қолган. Энг яхши кастратларнинг овозлари тоза, енгил, чиройли, чексиз жаранг сочарди, хатто ажойиб аёл хонандалар Патти ва котоньяларнинг жаранги ҳам уларникига етмасди. Куйлаш учун бор дунёдан воз кечган кастратлар бошқа соҳалар овозлари каби жаранг сочарди, бироқ уларда ҳаёт ва аёллар сопраносининг илиқлиги йўқ эди, қолаверса кастрация натижаси бўлган физиологик нуқсонлар даҳшатли «қорамтирликка» олиб келардики, бу кўп ҳам эстетик жихатидан кўринмас эди.

Ариялардаги коденциялар, фиоритуралар, турли вокал-техник безакларни хонандалар ўз техник овоз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ярата бордилар. Хонандалик «вокал техникаси турнирларига» айлана борди, мусиқадан сўз ва фикр йўқола борди, уларнинг ўрнини тингловчида катта таассурорт қолдирадиган соф овоз гўзаллиги эгаллади. Поэзия декорацион куйлашда ғарқ бўлди .Машхур ўша даврнинг бастакори Россини «вокал ижро» усулидаги камчиликларига барҳам берди. У партияларга ижро учун мажбурий коденцияларни киритиб, уларни аниқ ижро қилишни талаб қила бошлади. XIX аср охирларига келиб табиий мувозанат тикланди: Дж.Россини, В.Беллини, Г.Доницетти, кейинроқ Дж.Вердининг опера ижоди итальян вокал мактабини овознинг кантилен жаранги ривожланиши, диапазоннинг кенгайиши ва унинг динамик қиммати ортишига олиб келди.

Вокал партиялари образлар тавсифномасига мос тарзда янада индивидуллаша борди. Кейинроқ: Дж.Пуччини, Р.Леонковалла, П.Масканьи, У.Джордано ижоди ариоз-декламациянинг кучайиши, куйлашнинг эмоционал кескинлашувига олиб келдики, замонавий итальян хонандалари санъати ҳам шулар билан тавсифланади.

Италиялик машҳур хонандалар: Дж.Паста, А.Каталани, А.Бозио, Дж.Рубини, А.Лаблаш, А.Патти, А.Мазини, М.Баттистини, Э.Карузо, Т.Руффо, А.галлик-Курчи, Дж.Лаури-Вольпи, Дж.Симионато, М.Дель Монако, Ф.корелли, Дж.Ди Стефано, Р.Скотто, М.Френи, Ф.Коссотто, П.Каппуччиллилар хаммалари шулар жумласидандир.Уша даврида Итальян бельканто мактабига Ж.Б.Люли бошлиқ этиб тайинланди.француз мактаби аъзолари бунга қарши чиқдилар. Бу мактаб-

нинг ўзига хослиги, илдизлари XVI аср француз классик трагедияси актёрлари ва шоирлари хиргойи декламациясига бориб тақаладиган, декламация услуби билан белгиланарди. Ушбу мактабда қўшиқчиликнинг миллий характери ҳам ўз ифодасини топган эди. Бу услуб орқали: Ж.Б.Люли, Рамо, К.В.Глюк, А.Гретри, кейинчалик Дж.Мейербер, Ш.Гуно, К.Сен-Сенс, Ж.Масне,Ж.Бизе ижоли таъсирида шаклланди ва ривожланди.

Мактабнинг йирик вакиллари: А.Нурри, Ж.Дюпре, Д.Арто, М.Малибран, П.Виардо, Ж.Девойо ва бошқалар эди.Бунинг охир оқибатида

Франция жамиятининг икки лагерга: хонандаликнинг итальян ва француз мактаби тарафдорларига бўлиниб кетгани эътиборга лоиқ ҳолатдир. Қирол, қиролича, бутун Сарой аҳлининг, Руссо ва Вольтернинг фикрлари инобатга олинмай қолди. Жамиятнинг бу каби «парчаланиши» тарихда «масхаралар уруши»деган номини олган.

XVIII – XIX асрлар Франция вокал мактабини Ромен Роллан ғаройиб актёрлик ўйини ва декламация мактаби сифатида таърифлайди. Париж консерваторияси «Мусиқа ва декламация» номини олгани ҳам тасодифий эмас.

Германия-Австрия мактаби итальян белькантоси ва француз мактабининг ҳаддан ортиқ «экспрессионизмини» бирлаштиришга интилди. Шу тариқа И.С.Бах, Г.Ф.Гендель ижоди юзага келди. В.А.Моцарт замонасининг барча асосий мактаблари ютуқларини синтезлади.

Немис композиторлари Л.Бетховен, К.М.Вебер, Ф.Шуберт, Ф.Мендельсон, Р.Шуман, И.Брамс, Х.Вольфнинг мусиқаси немис миллий қўшиқчилиги билан узвий боғлиқ, чинакам миллий, бу мусиқа ўша давр учун янги амплуа:камер хонандалик, камер хонанда амплуасига асос солди.

Немис мусиқасида Р.Вагнер ижоди алоҳида ажралиб туради. У куйлашнинг янги – кўтаринки декламация, тембр қуввати, овоз жаранги тўйинганлиги (кўпинча ҳаддан ортиқ, хатто киши овози учун зарарли), узун фразаларни ортиб борадиган жарангдорлик билан ижро қилиш услубини ҳаётга келтирди. Вагнерда вокалистлар овози оркестр жарангига бита чолғу асбоби сингари киришиб кетарди. Унинг опералари улкан полотнолар бўлиб, айримлари 5 кеча кетма-кет ижро этилган («Нибелунглар узуги», Рейн олтини») ва бошқалар .

Кейинги авлод немис ижрочиларининг услубига Р.Штраус, А.Шенберг, А.Берг, П.Хиндемит, К.Орф ва бошқаларнинг опера ижоди ўз таъсирини ўтказди.

Россияда вокал санъати XVIII аср охиригача фақат халқ ва черков қўшиқчилиги кўринишида мавжуд эди. Насронийликнинг жорий этилиши билан хонандаларни етиштириш монастирларда, кейинроқ черков мактабларида амалга оширилди. Тарихий маълумотларга кўра, хатто X-XI асрларда ҳам Россияда хонандалик маданияти шаклланган. Масалан, Киев князи Владимир Святославович даврида (978-1015 й.й.) профессионал Вокал мактаблари бўлган.

XI асрда князь Ярослав даврида тузилган «Степенная книга» (Даражалар

китоби) далолат берадики, Русия ерларида фариштолар янглиғ куйлаш, ғаройиб овоздорлик … ва энг гўзал куйлаш бошланган экан.

Россия мактаблари ва монастирларида хонандаликни ўқитиш анчагина юқори даражада бўлган. Черков қўшиқчилиги фавқулодда кенг тарқалган. Кўп сонли черков, монастирлар қошида хорлар бўлганлиги, хорларда давлат куйловчи дьяконларининг, патриархларнинг ва кейинчалик синодал куйловчилар ҳамда Сарой «капелиясининг» ўқитилиши хонандаларга мустаҳкам вокал кўникмаларини эгаллаш имконини берган.

Профессионал мусиқа ва вокал санъатининг яратилишида, ўз навбатида, рус халқ мусиқаси асосий ўрин тутган. Халқ ижрочилик санъати, черков қўшиқчилиги – буларнинг ҳаммаси ўзининг юксак вокал маданияти билан дунъёвий профессионал вокал санъати пайдо бўлишига замин яратиб берган.

Рус хонандалик мактабига асос солган эркак ва аёл хонандалар: Е.Уранова-Сандунова, Н.Семенова, А.Крутицкий, Н.Воробьев, П.Злов, В.Самойлов, Н.Лавров ва бошқалар артистик фаолияти шу даврга (XVIII аср) тўғри келади.

Рус «шаҳар романсининг» вокал санъати тарихидаги беқиёс ролини таъкидламаслик мумкин эмас. Машхур хонанда ва педагоглар А.Варламов ҳамда П.Булахов фаолиятини ҳам тилга олиш жоиз.

Рус операсининг мустақил мусиқий жанр сифатида тикланиши ижрочи ва вокал педагоги, «овозни концентрик ривожлантириш» ўзига хос мактабининг асосчиси М.Глинка номи билан боғлиқ.

М.Глинканинг шогирдлари: О.А.Петров, А.Я.Воробьева-Петрова, Д.М.Леонова, А.П.Лодий, С.С.Гулак-артемовский.

Кейинчалик рус вокал мактаби ва унинг ижрочилик тамойиллари ривожига А.С.Даргомижский, А.М.Серов, М.А.Балакирев, П.А.Кюи, Н.А.Римский-Корсаков, М.П.Мусоргский, П.И.Чайковскийларнинг ижоди ва педагогик фаолияти сезиларли таъсир кўрсатди.

Рус вокал мактабининг характерли қирралари – драматик ўйин маҳорати, мукаммал вокал техникаси, ижронинг соддалиги ва қўвноқлиги, вокал маҳоратини эмоционал бўёқдорликка эга бўлган жонли сўз билан бирлаштира олиш билан алохида эътиборга лойиқ жараён бўлиб келди ва вокал ижрочилик мактабини яратилишига катта асос солинди .

Адабиётлар:

1. Қаххоров Н.Б. «Вокал ижрочилиги» ўқув қўлланма Тошкент «Иқтисодиёт – молия» 2008 йил 28-36 бетлар.
2. Хамидов Х. «Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи» Т. Ўқитувчи 1966 йил 46-бет
3. Ёққуббекова М Ўзбек халқ қўшиқларнинг лингвистик талқини .Т: Фан 2004 йил 35-36 бетлар.
4. Морозов В .» Вокални слух и голос» Масква:2006 г. Ст 19-20
5. Дмитриев Л.Б. Основы вокальной методики 377бет. Ўша жойда. 388 бет
6. Гарсия. Шк. пения. М.1967. 44б.
7. Малоҳат Саиджабборовна Мухитдинова Science and Education 2020 педагогика олий мусиқа таълимида бакалаврларни тайёрлашда учраб турадиган муаммолар ва уларнинг ечиш йўллари 241-243 бетлар.

8.Махкамова Шохида Рахматуллаевна Science and Education 2020 Хазрат Навоийнинг мусиқий тафаккури 215-217 бетлар.

9.Қаюмов Жавоҳир Содиқхўжа ўғли Academic research in educational sciences scientific journal 2020 Мусиқа ўқитувчиси ва унинг касбий маҳорати 703-705 бет.

10. Асадуллаева Мастура Абдуваҳобовна Science and Education 2020 «Великий шёлковый путь»: взаимодействие культур запада и востока в контексте проблемы модернизации музыкального образования в Узбекистане 209-211 бетлар.

11.Фатхуллаева Муниса European research: innovation in science, education 2020 Музыкальное образование в Германии 73-74 бетлар

12. Одил Юнусов Science and Education 2020 Ўзбек миллий санъатини ўқувчи-ёшларнинг онгига сингдириш йўллари 304-306 бетлар.

РЕЗЮМЕ

Опера қўшиқчилиги жанри тарихи . Вокал мусиқа санъатида оҳангнинг асосий уч тури фарқлари хақида, куйлаш санъати ҳақидаги илк асарлардан, овозни қўйиш ва куйлаш техникасига оид кўрсатмалардан бизгача сақланиб қолганлари хақида. Европа вокал санъати асосан халқ ва культ қўшиқлари шаклида ривожланган.Вокал санъатининг биринчи тарихий вакиллари – халқ хонандалари. Яккахон куйлашнинг итальян мактаби XVII аср бошларида шаклланиши, Германия-Австрия мактаби, Француз мактаби, Россияда вокал санъати XVIII аср охиригача фақат халқ ва черков қўшиқчилиги кўринишида мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотларга эга буладилар.

РЕЗЮМЕ

История жанра оперного пения. О различиях между тремя основными типами мелодии в искусстве вокальной музыки, о том, как сохранились первые работы по искусству настройки, инструкции по технике настройки и настройке . Европейское вокальное искусство развивалось преимущественно в форме народных и культовых песен.Первые исторические представители вокального искусства были народными певцами. Итальянская школа сольной музыки сформировалась в начале 17 века, немецко-австрийская школа, французская школа, а вокальное искусство в России до конца 18 века в форме народного и церковного пения.

SUMMARY

The history of the genre of opera singing. About the differences between the three main types of melody in the art of vocal music, about how the first works on the art of tuning, instructions on the technique of tuning and tuning have survived. European vocal art developed mainly in the form of folk and cult songs. The first historical representatives of vocal art were folk singers. The Italian school of solo music was formed in the early 17th century, the German-Austrian school, the French school, and vocal art in Russia until the end of the 18th century in the form of folk and church singing.

# ФОРМИРОВАНИЕ НЕКОТОРЫХ КЛЮЧЕВЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ НА УРОКАХ ИСТОРИИ

***Равшанов Ж.Ф.***
*СоискательЧирчикского государственного*
*педагогического института Ташкентской области*

**Таянч сўзлар:** компетенция, компетентлик, ўрганиш, тушунчалар, таълим тизими, методика, шакллантириш, тарих дарслари.

**Ключевые слова:** компетенция, компетентность, обучение, понятия, система образование, методика, формирование, уроки истории.

**Keywords:** competence, competence, training, concepts, education system, methodology, formation, history lessons.

Как мы знаем формы обучения не являются чем-то неизменным. Помимо развития образовательных учреждений, изменения задачи содержания обучения меняются и формы организации обучения. В данное время мы имеем дело с единой педагогической практикой, напротив, настоящий этап развития образования характеризуется существенным обновлением содержания и методик обучения, стандартизацией образования. Значительно возрастает доля творческого труда в профессиональной деятельности и увеличивается число преподавателей, вовлеченных в конструирование учебного материала и учебного процесса.

В Положение «Об утверждении государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального, профессионального образования», утвержденное Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 6 апреля 2017 года отмечено этапы изучения истории в общеобразовательных средних и средних специальных, профессиональных учебных заведениях,цели и задачи преподавания предмета, квалификационные требования к выпускникам общего среднего и среднего специального, профессионального образования. В этой Положении указывается в качестве основной цели преподавания истории в общеобразовательных и средних специальных, профессиональных учебных заведенияхсформировать у студентов историческое сознание и историческое мышление, привить студентам чувство уважения к истории и современности народов мира и наших многонациональных народов, национальных и общечеловеческих ценностей, объяснить студентам, что история нашей государственности является неотъемлемой частью мировой цивилизации.Также определяется компетенция умение работать с историческими источниками и литературой, чтобы иметь возможность объяснить содержание исторических топонимических терминов, которые важны для описания исторических реалий с самых ранних времен до наших дней.Данное время образования предусматривает переход на образовательные стандарты нового поколения. Основой новых образовательных стандартов является компетентностный подход.

Понятия – «компетентностный подход» и «ключевые компетентности» получали распространение недавно в связи с дискуссиями о проблемах и путях модернизации народного образования. Обращение к этим понятиям связано со стремлением определить нужные изменения в образовании. Компетентностный подход - это совокупность общих и признанных принципов определения целей образования, отбора содержания образования, организации образовательного процесса и оценки образовательных итоговых результатов. К числу таких принципов относятся следующие положения:

– смысл образования заключается в развитии у обучаемых способности самостоятельно решать проблемы в разных сферах и видах деятельности на основе использования социального опыта, элементом которого является и собственный опыт учащихся.
– содержание образования представляет дидактически адаптированный социальный опыт решения познавательных, мировоззренческих, нравственных и иных проблем.
– смысл организации образовательного процесса заключается в создании условий для формирования у учеников опыта самостоятельного решения познавательных, коммуникативных, организационных, нравственных проблем, составляющих содержание образования.
– оценка образовательных результатов основывается на анализе уровней образованности, достигнутых обучающимися на определённом этапе обучения.

Усовершенствование образованияосуществлялась всегда. Важное изменение в обществе, влияющее на ситуацию в сфере образования это ускорение темпов развития общества. В результате образовательное учреждения должна готовить своих учеников к жизни, о которой сама школа мало что знает.

Понятие «хороший сотрудник»включает качества хорошего специалиста, который имеет определённой специальной, профессиональной подготовленности. Но хороший сотрудник - человек, который может работать в команде, может принимать самостоятельные решения, инициативный, способный к инновациям, мыслящий креативно.

Другое изменение в обществе, которое тоже существенно влияет на характер социальных требований к системе образования заключается в развитии процессов информатизации. Одно из следствий развития этих процессов это создание условий для неограниченного доступа к информации. А также в условиях неограниченного доступа к информации в выигрыше будут те которые способны оперативно находить нужную информацию и использовать её для решения своих проблем.

Компетентностный подход к определению целей образования даёт возможность согласовать ожидания учителей и обучаемых. Определение целей образо-

вания с позиций компетентностного подхода означает описание возможностей, которые могут приобрести школьники в результате образовательной деятельности.

Учитель истории должен подготовить учащихся к необходимости владеть большим объемом исторической материалом, знать понятийный аппарат, уметь критически анализировать исторические документы, сформулировать свое суждение о важнейших исторических событиях, знать историографию вопроса.

В содержание обучения включаются только те знания, которые необходимы для формирования компетенций. В то же время ученики должны при необходимости уметь быстро и безошибочно воспользоваться этими источниками информации для разрешения тех или иных проблем.

Сначало следует найти ответ на вопрос: что даст введение компетентностного подхода в систему образования, в чем состоят «плюсы» и «минусы» его внедрения? Несомненным плюсом является то, что внедрение компетентностного подхода в систему образования позволит в значительной мере реализовать личностно-ориентированный, деятельностный и практико-ориентированный подходы в образовательном процессе, поскольку выделение компетенций в содержании учебных программ определяет ориентиры в отборе тех знаний и умений, которые наиболее значимы для формирования ценностных ориентации, будут востребованы в жизни самого ученика. В этом процессе внедрение компетентностного подхода можно рассматривать и как важный инструмент разгрузки содержания, отбора соответствующих знаний и умений.

Ключевые компетенции формируются в опыте собственной деятельности, поэтому образовательная среда должна выстраиваться таким образом, чтобы ученик оказывался в ситуациях, способствующих их становлению. Самым удачным средством, помощником в данном процессеявляется исследовательский метод обучения. То есть при подготовке любого проекта ученику необходимо научиться принимать решения, ставить цель и определять направление своих действий и поступков (ценностно-смысловая компетенция); работать в команде, принимать и понимать точку зрения другого ученика (общекультурная компетенция); самостоятельно находить информацию, необходимый для работы, составлять план, оценивать и анализировать, делать выводы и учиться на собственных ошибках и ошибках товарищей (учебно-познавательная компетенция);кроме этого, ученику приходится осваивать современные средства информации и информационные технологии (информационная компетенция); учиться представлять себя и свою работу, отстаивать личную точку зрения, вести дискуссию, убеждать, задавать вопросы (коммуникативная компетенция); ученик, выполняя работу над собственным проектом, учится быть личностью, осознавая необходимость и значимость труда, который он выполняет (социально-трудовая компетенция, и компетенция личностного самосовершенствования).

Литература:

1. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об утверждении государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального, профессионального образования»от 6 апреля 2017 года.

2. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: Педагогика, 1989

3. Вагин А. Методика преподавания истории в средней школе.- М.: Просвещение, 1968

4. Usarov, J. (2019). Using Teaching Methods for Development Student Competencies. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 15(1), 272-274.

5. Usarov, J. E. (2017). Formation Competence at Pupils as the Factor of Increase of Education's Efficiency. Theoretical & Applied Science, 53(9), 79-82.

6. Э.Стоунс. Психо-педагогика. Психологическая теория и практика обучения. М.: Педагогика, 1984.

7. Вяземский, Е. Е., Стрелова, О. Ю. Теория и методика преподавания истории. / Е. Е. Вяземский, О. Ю. Стрелова – М. : ВЛАДОС, 2003.

8. Студеникин, М. Т. Методика преподавания истории в школе: уче6. для студ. высш. уче6. заведений. М.: ВЛАДОС, 2000.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада тарих фанини ўқитиш жараёнида компетентлик, асосий компетенцияларнинг аҳамияти, тарихни ўқитиш жараёнида компетенцияларни шакллантириш усуллари ва воситаларини ёритишга харакат қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются вопросы компетентности, значение ключевых компетенций, изучения и систематизации методов, способов и средств формирования общих компетенций в процессе преподавания истории.

SUMMARY

This article examines the issues of competence, the importance of key competencies, the study and systematization of methods, methods and means of forming general competencies in the process of teaching history.

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық илим-изертлеў институтының Ж. Орынбаев атындағы Қарақалпақстан филиалы

# «МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ» № 2/1

Нөкис — 2021


Басып шығыўға жуўапкер:

*А. Тилегенов*

Баспаға таярлаған:

*А. Тилегенов, Н. Абдукаримов*

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 12.04.2021. Форматы 60x84 $^{1}/_{16}$
«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.
Шәртли б.т. Нашр. т. Нусқасы 2000. Буйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51